

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси**

**Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати
(ўқув қўлланма)**



**«Akademiya» нашриёти
Тошкент 2007**

Муаллифлар

Х.П.Абулқосимов (Кириш, 1,7,8-боблар), Р.Р.Ҳасанов (2-боб), Р.Т.Шомуродов (3,6-боблар), Т.Т.Жўраев (7,9-боблар), А.А.Набиҳўжаев (4-боб), О.Файбуллаев (5-боб), А.Азизов (8-боб).

Тақризчилар

и.ф.д. проф. Н.Х.Ҳайдаров, и.ф.д., проф. Т.Т.Жумакулов

Таҳрир ҳайъати

Назаров Қ.Н., Иргашев Ф.Р., Холбеков А., Пахрутдинов Ш.И., Абулқосимов Х.П., Аҳмедов О.М., Раҳимова Д.Н., Умарова Н.Т., Умаров Б.З., Ҳасанов Р.Р., Ганиев Ш.Б.

Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати (ўқув қўлланма).

(Х.П.Абулқосимовнинг илмий таҳрири остида), Тошкент, Akademiya, 2007 й.

Ушбу ўқув қўлланма давлат макроиқтисодий сиёсатининг ўта долзарб назарий ва амалий масалларини ўзида акс эттирган ва давлат тилида ёзилган илк қўлланмалардан бири ҳисобланади. Унда хорижий давлатлар ва мамлакатимиз тажрибаси асосида давлат бошқарув органларининг макроиқтисодий жараёнларни тартибга солишга йўналтирилган сиёсатни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва долзарб муаммоларни ҳал этишга оид чора-тадбирлари, воситалари ва усулларини ўрганишга доир муҳим мавзулар ўз ифодасини топган.

Мазкур ўқув қўлланма раҳбар ходимлар фаолиятида давлатимиз макроиқтисодий сиёсатининг устувор мақсад ва вазифалари ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини ўрганиш асосида бошқарувга оид муҳим қарорларни қабул қилиш қўникмаларини шакллантиришга мўлжалланган.

Ўқув қўлланма банк, молия, солиқ ва божхона тизимида фаолият юритаётган раҳбар ходим ва мутахассислар, иқтисодий йўналишдаги олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари, докторант ва аспирантлари, магистрантлари, талабалари ҳамда иқтисодий соҳасини ўрганаётган кенг китобхонларга мўлжалланган.

© «Akademiya» нашриёти, Тошкент 2007 й.

КИРИШ

Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати масалаларига бағишланган мазкур ўқув қўлланма бозор иқтисодиёти асосларидан етарлича билимга эга бўлган мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган. Ушбу ўқув қўлланманинг асосий мақсади – макроиқтисодий муаммолар бўйича мутахассисларнинг билимини мустаҳкамлаш ва макроиқтисодиётни бoшқариш, давлат томонидан тартибга солиш бўйича жаҳон тажрибасини ўзлаштиришдан иборат. Қўлланмадаги мавзуларни ўзлаштириш натижасида бозор иқтисодиёти шароитида макроиқтисодиёт миқёсида вужудга келадиган жараёнларни чуқур ўрганган ҳолда, давлатнинг макроиқтисодий сиёсатини амалга ошириш бўйича тўғри амалий қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш назарда тутилади.

Ўқув қўлланманинг ўрганадиган объектлари миллий иқтисодиёт даражасидаги иқтисодий жараёнлар ва давлатнинг иқтисодий сиёсати ҳисобланади. Ушбу қўлланмада макроиқтисодиётнинг асосий тушунчалари, умумиқтисодий мувозанат, иқтисодий ўсиш ва унга таъсир этувчи омиллар, давлатнинг монетар ва фискал сиёсати, макроиқтисодий барқарорлаштиришга эришиш муаммоларини ўрганишга алоҳида эътибор берилади.

Қўлланма айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун китобхонларнинг бу борадаги барча фикр-мулоҳазалари ва таклифлари муаллифлар томонидан миннатдорчилик билан қабул қилинади.

Ушбу ўқув қўлланма тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шoҳқўчаси, 45-уй, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси.

1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бозор ва давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш механизмлари

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни тартибга солиш борасида давлат муҳим вазифаларни бажаради. Давлат иқтисодиётга фаол аралашиб бозор механизмнинг амал қилишига кўмаклашади, рақобатчилик муҳитини яратиб, аҳолини бозорнинг салбий оқибатларидан ҳимоялаш чора-тадбирларини кўради. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишдан кўзланган асосий мақсад бозор муносабатларини муайян ва маълум йўналишлар асосида ривожлантириб, иқтисодий танглик ва бўҳронларнинг олдини олиш ҳамда аҳоли турмуш даражаси пасайишига йўл қўймасликдан иборатдир.

Бозор муносабатлари эндигина шакллантирилаётган, собиқ кўмондонлик иқтисодий тизимидан халос бўла бошлаган Ўзбекистон Республикасида давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида иқтисодий ислохотлар муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда.

Ушбу иқтисодий ўзгартиришларда давлат муҳим вазифаларни бажариб, иқтисодиётни тартибга солиш тамойилларини таркиб топтирмоқда. Шу боисдан ҳам Юртбошимиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов: “Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва мустақил давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак”¹, деб таъкидлаган эдилар.

Ҳар қандай жамият “нима ишлаб чиқарилади?”, “қандай ишлаб чиқарилади?”, “ким фойдаланади?” деган саволларга жавоб топиши лозим. Ушбу саволларга қандай жавоб топишига қараб турли иқтисодиёт типлари бир-биридан фарқланади, уларни тартибга солиш, бошқариш механизмлари ҳам турлича бўлади. Масалан, анъанавий иқтисодиёт шу саволларга халқнинг анъаналари ва одатлари асоси-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. —Т., “Ўзбекистон”, 1995.- 10-11-бетлар.

да жавоб беради. Шунга кўра, у тартибсиз, ўзибўларчиликка асосланган иқтисодиёт эди. Қўмондонлик иқтисодиёти деб аталадиган иқтисодиёт, асосан, давлат маъмурий буйруқбозлик бошқаруви тизими орқали “нима?”, “қандай?”, “ким?” деган саволларга жавоб излайди.

Бу иқтисодиёт бир марказда туриб, режали тартибга солинади ва бошқарилади. Аммо иқтисодиётни бундай тартибга солишга уришиш иқтисодий фаолият ва муносабатлар субъектларининг эркинликларини, меҳнат фаоллигини оширишга, уларнинг янгиликка интилишга мойиллигини бўғиб қўйди. Оқибатда иқтисодиёт юқори даражадаги иқтисодий ўсишга, кутилган самарага эриша олмайди.

Бозор иқтисодиётида “нима?”, “қандай?”, “ким?” деган саволларга баҳо, нархлар орқали жавоб топилади. Баҳо, нархлар иқтисодиётни тартибга солиш бозор механизмининг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Бунда баҳо бозор посангиси, регулятори бўлиб, икки асосий вазифани бажаради: биринчидан, ресурслар, товар ва хизматлар **истеъмолчини чеклаш; иккинчидан, ишлаб чиқариш учун** сабаб бўлиш вазифасини бажариш.

Бозор мувозанати микро ва макро иқтисодиёт даражаларида вужудга келади. Микроиқтисодиёт даражасида мувозанатлашув индивидуал талаб ва таклифларнинг ўзаро таъсири оқибатида уларнинг бир-бирларига мос келиши орқали вужудга келади. Макроиқтисодиёт даражасида жами талаб ва таклифларнинг бир-бирига мослашуви, мувофиқ келиши орқали бозор мувозанати қарор топади. Бу ҳолда ижтимоий ишлаб чиқариш бозор орқали ижтимоий истеъмол билан уйғунлашади, оқибатда иқтисодий ўсиш юз беради.

Бозор мувозанати вужудга келган муддатда ижтимоий ишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳалари ўртасида ҳам мувофиқлик, мувозанат юз беради. Шу боисдан турли тармоқлардаги фойда меъёрлари тенглашиб, ўртача фойда меъёри ва ишлаб чиқариш баҳоси қарор топади. Бозордаги ишлаб чиқарувчилар ўзларининг тенг миқдордаги тадбиркорлик сармояларига тенг миқдорда фойда ола бошлайдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, макроиқтисодиёт даражада мувозанат ниҳоятда қийинчиликлар, тармоқлараро рақобатлар натижасида тадбиркорлик сармояларининг фойдасиз тармоқлардан мутасил равишда фойдаланиш тармоқларга оқиб ўтиб туриши оқибатида тасодифий тарзда маълум қисқа муддатга қарор топади. Чунки бозор посангиси, регулятори микроиқтисодиётни тартибга солишда яхши натижа бергани билан макроиқтисодиёт даражасида барқарор мувозанатни вужудга келтира олмайди.

Бозор мувозанатининг вужудга келиб, беқарорликнинг муттасил такрорланиб туриши бозор регуляторининг, унинг иқтисодий-тартибга солишнинг объектив механизмини барқарор мувозанатини сақлашга қодир эмаслигидан далолат беради. Шунинг учун бозор мувозанатини таъминлаш, уни сақлаш учун иқтисодий тартибга солишнинг объектив бозор механизмидан ташқари, унга кўмаклашувчи давлат механизмига зарурат туғилади.

Давлат иқтисодий тартибланишнинг бозор механизми тўлиқ бажара олмаган вазифаларни ўз зиммасига олади. Иқтисодий давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсади иқтисодий мувозанатга эришиш асосида тушқунлик ва тангликнинг олдини олиш: ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлаш, миллий иқтисодий раванга учун имкониятлар яратиш, шунингдек, аҳоли турли табақалари ўртасида ижтимоий мувозанатга эришишдан иборатдир.

Иқтисодий давлат томонидан тартибга солишда бозор механизмнинг самарали ишлаши учун шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун давлат рақобатни рағбатлантириш орқали бозор тизимини сақлашни ўз зиммасига олади. Чунки эркин тадбиркорлик тизими ва уни бошқарувчи талаб ва таклиф қонуларининг амал қилиши рақобатта боғлиқ бўлади. Рақобатчилик муҳитини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг давлат механизми қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий субъектларнинг фаолият юритиш қоидаларини белгилашдан;
- аҳолини бозор шароитлари, иқтисодий ҳолати тўғрисидаги ахборотлардан хабардор қилишдан;
- иқтисодий субъектлари ўртасидаги мунозара, баҳс зиддиятларни ҳал қилишда кўмаклашиш чора-тадбирларидир.

Бозор механизми фақат хусусий тадбиркорлар учун фойда келишини таъминлайдиган товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Аммо жамият тараққиёти учун зарур бўлган, аҳолининг кўпчилиги фойдаланадиган ижтимоий товарлар ва хизматлар хусусий тадбиркорлик доирасида ишлаб чиқарилиши мумкин эмас. Бундай ижтимоий товарлар ва хизматларга: мактаблар, йўллар, ёнғиндан ҳимоялаш, миллий мудофаа ва ҳоказолар киради. Бинобарин, уларни ишлаб чиқаришни ва улардан фойдаланишни давлатнинг ўзи ташкил қилиши, тартибга солиши зарур бўлади.

Давлатнинг иқтисодий тартибга солиш механизмида жамиятда сиёсий, ижтимоий барқарорликни таъминлаш мақсадида аҳоли-

нинг иқтисодий жиҳатдан ночор яшаётган гуруҳларини ижтимоий ҳимоялаш муҳим ўрин тутади. Аҳолининг ёрдамга муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоялаш жамият учун халқ хўжалиги тармоқларини, шу жумладан, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш мақсадида даромадлар давлат томонидан қайта тақсимланади. Даромадларнинг қайта тақсимланиши тизимида давлат муҳим ўрни тутади. Давлат томонидан даромадларнинг қайта тақсимланиши иқтисодиётни тартибга солиш механизмининг муҳим унсури ҳисобланади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизмида макроиқтисодий барқарорлаштириш чора-тадбирлари ҳам муҳим ўрин тутади. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ишбилармонлик фаоллиги ўзгариб туради, иқтисодий ўсиш унинг пасайиши билан алмашилиб туради. Унинг оқибатида фирмаларнинг синиши ва ишсизларнинг кўпайиши ортади, аҳоли турмуш даражаси пасаяди, улар кўп қийинчиликларни бошдан кечирадilar. Давлатнинг иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш механизми ёрдамида иқтисодий ўсиш циклидан тангликка, пасайишга ўтишдаги салбий оқибатларни чеклаш, шунингдек, тангликдан иқтисодий ўсиш сари ўтиш имкониятларини вужудга келтириш амалга оширилади.

Юқорида айтилган фикрлардан иқтисодиётни тартиблашнинг давлат механизми объектив бозор механизмига қўмаклашишга қаратилган ижтимоий такрор ишлаб чиқаришга таъсир қилувчи чора-тадбирлар ва воситалар мажмуидир, деган хулоса келиб чиқади.

Бундай иқтисодиётни тартибга солишнинг давлат механизмини моҳияти, воситаларини таҳлил қилиш, унинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини очиб бериш учун давлатнинг турли иқтисодий тизимлардаги ролини ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

1.2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари

Иқтисодиёт фанида кейнсчилик янги оқим сифатида 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирозидан сўнг бевосита юзага келди. Инглиз иқтисодчиси Жон Мейнард Кейнс ушбу иқтисодий мактабнинг асосчиси эди. У ўз назариясини 1936 йилда нашрдан чиққан “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” асарида баён қилиб берди. Бу ерда шунини айтиб ўтиш жоизки, иқтисодиётчилар орасида Кейнс иқтисодиётта давлат аралашуви заруриятини далиллар асосида исботлаган дастлабки иқтисодчи эмас эди. Иқтисо-

дий сиёсатнинг асосларини ишлаб чиққан биринчи иқтисодчи Давид Рикардо бўлди. У кийматнинг меҳнат назарияси объектив иқтисодий қонуни негизида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи капиталнинг жамғарилишида иқтисодиётнинг ўз-ўзидан ҳаракатга келиш манбаини кўрди ва капитал жамғарилишига олиб келмайдиган даромадларнинг барча турларини қоралади.

Кейнснинг ўтмишдошлари бўлмиш А.Пигу ва К.Викселл ҳам иқтисодни давлат томонидан бошқариш зарурлигини асослаб бердилар. Ушбу назариянинг асосчиларидан бири Г.Хаберлер ўзининг “Равнақ ва турғунлик” китобида даврийлик назариясини таҳлил қилиб берди, инқирозни капиталнинг ҳаддан ташқари жамғарилиши билан ёки етарлича истеъмол қилинмаслик билан изоҳлади ва даврийлик тебранишлари амплитудасини камайтириш мақсадида бу икки кулфатдан қандай қутулиш мумкинлиги тўғрисидаги фикрини баён қилиб берди. Ж.М.Кларк томонидан мультипликатор ва акселератор механизми ишлашининг тадқиқ қилиниши ҳам иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш назариясини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди. Унинг тадқиқотлари Кейнс тадқиқотлари билан бир вақтда ўтказилган эди.

Аммо Кейнс назарияси унинг ўтмишдошлари ва замондошлари назарияларидан шу билан фарқ қиладики, у ишсизлик ва ортиқча ишлаб чиқариш инқирозлари тасодифий, ўз-ўзидан юзага келадиган ҳодисалар эмас, балки капиталистик бозор механизми ҳаракати туғдирадиган ҳодисалар эканлигини исботлагани ҳолда, биринчи марта иқтисодиётни давлат ҳокимияти томонидан доимий, мунтазам равишда тартибга солиб туриш зарурлигини эълон қилди. Кейнс назариясининг асосий хусусияти шундан иборатки, у иқтисодчилардан биринчи бўлиб макроиқтисодиётни давлат томонидан тартиблаши фойдасига асосий далилларни баён қилиб берди, бунда у ўзигача ҳукмрон бўлган тартибга солишнинг микроиқтисодий ёндашувини рад этди.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартиблашнинг кейнсча назарияси уч асосий ҳолатни ўз ичига олади: биринчидан, ўз-ўзидан ҳаракатга келадиган бозор механизмига баҳо берилади; иккинчидан, иқтисодиётнинг бошбошдоқлик асосида ривожланиши жараёнида пайдо бўладиган қийинчилик ва зиддиятларнинг сабаблари талқин қилинади; учинчидан, камчиликларни бартараф қилиш мақсадида иқтисодиётни тартибга солиш тадбирлари тизими белгиланади.

Кейнс мультипликатив эффектни таҳлил қилиш асосида етарлича истеъмол қилмаслик назариясини олға сурди. Унга мувофиқ,

кишиларнинг ўз истеъмолини орттиришга бўлган мойиллиги уларнинг даромадлари ўсишидан орқада қолади. Бу ҳол кишилардаги катта миқдорда жамғармалар ҳосил қилишга бўлган мойиллик билан боғлиқ.

Кейнс умумий талабни ошириш ва инқирозларни бартараф қилиш учун етарлича бўлмаган истеъмол талаб-сармояларини орттириш ҳисобига тўлдиришни таклиф қилди, бунда сармоялар давлат томонидан рағбатлантирилиш лозим, албатта.

Инқирозларни бартараф қилиш мақсадида у “самарали талаб”-ни шакллантиришни, яъни капитал маблағларни ва истеъмолни энг кўп даражада рағбатлантиришни таклиф қилди. Унинг фикрига кўра, сармоялар орттириш бандликнинг ўсишига ва даромаднинг ортишига олиб келади. Даромад ортиши жамғармалар шаклида эмас, балки инвестиция сифатида сарфланиши учун буюк иктисодчи олим қарз фоизи меъёрини пасайтиришни таклиф қилди. У давлат аралашувини “самарали талаб”га ва демак, тўла бандликка эришиш воситаси, деб билди. “Давлат,- деб ёзган эди Ж.Кейнс,- истеъмолга бўлган мойилликка нисбатан ўзининг раҳбарлик таъсирини қисман мос тизим йўли билан, қисман фоиз меъёрини белгилаш билан ва қисман, эҳтимол, яна бошқа усуллар билан рўёбга чиқариш лозим бўлади”².

У паст фоиз меъёри асосида юқори фойда олишни таъминлайди, тадбиркорларда оптимистик кайфиятни кучайтиради, уларнинг сармоя солишга бўлган мойиллигини қўллаб-қувватлайди ва юксалиш ҳолатини ушлаб туради, деб ҳисоблайди.

Кейнс давлат бюджети орқали бюджет камомади пайдо бўлишидан қўрқмаган ҳолда катта харажатлар қилиш таклифи билан чиқди, бунда бюджет камомади қоғоз пулларни қўшимча муомалага чиқариш йўли билан қопланиши керак. Давлат капитал маблағлари фоиз меъёрини пасайтириши, юксалиш ҳолатини узайтириши ва инқирознинг олдини олиши лозим.

Замонавий кейнсчилар солиқлар, давлат харажатлари, бюджет камомади, давлат қарзи давлат йўли билан бошқаришнинг асосий воситалари, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг тасдиқлашларича, саноат юксалиши даврида даромадлар ортган сари солиқ тушумлари анча кўпаяди, бу эса ортиқча талаб ва ортиқча ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилади. Инқироз бошланиши билан ва ишсизлик ортгани сари давлат бюджетидан ишсизлик бўйича нафақа тўловлари ортиб боради, бу эса тўловга қобилиятли талаб-

² Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег, Пер. с англ. М.; Иностранная литература, 1948. 364-бет.

нинг камайишига қаршилик қилади. Шунинг учун улар томонидан молиявий компенсация ўрнини қоплаш сиёсати ва камомадли молиявий таъминлаш назариялари олға сурилмоқда.

Молиявий компенсация-ўрнини қоплаш сиёсати назарияси шундан иборатки, бунда давлат ишлаб чиқариш динамикаси ва тўловга қобилиятли талаб динамикаси ўртасидаги фарқни солиқларни ва давлат харажатларини онгли равишда ўзгартириш воситаси орқали ўрнини қоплашни зиммасига олиши лозим.

Камомадли молиявий таъминлаш назарияси шундан иборатки, бундан ўзининг солиқ тушумлари камаяётган даврларда ўз харажатларини орттириши лозим, бу эса муқаррар равишда бюджет камомадли келтириб чиқаради.

Неокейнсчилар хусусий тадбиркорлик асосларига таҳдид қилмаганликлари ҳолда бозор бошбошдоқлигини давлат томонидан назорат қилиш зарурати ва имкониятидан келиб чиқадилар.

Кейнснинг кўзга кўринган издошларидан бўлган америкалик иқтисодчи Э.Хансен ушбу ҳол ҳақида шундай ёзган эди: “Бизнинг жамиятимиз аралаш давлат-хусусий иқтисодиётига айланди, бунда зийрак ва доно ҳукуматнинг йирик операциялари барқарорлаштирувчи ва қўллаб-қувватловчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда”³.

Иқтисодиётта давлат аралашувининг кейнсча назарияси Иккинчи жаҳон урушидан сўнг иқтисодиёт фанида ҳукмронлик қилди ва бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган мамлакатлар ҳукуматлари сиёсатида асос учун қабул қилинди. Бироқ 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ушбу назария жиддий шубҳа остига олина борди. Чунки, Кейнснинг назариясига кўра, давлат иқтисодиётининг пасайиши даврида самарали талабни камомадли молиявий таъминлаш йўли билан рағбатлантиргани баробарида sanoat юксалиши даврида эса, аксинча, давлат бюджетининг мусбат қолдиғига эришгани ҳолда уни жиловлаши лозим. Демак, ушбу назариядан келиб чиқадикки, бюджет умуман мутаносиб бўлиши керак, давлат қарзи жамғарилишига йўл қўймаслиги лозим. Аммо амалиётда бундай бўлмади ва камомадли молиявий таъминлаш узоқ давом этди, катта давлат қарзи пайдо бўлди, бу эса фоиз ставкасининг, инфляция ва солиқларининг кескин кўтарилиш хавфини тугдирди. Шунинг учун сўнгги икки ўн йилликда кейнсча назарияга муқобил бўлган макро-иқтисодий концепсиялар, яъни, бир томондан, оқилона кутиш нео-

³ Хансен Э.Х. Послевоенная экономика США. Пер. с англ. — М., “Прогресс”, 1966, 52-бет.

классик назарияси ва иккинчи томондан, монетаризмдан қаршилик кўрсатила бошланди.

Бутунги кунда иқтисодиётни монетар бошқаришнинг пул назарияси, инфляция билан кураш муаммолари 1976 йилги Нобель мукофоти совриндори америкалик Милтон Фридман бошлиқ Чикаго мактаби олимлари томонидан зўр бериб ишлаб чиқилмоқда.

Монетар назария - таҳлил соҳаси бўлиб, у иқтисодий мувозанат ва ўсишнинг умумий муаммолари ҳамда пул ва банк механизми ишлаши махсус масалалари қўшилган жойда ётади. Монетар соҳа пул агрегати кўрсаткичлари ўртасидаги сабабий ва функционал боғлиқликлар, шунингдек, уларнинг хўжалик тизими монетар элементлари билан ўзаро таъсири муаммолари, унинг асосий йўналиши бўлиб хизмат қилади. "Монетар сиёсат" тушунчаси билан эса одатда давлатнинг пул-кредит соҳасида бошқарувчилик тадбирлари мажмуи тушунилади. Шунинг учун кейнсчилик ва монетаризм баҳсида асосий эътибор пулнинг аҳамиятига ва пул-кредит соҳасидаги сиёсатга қаратилади. Масалан, кейнсча ёндашув иқтисодий конъюнктурани ва хўжалик ривожини суръатлари рағбатлантирилишини кундалик бошқариш воситаси сифатида пулдан тезкор фойдаланилишга ёясини ўзида акс эттиради. Монетаризм пул соҳасида бундай ҳаракатларни қоралайди, уларнинг фикрига кўра, бундай сиёсат хўжалик зиддиятлари ва мутаносибликлари кучайишига ҳамда бозорнинг ўз-ўзидан барқарорлаштирувчилари ҳаракатнинг қийинлашувига олиб келади.

Иқтисодиётни бошқаришнинг монетар ёндашувига мувофиқ бозор механизми камчиликларини тўғрилаш эмас, балки унинг ишлаши учун энг кўп даражада барқарор молиявий шароитларни таъминлаш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу мақсадда пул бирлиги харид кучи ва валюта курси барқарорлиги улар учун энг муҳим жиҳатлардир.

Монетаризм назариясига мувофиқ, иқтисодий барқарорсизлик иқтисодиётнинг ички ўзгарувчанлигига нисбатан кўпроқ нотўғри пул-кредит бошқарилиши туфайли юзага келади ва у икки сабабга кўра юз беради: биринчидан, ўзгарувчан вақт лаглари мавжудлиги. У шуни билдирадики, бунда пул-кредит таъсири бевосита берилсада, пул таклифидаги ўзгаришлар номинал СММга узоқ ва номаълум вақт оралигидан сўнг таъсир кўрсатади. Шунинг учун вақт лагининг номаълум муддатида, монетарчилар фикрича, иқтисодиётни даврий (циклик) юксалиш ва пасайишга мослаштириш учун дискрет пул-кредит сиёсатидан фойдаланиш аксинча самара бериши ва

даврий (циклик) тебранишларни кучайтириши мумкин. Иккинчидан, Федерал захира тизими фоиз ставкасини барқарорлаштиришга уриниб, иқтисодийни барқарорсизлантириши ва инфляция жарёнларининг кучайишига олиб келиши мумкин⁴.

Шунинг учун монетарчилар ҳукмрон пул-кредит муассасалари фоиз ставкасини барқарорлаштириш ўрнига пул таклиф ўсиши суръатларини барқарорлаштиришлари лозим, деган хулосага келдилар. Бунга боғлиқ ҳолда М.Фридман монетар қоидаларни⁵ қонун йўли билан белгилаш таклифи билан чиқди, унга кўра пул таклифи ҳар йили ЯММ ўсиши мумкин бўлган суръатда ошиши, яъни пул таклифи барқарор равишда йилига 3-5%га кенгайиши лозим.

Демак, монетарчилар фикрига кўра, пул таклифини берилган суръатда доимий равишда ошириб бориш, харажатларни ҳар қандай инфляция йўли билан ошириш маблағлар етишмаслиги туфайли ўз-ўзидан йўқолиб кетади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” аса-рида бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда синалган монетар сиёсат усулларининг МДХга кирган қатор республикаларда қўлланганлиги оқибатида ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиб кетганлигини ва инфляциянинг эса кучайганлигини кўрсатиб берди⁶.

Монетар сиёсатни асос қилиб олган мамлакатларнинг аччиқ сабоқларини таҳлил қилиб, юртбошимиз И.А.Каримов “бинобарин, монетаризм ҳеч қачон ишлаб чиқаришни танглиқдан олиб чиқишга қодир бўлган ягона йўналтирувчи ва ҳал қилувчи куч бўлган эмас. Барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқиш чоғида ана шу қаттиқ монетаризмга таянмаслик керак. Балки мувозанатга келтирилган монетар сиёсатни асосий тармоқларни ва ишлаб чиқаришни таркибан қайта ташкил қилишни қўлаб-қувватлаш сиёсати билан бирга қўшиб олиб бориш зарур”⁷, - деб таъкидладилар. Ана шундай мустақил ва ўзига хос йўл тутган Ўзбекистон тажрибаси эндиликда МДХга аъзо бўлган Украина ва Беларусь республикалари эътиборини тортмоқда.

⁴ Макконнелл К.Р., Брю С.А. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2 т.: Пер. с англ. Т.1. -М., 1992. стр.328-329.

⁵ Ўша манба, 327-бет.

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. —Т., “Ўзбекистон”, 1995. 156-159-бетлар.

⁷ Ўша ерда, 201-202-бетлар.


1.3. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишнинг дастаклари

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг юқорида баён қилинган умумий вазифаларидан ташқари ҳоқимият органлари олдида турган аниқ вазифалари бўлиб, уларга қуйидагилар кирди: (1.3.1-чизма)

- иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш;
- тўлиқ ва самарали бандлик;
- иқтисодий самарадорликка эришишни кўзлаш;
- нархнинг барқарорлик даражаси;
- иқтисодий эркинлик;
- даромадларнинг одилона тақсимланиши;
- мамлакат ташқи савдо балансининг мутаносиблиги⁸.

1.3.1-чизма

Давлат бошқарув органларининг миллий иқтисодиётни тартибга солиш бўйича вазифалари



⁸ Государственное регулирование рыночной экономики. – М., Путь России. // Экономическая литература. 2002. С.26-27.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир босқичида ўзаро боғлиқ мақсадларни ишлаб чиқиш ва асослаш ҳукуматнинг мамлакатни бошқариш санъати ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларининг мураккаблиги ва ўзаро боғлиқлигининг қарама-қаршилиги, уларнинг ижобий ёки салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тартибга солувчи давлат органларининг ўз мақсадларини алоҳида ҳолда эмас, балки биргаликда, уларнинг ўзаро боғлиқлигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқишга мажбур қилади.

Иқтисодиётни тартибга солиш бўйича давлат органлари олдида турган мақсадлар кўп, лекин уларнинг ичида энг муҳимлари тўртта. Мамлакатни ривожлантиришнинг муҳим мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- меҳнатга лаёқатли аҳоли иш билан бандлигининг юқори даражасини таъминлаш;
- нархлар барқарорлигини, пул муомаласи барқарорлигини таъминлаш;
- ташқи иқтисодий мувозанатни сақлаш⁹.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг умумий бош мақсади иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка эришиш, мавжуд тузумни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, ўзгариб бораётган шароитта адаптация қилиш, мослашиш ҳисобланади. Демак, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ҳозирги замон иқтисодий тизимларининг характерли, асосий белгиси ҳисобланади. Шу боисдан кўплаб мамлакатларда, шу жумладан, ривожланган мамлакатларда ҳам давлатнинг иқтисодиёт соҳаларига аралашуви кучаймоқда.

Иқтисодиётга давлат томонидан таъсир этиш объекти бўлиб, бозор механизми таъминлай олмайдиган ёки қониқарсиз даражада таъминлайдиган ижтимоий такрор ишлаб чиқариш соҳасида юз берадиган жараёнлар, муносабатлар, шароитлар ҳисобланади. Давлат таъсир этадиган ва тартиблайдиган объектларга уларнинг даражалари нуқтаи назаридан қуйидагилар киради:

- умумхўжалик жараёнлари, яъни иқтисодий цикл, пул муомаласи, иш билан бандлик, инвестициялар, илмий-тадқиқот, тажриба, конструкторлик ишлари (ИТТКИ), нархлар;

⁹ Государственное регулирование рыночной экономики. – М., Экономическая литература. 2002. С.27.

- иқтисодиётнинг йирик соҳалари, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, инфраструктуралар, молия соҳаси;

- тармоқлар ва корпорациялар;

- йирик хўжалик комплекслари сифатидаги ҳудудлар. (1.3.2-чизма).

Булардан ташқари, давлат тартибга соладиган объектга ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ҳам қиради. Давлат ташқи савдо шароитларини, капитал ва ишчи кучи ҳаракатини, валюта муносабатларини, халқаро ташкилотларда иштирок этишни тартибга солади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш объектига ижтимоий муносабатлар, шу жумладан, иш берувчилар билан ёлланма ишловчилар ўртасидаги муносабатлар, кичик ва ўрта тадбиркорлик, шунингдек, социал таъминот соҳалари ҳам қиради.

Иқтисодиётга давлатнинг аралашуви ва таъсир этиш предмети узоқ муддатли истикболда миллий бойлик ва миллий мулкнинг ўсиши, ўрта муддатда иқтисодий цикл, қисқа муддатли даврда – хўжалик конъюнктураси ҳисобланади. Ушбу предмет бўйича иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари кризис ва турғунлик шароитида давлат товар ва хизматларга талабни,

1.3.2-чизма

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш объектлари




капитал қўйилмаларни ва бандликни, товар ва хизматлар экспортини, хорижий капитал ва туристларнинг кириб келишини рағбатлантиради, иқтисодий юксалиш даврида эса иқтисодий ўсишни жиловлашга, иқтисодиётнинг қизиқ кетишини олдини олишдан иборат бўлади. Ушбу мақсадларда хусусий капитал учун қўшимча молиявий рағбатлар яратилади, давлат харажатлари кўпайтирилади, фойз ставкалари тартибга солинади (1.3.3-чизма).

Иқтисодий циклни тартибга солишнинг умумий вазифалари доирасига иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий тузилишини, капитал жамғариш, аҳоли иш билан бандлиги, тўлов баланснинг аҳволи, инфляция, нарх ва бошқалар ҳам киради (1.3.4-чизма).

1.3.3-чизма

Иқтисодиётга давлат аралашувининг предметлари



1.3.4-чизма

Давлат томонидан иқтисодий циклни тартиблаш



Иқтисодиёт ва ижтимоий ишлаб чиқариш таркибий тузилишини тартибга солиш молиявий рағбатлар, давлат капитал қўйилмалари воситасида амалга оширилади. Шунингдек, фан-техника тарққиёти туфайли вужудга келган янги тармоқ ва ишлаб чиқаришлар ҳамда иқтисодиётдаги ва тармоқ ичидаги прогрессив таркибий ўзгаришлар, унинг самарадорлигини ва рақобатбардошлигини оширишда рағбатлантирилади. Шу билан бирга, айрим жойларда ишлаб чиқаришнинг ҳаддан ташқари концентрациялашуви ва марказлашувининг олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим унсурларидан бири капитал жамғариш ҳисобланади. Маълумки, фойда олишга интилиш, уни ўзлаштириш ҳамда капиталга айлантириш бозор иқтисодиётида хўжалик юритишнинг бош мақсади бўлади. Шунинг учун ҳам давлатнинг иқтисодий сиёсати жамғаришни рағбатлантиришга қаратилади. Бу эса хўжалик субъектларининг манфаатларига мос келади. Давлат бошқарув органлари иқтисодий цикл ва иқтисодиёт таркибий тузилмаларига таъсир этиш учун барча инвесторлар ва уларнинг айрим гуруҳлари учун турли даврларда қўшимча имтиёзлар ҳамда имкониятлар яратади.

Аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солиш ишчи кучига бўлган талаб билан таклиф ўртасида бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан нормал нисбат ва уларнинг мувозанатини қўллаб-қувватлашни англатади. Бу нисбат иқтисодиётнинг малакали ва интизомли ишловчиларига бўлган эҳтиёжини қондириши лозим. Уларнинг иш ҳақлари етарли меҳнат мотивациясини вужудга келтириши керак. Аммо ишчи кучига бўлган талаб билан унинг таклифи ўртасидаги нисбат иш ҳақининг ҳаддан ташқари ўсиб кетишига олиб келмаслиги керак. Акс ҳолда, бу ҳол миллий рақобатбардошликка салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса, аҳолининг иш билан бандлигининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик керак, албатта. Чунки бунинг оқибатида ишсизлар сони ўсиб, истеъмол талаби ва солиқ тушумлари камайиб кетади, давлат томонидан нафақалар учун харажатлар ўсади. Энг ёмони, бу ҳол ижтимоий ларзаларга, хавфли ижтимоий оқибатларга олиб келади¹⁰.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим объектларидан бири пул муомаласи ҳисобланади. Пул муомаласини тартибга солишнинг асосий йўналиши инфляцияга қарши кураш ҳисоб-

¹⁰ Государственное регулирование рыночной экономики. Учебное пособие для вузов. / Т.Г.Морозова и др. под ред. Т.Г.Морозова. —М., ЮНИТИ-ДАНА, 2001. С.8-9.

ланади. Пул муомаласини тартибга солиш орқали давлат билвосита жамғариш шароитларига, нархлар ва ижтимоий муносабатларга таъсир этади.

Тўлов балансининг ҳолати ва унинг ижобий сальдосига эришиш ҳам давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишига боғлиқдир. Чунки тўлов балансининг ҳолати мамлакат иқтисодий аҳволининг қай ҳолатда эканлигини кўрсатадиган кўрсаткич хисобланади. Шу боисдан, бозор иқтисодиётига эга бўлган барча мамлакатларда давлат тўлов балансини оператив ва стратегик тартибга солиш билан шуғуланади. Бунда давлат экспорт ва импортга, капитал ҳаракатига, миллий валюта курсининг кўтарилиши ва тушишига таъсир этиш ҳамда савдо-шартнома сиёсати ва халқаро иқтисодий интеграциялар, ташкилотларда иштирок этиш орқали мамлакат тўлов балансини тартибга солади.

Давлат нархларни тўғридан-тўғри ва билвосита тартибга солади. Нархларни тўғридан-тўғри тартибга солишда у ёки бу тармоқ маҳсулотларига, айниқса, табиий монополия маҳсулотларига юқори нарх чегарасини белгилайди. Нархларни билвосита тартибга солишда давлат ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига киритиладиган солиқлар ҳамда акциз йиғимлари орқали тартиблайди. Булардан ташқари, давлат хусусий корхоналарни илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришга ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишга, товарларни, капитални, тўпланган билим ва тажрибаларни четга экспорт қилишга рағбатлантиради.

Иқтисодий жараёнларни тартибга солишда давлат жаҳон амалиётида тўпланган чора-тадбирлардан, яъни дастаклардан фойдаланади. Бу дастаклар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий прогнозлаштириш, яъни иқтисодиёт ва унинг таркибий соҳаларини истиқболдаги аҳволини, ҳолатини олдиндан кўра билиш, уларнинг истиқболини белгилаш;
- мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг индикатив режасини тузиш;
- давлат органлари бўйича манзилли режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ҳўжалик объектларига билвосита, яъни иқтисодий дастаклар орқали таъсир этиш дастак(ричаг)ларини қўллаш;
- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал этиш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (1.3.5-чизма).

Давлат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тар-

Иқтисодий тартибга солишда давлат томонидан қўлланиладиган дастаклар (чора-тадбирлар)




тибга солишда маълум ҳужжатлар ишлаб чиқади. Уларнинг асосини иқтисодий прогнозлар ташкил этади. Иқтисодий прогнозлар мамлакатни иқтисодий ривожлантириш мақсадларини белгилаш, уни амалга ошириш стратегиясини ва тактикасини ишлаб чиқиш ҳамда индикатив режалар тузишнинг асоси ҳисобланади.

Иқтисодий тартиблашнинг муҳим ҳужжатларидан бири иқтисодий ривожланишни дастурлашдир. Иқтисодий дастурлар бозор муносабатлари амал қилаётган шароитда давлатнинг ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш жараёнларига тўғридан-тўғри фаол аралашувининг асосий дастаклари ҳисобланади. Иқтисодий ривожланишни дастурлаш бутун иқтисодий тартибнинг ўзининг алоҳида соҳалари бўлган тармоқлар, ҳудудлар, кўптармоқли комплекслар ривожланиши дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни англатади (1.3.6-чизма).

Иқтисодий тартибга солишда давлат томонидан тартибга солиш механизми ўз

Мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини тартиблаш бўйича ҳужжатлар tizими¹¹




ичига мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этиш воситаларини олади. Уларга қуйидагилар киради:

- чекланган ишлаб чиқариш ресурсларини бошқариш;
- иқтисодиётни солиқлар орқали тартиблаш;
- иқтисодиёт тизимга монетаристик усуллар орқали таъсир кўрсатиш (1.3.7-чизма).

Чекланган ишлаб чиқариш ресурсларини бошқариш деганда,

¹¹ Государственное регулирование рыночной экономики. – М., Путь России. Экономическая литература, 2002. – С. 42.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш воситалари



давлат ўзига қарашли табиий, меҳнат, ишлаб чиқариш, капитал, инвестицион ресурсларни тўғридан-тўғри тақсимлаш орқали иқтисодий тизимдаги мувозанатни сақлашга, янги нисбатларни ва мутаносибликларни вужудга келтиришга интилади. Аммо баъзи ҳолларда чекланган иқтисодий ресурсларнинг давлат томонидан тўғридан-тўғри тақсимланиши иқтисодий тизимдаги мувозанатнинг ва мутаносибликнинг бузилишига ҳам олиб келади.

Иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш хўжалик субъектларини мамлакат иқтисодий ривожланишини таъминлашга йўналтирадиган, рағбатлантирадиган солиқ ставкалари ва тарифларни белгилаш орқали амалга оширилади. Солиққа тортиш объектларини, солиқ ставкаларини белгилаш билан бир қаторда имтиёзлар тизими ҳам жорий этилади. Солиқ имтиёзларини жорий этиш давлатнинг иқтисодий жараёнларга таъсир этиш воситаларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётга монетаристик усуллар орқали таъсир этиш фоиз ставкалари, бюджет қарзлари, давлат қарз мажбуриятлари очик бозоридаги операциялар, муомаладаги гул массаси, валюта курси каби молиявий регуляторларни ўз ичига олади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат иқтисодиётни тартибга солиш объектларини, предметларини, восита ва усулларини аниқ белгилашни ва қўллаш механизмини шакллантириши лозим бўлади.

1.4. Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодий вазифалари

Бозор иқтисодига ўтиш шароитида давлат бош ислохотчи бўлиши хусусида И.А.Каримов “Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириши зарур”,¹² - деб таъкидлаган эди.

Халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсат Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришнинг ажралмас шартидир. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, айрим мамлакатларда иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражаларидаги тафовутларга қарамай, жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг ҳозирги босқичига бозор иқтисодиёти жуда мос келади ва самара касб этади. Фақат уюшган бозоргина бугунги кунда халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олади, боқимандаликка хотима беради, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади, рағбатлантиришни ва йўқотилган эгаллик туйғусини қайта тиклайди. Фақат бозоргина тежамли хўжалик юритишнинг оқилона шакллари яратади.

Бозорга, айниқса, унинг шаклланиш босқичида, узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг синиши ва ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатдан кескин табақалашуви, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар ва жиноятларнинг ўсиши хосдир. Бозор иқтисодиёти сари буюк сакрашлар, инқилобий қайта ўзгаришлар йўли билан эмас, балки собитқадамлик ва изчиллик билан босқичма-босқич ҳаракат қилиш керак. Бозор муносабатларига асосланган ривожланган жамиятни куриш – бу узоқ мурраккаб жараён эканлигини, уни доимий равишда чуқур идрок қилиш ва зарур ҳолларда тузатишлар киритишни талаб қилишини англамоқ керак. Бозорга ўтилган сари иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг вазифаси жиддий ўзгаради. Бозор иқтисодиётнинг ўзини ўзи тартибга солувчи воситаларининг аҳамияти тобора муҳимлашади. Давлатта фақат иқтисодий режа ва рағбатлантириш вазифаси қолади. Худди шу йўл билан ҳақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва бунинг учун зарур шароитлар ярагиш мумкин.

Бозор хўжалигининг асосий талаблари ва шартларидан бири

¹² Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. // Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. –Т., “Ўзбекистон”, 1994. 36-бет.

эркин нархлардир. Аммо нарх сиёсати, айниқса, бозор тармоқларини қарор топтириш даврида мутлақо тартибга солиб турилмайдиган биронта ҳам давлат йўқ жаҳонда. Бозор муносабатлари йўлига кирган кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси давлат ҳар доим аҳолини ҳам, ишбилармонларни ҳам ислохотларга тайёрлаб келганлигидан далолат беради.

Давлат ижтимоий-иқтисодий жараёнларга бевосита иқтисодиётнинг давлат сектори орқали ҳам таъсир кўрсатади. Давлат ихтиёрида фақат асосий ва халқ хўжалиги тармоқларининг стратегик аҳамиятта эга бўлган тармоқлари қолади. Булар ёқилги, нефть ва газ саноати, электр энергетикаси, темир йўл, автомобиль, ҳаво ва трубопровод транспорти, алоқа, сув ва газ таъминоти, ирригация иншоотлари қурилиши ва улардан фойдаланишидир.

Қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантириш, деҳқонга ернинг эгаси ўзи эканлиги туйғусини қайта тиклаш – мерос қилиш ҳуқуқи асосида ерни абадий фойдаланиши учун имконият яратилиши керак. Энг муҳими, қишлоқ хўжалигини юритишнинг шундай шаклини яратиш керакки, бу ҳар бир деҳқонга ўз меҳнатининг самараларидан мустақил баҳраманд бўла олиш имкониятини бersive. Ана шундагина деҳқон ўзини ҳақиқатдан ҳам ернинг чинакам эгаси деб билади.

Қишлоқда, биринчи навбатда, ишчи кучлари ортиқча бўлган жойларда кичик мустақил корхоналар, кенг тармоқли қайта ишлаш шаҳобчаларини ташкил этиш зарурдир.

Қишлоқ турмуш даражасини шаҳар турмуши даражасига кўтариш жуда муҳим вазифадир. Қишлоқларимиздаги ижтимоий аҳволни яхшилаш, уларни сув ва газ билан таъминлаш сиёсий мазмунга эга бўлган давлат аҳамиятига молик вазифадир.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг кенг тармоқли тизимини ташкил этишни талаб қилади. Айрим корхоналар ва тижорат тузилмаларининг яккабошлик мавқеини тутатиш, нархларнинг сунъий равишда ошириб юборилиши, монопол юқори даромадлар олинишига қарши турувчи соғлом рақобат муҳитини шакллантириш имконини беради.

Бошқа бир нарсани ҳам эътиборга олиш мумкин, яъни ўзгариб турадиган бозор иқтисодиётини яхши биладиган, маркетинг, менежмент масалаларини тушунадиган, тайёргарлик кўрган менежер ишбилармон мутахассисларга эга бўлмай, корхоналарни малакасиз кўлларга топшириш, уларни барбод бўлишига сабаб бўлади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш

жараёни бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур бўлган бошқа шарт-шароитларни вужудга келтириш билан боғлиқ ҳолда изчил ва ҳар томонлама ёндашувни талаб қилади.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш, бу бозорни шакллантириш йўлидаги зарурий ва муқаррар босқичдир. Уни таъминлаш учун республика бюджети тақчиллигини чеклашга ва уни изчил равишда энг кам даражага келтиришга қаратилган кучли молиявий сиёсат олиб борилиши керак. Бюджет маблағлари кечиктириб бўлмайдиган энг зарур давлат ва ижтимоий эҳтиёжларгагина берилиши керак.

Эркин нархларга ўтилишидан иборат умумий йўлда товарларнинг алоҳида муҳим турлари доираси нархларининг давлат томонидан назоратта олиниши сакланиб қолади. Энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, буюмларнинг чегараланган нархлари меъёр билан берилш ҳисобига улар билан аҳолини кафолатли таъминлаш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, товарларни сотиб олишда аҳолига катта имкониятлар бериш манфаатларига хизмат қилади. Бозорнинг ўзгарувчи шароитларида меҳнат қилишга лаёқатли маҳаллий мутахассисларсиз Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашни тасаввур қилиш қийин. Бунда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари, халқнинг миллий-руҳий турмуш тарзи, таълимдаги бутун жаҳон ва Шарқ тажрибасининг энг яхши ютуқлари ҳар томонлама эътиборга олиниши керак. Иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатларнинг етакчи ўқув юртларига ўқишга ва тажриба орттиришга юбориш муҳим аҳамиятта эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасида давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида қуйидаги ишлар ва вазифаларни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир:

1) бозор муносабатларига ўтишнинг бошланғич даврида аҳоли манфаатларини кучли қайта тақсимлаш воситаси орқали ҳимоя қилиш;

2) ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни кафолатлаш;

3) иқтисодий фаолиятларнинг ҳуқуқий асосларини, ўзига хос бозор шарт-шароитларини вужудга келтириш ва тасдиқлаш;

4) бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кишиларнинг иқтисодий эркинликлари кафолатланган бўлишligи;

5) давлат ўз зиммасига тартибга солинадиган бозор шароитида асосий мақсад йўналишларини ишлаб чиқиши, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бош йўлини белгилаш ва бу йўлни ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиши;

6) ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали ва аниқ-равшан тизимини вужудга келтириш;

7) вужудга келаётган ишбилармонлик тизимларининг қарор топишига ва ривожланишига кўмаклашиш;

8) аниқ, мақсадга қаратилган иқтисодиёт тармоқлари тузилмаси сиёсатини изчиллик билан амалга оширишга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Бозор шароитида иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш, одатда, иқтисодиётнинг давлат секторини ривожлантиришни бошқариши ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўли билан бевосита, шунингдек, ҳуқуқий ва иқтисодий воситалар ёрдамида билвосита амалга оширилади”¹³.

Асосий таянч тушунчалар

Давлат, макроиқтисодиёт, иқтисодиёт, бозор, иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизми, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизми, давлатнинг иқтисодий вазифалари, давлатнинг макроиқтисодий сиёсати, иқтисодиётни тартибга солиш объекти, дастаклари, воситалари ва усуллари.

Такорлаш учун саволлар

1. Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизми нима? У қандай ҳолатда амал қилади?
2. Нима учун давлат иқтисодиётга аралashiши зарур?
3. Давлатнинг қандай иқтисодий вазифалари бор?
4. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш дастакларини изоҳлаб беринг.
5. Давлатнинг макроиқтисодий тартиблаш сиёсатининг мазмуни ва усулларини тушунтириб беринг.
6. Ўзбекистонда давлат қандай иқтисодий вазифаларни бажаради?
7. Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишнинг восита ва усулларини изоҳлаб беринг.

¹³ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. // Биздан овоз да обод Ватан қолсин. –Т., Ўзбекистон, 1994. 40-бет.

2-БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мазмуни

Ресурслар ҳаракати ишлаб чиқариш омилларини қарор топишига хизмат қилади ва маҳсулот ишлаб чиқарилишининг моддий омиллини юзага чиқаради. Бу эса иқтисодий муносабатлар ва алоқаларни вужудга келишини аниқлатади. Макроиқтисодий нуқтаи назардан қаралганда, иқтисодиёт иштирокчиларининг алоқаси корхона, давлат ва уй хўжалиги доирасида ташкил топади ва ресурслар, товарлар ҳамда даромадларнинг доиравий айланишини муқаррар қилади. Ушбу доиравий айланишда ижтимоий ишлаб чиқариш юзага келади.

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ҳолати миллий ишлаб чиқариш даражаси, инфляция, бандлик ва ишсизлик нисбати, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва шунга ўхшаш бир қанча макроиқтисодий кўрсаткичлар билан тавсифланади. Шунинг учун макроиқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш ва улар миқдорига асосланиб, мамлакат иқтисодий аҳволини аниқлаш мумкин бўлади.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ва ривожланиш тенденцияларини, истиқболдаги имкониятларини аниқлаш ҳам кейинги ривожланиш стратегияларини белгилашда қўл келади. Макроиқтисодий кўрсаткичлар иқтисодиёт субъектларининг фаолияти натижаларини жамлаш ва умумлаштириш орқали аниқланади. Бунда фирма, уй хўжалиги ва давлатнинг хўжалик фаолияти натижалари ифодаловчи кўрсаткичларга асосланади. Макроиқтисодий кўрсаткичларни йиғиш, гуруҳларга ажратиш, ҳисоблаш ва натижавий кўрсаткичларни аниқлаш, асосан, давлатнинг тегишли органлари орқали амалга оширилади.

Ресурслар, даромадлар ва тайёр маҳсулотлар билан айирбош-лашнинг хилма-хил ва кўп сонли барча жараёнлари иқтисодий жараёнлар деб аталади. Агарда, бу жараёнлар узлуксиз, бир текис кечаётган бўлса, унда иқтисодий тизим барқарор ва мувозанатли деб тушунилади. Аммо, иқтисодий тизимнинг бундай ҳолати беками-кўст ҳисобланади. Амалда эса доимо у ёки бу ресурснинг, товар ҳамда даромаднинг ошиқчаллиги ёки етишмаслиги учраб туради. Иқтисодий тизимда умумий мувозанатнинг шу каби бузилиш ҳоллари инфляция ва ишсизлик даражасининг, ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаднинг ўсиш суръатлари ўзгаришида намоён бўлади.

Санаб ўтилган ҳодисалар ва жараёнлар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча қатнашувчилари ёки тизимнинг жами иқтисодий агентларнинг фаолиятлари натижасида пайдо бўлади ва миллий иқтисодиётни яхлит ифодалайди, яъни кенг қамровли хусусиятга эга бўлади. Шунинг учун уларни макроиқтисодий жараёнлар ва ҳодисалар сифатида ўрганиш иқтисодий тараққиётнинг макро даражасини ифодалаш имконини беради.

Мамлакатнинг макроиқтисодий ҳолати жами ишлаб чиқариш, инфляция, ишсизлик ва бандлик, аҳолининг моддий фаровонлиги ва турмуш даражаси ҳамда шу каби умумиқтисодий вазиятни акс эттирувчи асосий кўрсаткичларга боғлиқ бўлиб, улар қуйидагилар билан изоҳланади¹:

- ялпи ижтимоий маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад;
- давлат бюджети тақчиллиги, дефлятор, истеъмол баҳолар индекси, инфляциянинг ўсиш сурати;
- ишсизлик даражаси ва ишсизлар сони, аҳолини иш билан бандлиги даражаси;
- аҳолини моддий неъматлар ва хизматлар истеъмоли ҳажми, унинг жамғармалари, иш ҳақини қуйи миқдори ва ҳоказо.

Бу кўрсаткичлар иқтисодий тизимнинг умумий ҳолатини ифодалаб, ижтимоий ишлаб чиқаришдаги барча қатнашувчиларнинг (корхона, тармоқ, минтақа, давлат) ва уй хўжалиги фаолиятлари натижасида аниқланади. Улар мамлакатнинг иқтисодий имкониятларини, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини баҳолаш учун ишлатилади.

Иқтисодиётнинг макродаражасига баҳо бериш учун энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқиш ва уларнинг моҳиятига асосий эътибор қаратиш талаб этилади. Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг энг муҳимларини қуйида кўриб чиқамиз².

1. Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) - бу мамлакатнинг ички ресурсларидан фойдаланиб, муайян давр ичида (одатда бир йил) ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг бозорда белгиланган қийматлари. Мазкур кўрсаткич конкрет давлат фуқароларининг мулкига айланган ишлаб чиқариш омиллари воситасида яратилган тайёр маҳсулотлар

¹ Ҳакимова М. Макроиқтисодиёт. -Т., Меҳнат. 1997. Б-159.

² Эркаев Б. Макроиқтисодиёт. -Т., 2002. 285-б.

ва хизматлар қийматини ўлчаш учун зарур, ammo бунда фуқароларнинг қай бир мамлакатда яшаб иш юритишининг аҳамияти йўқ.

ЯММни ҳисоблашнинг бир нечта усуллари мавжуд. Ялпи миллий маҳсулотни харажатлар бўйича ўлчаш учун макроиқтисодий оборотнинг барча иқтисодий элементлари (уй хўжаликлари, фирмалар, мамлакатдан экспортга товар чиқарувчи хорижий шахслар, давлат органлари томонидан сарфланадиган жами харажатлар қўшилади. Харажатлар бўйича ЯММни аниқлаш формуласини ушбу тарзда ифодалаш мумкин: $ЯММ=C+I+G+X_n$:

Бунда: C - уй хўжалиги субъектларининг узоқ ва қисқа муддатли товар ва турли хил хизматларни харид қилиш учун сарфланадиган харажатларини (уй-жой сотиб олиш учун қилинадиган харажатлар бундан мустасно) қамраб олувчи шахсий истеъмол харажатларидир;

I - жами инвестицион харажатлар. Бунга фирманинг бино ва иншоотлар қурилишига, асбоб-ускуналар сотиб олишга, амортизациясига, оддий товар захираларини шакллантиришга, уй хўжаликлари субъектларининг турар жой сотиб олиш учун қиладиган харажатлари киритилади;

G - армия, бошқарув аппаратини таъминлашга, иқтисодиётнинг давлат секторидagi ишчи-хизматчиларга иш ҳақи тўлаш учун сарфланадиган давлат харажатлари киради. Бунда давлат трансферт тўловларининг барчаси эътиборга олинмайди, чунки улар жорий ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишини ифодаламайди. Бундан ташқари, улар даромадларни қайта тақсимлашнинг муайян шакли ҳисобланади;

X_n - хорижга чиқариладиган товар ва хизматлар, яъни соф экспорт. Экспорт ва импорт орасидаги тафовут кўрсаткичини билдиради.

ЯММни ишлаб чиқариш услуги бўйича ҳисоблаб чиқиш учун ҳар бир фирма ва иқтисодий соҳанинг ЯММни яратишга қўшган ҳиссасининг қийматли ифодаси ҳисобга олинади. Бу вазиятда ЯММнинг ҳажми иқтисодиёт миқёсида яратилган қўшимча қийматларнинг умумий йиғиндиси сифатида ифодаланади. Қўшимча қиймат деганда, фирмалар сотган жами тайёр маҳсулотлар ҳажми тушунилади. Бироқ, бу кўрсаткичдан тайёр маҳсулот яратиш учун ишлатиладиган маҳсулотлар қийматини чиқариб ташлаш лозим.

ЯММ кўламини аниқлашда такрор ҳисоб юритмаслик учун, уни иқтисодиётда яратилган жами товар ва хизматларнинг якуний босқичидаги қиймати сифатида баҳолаш даркор. Ишлаб чиқариш жа-

раёнининг якуний маҳсулоти йил давомида истеъмол учун харид қилинадиган ва ишлаб чиқаришнинг оралиқ циклларида ишлатилмайдиган товар ва хизматлар йиғиндиси ҳисобланади.

ЯММни даромадлар бўйича ҳисоблаб чиқиш учун барча турдаги омилли даромадлар (иш ҳақи, рента, фоиз ставкаси, даромад), шунингдек, амортизацион жамғармалар, бизнеснинг билвосита соҳа қилиқларини қўшиб ҳисоблаш талаб этилади.

2. ЯММдан фарқли ўлароқ, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) - мамлакатда, ички ишлаб чиқариш омиллари воситасида тайёрланган маҳсулотлар ва хизматларни баҳолайди. Бунда ишлаб чиқариш воситалари кимнинг мулкий ихтиёрида бўлишининг аҳамияти йўқ. Қўпчилик иқтисодий тизимлар учун ЯММ ва ЯИМ орасидаги фарқ унчалик катта эмас, чунки ЯММга нисбатан хориждан олиннадиган даромаднинг салмоғи унчалик катта эмас ёхуд уларнинг ҳажми хорижий иштирокчиларнинг ушбу иқтисодий муҳитда оладиган даромадлари умумий йиғиндиси билан нисбатан тенг келади. Ўтиш даври иқтисодиётига асосланган жамиятда ҳозирги вақтда ЯММдан кўра, ЯИМни ўлчаш осонроқ. Чунки, мамлакат фуқароларининг хорижда ишлаб чиқарган товарлари ҳақидаги статистик материалларни тўплаш мушкул. Чет элларда мамлакатимиз резидентлари томонидан яратиладиган омилли даромадлар ЯММ таркибига киритилса, ЯИМ таркибига қўшилмайди.

ЯИМ таркибига фақатгина пул шаклида баҳоланиши мумкин бўлган, ишлаб чиқариш фаолиятдан олиннадиган даромадлар (ижтимоий бандлик ва мулк ҳисобидан)гина, яъни ишлаб чиқариш эквивалентига мос келувчи даромадлар (қайта тақсимлаш жараёнида иштирок этиш ҳисобига олинган даромаддан фарқли ўлароқ) киради. Буни аниқлаш учун ишлаб чиқариш ва қайта тақсимлаш соҳаларини аниқ фарқлаш, бозор операцияларини пул шаклида баҳолаш мумкин ва мақсадга мувофиқ бўлган соҳаларни чегаралаш лозим.

ЯИМ кўламини аниқлашда такрор ҳисоб юритмаслик учун уни якуний маҳсулот товар ва хизматларнинг умумий қиймати кўринишида ҳисоблашади. ЯИМ ҳажмини тўғри баҳолаш учун жорий йилда ишлаб чиқарилган барча товар ва хизматларни бир маротаба ҳисобга олиш зарур.

Реал ЯИМ — бир йил давомидаги ишлаб чиқариш якунида яратилган жами моддий неъматларнинг ўзгармас нархларда, яъни базис йилидаги белгиланган нархларда ифодаланган қиймати.

Қўпчилик тайёр маҳсулотлар бозорга чиқарилишидан илгари бир нечта ишлаб чиқариш босқичларидан ўтади. Бунинг натижаси

ўлароқ, кўпчилиқ маҳсулотларнинг айрим қисм ва компонентлари қайта-қайта сотилади. Ушбу жараённинг ўзига хослигини эътиборга олиб, ЯИМни ҳисобга олиш чоғида маҳсулотларнинг бозорда белги-ланган қиймати инобатга олинади, чунки бунда оралиқ даврдаги барча савдо-сотик операциялари ҳисобга олинган бўлади. Бунинг акси бўлса, кўш ҳисобга йўл қўйилиб бу ҳол ЯИМ қийматини ошириб кўрсатишга олиб келади.

3. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар жумласига соф миллий маҳсулот (СММ) ҳам киради. Соф миллий маҳсулотни олиш учун ЯИМдан амортизация ажратмаларни чиқариб ташлаш лозим. СММ амортизация ажратмалари йиллар давомида тўпланиб бориши ва унинг ҳар йилги миқдорини макроиқтисодий кўрсаткичлар қаторига киритилиши мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобланади. Албатта, амортизация ажратмалари яратилган товар ва хизматлар ҳисобидан шакллантирилади. Лекин унинг қиймати истеъмол нуқтаи назаридан ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш учун сарфланади ва буни янги қиймат сифатида баҳоланса-да, тиклаш вази-фасини ўтайди.

4. Миллий даромад СММдан солиқларни ажратиб олингандан сўнг қолган маҳсулот ва хизматларнинг гул бирлигидаги йиғинди-сидир. Миллий даромадни аниқлаш учун СММдан тадбиркорликка солинадиган билвосита солиқларни чегириб ташлаш кифоя. Бу кўрсаткич мамлакат фуқароларининг ялпи даромадларини ифодалайди.

Миллий даромадни бир неча таркибий қисмларга ажратиш мумкин. Бу хил тадбирни амалга ошириш мезони бўлиб, даромад олиш услуби хизмат қилади. Улар қуйидаги кўрсаткичлардан ташкил топади:

- ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш, яъни иш ҳақи, мукофот ва бошқалар;
- мулкдорлар оладиган даромадлар, яъни майда савдогарлар, фермерлар, ширкат аъзоларининг пай улуши ва ҳоказо;
- кўчмас мулк эгалари оладиган рента даромадлари;
- корпорацияларнинг иш ҳақини, кредит фоизларини тўлашдан сўнг оладиган фойдаси;
- соф фоиз даромадлари.

Иқтисодий фаровонликни асосли равишда ифода этиши мумкин бўлган кўрсаткич аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажмидир. Бу иқтисодий кўрсаткич умумий ишлаб чиқарилган маҳсулот кўламини ўлчаш воситаси бўлгани боис, уни ҳисоблаб чиқиш вақтида ҳукмрон иқтисодий тизим шароитида оила ва алоҳида индивидлар-

нинг турмуш даражасидаги ўзгаришлар эътибордан четда қолиши ёки бузиб кўрсатилиши мумкин. Лекин мамлакат иқтисодий ривожланиши ва иқтисодиётнинг ҳолати ЯИМга, яъни ҳажмига бевосита боғлиқ бўлади.

2.2 Миллий ҳисобот тизими

Собиқ иттифоқ даврида амалда бўлган ҳисобот тизими 1918 йилда киритилган бўлиб, асосан, маъмурий буйруқбозлик методларида ишлаш учун яратилган эди. Бунда макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими шакллантирилиб, макродаражада ривожланиш имкониятлари таҳлил этилган.

Собиқ тизимда ҳисоботлар ўз ичига молиявий ҳисобчиларни кам мужассам этган эди. Узок муддат амалда бўлган ҳисобот тизими ёрдамида республика иқтисодиётининг ҳақиқий аҳволини, бозор иқтисодининг ҳолатини аниқлаш жуда қийин эди. Иқтисодиёт келажагини белгилаш ва таҳлил қилиш қийин эди. Халқаро жамият бозор иқтисодиётига ўтаётган мураккаб давлатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш, қарз бериш, инвестициялар киритиш учун ушбу давлатлардан халқаро стандартларга мос келадиган тизим бўйича ҳисоботларни тузишни ва сармоя эгаларига тақдим этишни талаб этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 433-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисобот тизимига ўтиш вазифаси қўйилган эди. Миллий ҳисобот тизимига ўтиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида давлат дастури ишлаб чиқилган. Миллий ҳисобот тизимига ўтишнинг 1-этапи 1991-1997 йиллар мобайнида амалга оширилди. Бутун жаҳонда ҳисоботнинг 3 хил схемаси қўлланилади:

1. БМТнинг миллий ҳисобот тизими.
2. Иқтисодий ҳисоботларнинг интеграциялашган Европа тизими.
3. Миллий ишлаб чиқариш ҳисоботи тизими.

Собиқ ҳисобот тизимимиз - моддий ишлаб чиқариш ҳисоботи тизимига асосланган эди. Бутун Республикамининг моддий ишлаб чиқариш схемаси иккига бўлинади:

1. Моддий ишлаб чиқариш соҳалари. Моддий ишлаб чиқариш соҳасига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва шу каби бошқа тармоқлар киради. Моддий ишлаб чиқариш соҳаларига моддий бойликлар яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган соҳаларга айтилади. Ушбу соҳаларга қуйидагилар киради:

- | | |
|-------------------------|--------------------------------|
| 1. Саноат | 6. Юк ташувчи транспорт |
| 2. Қўшлоқ хўжалиги | 7. Алоқа ва телекоммуникация |
| 3. Капитал қурилиш | 8. Хизмат кўрсатиш корхоналари |
| 4. Ўрмон хўжалиги | 9. Савдо-сотиқ |
| 5. Тайёрлов корхоналари | 10. Моддий-техника таъминоти |

— 2. Ноишлаб чиқариш соҳалар. Ноишлаб чиқариш соҳаларига соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги, маориф, жисмоний тарбия, ижтимоий-таъминот, мудофаа ва шгу каби ижтимоий аҳамиётта молик ташкилотларни киритиш мумкин.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларидаги ҳисобот - пул ифодасида амалга оширилади ва улар пул ўлчовида юритилиб, қуйидаги таълабларга жавоб бериши лозим:

1. Миллий ҳисобот тизими тамойилига кўра барча соҳалардаги ишлар, хизматлар, маҳсулотлар - пул ўлчовида ифодаланиши лозим.

2. Миллий ҳисобот тизимида маҳсулотнинг баҳосидан моддий харажатлар чиқариб ташланади. МХТга кўра, ялпи ички маҳсулотни ичи (таркиби)га иш ҳақи, амортизация, соф фойда ва солиқлар киритилмайди.

3. Эски ҳисоботлар тизимида амортизация харажатлар таркибида эди. МХТга кўра, амортизация даромадлар тизимида киритилади.

Республика Иқтисодиёт Вазирлиги ва давлат Статистика қўмитаси мамлакатимиз миқёсида ҳисоботларнинг харажат қисмидан амортизация харажати айириб олади ва даромадлар таркибига қўшади

Республика миқёсида МХТ бўйича янги иқтисодий кўрсаткичлар киритилган, масалан, маҳсулот (хизмат)ларнинг ялпи ишлаб чиқарилиши. Хизматларга урғу берилишига сабаб шгуки, кўпгина соҳаларнинг хизматлари пул ўлчови ифодасида ҳисобга олинмайди ва кўринмайди. Масалан, ҳозирги пайтда макроиқтисодий кўламда Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, ҳокимиятларнинг хизматлари баҳоланмайди. МХТнинг талабларидан бири - ушбу соҳаларнинг ҳам хизматлари пул ўлчовида ифодаланиши зарур.

МХТда маҳсулот (хизмат)лар ялпи ишлаб чиқарилиши кўрсаткичидан “оралиқ истеъмол” айириб ташланади. МХТда “оралиқ истеъмол” деб маҳсулотни ишлаб чиқариш учун барча сарфланган маблағларга айтилади. “Оралиқ истеъмол” қуйидаги кўрсаткичлардан иборат:

- а) моддий харажатлар (маҳсулот ва моддий хизматлар);
- б) номоддий хизматлар учун тўловлар;

- в) ишчи ва хизматчиларнинг хизмат сафари тўловлари;
- г) ишчилар малакасини ошириш учун сарфланган институционал бирликлар учун харажатлари.

МХТнинг кўрсаткичлари мамлакат иқтисодиётининг жами аҳволини характерлайди. Мамлакатда жами корхоналарнинг аҳволини иқтисодий таҳлил қилиш учун микроиқтисодий кўрсаткичлар асо-сида макроиқтисодий миқёсдаги таҳлилни амалга оширади.

Умуман олганда, макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш имкониятлари ва истиқболларини белгилаб олиш мумкин бўлади ва давлат иқтисодиётни тартибга солиш борасида ўзининг устувор вазифаларини белгилаб олади.

2.3. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш

Давлат иқтисодиётни тартибга солиш учун бир қанча шакл ва воситалардан фойдаланади. Давлат иқтисодиётни тартибга солишда ўз фаолиятини қайси объекта қаратиши муҳим ҳисобланади. Тартибга солиш объектлари - бу бозор механизми, уларнинг нормал кечишини қоникарсиз ёхуд бутунлай таъминлай олмайдиган ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш соҳасидаги муайян шарт-шароит, жараён, муносабатлардир. Улар жумласига қуйидагилар қиради:

1. Иқтисодий цикл, пул муомаласи, ижтимоий бандлик, инвестициялар, илмий-тадқиқотлар, нархлар каби умумхўжалик жараёнлари.

2. Ҳарбий мудофаа, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, банк соҳаси каби йирик иқтисодий соҳаларни ривожлантириш.

3. Мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятта молик айрим йирик корпорациялар.

Иқтисодиётни тартибга солиш шакллари деганда, бюджет-солиқ, пул-кредит, маъмурий бошқарувчилик эътиборга олинади.

Бюджет-солиқ тартиботи давлат бюджетини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, бажариш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш учун зарур. Пул-кредит тартиботи миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, инфляция билан курашиш бўйича давлат органлари амалга оширадиган тадбирларни ўз ичига олади. Бозор иқтисодиётини маъмурий жиҳатдан тартибга солиш, маъмурий равишда монополияларни қартиллаштириш, майда корхоналарга ажратиш, лицензиялаш, квоталаш ва бошқа шу каби чора-тадбирлардан иборат.

Иқтисодиётни тартибга солиш воситалари орқали давлат мам-

лакат тараққийётига таъсир кўрсатади. Бунинг учун давлат органлари қуйидаги воситалардан фойдаланиши мумкин:

- чекланган ишлаб чиқариш ресурсларини тартибга солиш;
- иқтисодий воситаларни солиқлар воситасида тартибга солиш;
- иқтисодий тизимга монетар услублар воситасида таъсир ўтказиш.

Иқтисодий воситаларнинг давлат томонидан тартибга солиш воситаларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, маълум вазиятларда алоҳида қўлланилиши мумкин. Ўтиш даври иқтисодий воситани тартибга солиш чоғида давлат органлари объектив шарт-шароитларга кўра барча таъсир воситаларидан биргаликда фойдаланишга мажбурдир.

Замонавий бозор иқтисодий воситанинг тузилмасида турли хил йўналишли тузилмаларни жумладан, функционал, ижтимоий ҳудудий тузилмаларни кўрсатиш мумкин.

Функционал тузилма - ялпи ички маҳсулотни турли эҳтиёжлар учун (хусусий ёки давлат истеъмолчи, ялпи жамғариш, соф экспорт) тақсимланишини тавсифлайди. Ушбу жараённинг ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат, капитал, ер, илмий-техник тараққийёт) кесимида маҳсулот қийматининг шаклланиши ҳам қамраб олинади.

Ижтимоий тузилма - ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ижтимоий секторларга тақсимланишини ифодалайди:

- хусусий сектор (хусусий корпоратив секторни ҳам ўз ичига олади);
- корпоратив давлат-хусусий сектори, (аралаш сектор);
- давлат сектори (унитар ва давлатга қарашли корхоналар);
- уй хўжаликлар сектори.

Иқтисодий воситанинг соҳавий, яъни тармоқ тузилмаси - айрим тармоқларнинг ЯИМни ишлаб чиқаришга қўшган ҳиссаси билан тавсифланади. Иқтисодий воситанинг ҳудудий тузилмаси турли хил ҳудудий тузилмаларнинг ЯИМни ишлаб чиқаришдаги иштирокини таърифлайди.

Давлат иқтисодий ислохотлар даврида миллий иқтисодий воситани таъсир этишининг янги усул ва воситаларини қўллашга ҳаракат қилади. Ўтиш даврида иқтисодий воситанинг эркин ривожланиши учун имкониятлар яратиш давлатнинг муҳим устувор вазифалари ҳисобланади. Бунинг учун эркин иқтисодий воситани таъсир этишининг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлади.

Бозор ислохотларини янада чуқурлаштиришнинг бош йўли ҳам эркин иқтисодий воситани таъсир этишининг жорий этилиши билан боғлиқдир. Эркин иқтисодий воситани таъсир этишининг мазмунан қуйидагилар билан белгиланади:

- хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги етакчи ўрни;
- тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги;
- соғлом рақобатчилик муҳитининг мавжудлиги;
- бозор турларининг эркин ташкил топиши ва ривожланиб бо-
риши;
- иқтисодий алоқаларнинг фойда ва даромад топиш манфаат-
лари замида ташкил топиши;
- нархларнинг бозорда эркин шаклланиши;
- давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чекланганлиги.

Бу тамойилларнинг амал қилиши фақат ҳуқуқий қонунлар дои-
расида ўз ифодасини топиши керак. Энг муҳими, бозор қонунлари-
нинг, иқтисодий фаолият ва танлаш эркинликларининг амал қилиш-
лари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда иқтисодиётни тартибга
солишнинг бозор ва давлат механизмлари уйғунлигини таъминлаш
зарур. Бунинг учун эскидан қолган иқтисодий қарашлар ва иш олиб
бориш қоидаларининг янги иқтисодиёт тамойилларига қандай йўсинда
таъсир этаётганлигига алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Эркин иқтисодиёт тамойиллари ҳақида фикр юритилганда, “эр-
кин иқтисодиёт” тушунчаси нимани англатишига ҳам эътибор қарат-
моғимиз лозим. Эркин иқтисодиёт - бу турли мулк шакллари ва
тадбиркорлик фаолиятининг мавжудлиги ҳамда уларнинг эркин ҳара-
кати орқали иқтисодиёт субъектларининг фойда олишга интилишла-
рини юзага чиқарувчи иқтисодий муносабатлар мажмуидир. Эркин
иқтисодиёт тадбиркорлик ва танлаш эркинлигини таъминлар экан,
бу ҳолат фойда олиш, наф қўриш, манфаатни қондириш талаблари-
нинг мавжудлиги билан изоҳланади. Эркин иқтисодиёт қуйидаги ҳолат-
лар билан характерланади:

1. Тадбиркорлар қатлами иқтисодиётнинг асосий субъектини
ташкил этади ва улар даромадларини максималлаштиришга ин-
тиладилар.

2. Фирмалар қаттиқ рақобат шароитида фаолият юритадилар.

3. Молиявий интизомга қаттиқ риоя этилади.

4. Ресурслар бозори эркин бўлади.

5. Хўжалик ҳаётининг ҳуқуқий таъминоти кучли бўлади.

6. Истеъмолчилар талаби бозорга кучли таъсир этиб туради.

7. Товар ва ресурслар баҳоси, фоиз ставкаси, валюта курси
бозорга қараб ўзгарувчан бўлади.

8. Ҷамғармаларнинг асосий қисми банкларда ва молия бозорида
ҳаракатланади.

9. Давлат сектори очиқ ва тижоратлашган бўлади.

Давлатнинг иқтисодий тартибга солиш вазифаларининг нечоғлиқ самарали эканлиги ва эркин иқтисодий тамойилларининг жорий этилиши, бозор муносабатларининг ривожланишини таъминлаб, иқтисодий муносабатларнинг бозор қонунлари асосида ташкил топишини ва барқарор иқтисодий ўсиш учун иқтисодий шарт-шароитларни юзага келтиради ҳамда объектив иқтисодий қонунларнинг реал амал қилишини қарор топтиради.

Асосий таянч тушунчалар

Макроиқтисодий кўрсаткичлар, ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, соф маҳсулот, миллий даромад, миллий ҳисоблар тизими, давлатнинг макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиши, давлатнинг иқтисодий вазифалари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Макроиқтисодий кўрсаткич ва индикаторлар деганда нимани тушунасиз?
2. Миллий ҳисоб тизими нима ва у нималардан ташкил топади?
3. Ялпи ички маҳсулот даромадлар нуқтаи назардан нималардан ташкил топади?
4. Ялпи ички маҳсулот харажатлар нуқтаи назаридан қандай ҳисобланади?
5. “Соф маҳсулот”, “миллий даромад” тушунчалари қандай мазмунга эга?
6. Давлат макроиқтисодий кўрсаткичлардан қандай мақсадларда фойдаланади?

3- БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

3.1. Макроиқтисодий барқарорлик ва мувозанатни таъминлашда давлат сиёсатининг аҳамияти

Макроиқтисодий барқарорлик дейилганда, мамлакатда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар: ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши, инфляция, валюта курси, ишсизлик даражаси, тўлов баланси ва бошқаларнинг мувозанати бузилмасдан иқтисодиётнинг барқарор ҳолда ривожланиши тушунилади.

Молиявий барқарорлик эса – мамлакатда валюта курси, фоиз ставкалари, банк тизими, молия, пул ва валюта бозорларининг, солиқ-бюджет соҳасининг жиддий тебранишларга учрамасдан, ўзаро алоқадорликда ривожланишидир. Бунда молиявий барқарорликнинг энг асосий шартларидан бири миллий валюта курси бошқа хорижий валюталарга нисбатан барқарор бўлиши керак.

Тарихдан маълумки, мамлакатда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш муаммоси ҳар бир давлат учун ҳукумат томонидан олиб бориладиган иқтисодий сиёсатдаги энг муҳим ва ўта масъулиятли мураккаб вазифа бўлиб келган. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида ҳар бир мамлакат, хусусан МДХ давлатлари каби Ўзбекистон ҳам ишлаб чиқаришнинг пасайиши, инфляция даражасининг ўсиши, гиперинфляция жараёнлари, молиявий маблағлар етишмаслиги, бюджет тақчиллиги, тўлов баланси мувозанатининг бузилиши каби макроиқтисодий муаммоларга дуч келган ва бартараф этган.

Иқтисодиётдаги бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш учун ҳар қандай мамлакат ҳукумати ҳар доим иқтисодиётни барқарорлаштиришда аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқади. Бунинг учун ҳукумат пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатини давлат макроиқтисодий сиёсатида белгиланган аниқ мақсадлардан келиб чиққан ҳолда мувофиқлаштиради.

Аммо тарих халқаро тажриба ва ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш, инфляцияни жиловлash ва пасайтириш, ишсизликни камайтириш ҳамда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка қисқа вақтда эришиб бўлмаслигини исботлади. Бунинг учун бир неча йиллар керак бўлиши лозимлиги ва ҳукумат томонидан бир қатор жиддий иқтисодий ва тузилмавий ислоҳотлар амалга оширилиши тақозо этилади.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг 1996 йилда МДХ мамлакатлари ичида биринчилар қатори макроиқтисодий барқарорликка эришганлигини ва ЯИМнинг реал ўсиши 1,6 фоизни ташкил этганлигини яна бир бор эътироф этмок лозим. Макроиқтисодий барқарорликка Тожикистон 1997 йилда, Туркменистон 1998 йилда, Россия 1999 йилда, Украина ва Молдавия эса 2000 йилда муваффақ бўлган.

Жаҳоннинг энг нуфузли иқтисодий газеталаридан бири "Financial Times"нинг 2003 йил 29 апрелдаги сонида бозор иқтисодиётига ўтаётган айрим мамлакатларда юқори натижаларга эришилганлиги эътироф этилган эди. Жумладан, бунда 2002 йилга келиб 1989 йилга нисбатан Польшада ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши - 130 фоизга, Словенияда - 121, Албанияда - 114, Венгрияда - 112, Словакияда - 111, Ўзбекистонда - 106 ва Чехияда - 105 фоизга етганлиги алоҳида таъкидланган эди.

Кўпчилик иқтисодий адабиётларда инфляцияга қороз пулларнинг ёки миллий пул бирлигининг қадрсизланиши, деб берилган турли таърифларни учратамиз. Аслида "Инфляция - иқтисодиётда истеъмол товарлари ва хизматлари баҳолари умумий даражасининг ўсиши". Содда-роқ қилиб айтганда, нарх-навоининг ўсиши инфляцияни англатади.

Шунингдек, иқтисодиётда истеъмол товарлари ва хизматлари баҳолари умумий даражасининг манфий кўрсаткичгача камайиши дефляциядир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, дефляцияда -0,1 фоиз, -0,5 фоиз, -3,1 фоиз каби манфий кўрсаткичлар бўлиши керак. Агар кўрсаткич 0,0 фоизни ташкил этса, бунда мамлакатда инфляция ҳам, дефляция ҳам рўй бермаган бўлади ва нархлар даражаси ўзгармаган ҳисобланади.

Шунингдек, инфляциянинг келиб чиқишига қуйидаги омиллар: ишлаб чиқаришнинг пасайиши, пул массасининг ва бюджет тақчиллигининг ўсиши, бозордаги талаб ва таклиф мувозанатининг бузилиши, иш ҳақининг оширилиши, давлат томонидан тартибга солинадиган товар ва хизматлар нархининг оширилиши (озик-овқат маҳсулотлари, коммунал тўловлар, электр энергия, транспорт хизматлари, ёқилғи ва бошқалар), монопол товар ва хизматлар нархларининг ошиши ҳамда бошқа бир қатор ташқи омиллар таъсир қилади.

Валюта курсига эса тўлов баланси мувозанатининг, экспорт ва импорт товарлари нархларининг, жаҳон бозоридagi конъюнктуранинг ўзгариши, мамлакатдаги сиёсий вазият, инфляция даражаси, бюджет харажатларининг ва пул таклифининг ошиши таъсир қилади.

Жаҳон иқтисодий амалиётидан маълумки, ишлаб чиқаришнинг

пасайишини тўхтатиш, инфляция даражасини жиловлаш ва уни кескин пасайтириш ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдек масъулиятли мақсадга қисқа вақтда эришиб бўлмайди. Ушбу мақсадга бир неча йиллар давомида қатор ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш орқалигина эришилardi. Шунингдек, макроиқтисодий барқарорликка эришиш учун ҳар доим ҳам қисман амалга ошириладиган ислоҳотлар ёки алоҳида олинган пул-кредит ва фискал сиёсатнинг таъсири етарли деб бўлмайди, албатта. Бунинг учун ҳукумат томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган қатор тузилмавий ва иқтисодий ислоҳотларни қамраб олувчи макроиқтисодий барқарорлаштириш дастури мажмуаси ишлаб чиқилиши ҳамда уни муваффақиятли амалга оширилиши зарур.

Шунинг учун макроиқтисодий барқарорлаштириш дастури, ўз навбатида, қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

- институционал ислоҳотлар;
- **нархларни эркинлаштириш;**
- хўжалик юритувчи субъектларни ислоҳ қилиш;
- молия тизимини ислоҳ қилиш;
- жорий операциялар бўйича миллий валютанинг конвертацисини таъминлаш;
- замонавий тўлов тизимини яратиш;
- қимматли қоғозлар бозорини яратиш;
- иқтисодий сиёсатнинг ва молия тизимининг очиқлигини таъминлаш;
- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш;
- иқтисодиёт реал соҳасини тубдан ўзгартириш;
- бозор инфратузилмасини тўлиқ шакллантириш ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ривожлантириш жараёнлари тезлашади ҳамда бозор механизми тўлиқ ишлайдиган иқтисодиётга асос солинади.

Макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишда ҳукумат Марказий банкнинг ва Молия вазирлигининг фаолиятини мамлакатда амалга ошириладиган тузилмавий ва иқтисодий ислоҳотларнинг мақсадларига мос ҳолда мувофиқлаштиради.

3.2. Макроиқтисодий мувозанатни мустаҳкамлашда хорижий мамлакатлар тажрибаси

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш узоқ муддатни ва қатор иқтисодий ислоҳотларни ҳамда қатъий монетар сиёсатни амалга оширишни талаб қилади. Бу борада хорижий давлатларда етарли даражада бой тажриба тўпланган.

Маълумки, ўтган асрнинг 70-80-йиллари охирида саноат жihatдан ривожланган кўпчилик мамлакатлар қатор макроиқтисодий муаммоларга дуч келишди. Ушбу даврда бюджет тақчиллигининг сезиларли даражада ўсиши инфляциян жараёнларни кучайтириб, беқарор иқтисодий ўсишни юзага келтирган эди. Масалан, 1976 йилда бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан Италияда-11,3 фоизни, Ирландияда-10,1, Португалияда-10,5, Буюк Британияда-5,7, Японияда-5,5, Австрия ва Австралияда-4,7, АҚШда ва Янги Зеландияда-4,4, Канадада-3,1, Германияда-2,8 фоизни ташкил этган эди. Ҳатто орадан 14 йил ўтганига қарамасдан, яъни 1990 йилга келиб ушбу давлатлар бюджет тақчиллигини камайтира олмаганлар ва у ўртача 4,7 фоизни ташкил этган эди.

Таъкидлаш жоизки, айрим мамлакатлар ислоҳотларда чеклинишларга ҳам йўл қўйиб, баъзи бевосита чекловларни қўллашни давом эттирдилар. Хусусан, Франция ва Буюк Британия, у ёки бу шаклда маълум муддатда монетар сиёсатнинг бевосита воситалардан фойдаланишга қайтдилар. АҚШда 80-йилларнинг охирига қадар кредит учун баъзи бевосита чекловлар қўлланилди. Японияда фоиз ставкаларини чеклаб қўйиш ва кредитлаш механизмига нисбатан тавсиялар бериш каби ахлоқий таъсир ўтказиш усули узоқ вақт сақланиб қолиб, 1991 йилда расман бекор қилинди.

Европа Иттифоқига кирган мамлакатлар иқтисодиётининг интеграциялашуви монетар сиёсатни амалга оширишда турли давлатларда қўлланилаётган воситалардан фойдаланиш усулларини бир-бирига яқинлаштириш имконини берди.

Жаҳон иқтисодий амалиётидан маълумки, монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинаётганда Марказий банкнинг масъул мутахассислари асосий эътиборни мамлакатда иқтисодий ўсиш, нархлар, фоиз ставкалари, молжя ва валюта бозорларининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда мустаҳкамлаш каби бир қатор масалаларга қаратдилар.

Юқорида қайд этилган мақсадларга эришишда мамлакатда амалга оширилаётган макроиқтисодий, монетар ва фискал сиёсатнинг му-

вофиқлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Акс ҳолда қўйилган мақсадларга муваффақиятли даражада эришиб бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, пул-кредит концепцияларининг асосий марказий масалаларидан бири монетар сиёсатнинг мақсадли кўрсаткичларини тўғри танлаш масаласи ҳисобланади. Марказий банк монетар сиёсатни амалга ошириш ва унинг мақсадларига эришишда етарли даражада самара бериши мумкин бўлган бир ёки бир неча мақсадли кўрсаткичларни танлаб олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Одатда марказий банк монетар сиёсатнинг оралиқ мақсади сифатида пул агрегатларидан, жумладан, пул массаси ёки пул базасидан фойдаланади.

Фикримизча, Марказий банк монетар сиёсатни амалга ошираётганда яқкаю-яғона монетар кўрсаткичга асосланмаслиги керак. Чунки ҳар бир кўрсаткичда маълум камчиликлар бўлиши билан бирга, улар иқтисодиётдаги маълумотларни тўлиқ ўзида акс эттира олмайди. Масалан, Марказий банк монетар кўрсаткичлардан бири - пул массаси орқали иқтисодиётда пулга бўлган реал талаб ва тақлифни аниқлаш, монетизация даражаси, пулнинг айланиш тезлиги ёки пул массасининг инфляцияга, алмашув курсига, фоиз ставкаларига ва умуман, иқтисодиётга қай даражада таъсир этиши каби айрим масалаларни аниқлаши мумкин, холос.

Шунингдек, иқтисодий конъюнктуранинг ўзгариши, макроиқтисодий ва молиявий маълумотлар ҳамда банк тизимининг монетар сиёсат пировард мақсадларига таъсир этиш кўлами каби маълумотларга эга бўлиши марказий банклар учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, монетар сиёсатнинг асосий йўналишларида макроиқтисодий сиёсатнинг мақсадлари, иқтисодий конъюнктуранинг таҳлили, жумладан, реал сектор, давлат бюджети, инвестиция, ташқи савдо айланмаси, тўлов баланси, асосий макроиқтисодий ва монетар кўрсаткичлар ҳолати, банк тизимининг ривожланиши каби бир қатор маълумотлар мужассамлашган бўлади. Ушбу маълумотларни таҳлил қилиш асосида марказий банк инфляциянинг ёки пул массасининг мақсадли кўрсаткичларини белгилаб олади ва унга эришиш учун ўз ихтиёридаги барча восита ҳамда усуллардан самарали фойдаланади.

Марказий банк пул массаси устидан қатъий назоратни ўрнатиш орқали валюта курсининг барқарорлигига эришиши мумкин. Аммо банк тизимининг ва молия бозорининг ликвидлиги камайиб кетади. Молия вазирлиги эса харажатларни ошириш орқали, бир томондан, иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, иккинчи томондан, молия бозорида фоиз ставкасининг кўтарилишига, иқтисодиёт реал секторида инвестицияларнинг камайишига олиб келади.

Иқтисодиётда шунга ўқшаш зиддиятли ҳолатлар иқтисодиётни, жумладан, банк тизими ва молия бозорларини эркинлаштириш жараёнларининг чуқурлашуви, алмашув курси бўйича чекловларни олиб ташлаш натижасида кучаяди. Бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш учун макроиқтисодий ва монетар сиёсатнинг мослашувчан бўлишини талаб этади.

Дастлаб муомаладаги пул айланиш тезлигининг назарий ва амалий масалаларини таҳлил қилиб чиқишни маъқул топдик. Жаҳон банк амалиётига мувофиқ пул айланиш тезлиги номинал ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик пул массасига нисбати орқали аниқланади.

Классик иқтисодий мактаб вакилларининг номинал ЯИМнинг пул массаси ҳажмининг тебранишлари таъсири остида ўзгариши тўғрисидаги хулосалари шунга асосланганки, пулнинг айланиш тезлигини (PY/M) етарли даражада доимий деб ҳисоблаш мумкин¹.

Уларнинг хулосасидан фарқли ўларок биз пул айланиш тезлигини доимий, деб ҳисобламаймиз. Бунинг учун муаллиф томонидан жаҳоннинг энг тараққий этган давлатларидан бири – АҚШ иқтисодиёти мисолида 1915 йилдан 1993 йилгача бўлган узоқ давр мобайнида М1 ва М2 пул агрегатлари бўйича пулнинг айланиш тезлиги динамикаси таҳлил қилиб чиқилди. Ушбу иловадаги маълумотлардан кўришиб турибдики, ҳатто қисқа муддатли даврда ҳам пулнинг айланиш тезлиги жуда тез ўзгарибди. Шунинг учун уни доимий деб бўлмайди. Бу тебраниш иккала Жаҳон уруши ва Буюк депрессия даврида иқтисодиётнинг беқарорлиги билан яққол кўришиб туради. Агар иловага диққат билан назар ташласак, 1950 йилдан кейин пулнинг айланиш тезлиги тобора ўсиб борганлигининг гувоҳи бўламиз, ҳатто, шунда ҳам сезиларли даражада тебранишлар кузатилган. Масалан, 1981-1982 йилларда М1 (ЯИМ/М1) пул агрегати бўйича пул айланиш тезлигининг фоиздаги ўзгариши манфий, яъни – 2,5 фоизни ташкил этган бўлса, 1980-1981 йилларда эса ушбу кўрсаткич 4,2 фоизга ўсган. Ўртадаги 6,7 фоизлик фарқ номинал ЯИМнинг 6,7 фоизга камайганлигини кўрсатмоқда, агар пулнинг айланиш тезлиги 1980-1981 йиллардаги даражада сақланиб қолганида эди, ўртада

¹ Агар пулнинг айланиш тезлиги маълум вақт мобайнида битимли технологияларни ифода этувчи доимий суръатда ўзгарса, аслида классик йўналишдаги иқтисодчиларнинг хулосалари тўғридир. Ўз навбатида, пул айланиш тезлигининг доимийлиги тўғрисидаги янада аниқроқ таъқин унинг миқдоридagi қисқа муддатли тебранишларнинг йўқлигини ифода этади.

бундай фарқ бўлмас эди. Зеро, унинг камайиши 1981-1982 йиллардаги жиддий иқтисодий инқироз билан бевосита боғлиқдир².


Биз, пул айланиш тезлигини пул массаси - M2 пул агрегати бўйича олиб қараганда, худди шундай хулосага келамиз. Пул айланиш тезлигининг (ЯИМ/M2) 1981 йилдан 1982 йилгача фоиздаги ўзгариши амалда манфий бўлиб, у 5 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 1980 йилдан 1981 йилгача мусбат бўлиб, 2,3 фоизга ўсган. Ўртадаги 7,3 фоизлик фарқ номинал ЯИМнинг 7,3 фоизга камайганини кўрсатмоқда. Агар, пул айланиш тезлигининг ўсиш суръатлари 1980-1981 йиллардаги даражада сақланиб қолганида эди, номинал ЯИМ 7,3 фоизга юқори бўлар эди.

Умуман, АҚШ иқтисодиётида 1982 йилдан кейин M1 пул агрегати бўйича пул айланиш тезлигининг тебраниши янада кучайди, пулга бўлган талабни эмпирик тарзда ўрганаётган тадқиқотчиларни биров ташвишлантириб қўйди. M2 пул агрегатидаги пулнинг айланиш тезлиги эса M1 пул агрегатидаги пулнинг айланиш тезлигига нисбатан анча барқарорроқ қолди. Бу эса Федерал Резерв Тизимининг (ФРТ) ўз монетар сиёсатда M1 пул агрегатидан мақсадли кўрсаткич сифатида фойдаланишдан воз кечиб, унинг ўрнига M2 пул агрегатига ўтиш билан изоҳланади.


Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) маълумотлари асосида олиб берилган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги пайтда бир қатор ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Германия ва Канадада ҳам XX асрнинг 70-80-йилларида M1 пул агрегати бўйича пул айланиш тезлигининг тебраниш даражаси жуда катта ва беқарор бўлган. Ушбу кўрсаткич 1963 йилда, Германия ва Канадада мос ҳолда 6,1 ва 6,3 мартани, АҚШда 3,8 мартани ташкил этган. Кейинги йилларда эса ушбу кўрсаткичнинг тебраниш даражаси тобора катталаша бошлаган. Жумладан, 1982 йилга келиб пулнинг айланиш тезлиги Канадада 9,4 мартани, Германияда 6,2 ва АҚШда 6,4 мартани ташкил этган³ (3.2.1-графикка қаранг).

² Мишкин Ф. "Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков". Учебное пособие для студентов вузов. Москва, Аспект пресс. 1999, стр. 552.

³ IMF, International Financial Statistics, Washington, D.C. 20431. 1993) маълумотлари асосида ҳисобланган.



Манба: график (IMF, International Financial Statistics, Washington, D.C. 20431. 1993) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



Манба: график (IMF, International Financial Statistics, Washington, D.C. 20431. 1993) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

IMF, International Financial Statistics, Washington, D.C. 20431. 1993) маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ушбу графикдан ҳам Канада ва Германияда АҚШга нисбатан М1 пул агрегати бўйича пул айланиш тезлигининг тебраниш даражаси беқарорлиги яққол кўринмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 90-йилларига қадар М2 пул агрегати бўйича пул айланиш тезлиги М1 пул агрегатига нисбатан барқарорроқ бўлди. Масалан, АҚШда 1963 йилда М2 пул агрегати бўйича пул айланиш тезлигининг куйи чегараси 1,52 мартани ташкил этган бўлса, орадан 20 йил ўтиб, ушбу кўрсаткич сезиларсиз даражада ўзгаргани ҳолда 1,55 мартани ва 1993 йилда эса 1,76 мартани ташкил этган. Ўттиз йил давомида эса М2 пул агрегати бўйича ўртача пул айланиш тезлиги 1,64 мартани ташкил этган.

Таҳлил натижалари М1 пул агрегатига нисбатан М2 пул агрегати бўйича пул айланиш тезлигининг тебраниш даражаси нисбатан кичик ва анча барқарорлигини кўрсатмоқда (3.2.2-график).

Мазкур графикдан М2 пул агрегати бўйича пулнинг айланиш тезлиги бошқа хорижий давлатларга нисбатан АҚШда барқарор қолганлигини кузатиш мумкин. Бунда графикдан ушбу кўрсаткич тебранишининг куйи чегараси 1963 йилда 1,52 мартадан юқори бўлган бўлса, 1993 йилда эса 1,76 мартагача етганини кўриш мумкин.

Бироқ 90-йилларнинг бошларида М2 пул агрегатидан пул айланиш тезлигининг беқарорлиги туфайли Федерал резерв тизими бўйича 1993 йилнинг июлида монетар сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда пул агрегатларидан, шу жумладан, М2 пул агрегатидан фойдаланишни тўхтатишга мажбур қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хорижий мамлакатларда банк тизими, молия бозорларининг юксак даражада ривожланганлиги, иқтисодиётнинг ўсишига мос равишда муомаладаги пул массасининг ошиб бораётгани пул айланиш тезлигининг секинлашишида муҳим омил бўлмоқда. Амалга оширилган тадқиқотлар сўнгги йилларда хорижий мамлакатларда, хусусан ривожланган ва ривожланаётган давлатларда пул айланиш тезлигининг тобора секинлашаётгани ва барқарор қолаётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ушбу мамлакатларда монетизация даражасининг, яъни муомаладаги пул массасининг ялпи ички маҳсулотга нисбати сезиларли даражада ошаётганлигидан далолат бермоқда (3.2.1-жадвалга қаранг).

Рақамлардан хорижий давлатлар иқтисодиётида сўнгги йилларда пул айланиш тезлиги барқарорлигини ва секинлашаётганини кўриш мумкин. Ушбу кўрсаткич, айниқса, Япония, Буюк Британия, Малайзия, Германия ва Таиландда янада камайиш тенденциясига эга.

Халқаро банк амалиётида монетар кўрсаткичлар икки муҳим хусусиятга эга бўлиши лозимлиги тўғрисида фикрлар баён қилинган. Бунда, биринчидан, ушбу кўрсаткичлар монетар сиёсатнинг таъсири остида бўладиган миқдор сифатида аниқ белгилаб олинган бўлиши керак. Иккинчидан, улар ҳукумат макроиқтисодий сиёсатининг ва фискал сиёсатнинг мақсадлари билан узвий боғланган бўлиши лозим.

Монетарчилар пул массасини монетар сиёсатнинг асосий монетар кўрсаткичи, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрига кўра, пулга бўлган талаб функцияси ва харажатлар функцияси барқарор ҳисобланади,

Хорижий мамлакатларда 1998-2003 йилларда пул айланиш тезлиги, (марта ҳисобида)

| Давлатлар | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 |
|---------------------------------|------|------|------|------|------|------|
| Ривожланган давлатлар | | | | | | |
| А ҚШ | 1,74 | 1,69 | 1,69 | 1,55 | 1,49 | 1,51 |
| Буюк Британия | 0,98 | 0,97 | 0,95 | 0,91 | 0,89 | 0,89 |
| Япония | 0,84 | 0,81 | 0,79 | 0,79 | 0,77 | 0,76 |
| Франция | 1,54 | 1,49 | 1,49 | 1,48 | 1,45 | 1,40 |
| Германия | 1,50 | 1,18 | 1,01 | 1,01 | 1,01 | 0,97 |
| Ривожланаётган давлатлар | | | | | | |
| Жанубий Корея | 1,92 | 1,65 | 1,41 | 1,24 | 1,21 | 1,35 |
| Малайзия | 1,04 | 1,02 | 1,03 | 0,95 | 0,93 | 1,02 |
| Туркия | 3,30 | 2,72 | 2,22 | 2,21 | 2,31 | 2,27 |
| Таиланд | 1,02 | 0,96 | 0,96 | 0,97 | 1,01 | 1,07 |
| Филиппин | 1,71 | 1,69 | 1,68 | 1,74 | 1,77 | 1,70 |

Washington, D.C. 20431. March, 2004) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

шу сабабли, пул массасини монетар сиёсатнинг кўрсаткичи сифатида қабул қилиш энг мақбул йўл, деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, улар узоқ йиллар мобайнида мавжуд пул-кредит институтларининг фаолиятини тубдан ислоҳ қилишни таклиф қилиб келдилар. Монетарчилар мақсур институтлар иқтисодийни тартибга солишда кейинча вазифаларни бажаришга одатланиб қолдилар, деб ҳисоблайдилар ва ҳукуматнинг эмиссия соҳасига аралашувини имконият қадар минималлаштиришга ҳаракат қиладилар. Бу эса, ҳукуматнинг аралашувига, аввало, ҳукумат органлари томонидан эмиссия механизмидан давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш мақсадида фойдаланишга чегара ўрнатувчи пул қондасини ишлаб чиқишни зарур масала деб, белгилади.

М.Фридменнинг пул қондаси XX асрнинг 70-йиллари охиридан бошлаб АҚШ ва Буюк Британия (рейганомика ва тэтчеризм) монетар сиёсатнинг асосини ташкил этади. Маълум мақсадни, яъни муомаладаги пул массасининг ҳар йили 3-5 фоиздан ўсишини кўзлаган сиёсат ўз ижобий натижаларини берди. Инфляция даражасининг

йиллик 10 фоиздан 5 фоизга пасайиши натижасида ЯММ йилига 3-5 фоиз атрофида ўсиб борди.

Тараққий этган ва ривожланаётган хорижий мамлакатларда банк тизими ва молия бозорлари юксак даражада ривожланганлиги сабабли муомаладаги пул массасининг ЯИМдаги салмоғи тобора ошиб бормоқда. Хусусан, ушбу кўрсаткич Гонгконгда энг юқори бўлиб, 1990 йилдаги 174,9 фоиздан 2004 йилда 261,3 фоизгача кўтарилди. Хитойда 73,7 фоиздан 184,2 фоизгача, Японияда 112,2 фоиздан 132,7 фоизгача, Сингапурда 90,2 фоиздан 121,4 фоизгача, Буюк Британияда 92,2 фоиздан 120,9 фоизгача, Германияда 60 фоиздан 104,3 фоизгача ўсди. Мазкур кўрсаткич 2004 йилда Малайзияда 96,8 фоизни, Таиландда 89,6, Францияда 73,5, Янги Зеландияда 87,9, Жанубий Кореяда 70,9 фоизни ташкил этган бўлса, АҚШда 63,9 фоизга тенг бўлди.






Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Халқаро иқтисодий амалиётдаги тажрибага кўра, инфляцияни сезиларли даражада пасайтиришга эришган мамлакатларда пул массасининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам жуда юқори бўлади. Инфляция даражасининг барқарор ва паст суръатларда бўлишига эришилганидан сўнггина, иқтисодий ўсиш суръатлари ва пулга бўлган талаб ўсади. Бу эса, мамлакатда пул массасининг ялпи ички маҳсулотга нисбатининг ошишига олиб келади.

Ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда ҳам ушбу кўрсаткич ҳар йили ошиб бормоқда. Жумладан, 2004 йилда ушбу кўрсаткич Чехияда-68,6 фоизга, Венгрияда-44,9, Польшада-42,5, Эстонияда-39,0 фоизга етди. Шунингдек, у Латвияда 2003 йилдаги 33,3 фоиздан 2004 йилда 37,9 фоизгача, Молдавияда 31,3 фоиздан 39,2 фоизгача, Украинада 30,1 фоиздан 31,9 фоизгача, Россияда 25,8 фоиздан 27,6 фоизгача, Қозоғистонда 18,5 фоиздан 22,7 фоизгача, Қирғизистонда 15,4 фоиздан 18,1 фоизгача, Белоруссияда 13,8 фоиздан 15,3 фоизгача, Арманистонда 13,7 фоиздан 15,2 фоизгача ўсди.

Бундан ташқари, хорижий мамлакатларда нақд пулсиз ҳисобкитоблар тизими ривожланганлиги туфайли нақд пулларга бўлган талаб камайиб бормоқда. Шу сабабли, нақд пулларнинг ялпи пул массаси таркибидаги салмоғи ҳам кичик бўлиб ушбу кўрсаткич АҚШда ўртача - 9,2 фоизни, Японияда - 10,4, Германияда - 6,1, Францияда - 7,9, Буюк Британияда 2,6, Хитойда - 7,5, Гонгконгда - 4,3, Жанубий Кўрияда - 3,8, Сингапурда - 6,6 ва Малайзияда - 6,1 фоизни ташкил этади. Шу боис аҳоли жон бошига тўғри келадиган нақд пул миқдори ҳам камдир. Масалан, мазкур кўрсаткич АҚШда ўртача - 2,4 минг долларни, Японияда - 5,3, Буюк Британияда - 1,2, Германияда - 2,2, Францияда - 2,1, Гонгконгда - 2,7, Сингапурда - 2,0 минг долларни ташкил этади.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларнинг иқтисодиёти тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига нисбатан сезиларли даражада кичик бўлганлиги сабабли аҳоли жон бошига тўғри келадиган нақд пулларнинг миқдори ҳам анча камдир.

Ўтиш даври иқтисодиётидаги давлатларда инфляция даражаси ва ЯИМ дефлятори динамикаси, (фоизда)



Графиклар Халқаро валюта фонди (IMF, International Financial Statistics, March 2004) маълумотлари асосида тузилган.

Ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда 1996-2003 йилларда қилинган таҳлилларда ҳам инфляция ва ЯИМ дефляторининг кесишиши яққол кузатилмоқда. Жумладан, Чехия ва Словенияда, асосан инфляция дефляторга нисбатан юқори бўлгани ҳолда, Эстония, Россия, Белорусь, Қозоғистон ва Қирғизистонда баъзан дефлятор, баъзан эса, инфляция юқори бўлган. Шунингдек, Россия, Белоруссия ва Қирғизистонда 1997-2000 йилларда ушбу кўрсаткичлар ўрта-сида кескин фарқ кузатилган. Бироқ, фақат Ўзбекистонда ЯИМ дефлятори инфляцияга нисбатан анча юқори бўлиб, улар 1996-2003 йилларда умуман кесишмаган. Амалга оширилган қатъий монетар сиёсат натижасида инфляция даражаси 1996 йилда 64,4 фоиздан 2003 йилга келиб, 3,8 фоизгача пасайган бўлса-да, ЯИМ дефлятори 82,1 фоиздан 24,3 фоизгача пасайган, холос. Бу ЯИМ дефлятори бўйича ҳисоблаганда, мамлакатимизда умумий инфляция даражасининг амалда юқорилигича қолаётганлигини кўрсатмоқда, холос.

Аммо монетизация даражаси тобора ўсаётган бўлса-да, бундай ҳолат ўтиш даври иқтисодиётидаги айрим давлатларда ички бозорда талабнинг ошиши ҳисобига инфляциянинг ўсишига ва нисбатан юқори даражада қолишига олиб келди. Жумладан, Украинада инфляция даражаси 2003 йилда 8,2 фоиз бўлган бўлса, 2004 йилда эса ушбу кўрсаткич 12,3 фоизгача ўсди. Инфляция даражаси 2004 йилда Белоруссияда 14,4 фоизни, Россияда 11,7, Озарбайжонда 10,0, Гуржистонда 7,5, Қозоғистонда эса 6,7 фоизни ташкил этди ва худди шундай юқорилигича қолмоқда. Ушбу ҳолат 2005 йилда ҳам давом этди. Жумладан, 2005 йилнинг олти ойида инфляция даражаси Россияда 8,0 фоизни, Украинада 6,4, Қирғизистонда 4,9, Озарбайжонда эса 4,8 фоизни ташкил этди.

Улардан фарқли ўларок, Ўзбекистонда сўнгги йилларда инфляцияни кескин камайтиришга, миллий валюта барқарорлигини ва юқори суръатлардаги иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган қатъий пул-кредит сиёсати натижасида муомаладаги пул массаси, жумладан, банкдан ташқаридаги нақд пул айланмаси камай-тирилди. Ушбу чора-тадбирлар натижасида ислоҳот йиллари давомида инфляция даражаси 2004 йилда энг паст -3,7 фоизгача пасайди ва ЯИМнинг реал ҳажми эса 7,7 фоизгача ўсишига эришилди.

Шунингдек, 2006 йилда инфляция даражаси 6,8 фоизни, иқтисодий ўсиш эса 7,3 фоизни ташкил этди.

3.3. Ўзбекистонда макроиктисодий барқарорликни таъминлашда давлат сиёсатининг ўрни

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон ҳам Болтиқбўйи ва МДХ мамлакатлари каби юқори инфляция, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, бюджет тақчиллиги, тўлов баланси мувозанатининг бузилиши каби қатор макроиктисодий ва молиявий муаммага дуч келган эди.

Мураккаб иктисодий ва молиявий вазиятнинг пайдо бўлиши натижасида ушбу давлатларда 1991-1994 йилларда ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада пасайиб кетди. Хусусан, ушбу кўрсаткич Латвияда - 50 фоизгача, Литвада - 40,6, Эстонияда - 20,7, Россияда - 47,3, Украинада - 51,7, Белорусда - 36,6, Молдавада - 58,8 Тожикистонда - 60,7 фоизгача пасайди. Шунингдек, Грузияда - 80,4, Арманистонда - 63,8, Озарбайжонда - 47,6 фоизгача, Қозоғистонда - 47,4, Қирғизистонда - 45,3, Туркменистонда - 34,8, фоизгача пасайган бўлса, Ўзбекистонда эса у 16,1 фоизга пасайди, холос⁴.

Шунингдек, Марказий банк томонидан ҳар йили бюджет тақчиллигининг маълум қисмини молиялаштирилиши муомалага ортиқча пул массасининг чиқишига ва инфляциянинг ўсишига таъсир қилган эди. Ундан ташқари, 1992 йилда Болтиқбўйи, 1993 йилда МДХ давлатларининг кўпчилиги ўз миллий валюталарини муомалага киритиши натижасида мамлакатимизга оқиб келган “совет рубл”лари пул массасининг ҳаддан ташқари кўпайишига ва инфляциянинг шиддат билан ўсишига олиб келди.

Натижада Ўзбекистонда пул массаси 1992 йилдаги 468 фоиздан 1994 йилда 726 фоизгача, инфляция даражаси 910 фоиздан 1132 фоизгача, ЯИМ дефлятори 815 фоиздан 1329 фоизгача ўсди, ишлаб чиқариш эса 4,2 фоизгача қисқарди. Ушбу даврда ўтиш иқтисодиётидаги барча мамлакатларда ҳам бюджет тақчиллигининг ошиши, пул массасининг сезиларли даражада ўсиши, ўз навбатида, инфляция даражасининг шиддат билан ўсишига ва ЯИМ реал ҳажмининг кескин пасайишига олиб келди.

Маълумки, Ўзбекистонда мустақиллик эълон қилингунча мамлакатимизда мустақил банк тизими мавжуд эмас эди. Қолаверса, амалдаги банк муассасалари собиқ Иттифоқ банк тизимининг таркибий қисми ҳисобланарди. Шу сабабли, мамлакатимиз олдида сифат жи-

⁴ Актуальные проблемы и опыт экономической политики в странах Балтии, России и других государствах бывшего Советского Союза. МВФ, Вашингтон, декабрь, 1995, Периодическая серия. Выпуск №133, стр. 14, 18.

хатидан янги банк тизимини яратиш вазифаси турар эди. Ушбу вазифа мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мавжуд мураккаб иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши зарур эди.

Шунингдек, Марказий банк макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодиётнинг пул маблағларига бўлган талабини қондириш учун қатъий монетар сиёсат юритиши зарур эди. Бунинг учун, аввало, мамлакатнинг мустақил пул тизимини яратиш керак эди. Аммо мустақилликнинг илк даврида мустақил пул тизимининг асосини ташкил этувчи миллий валютамиз ҳали муомалага киритилмаган ва ўша пайтда мамлакатимизда пул муомаласи собиқ совет рубли доирасида амал қиларди.

Мамлакатимиз сиёсий мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодий мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлашдек мураккаб вазифа кўндаланг бўлиб турарди. Бунинг учун Ўзбекистон ҳукумати иқтисодиётимиз олдида турган қатор макроиқтисодий ва молиявий муаммоларни бартараф этиши зарур эди. Ушбу муаммоларни муваффақиятли даражада ҳал этиш учун, энг аввало, ўз миллий валютамизга ва мустақил молия тизимимизга эга бўлишимиз зарур эди. Чунки, ҳар бир давлат ўз мустақил пул-кредит ва молия тизимига эга бўлган тақдирдагина тузилмавий ва иқтисодий ислоҳотлар олдида турган мураккаб вазифаларни муваффақиятли даражада ҳал эта олади. Бу эса жаҳон иқтисодий амалиётида аллақачон исботланган.

Банк тизимини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида, яъни, 1991 йилда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун республикамизда икки поғонали банк тизимини яратишнинг ҳуқуқий асоси бўлди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси 1992 йил сентябрь ойида Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва бошқа халқаро молиявий ташкилотларга тўла ҳуқуқли аъзо бўлди.

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунга асосан, мамлакатимизнинг мустақил Марказий банки ташкил этилди ва унинг зиммасига пул муомаласини тартибга солиш, тижорат банклари тизимини шакллантириш, расмий олтин-валюта резервларини сақлаш ва тасарруф этиш, шунингдек, тўлов тизимини ташкил этиш вазифалари юкланди. Албатта, ушбу вазифалар мустақилликнинг дастлабки кунларидаги мавжуд мураккаб иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши зарур эди.

Ўша даврдаги энг мураккаб вазифалардан бири макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодиётнинг пул маблағларига бўлган талабини қондириш учун қатъий пул-кредит сиёсатини юри-

тиш зарур эди. Лекин, бу даврда мустақил пул тизимининг асосини ташкил этувчи миллий валютамиз ҳали муомаллага киритилмаган ва мамлакатимизда пул муомаласи собик совет рубли доирасида амал қиларди. Бу эса янги тузилган Марказий банк олдига сифат жиҳатидан мураккаб вазифаларни қўяр эди. Бу вазифаларни бажариш учун Марказий банкда пул-кредит ва валюта сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, ҳисоб-китоблар ва тўлов тизимини ри-вожлантириш учун масъул бўлинмалар тузилди.

Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида ҳукуматимиз ва Марказий банк томонидан макроиқтисодий барқарорлаштириш дасту-рининг ишлаб чиқилиши ва босқичма-босқич амалга оширилиши, миллий валютанинг муомаллага киритилиши, “Ўзбекистон Респуб-ликасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши асосида мустақкам икки поғонали банк тизими ҳамда нобанк молиявий институтлар-нинг яратилиши Марказий банкка мустақил ва самарали монетар сиёсат юритиш имконини берди.

Миллий валюта муомаллага киритилиши билан Марказий банк мустақил пул-кредит сиёсатини олиб бориш ва унинг воситалари-дан самарали фойдаланиш имконига эга бўлди. Президентимиз И.А.Ка-римов томонидан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Марка-зий банкнинг пул-кредит сиёсати, биринчи навбатда, инфляцияни жиловлаш ва уни кескин тушириш ҳамда ишлаб чиқаришнинг па-сайишини олдини олиш асосида макроиқтисодий ва молиявий бар-қарорликни таъминлашга қулай шарт-шароитлар яратиш ва иқти-содиётдаги тўлов тизимини кучайтиришга йўналтирилди.

Шунингдек, мамлакатимизда валютани тартибга солишга оид ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ушбу соҳада шошма-шошарлик билан ислоҳотларни ўтказган айрим МДХ мам-лакатларининг хатосини такрорламаслик имконини берди.

Бундан ташқари, валюта бозорининг қисқа муддатларда эркин-лаштирилиши, яъни Қирғизистон ва Грузия каби баъзи давлатлар чет эл кредитларини жалб қилишга боғлиқ бўлиб қолди. Маълум-ки, ташқи қарзнинг оғир юки нафақат мустақил валюта сиёсатини, балки давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсатини мустақил равишда олиб борилишини чегаралаб қўяди.

Ушбу муаммоларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, республика-мизда ташқи қарзларнинг ўз вақтида ва тўлиғича қайтарилишига алоҳида эътибор берилди. Ҳозирги кунда ташқи қарзнинг юки мус-

тақил валюта сиёсати олиб боришга имкон берадиган жаҳон стандартлари даражасидадир. Ундан ташқари, валюта бозорини пухта ўйлаган ҳолда ва босқичма-босқич эркинлаштирилиши Ўзбекистоннинг молиявий ва иқтисодий тебранишларини четлаб ўтишга имкон берди.

Ўтган давр мобайнида ҳукумат билан биргаликда Марказий банк томонидан амалга оширилган пул-кредит сиёсати соҳасида бир қатор ижобий натижаларга эришилганлигини эътироф этмоқ лозим. Хусусан, инвестиция лойиҳалари ва давлат бюджети тақчиллигини Марказий банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш амалиётига чек қўйилди. Бу эса пул агрегатлари устидан самарали назорат ўрнатилишига, пул бозорида Марказий банк томонидан амалга ошириладиган операцияларни ривожлантиришга ва пул-кредит сиёсатининг бозор механизмларидан кенг даражада фойдаланишга ҳамда ўзгарувчан фоиз ставкаларини амалда қўллашга имкон яратди. Бу борада республикамиз Президенти И.А.Каримов, жумладан, шундай деган эдилар: “Касса режаларини назорат қилиш сингари эскирган усуллардан воз кечиб, ялпи пул массасини бошқаришнинг фоиз ставкалари каби бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган, замонавий, тез мослашувчан услублари жорий этилгани бу борадаги муҳим қадам бўлди”.

Шу билан бирга, Марказий банкнинг облигациялари муомалага чиқарилди ҳамда тижорат банкларининг бўш пул маблағларини Марказий банкнинг депозит сертификатларига ва махсус депозитларига жалб қилиш бўйича операциялар кўлами кенгайтирилди. Бу эса иқтисодиётдаги мавжуд пул массаси ҳажминини тезкор равишда самарали тартибга солиш ва инфляция даражасини пасайтириш имконини берди.

Сўнгги йилларда инфляция суръатларининг сезиларли даражада пасайгани, ўз навбатида, Марказий банкка қайта молиялаш ставкасини йиллик ҳисобда 30 фоиздан 16 фоизгача босқичма-босқич камайтириш имконини берди. Бу эса тижорат банкларининг депозит ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайишида ўз аксини топди. Натижада, тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларини тижорат банкларидан узоқ муддатли кредитлар олишига ва иқтисодиётнинг реал тармоқларига ажратиладиган кредитлар ҳажмининг сезиларли даражада ошишига, иш ҳақи ва аҳоли даромадларининг амалда ўсишига замин яратди.

Юртбошимиз И.А.Каримов раҳбарлигида валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, банклараро валюта бозорини кенгайтириш ва

мустаҳкамлаш бўйича белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида охириги йиллар мобайнида алмашув курсларини бир хиллаштириш ва валюта бозорини янада эркинлаштиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Хусусан, халқаро жорий операциялар бўйича миллий валютанинг конвертация қилинишини таъминлаш юзасидан тегишли қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниб, Халқаро валюта фонди талабларига зид келувчи барча чекловлар олиб ташланди. Амалга оширилган ушбу изчил чора-тадбирлар жорий халқаро операциялар бўйича миллий валюта конвертациясиби таъминлаш ва Халқаро валюта жамғармаси Битимининг VIII моддасига қўшилиш имконини берди. Энг асосийси, миллий валюта мизининг эркин алмашиш курслари ўртасидаги фарққа тўлиқ барҳам берилди.

Алмашув курсларининг унификация қилиниши асосида миллий валюта барқарорлиги янада мустаҳкамланди, бу эса, ўз навбатида, аҳолининг банк тизимига ишончи ошишига олиб келди ва уларнинг банклардаги омонатлари миқдори сезиларли даражада ўсишида ўз аксини топди.

Экспорт салоҳиятининг ортиши ва истеъмол бозорининг ички ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдирилиши олтин-валюта резервлари ҳажмини сезиларли даражада ошириш ва уни ўрнатилган халқаро меъёрлардан анча юқори даражада ушлаб туриш имконини берди. Хусусан, 2004 йилда олтин-валюта захиралари 30 фоизга, экспорт ҳажми 30 фоизга ўсиши ҳисобига ташқи савдо баланси ижобий қолдиғи 1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Қабул қилинган тегишли қонуний ва меъёрий ҳужжатлар, ўз навбатида, валюта бозори ҳамда нақд валюта бозоридаги операциялар бўйича 30 га яқин чекловларни бекор қилиш имконини берди.

Бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган кўп хилли алмашув курслари амалиёти бартараф этилди ва уларнинг тўлиқ унификация қилиниши натижасида ички валюта бозоридаги барча операциялар банклараро савдо сессияларидаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган курс бўйича амалга оширилмоқда. Шунини таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон ҳам ушбу мақсадга эришиш йўлида, аввало, ташқи қарз маблағларини жалб қилмай туриб ҳам ўз ресурсларига таянган ҳолда, муваффақият қозонди.

Валюта бозорини эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган янги таҳрирдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар ҳамда чет эл валютаси-

ни харид қилиш ва сотишга доир операциялар ўтказиш тартибининг сезиларли даражада соддалаштирилиши натижасида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шарт-шароитлар яратилди.

Жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютанинг конвертация қилиниши амалиётга киритилгандан сўнг республика валюта бозорининг эркинлаштирилиши ҳамда иқтисодиётининг ислох қилиниши бўйича сезиларли даражада ижобий натижаларга эришилиши Халқаро валюта фонди томонидан бир неча маротаба таъкидланди.

Республикамызда ўз вақтида нефть ва ғалла мустақиллигига эришилганлиги катта миқдорда ушбу товар турларини четдан келтириш учун қилиниши керак бўлган валюта сарфини тежаш имконини берди. Бу эса мамлакатимиз олтин-валюта захираларини тобора ошириш асосида миллий валютамыз барқарорлигини янада мустаҳкамлашга замин яратди.

Маълумки, Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши, Фарғонада ушбу йўналишга мўлжалланган заводнинг қайта таъмирланиши, ўз навбатида жаҳон бозоридаги нефть нархининг юқори суръатлар билан ўсиши республикамыз иқтисодиётининг ривожланишига таъсир қилмади ва катта миқдордаги валюта захираларининг ортиқча сарфланишига йўл қўйилмади.

Шунингдек, ғалла экиладиган майдонлар кескин кўпайтирилди ва бунинг натижасида республикамызда 2,5 млн. тоннадан кўпроқ ғалла етиштиришга, озик-овқат маҳсулотлари импортини қарийб 3 барабар камайтиришга эришилди. Умуман, юқорида қайд этилган соҳаларда амалга оширилган чора-тадбирлар республикамызда йилга ўртача 1,5 – 2,0 млрд. АҚШ доллардан ортиқроқ валюта маблағларини, тежаш имконини бермоқда. Тежалган валюта маблағлари, ўз навбатида, кўплаб инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга, янги корхоналар қуриш орқали янги ишчи ўринларини барпо этиш асосида ички ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириб боришдан иборат бўлди.

Мамлакатимизда аҳолига банк хизматлари кўрсатишни яхшилаш бўйича ҳукумат томонидан бир қатор қарорларнинг қабул қилиниши бу борада янги вазифаларни белгилаб берди. Бугунга кунда савдо, овқатланиш ва бошқа хизмат кўрсатиш жойларида терминалларни ўрнатиш, банккоматлар тармоғини кенгайтириш, ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этиш орқали ҳисобкитобларда пластик карточкалар аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Бу борада рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак,

2005 йилнинг ўтган даври мобайнида банклар томонидан муомаллага киритилган пластик карточкалар сони 2,8 баробарга, уларга хизмат кўрсатиш шохобчалари сони 2,9 мартага, ушбу тўлов воситаси орқали амалга оширилган операциялар ҳажми эса 1,7 баробарга ошган.

Банк тизимининг самарали фаолият кўрсатишида нақд пул муомаласини оқиллона ташкил этиш алоҳида ўрин эгаллайди. Банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш ва нақд пулларни банкларга жалб этишни кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда олиб борилмоқда. Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Президентимиз томонидан 2005 йил апрель ойида қабул қилинган “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини айна вақтда қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш факатгина соғлом банк тизими яратиш орқали амалга оширилади. Яъни, банкларнинг ўз капитал маблағларининг оширилиб борилиши, ўз навбатида, уларнинг молиявий ҳолатини янада мустаҳкамланишига олиб келади. Тижорат банклари капиталлашуви даражасини ошириш ва банк тизимини янада эркинлаштириш мақсадида ҳукуватимиз томонидан 2005 йил апрель ойида “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги муҳим қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2007 йилнинг 1 январига қадар янги ташкил этиладиган тижорат банклари учун устав капиталининг минимал миқдорини босқичма-босқич ошириб бориб, 5 миллион АҚШ долларигача ва хусусий банклар учун эса ушбу кўрсаткични 2,5 миллион АҚШ долларигача етказиш кўзда тутилган.

Бундай тадбирнинг амалга оширилиши, яъни банк капиталининг минимал миқдорининг оширилиши, биринчидан, иқтисодийнинг молиявий ресурсларга бўлган талабини янада кенроқ қондириш имконини берса, иккинчи томондан, уларнинг халқаро молия бозорида рақобатбардошлигини орттиради.

Бундан ташқари, ушбу қарорда тижорат банкларининг акциядорлик капиталида жисмоний шахс акциядорларининг улушини ошириш ҳамда хусусий банклар сонини кўпайиши сабаб, рағбатлантириш мақсадида акция (улушлари)лари бўйича жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари 2010 йилнинг 1 январига қадар солиққа тортишдан озод қилинди.

Энг асосийси, ҳукуват қарорлари асосида тижорат банкларига

2010 йилгача бўлган давр ичида банклар республикаимиз корхоналарига уч йилдан ортиқ муддатга инвестиция кредитлари беришдан олган ва банкларнинг ўз капиталини кўпайтиришга йўналтирилган даромадларини фўйда (даромад) солиғидан озод қилиш бўйича имтиёзлар берилди.

Бундай тадбирнинг белгиланишидан асосий мақсад, биринчи навбатда, аҳолининг бўш пул маблағларини банк капиталига жалб қилиш орқали, уларнинг дивиденд тарзида оладиган даромадларини оширади ҳамда уларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади, иккинчи томондан эса, банкларда корпоратив бошқарув тизимини янада сифатли бўлишини таъминлайди.

Шунингдек, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини кескин камайтириш, нақд пулдаги ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни бир қиллаштириш, аҳолининг омонатларидан ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамларидан уларнинг биринчи талаби бўйича қонунчиликда кўрсатилган барча ҳолатларга, асосан, нақд пуллари тўсиқларсиз беришдек муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошишига олиб келади. Шу билан бир қаторда, аҳолининг ўз пул маблағларини узоқ муддатли депозитларда жойлаштириш манфаатдорлигини кучайтириш, банк айланмасидан четда қолаётган салмоқли молия маблағлари ва пул оқимларини банк тизимига жалб қилиш имконини беради.

Ҳозирги пайтда Марказий банк монетар сиёсатни инфляцияни паст даражада ушлаб туриш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган қатъий сиёсат юритиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширишда.

Шунингдек, пул-кредит сиёсати пул массаси ҳажмини ва банк тизими ликвидлигини самарали тартибга солиш, пул бозорини ривожлантириш, монетар сиёсатнинг бозор инструментлари самарадорлигини ошириш, банк тизимида фоиз ставкаларини янада пастайтириш, экспортни рағбатлантириш, олтин-валюта захираларини ошириш ва иқтисодиётнинг пулга бўлган реал талабини тўлиқ қондиришга йўналтирилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда миллий валюта, нархлар ва иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги, макроиқтисодий барқарорликнинг янада мустаҳкамланиши сақлангани ҳолда, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг, олтин-валюта захиралари ва аҳоли реал даромадларининг тобора ошиши кузатилмоқда.

Мамлакатимиз ҳукумати ва Марказий банк томонидан амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар ҳамда олиб борилган қатъий монетар ва фискал сиёсат натижасида мамлакатимизда инфляция сезиларли даражада пасайтирилди. Бу эса иқтисодий фаолликнинг ошишига, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида юқори суръатлардаги иқтисодий ўсишга эришиш имконини берди.

— ~~Иқтисодиётнинг бундай ижобий макроиқтисодий ҳолатига, хусусан, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларини жадал ва изчил ривожланишига, товар ва хизматлар ҳамда экспорт ҳажмининг ўсишига эришишда, энг аввало, ҳукумат иқтисодий сиёсати ҳамда пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсати самарадорлигининг ошиши, пул массасининг самарали тартибга солиниши, миллий валюта-сўмнинг жорий операциялар бўйича конвертация қилинаётганлиги асосий омил бўлди.~~ Шунингдек, ягона алмашув курсининг барқарор ушлаб турилиши ва республикамизнинг асосий экспорт маҳсулотлари учун жаҳон бозоридаги нархларнинг ижобий бўлиши, банкларнинг реал секторга ажратилаётган кредитлар миқдорининг ва молиявий воситачилик ролининг ошиши, хусусан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ҳамда ушбу маблағларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ўз вақтида самарали йўналтирилиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишида муҳим омил бўлди.

Асосий таянч тушунчалар

Макроиқтисодий барқарорлик, молиявий барқарорлик, тўлов баланси тақчиллиги, бюджет тақчиллиги, халқаро олтин-валюта резервлари, макроиқтисодий мувозанат, гиперинфляция, макроиқтисодий барқарорлаштириш дастури, инфляция, дефляция.

Такрорлаш учун саволлар

1. Пул-кредит сиёсатининг моҳияти нимадан иборат?
2. Пул-кредит сиёсатининг бевосита ва билвосита воситалари фарқини кўрсатинг.
3. Резерв пуллар, пул массасининг таркиби ва фарқини тушунтириб бering.

4. Монетаризм ва кейнсчилик назарияларининг асосий фарқини тушунтириб беринг.
5. Пулга бўлган талаб ва пул таклифи қандай аниқланади?
6. Пул-кредит сиёсатининг бош мақсади, оралиқ, операция ва пировард мақсадларининг мазмунини тушунтириб беринг.
7. Пул мультипликатори, пулнинг айланиш тезлиги ва монетизация даражаси қандай аниқланади?
8. Монетизация даражасининг ошиши иқтисодий учун ижобийми ёки салбий ҳолатми?
9. Хорижий мамлакатлар нима сабабдан монетар сиёсатнинг билвосита воситаларига ўтган эди?
10. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда монетар сиёсат воситаларининг қандай турларидан фойдаланилади?

4-БОБ. ИНФЛЯЦИЯ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ ОҚИБАТЛАРИ

4.1. Инфляциянинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва турлари

— Дунё тажрибасининг кўрсатишича, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш шароитида, одатда, кучли инфляцион жараёнлар содир бўлади. Ушбу ҳолат собиқ СССР таркибига кирган барча республикалар, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам кузатилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда кучли инфляция кузатилган бўлса, охириги уч йилда уни жиловлашга муваффақ бўлинди. (4.1.1-жадвал). Мустақилликнинг 15йили давомида инфляциянинг турли шакллари намоён бўлди.

4.1.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида 1994-2005 йиллардаги
истеъмол нархлари индекси (ИНИ) бўйича инфляция
даражаси динамикаси**

| Й и л л а р | ў р т а ч а о й л и к | ў т г а н й и л д е к а б р г а н и с б а т а н | ў т г а н й и л г а н и с б а т а н |
|-------------|--------------------------|---|---|
| 1994 | 21,5 | 1281,4 | |
| 1995 | 5,9 | 98,5 | 304,6 |
| 1996 | 6,4 | 111,0 | 54,0 |
| 1997 | 2,1 | 27,6 | 58,8 |
| 1998 | 1,9 | 26,0 | 17,9 |
| 1999 | 1,9 | 26,1 | 29,1 |
| 2000 | 2,1 | 28,2 | 24,9 |
| 2001 | 2,0 | 26,6 | 27,4 |
| 2002 | 1,6 | 21,6 | 27,6 |
| 2003 | 0,3 | 3,8 | 10,3 |
| 2004 | 0,3 | 3,7 | 1,6 |
| 2005 | 0,65 | 7,8 | 6,4 |

Инфляциянинг оқибатлари жуда катта салбий ҳолатларга олиб келади: аҳоли жамғармалари ва пулнинг қадрсизланиши ва ҳ.к.

Ушбу бобда “инфляция” тушунчаси, унинг сабаблари ва турлари, инфляцияга қарши олиб борилиши лозим бўлган иқтисодий сиёсат масалалари кўриб чиқилади. Шунингдек, инфляциянинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларидаги инфляцион жараёнлар таҳлил қилиниб, хулосалар чиқарилади.

Иқтисодий ҳодиса сифатида инфляция пайдо бўлганига анча вақт бўлган. У пул пайдо бўлиши билан бир вақтда пайдо бўлган ва шунинг учун пул муомаласидаги муаммолар унинг сабабчиси деб ҳисобланади.

“Инфляция” атамаси (лотинча *inflatio* — бўрттириш, кўпиртириш) биринчи марта Шимолий Америкада 1861-1865 йиллар давридаги фуқаролар уруши пайтида қўлланила бошланди ва ўша пайтда қоғоз пулларнинг ҳаддан ташқари кўплаб босиб чиқарилиши натижасида содир бўлди. XIX асрда ушбу атама Англия ва Францияда ҳам қўлланила бошланди. “Инфляция” тушунчаси иқтисодий адабиётларда XX асрда Биринчи жаҳон урушидан кейин, собиқ совет иқтисодий адабиётларида эса 1920 йилларнинг ўрталаридан кенг тарқалди.

Инфляциянинг энг кенг тарқалган таърифи – товар айланиши талабларидан ортиқча миқдорда пул массаси айланиш каналларининг тўлиб кетиши ҳисобланиб, натижада пул бирлиги қадрсизланади ва товарларнинг нархлари ошиб кетади.

Лекин, инфляция – пул массаси айланиш каналларининг тўлиб кетиши натижасида пул бирлигининг қадрсизланишидир, деган таърифни тўлиқ деб ҳисоблаб бўлмайди. Инфляция товар нархларининг ошишида ифодалансада, уни соф ҳолда фақат пул билангина боғлиқ деб ҳисоблаш хатодир. У мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб, бозор хўжалигининг турли соҳаларида такрор ишлаб чиқаришдаги номутаносибликлар натижасида келиб чиқади. Инфляция ҳозирги даврда дунёнинг кўпчилиқ мамлакатлари иқтисодиётида асосий муаммо бўлиб қолмоқда.

Инфляция шароитида миллий валюта товарлар, хорижий валюталар олтинга нисбатан қадрсизланиб боради.

Аввало шуни қайд қилиш керакки, инфляция, яъни нархларнинг ошиши-товарларга талабнинг таклифдан ошиб кетиши натижасида содир бўлиши мумкин.

Лекин айрим товар бозорларида талабнинг таклифдан ошиб ке-

тиши натижасида содир бўладиган нархларнинг ошишини инфляция деб ҳисоблаб бўлмайди. Инфляция – мамлакат бўйича умумий нархлар даражасининг ўсиши ҳисобланиб, узоқ вақт мобайнида кўпчилик бозорларда талабнинг таклифдан ошиб кетиши натижасида содир бўлади. Бошқача қилиб айтганда, у ялпи талаб билан ялпи таклиф орасидаги номуаносиблик натижасида келиб чиқади. Нархларнинг ўсишига айрим конкрет иқтисодий ҳолатлар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, 1970 йиллардаги энергетик бўҳрон фақат нефть нархининг 20 баробар ошишидагина эмас, балки бошқа товар ва хизматларнинг ҳам нархларини ошишига олиб келди: АҚШда инфляция даражаси 1973 йилда 7,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 1979 йилда у 9 фоизга кўтарилди.

Пул соҳасидаги ҳолатдан қатъи назар, нархлар меҳнат унумдорлиги, циклик ва мавсумий тебранишлар, такрор ишлаб чиқариш тизимидаги тизимий силжишлар, бозорнинг монополашуви, давлатнинг иқтисодий ёки бошқариши, янги солиқ ставкаларининг киритилиши, пул бирлигининг девальвация ёки ревальвацияси, бозор конъюктурасининг ўзгариши, табиий офатлар сингари омиллар натижасида ҳам ўзгариши мумкин. Шунинг учун нархларнинг ўзгаришига турли омиллар таъсир кўрсатиши мумкин бўлганлиги учун ҳам улар орасидан конкрет инфляцион омилларни ажратиб олиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Масалан, циклик тебраниш ва конъюктурадаги ўзгаришлар натижасида нархларнинг ошишини инфляция деб ҳисоблаб бўлмайди. Ривожланиш циклининг турли фазаларидан ўтиш вақтида (айниқса, унинг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги классик шаклларида) нархлар ҳам ўзгариб боради. Унинг “бум” фазасида ошиши, кризис фазасида пасайиши билан алмашади ва жонланиш фазасида яна ошиши кузатилади. Меҳнат унумдорлигининг ошиши бошқа тенг шароитларда нархларнинг пасайишига олиб келиши керак, лекин агар меҳнат унумдорлигининг ошиши ўртача иш ҳақининг ошиши билан бир вақтнинг ўзида содир бўлса, у ҳолда нархлар ўзгармаслиги мумкин. Харажатлар инфляцияси деб номланадиган ҳодиса ҳақиқатдан ҳам умумий нархларнинг ошишига олиб келади. Табиий офатлар натижасида нархларнинг ошиши – инфляцияга олиб келадиган сабаб деб ҳисобланмайди. Масалан, қайсидир ҳудудда сув тошқини натижасида уйлар бузилиб кетса, қурилиш материалларига нархларнинг кўтарилишини кузатиш мумкин. Бу ҳолат қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотлари так-

лифини кенгайтиришлари учун сигнал бўлади ва бозор маҳсулотга тўйиниб бориши натижасида нархлар пасайиб боради.

Шундай қилиб, қандай ҳолатларни ҳақиқатда инфляцияга олиб келадиганлар сирасига киритиш мумкин? - деган савол кун тартибига чиқади.

Қуйида инфляциянинг яхлит номутаносибликлар спектори билан боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг энг муҳимларини санаб ўтамыз.

Биринчидан, давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари орасидаги номутаносиблик натижасида давлат бюджетининг камомадли бўлиши. Агар ушбу камомад Марказий банк томонидан молиялаштирилса, яъни пул эмиссияси ҳисобига молиялаштирилса, бу ҳолат товар массаси билан таъминланмаган муомаладаги пул массасининг кўпайишига олиб келади.

Иккинчидан, агар инвестициялар ҳам Марказий банк кредитлари ҳисобига молиялаштирилса, юқоридаги ҳолат такрорланади. Айниқса, иқтисодиётни ҳарбийлаштириш билан боғлиқ инвестициялар жуда хавфлидир. Масалан, миллий даромадни ҳарбий мақсадларда истеъмол қилиш фақат ижтимоий бойликнинг қисқаришига олиб келмасдан, шу билан бир вақтда ҳарбий соҳага инвестициялар кўшимча талабни келтириб чиқаради ва бу яна товар билан қопланмаган пул массасининг ошиб кетишига олиб келади. Кўпчилик мамлакатларда давлат бюджетининг йилдан-йилга камомадли бўлиши ва давлат қарзларининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши ҳарбий харажатларнинг кўпайиши натижасида содир бўлади. Уларни қоплаш учун ҳукуматлар пул массасини оширадилар.

Учинчидан, нархларнинг умумий ошиши XX асрда бозор таркибидаги ўзгаришлар билан боғланади. Шаклланган ушбу бозор тури мукамал рақобатли бозор шароитларидан анча фарқланмоқда. Ҳозирги даврдаги бозор – деярли олигополик бозордир. Олигополистнинг маълум маънода нархлар устидан ҳукмронликка эга бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Олигополиялар “нархлар пойгасини” биринчи бўлиб бошламасалар-да, улар бу пойгадан ва нархларнинг ошишидан манфаатдордирлар.

Маълумки, номукамал рақобатчи нархларнинг юқори даражасини ушлаб туриш учун товарлар камомадини яратишдан манфаатдор бўлади (ишлаб чиқариш ва талабни қисқартириш натижасида). Монополия ва олигополиялар бозорда нархларнинг камайишига йўл қўймаслик мақсадида товарлар таклифи ва нархлар ошиши ораси-

даги эластикликнинг ошишига қаршилик кўрсатадилар. Тармоққа янги ишлаб чиқарувчилар кириб келишининг чегараланганлиги узоқ вақт мобайнида ялпи талаб ва ялпи таклиф орасидаги номутаносибликни ушлаб туради.

Тўртинчидан, у ёки бу мамлакат иқтисоди "очиклигининг" ошиши натижасида ушбу мамлакат иқтисодининг дунё иқтисодиёти билан алоқалари кучайиб боради ва оқибатда четдан инфляция "импорти" хавфи кучайиб боради. Юқорида қайд қилинган 1973 йилдаги энергия ресурсларига нархларнинг сакраб кетганлиги импорт қилинган нефть ва нефть маҳсулотларига нархларнинг ошишига ва технологик занжир орқали бошқа товарларга ҳам нархларнинг жиддий кўтарилишига олиб келган. Миллий валюта курсининг барқарорлиги шароитида ҳар доим мамлакатта олиб кириладиган нархи ошиб кетган товарлар импорт қилинаётганда алмашув курси "ташқи" таъсирга дучор бўлади. "Импорт" қилинган инфляцияга қарши курашиш имкониятлари, одатда, чегараланган бўлади. Албатта, миллий валютани ревальвация қилиш натижасида импорт қилинаётган маҳсулот нархини арзонлаштириш мумкин. Лекин, ревальвация мамлакат экспортлари маҳсулотларини қимматлаштириб, дунё бозоридаги рақобатбардошлигини сусайтиради.

Бешинчидан, инфляция инфляцион кутиш натижасида пасаймаслиги мумкин. Ғарблик ва мамлакатимиздаги кўпгина олимлар ушбу омилга алоҳида эътибор берадилар ҳамда ишлаб чиқарувчилар инфляцион кутишларининг олдини олиш – инфляцияга қарши кураш сиёсатининг энг муҳим қисмини ташкил этади, деган хулосага келадилар.

Инфляцион кутишнинг мамлакат иқтисодиётига таъсир механизми қандай? Одатда, одамлар узоқ вақт мобайнида товар ва хизматларга нархларнинг ошиб боришига дуч келиб турганлари ва уларни пасайишига умидлари йўқлиги сабабли ўз эҳтиёжларидан ортиқча товарларни харид қила бошлайдилар. Шу билан бир қаторда, улар номинал иш ҳақини ошириш талабини қўядилар, бу эса жорий истеъмол талабининг кенгайишига туртки бўлади. Ишлаб чиқарувчилар эса, ўз навбатида, яқин орада хом ашё, материал ва бутловчи қисмларга нархлар ошишини кутишлари натижасида ўз маҳсулотлари нархларини оширишга ҳаракат қиладилар. Бунинг оқибатида пулдан қочиш жараёни бошланади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида (1992-1994 йиллар) юқори даражадаги инфляция шароитида (ялпи ички маҳсулот дефлятори бўйича нархлар 1992 йилда 8,1 марта, 1993 йилда 11,8 марта ва 1994 йилда 13,4 марта ошган)

ишлаб чиқарувчилар ўз шерикларининг нархларни оширишларидан ҳадиксирашар эди. Шунинг учун ишлаб чиқарувчилар ўзларини хавф-хатардан халос қилиш учун ўз маҳсулотларига нархларни бир неча маротаба ошириб юборар эдилар. Натижада нархлар эркинлаштирилганидан сўнг нарх-наво фақат қондирилмаган талаб даражасидагина эмас, балки инфляцион кутишлар ҳисобига ҳам кўтарилиб кетди.

Шундай қилиб, инфляцион кутиш натижасида жорий талабнинг кенгайиши ҳам нархларнинг янада ошиб кетишига туртки берар экан. Шу билан бир вақтда, жамғармалар қисқаради ва кредит ресурслари камаяди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш инвестициялари товар ва хизматларнинг таклифи ошишига тўсқинлик қилади. Ушбу ҳолатда иқтисодий вазият ялпи таклифнинг жуда секинлик билан ошиши ва ялпи талабнинг катта суръатларда ошиб кетиши билан характерланади. Натижа эса – нархларнинг умумий ошишидир.

Деярли барча мамлакатларда инфляциянинг кўпчилик сабаблари мавжуд бўлади. Лекин турли омиллар комбинацияси конкрет иқтисодий вазиятта узвий боғланган бўлади. Масалан, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ғарбий Европада инфляциянинг асосий сабаби кўпчилик товарларнинг етишмовчилиги билан узвий боғланган эди. Кейинги йилларда эса инфляциянинг ошиб кетишига давлат харажатларининг даромадга нисбатан кескин ошиб кетиши ҳамда иш ҳақи – нархлар нисбатининг бузилиши сабабчи бўлган. Собиқ СССРда инфляцияга таъсир қилувчи умумий сабаблар билан бир қаторда охириги йилларда маъмурий-буйруқбозлик тизими натижасида содир бўлган иқтисодиётдаги номутаносибликлар асосий омиллардан бири бўлган эди. Совет даврида узоқ вақтлар давомида ҳарбий ҳолат режими ҳукмрон бўлган эди. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, жамғариш нормаси миллий даромаднинг ярмини ташкил қилган эди. Шу даврларда ғарб мамлакатларидаги ушбу норма 15-20 фоизни ташкил қилган эди. ЯИМда ҳарбий харажатларнинг ниҳоят даражада катта бўлиши, ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва пул-кредит тизимининг юқори даражада монополлашгани, миллий даромадда иш ҳақи улушининг паст даражадалиги ва бошқа белгилар собиқ СССР учун характерли хусусиятлар эди.

Юқорида кўриб чиқилганидек, инфляция миллий валюта сотиб олиш қувватининг пасайишини ифодалайди, у яширин ва очиқ ҳолда бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар бири асосида товар ва хизматлар умумий массаси билан унга қарши турган пул массаси орасидаги номутаносиблик ётади.

Одатда, яширин инфляция иқтисодийнинг нобозор секторидида мавжуд бўлиб, унда нархлар ва иш ҳақи давлат томонидан назорат қилинади ва аниқланади. У товарлар етишмовчилиги, ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатининг ёмонлашувида намоён бўлади. Масалан, 1990 йиллар бошида мамлакатимизда нархлар қатъий тарзда белгилаб қўйилган бўлиб, товар массасининг қисқариши ва сифатининг ёмонлашуви ҳисобига миллий валюта сотиб олиш қуввати “товар-пул” нисбати бузилиши натижасида пасайиб борган эди. Товарлар етишмовчилиги натижасида пул ўз функцияларини бажармай қўйди: яъни товарлар сотиб олиш учун пулдан ташқари яна махсус талонлар ҳам талаб қилина бошланди.

Очиқ инфляция, асосан, товар ва хизматларга нархларнинг ошишида намоён бўлади. Бундай шароитда қоғоз пуллар ўз қадрини йўқотиб, мос равишда товар ва хизматлар билан таъминланмаган ортиқча пул массаси пайдо бўлади.

Шу билан бир қаторда, ҳар қандай нарх ошишини инфляция сифатида талқин қилиш нотўғри бўлади. Нархларнинг ошишига бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Масалан, асосий истеъмол товарларига ҳозирги даврдаги нархлар 30-40 йил аввалги нархларга нисбатан анча баланд. Нархларнинг ўзгаришига товарлар таркибидидаги ўзгаришлар ҳам таъсир ўтказган: 1960 йилларда видеомагнитофон, шахсий компьютерлар ва ҳ.к. товарлар, умуман, мавжуд бўлмаган эди. Ундан ташқари, ишлаб чиқарилаётган товарлар сифати ҳам анча яхшиланган. Албатта, илгари ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан ҳозирги даврда ишлаб чиқарилаётган сифатлироқ ва замон фан-техника талабларига жавоб берадиган товарлар, табиий равишда, қимматроқ туради. Нархларнинг бундай ошишини инфляция деб бўлмайди, лекин агар 30-40 йил мобайнида ҳеч бир ўзгаришсиз ишлаб чиқарилаётган автомобилларга нархлар ошадиган бўлса, унда нархларнинг ошишини инфляциянинг намоён бўлиши, деб ҳисоблаш мумкин бўлар эди.

Мамлакатдаги инфляция даражасини аниқлаш учун жорий даврдаги нархларни базис даври деб танлаб олинган давр нархлари билан таққослаш лозим. Даставвал, товар ва хизматларнинг нархларини ҳисобга олиш лозимлигини аниқлаш керак, чунки барча товарлар ҳам бир хил даражада ўзгармайди. Масалан, нархлар ошганда нонга талаб қимматбаҳо товарларга нисбатан барқарор бўлади.

Нархларнинг ўсиш суръатларига кўра инфляция куйидаги турларга ажратилади:

1. **Судралиб борувчи инфляция.** Ўсиш суръатлари йилига 10 фоизгача бўлади. Нархларнинг бундай даражада кўтарилиши иқтисодий ҳаётга унчалик салбий таъсир кўрсатмайди. Жамғармалар фойдалилик даражасини йўқотмайди (чунки фоиз даромадлари инфляциядан юқори бўлади). Инвестицияларни амалга оширишда хавф ошмайди, аҳоли турмуш даражаси эса оз миқдорда пасайиши мумкин. Бундай даражадаги инфляция бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларга хосдир. Масалан, ғарбий Европа мамлакатларида охириги 20-30 йил мобайнида инфляция даражаси йилига ўртача 3-5 фоизни ташкил қилган.

2. **Сакраб юрувчи инфляция.** Нархларнинг ўсиш суръати йилига 300-500 фоизгача даражани ташкил қилади. Ойлик инфляция даражаси иски хонали рақамни ташкил қилади. Бундай инфляция мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади: жамғармалар кадр-сизланади (чунки банкларга қўйилмалар бўйича фоиз ставкалари инфляция даражасидан пастроқ даражада бўлади), узоқ муддатли инвестициялар жуда ҳам хавфли бўлади, аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайиб кетади. Ушбу инфляция тури иқтисодиёти бўш ёки бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар, масалан, 1980 йилларда Лотин Америкаси мамлакатлари ва 1990 йилларда собиқ социалистик мамлакатларда содир бўлган эди.

3. **Гиперинфляция.** Ойлик инфляция даражаси 50 фоиздан, йиллик даража эса 10.000 фоиздан зиёдроқ бўлади. Бундай инфляция даражаси иқтисодиётни барбод қилиб, жамғармалар, инвестицион механизм ва умуман ишлаб чиқаришни йўққа чиқаради. Истеъмолчилар “ёниб турган пуллардан” қутилиб, уларни моддий бойликларга айлантиришга ҳаракат қиладилар. Чайқовчилик авжига чиқади. Гиперинфляциянинг салбий иқтисодий оқибатларидан ташқари уни тўхтатиш одатда фақат ноиқтисодий чора-тадбирлар орқали (нархларни қаттиқ назорат қилиш, ишлаб чиқарувчилардан озиқ-овқат маҳсулотларини мажбурий тарзда олиб қўйиш ва ҳ.к.) амалга оширилиши билан хавфлидир.

4.1.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, МДХ мамлакатларида 1992-1995 йиллар мобайнидаги истеъмол нархлари индекси бўйича ҳисобланган инфляция даражаси 3-4 хонали рақамларни ташкил қилган.

МДХ мамлакатларида 1992-1995 йиллардаги

инфляция даражаси

| Мамлакатлар | 1992 | 1993 | 1994 | 1995 |
|-------------|--------|---------|--------|-------|
| Озарбайжон | 10,100 | 12,277 | 17,694 | 5,119 |
| Арманистон | 8,300 | 19,157 | 50,736 | 2,760 |
| Беларусь | 10,700 | 12,897 | 23,239 | 8,092 |
| Грузия | 8,500 | 113,294 | 2,630 | 2,630 |
| Қозоғистон | 16,100 | 17,640 | 12,637 | 1,604 |
| Қирғизистон | 9,500 | 11,900 | 1,872 | 1,319 |
| Молдова | 12,100 | 12,810 | 5,871 | 1,301 |
| Россия | 26,100 | 9,387 | 3,148 | 2,313 |
| Тожикистон | 10,600 | 22,453 | 3,391 | 5,431 |
| Ўзбекистон | 10,078 | 9,848 | 13,814 | 2,169 |
| Украина | 21,000 | 102,571 | 5,009 | 4,770 |

4.2. Давлатнинг инфляцияга қарши чора-тадбирлари

Инфляциянинг салбий ижтимоий ва иқтисодий оқибатларининг олдини олиш мақсадида турли мамлакат ҳукуматлари маълум чора-тадбирлар орқали иқтисодий сиёсат юритишга мажбур бўладилар. Бунда иқтисодчилар, биринчи навбатда, қуйидаги муҳим саволга жавоб топишга ҳаракат қилишади: инфляцияни қатъий чоралар орқали йўққа чиқариш керакми ёки унга мослашиш лозимми? Ушбу диалемма ҳар бир мамлакатга хос бўлган хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда турлича ечилади. АҚШ ва Буюк Британияда, масалан, инфляцияга қарши курашга давлат миқёсидаги вазифа сифатида қаралса, бошқа баъзи бир мамлакатларда инфляцияга мослашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади (масалан, аҳоли даромадларини индексациялаш ва ҳ.к.).

Инфляцияга қарши кураш сиёсатига баҳо беришда, ушбу сиё-

сатта икки хил ёндашиш мумкин. Биринчи ёндашиш доирасида (уни ҳозирги замон Кейнс назарияси издошлари ишлаб чиққанлар) тўловга қобилиятли талабга таъсир кўрсатиш мақсадида давлат харажатлари ва солиқлар бобида фаол бюджет сиёсати юритишни таклиф қиладилар.

Инфляцияцион, ортиқча талаб шароитларида давлат ўз харажатларини қисқартириб, солиқларни оширади. Натижада, талаб қисқариб, инфляция суръатлари пасаяди. Бироқ шу билан бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш суръатлари ҳам чегараланади. Бу эса иқтисодиётда турғунлик, ҳаттоки бўҳрон ва ишсизликнинг кенгайишига олиб келиши мумкин. Жамият учун инфляцияни ушлаб туришнинг оқибатлари ҳам ана шунда.

Бюджет сиёсати талабнинг пасайган шароитларида уни ошириш мақсадида амалга оширилади. Агар талаб етарли даражада бўлмаса, давлат капитал маблағлари ва бошқа харажатлар дастурлари амалга оширилиб, солиқлар қисқартирилади. Паст даражадаги солиқлар, биринчи навбатда, ўртача ва паст даромад оладиганларга нисбатан белгиланиб, улар одатда ўз қўшимча даромадларини жамғариб ўтирмасдан, уни сарфлаб юборадилар. Шу асосда истеъмол товарлари ва хизматларига талаб даражаси кенгайди. Бироқ талабни бюджет маблағлари ҳисобига рағбатлантириш, 1960-1970 йилларда кўпчилик мамлакатлар тажрибаси кўрсатганидек, инфляциянинг кучайишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, катта миқдордаги бюджет камомади ҳукуматнинг солиқлар ва харажатлар масаласидаги имкониятларини чеклаб қўйиши мумкин.

Иккинчи ёндашиш неоклассик йўналишдаги иқтисодчилар томонидан таклиф қилиниб, улар иқтисодиётга таъсир қилишда, биринчи навбатда, пул-кредит сиёсатидан фойдаланишни маъқул кўрадилар. Ушбу ёндашишга кўра, иқтисодиётни билвосита бошқариш расман давлат назоратидан ташқарида бўлган Марказий банк томонидан олиб борилади. Марказий банк иқтисодиётга, муомалада бўлган пул миқдори ва фоиз ставкаларига ўзгартиришлар киритиш орқали таъсир ўтказиши. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодчиларнинг фикрича, тўловга қобилиятли талабни қисқартириш учун давлат дефляцияцион чора-тадбирларни қўллаши лозим. Чунки иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва табиий ишсизликни сунъий тарзда ушлаб туриш инфляция назоратини йўқотишга олиб келганлиги учун давлат дефляцияцион сиёсатни юритиши лозим деб ҳисоблайди.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти ўз характерига кўра инфляцияциондир. Чунки унда инфляциянинг барча омилларини йўқотишнинг

имконияти йўқ (бюджет камомлади, монополизм, халқ хўжалигидаги номуаносибликлар, аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляциян кутишлари, ташқи каналлар орқали инфляцияни кириб келиши ва ҳ.к.).

Шунинг учун бутунлай инфляцияни бартараф қилиш мумкин эмас. Шу сабабли кўпчилик давлатлар ўз олдига катта миқсатларда бўлмаган, назорат қилиш имконияти сақланиб қоладиган инфляция бўлишини мақсад қилиб қўядилар.

Инфляцияга қарши чора-тадбирлар олиб боришда катта тажрибага эга бўлган ғарб мамлакатларида одатда ўзаро уйғунлашган узок ва қисқа муддатли сиёсат олиб бориш лозимлигининг мақсадга мувофиқлиги кўп бор исботланган. Схема кўринишида инфляцияга қарши кураш сиёсатини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Узоқ муддатли сиёсатда, **биринчи навбатда**, жорий талабни қучайтирадиган аҳоли инфляциян кутишини ўчириш вазифаси қўйилади. Бунинг учун аҳоли ишончини қозониш мақсадида ҳукумат аниқ мантиқий кетма-кетликдаги инфляцияга қарши сиёсат олиб бориши талаб қилинади. Ишончини қозонишга ҳукуматнинг кўраётган конкрет чора-тадбирлари хизмат қилиши мумкин (ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, монополияга қарши чоралар, нархларнинг эркинлаштирилиши, маъмурий божхона назоратини бўшаштириш ва ҳ.к.). Бу чора-тадбирлар бозорнинг самарали фаолиятини таъминлаб, истеъмол психологиясини кескин ўзгартиришга имкон бериши мумкин.

Иккинчидан, солиқларни ошириш ва харажатларни қамайтириш орқали бюджет камомадини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар (уни Марказий банк томонидан молиялаштириш бевосита инфляцияга олиб келади).

Учинчидан, пул-кредит соҳасидаги чора-тадбирлар, хусусан, пул массасининг ҳар йили қўшимча ўсишини катъий чегаралаш инфляция даражасини назорат қилишга имкон беради.

Тўртинчидан, ташқи омиллар таъсирини сусайтириш. Хусусан, иқтисодийётта давлат бюджетининг камомадини қоплаш учун ҳукуматнинг хориждан жалб қиладиган қисқа муддатли кредитлари ва қарзлари орқали хорижий капитал оқиб келиши натижасида (тўлов баланси ижобий бўлган ҳолатларда) инфляциян таъсирни пасайтириш.

Узоқ муддатли сиёсатдан фарqli ўлароқ, қисқа муддатли сиёсат инфляция суръатларини вақтинча пасайтиришга қаратилган бўлади. Бунда ижобий натижага ялпи талабни оширмасдан ялпи таклиф оширилган тақдирдагина эришилади. Шу мақсадда ҳукумат асосий маҳсулотта қўшимча тарзда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналарга имтиёзлар бериши мумкин. Ҳукумат ўз та-

сарруфидаги маълум мулкни хусусийлаштириб, олинган маблағни бюджет камомадини молиялаштиришга сарфлаши мумкин. Инфляция талаб, шунингдек, катта миқдорда хусусий корхоналар акцияларини сотиш орқали пасайиши мумкин. Истеъмом молларини йirik ҳажмларда импорт қилиниши ҳам таклифнинг ошишига бевосита таъсир ўтказди.

Инфляция суръатларига маълум даражада таклиф ўзгармаган ҳолда жорий талабнинг пасайиши таъсир ўтказди. Бунга юқорироқ жамғариш меъёрларини рабатлантириш учун аҳолининг банкларга депозитлари бўйича фоиз ставкаларининг оширилиши орқали эришиш мумкин.

4.3. Инфляция оқибатлари

Инфляциянинг барча турлари хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу оқибатлар мураккаб ва турли-тумандир. Унинг унчалик катта бўлмаган суръатлари нархлар ҳамда фойда меъёрининг ошишига ва натижада конъюнктуранинг вақтинчалик жонланишига сабаб бўлади. Инфляция суръатининг ошиб бориши билан у ишлаб чиқаришга тўсиқ бўла бошлайди, жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий вазиятни кескинлаштиради.

“Сакраб юрувчи” инфляция ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатади, бозор конъюктурасидаги ноаниқликлар сабабли кичик ва катта бизнес корхоналарига бирдек иқтисодий йўқотишлар келтиради. Инфляция самарали макроиқтисодий сиёсат юритишни қийинлаштиради. Нархларнинг нотекис ўсиши иқтисодиёт тармоқлари орасидаги номутаносибликни кучайтиради, истеъмом талабининг таркибини торайтиради. Нарх бозор иқтисодиётидаги асосий вазифасини – объектив информацион сигнал вазифасини ўтай олмай қолади.

Инфляция пулдан тезроқ қутилиб, товарга эга бўлиш жараёнини фаоллаштиради, товар очарчилигини кучайтиради, пул жамғаришга рабатни йўқотади, пул-кредит тизими фаолиятини бузади, бартерга олиб келади.

Нархлар умумий даражасининг юқори суръатларда ўсиши фискал тизимга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бунда Танзи-Оливер эффектини кузатиш мумкин. Лотин Америкаси иқтисодчилари бу эффектга ўтган асрнинг 70-йилларида эътибор беришган. Гап шундаки, инфляция солиқ тушумларини қадрсизлантиради. Агар со-

ликлар 3-чорақда ҳисобланса, лекин 4-чорақда тўланса, гиперинфляция шароитида бюджетта келиб тушадиган солиқ тушумларининг ҳақиқий қиймати камайиб кетади.

Инфляция шароитида аҳолининг жамғармалари ҳам қадрсизланади, кредит берувчи банклар ва ташкилотлар ҳам зарар кўрадилар. Ишлаб чиқаришнинг глобаллашуви инфляцияни бир давлатдан иккинчи давлатга кўчиб ўтишини осонлаштиради ва бу билан халқаро валюта ва кредит муносабатларига путур етказди.

Инфляция ижтимоий оқибатларга ҳам эга. У миллий даромадни қайта тақсимланишига олиб келади, аҳоли учун солиқ устига солиқ бўлиб, иш ҳақининг номинал ва ҳақиқий кўрсаткичларининг кескин ўсиб бораётган товар ва хизматлар нархларидан ортда қолиб кетишига сабаб бўлади. Инфляциядан барча турдаги ёлланма ишчилар, профессионаллар, нафақахўрлар ҳам бирдек жабр кўрадилар.

Инфляциянинг даромад тақсимотига таъсири. Нархлар ўсиши билан олинадиган даромаднинг абсолют ҳажми ҳам ошади. Номинал даромад - бу инсоннинг иш ҳақи, пенсия ва бошқа кўринишларда оладиган даромадидир. Ҳақиқий даромад - бу номинал даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар ҳажми.

Турли ижтимоий қатламлар инфляциянинг критик нуқталарига бир вақтнинг ўзида тўқнаш келмаслиги сабабли биринчи бўлиб ҳақиқий даромадлари камайишидан белгилаб қўйилган даромад - нафақа, стипендия ва ҳ.к. олувчилар зарар кўрадилар. Даромадларнинг бундай турлари инфляция жараёнининг илк босқичидаёқ қадрсизланади.

Кейинги босқичларда нархларга нисбатан секинроқ ўсаётган иш ҳақлари қадрсизлана бошлайди. Натижада, меҳнат қилишга рағбат камаяди, ишчи кучи аввалги яшаш даражасини сақлаш мақсадида иқтисодиётнинг даромади юқорироқ соҳасига кўчиб ўта бошлайди, бу эса ишлаб чиқаришнинг пасайиши билан биргаликда нархларнинг янада ошишига олиб келади.

Инфляциянинг бу босқичида ёлланма ишчилар билан бир қаторда кичик ва ўрта фирмалар ҳам критик нуқтага етиб келадилар. Чунки улар ҳам юқори технологиялар қўллаётган катта корхоналарга ўз ўринларини бўшатиб беришга мажбур бўладилар. Инфляциядан кўрилаётган бундай зарарларни қоплаш учун бу фирмалар хомашё ва материалларни олдиндан ҳар эҳтимога қарши деб ғамлаб қўйишади, тобора ўсиб бораётган нархлар эса корхоналар айланма маблағларини “еб” қўяверади ва натижада пул маблағларининг мате-

риаллашуви рўй беради, яъни капитал пул кўринишидан товар кўринишига ўтади.

Инфляция ривожланишининг кейинги босқичида давлат ҳам кри-тик нуқтасига етади. Агар шу пайтгача абсолют ҳажми ошиб бора-ётган солиқ тушумлари давлат бюджетининг харажатлар қисмини таъминлаб турган бўлса, энди тобора ортиб бораётган харажатлар-ни молиялаштириш учун давлат пул эмиссиясига мурожаат қилиш-га мажбур бўлади. Қўшимча пул эмиссияси давлатга зарур тўлов-ларни амалга ошириш имкониятини берса-да, пул массасининг ор-тиб бориши инфляция суръатини янада оширади. Давлат яна эмис-сия қилишга мажбур бўлади ва бу билан инфляцион спирал пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Инфляциянинг жамгармага таъсири. Инфляция жамғармани камайтиради ва қадрсизланиш бир йўла икки йўналишда рўй бера-ди: реал пул капиталининг камайиши ва унинг даромадлигининг камайиши. Инфляциянинг илк босқичида омонатларнинг қадрсизла-ниши унча билинмайди, аммо инфляция оша бориши билан омонат-да турган пулларга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар ҳажми камайиб боради.

Омонатларнинг даромадлиги омонатлар учун бериладиган фоиз ставкалари, нархлар ошиши суръатларидан юқори бўлиб турганда сақланиб туради. Омонатлар тобора камроқ даромад келтира бош-лайди. Агар фоиз ставкалари нархлар ошишидан кам бўлса, у ҳолда омонат ўз маъносини йўқотади. Инфляция даражаси қанчалик юқори бўлса, “пулдан қочиш” шунча кучлироқ бўлади ва бу, ўз навбати-да, нарх ошишини кучайтиради.

Инфляциянинг ўсиб кетиши натижасида омонатчилар ўз жам-ғармаларини ҳимоя қилиш мақсадида юқори даромадли қимматбаҳо қоғозлар, чет эл валютаси ёки узоқ муддат фойдаланишга мўлжал-ланган истеъмол товарлари, қимматбаҳо буюмлар, антиквариат, санъат асарлари, кўчмас мулк ва бошқа моддий бойликлар сотиб олишга мажбур бўладилар. Равшанки, ҳамма ҳам қимматбаҳо бу-юмлар ва антиквариат сотиб ололмайди. Аҳолининг катта қисми жамғармаларини жорий истеъмол учун сарфлашга мажбур бўлади. Жамғарманинг қолган қисми валюта сотиб олиш учун сарфланади. Инфляция натижасида жамғармалар юқори даромадга эга ижтимо-ий гуруҳлар фойдасига қайта тақсимланади. Бу гуруҳнинг даромади нарх ошиши билан ортиб бораверади. Жамғармалар эса товар-ма-териал шаклини олади.

Жамғармалар таркибининг ўзгариши билан кредит тузилишининг ўзгариши ҳам кузатилади. Инфляция кредит беришни кредитор учун фойдасиз қолдириб, қарздор учун эса фойдали ҳолатга келтириб қўяди. Нархлар ошиши узоқ муддатли кредитлар, кейин эса ўрта муддатли кредитлар ҳажмининг камайишига олиб келади. Жамғармаларнинг камайиши инвестициялар камайишига олиб келади. Узоқ муддатли инвестициялар қилиш хатарли бўлиб қолади. Инвестициялар таркиби ҳам ўзгаради: улар секин-аста ишлаб чиқариш соҳасидан савдо, молия бозорлари соҳасига кўчиб ўтади. Инвестиция даражасининг пасайиши, ўз навбатида, ускуналарнинг эскиришига ва харажатларнинг ошишига олиб келади ва инфляцияни янада “қиздиради”.

Инфляциянинг иқтисодий ўсишга таъсири. Юқорида айтиб ўтилганидек, юқори даражадаги инфляция иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади. Нархларнинг паст суръатларда ошиши иқтисодий ўсишга қандай таъсир кўрсатади? Бу масалага турли хил қарашлар мавжуд.

Кейнс назарияси ва унинг издошлари кучсиз инфляция иқтисодий ривожланишни рағбатлантиради, деб ҳисоблашади. Секин ва доимий ошиб борувчи нархлар фирмаларга кўшимча фойда олиш ва улар инвестиция қилишдан ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан манфаатдор бўладилар. Бу жараён иқтисодиётда ишлатилмаган ресурслар тугагунча ва нархлар ошишига нисбатан паст ҳолда сақланиб турган ҳолатда давом этаверади.

Кейнс издошларидан фарқли ўларок, неоклассик назариянинг турли вакиллари, ҳаттоки энг паст инфляция ҳам иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблашади. **Биринчидан**, нархлар ошиши натижасида, энг аввало, омонатчилар омонат қўйиш суръатларини пасайтирадилар, кейин эса уларни камайтирадилар ва истеъмол соҳасига буриб юборадилар. **Иккинчидан**, нарх ошиши инвестиция жараёнларини тормозлайди. Нархлар ошиши шароитида маҳсулотни сотиш имкониятлари мавҳум бўла боради ва бу ҳолатда ишлаб чиқаришни кенгайтириш хатарли ва маъносиз бўлиб қолади.

Таъкидлаш жоизки, бу қарашларнинг тўғри ёки нотўғрилиги эмпирик жиҳатдан тасдиқланмаган. Инфляция даражаси 5 фоизгача бўлса, иқтисодий ўсиш пайдо бўлади, аммо ундан юқори инфляция иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади, албатта.

Инфляциянинг тўлов балансига таъсири. Инфляциянинг яна бир

салбий оқибатларидан бири унинг мамлакат тўлов балансининг ёки экспорт ва импорт орасидаги фарқ сифатида аниқланадиган соф экспортнинг ёмонлашувига олиб келишидир.

Фараз қилайлик, бир-бирлари билан савдо қилувчи мамлакатларда экспорт ва импорт ҳажми тенг бўлсин. Агар шу давлатлардан бирортасида секин - аста доимий нарх ошиши рўй берса, у ҳолда ушбу давлатдан қилинадиган экспорт ҳажми камая боради, импорт эса ошади. Тўлов баланси салбий (манфий) бўлиб қолади. Агар бундай ҳолат давом этаверса, у ҳолда ушбу давлат камомадни қоплаш учун ўз валюта ва олтин захираларидан фойдаланиши ёки миллий валютасини девальвация қилиши керак. Олтин ва валюта захираларидан фойдаланиш улар ҳажмининг чекланганлиги сабабли узоқ вақт давом эта олмайди. Миллий валюта девальвацияси бошланғич босқичларда тўлов балансининг экспорт-импорт операцияларидаги мувозанатни сақлаб туриш имкониятини беради ва ҳаттоки мамлакат ичида ишлаб чиқарилган товарларнинг чет мамлакатда рақобатбардошлигини оширади. Бироқ, миллий валюта курсининг тушиб бориши иқтисодиётда номуаносибликларга олиб келади. Чунки бунда экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқараётган тармоқлар устунликка эга бўлиб, импорт маҳсулотларидан фойдаланадиган тармоқлар эса синиб боради. Бундан ташқари, миллий валютанинг девальвацияси чет эл кредитларини қайтариш муаммосини ҳам келтириб чиқаради, чунки бир бирлик чет эл валютасини қайтариш учун миллий валютанинг кўпроқ бирлиги миқдори керак бўлади.

Демак, инфляциянинг қуйидаги иқтисодий оқибатлари пайдо бўлади:

- 1) даромадлар ва бойликни қайта тақсимланиши;
- 2) давлат корхоналари нархларининг бозор нархларидан ортда қолиши;
- 3) давлат томонидан солиқлар орқали пул маблағларини яширин мусодара қилиши;
- 4) пул маблағларининг тезлашган моддийлашуви;
- 5) реал фоиз ставкасининг тушиши;
- 6) инфляция суръати ва ишсизлик даражасининг тескари пропорционаллиги.

Уларнинг биринчиси – даромадлар ва бойликнинг қайта тақсимланиши. Фараз қилайлик: жаноб А. жаноб Бдан 5 ойдан кейин қайтариб бериш шарти билан қарз олди ва бу 5 ой ичида инфляция сўми 2 барабар қадрсизлантирди. 5 ойдан кейин жаноб А. жаноб

Бдан олган қарзини номинал кўринишда тўлиқ қайтарди. Аммо инфляция туфайли ҳақиқатда 50 фоизини қайтарди. Алам қиладиган томони бундай негатив эффектдан тўлиқ қутилишнинг иложи йўқ, чунки инфляция баланслашмаган ва уни олдиндан аниқ башорат қилиб бўлмайди. Инфляция шароитида узоқ муддатга нафақат белгилаб қўйилган (фиксирланган) ставкада, баъзан эса ўсиб борувчи ставкада ҳам қарз бериш фойда келтирмайди. Агар юқори ўсиб борувчи фоиз ставкасида қарз бериш ҳақида гап кетганда инфляцияни башорат қилиш мушкуллиги туфайли бу қарзни олувчиларни ҳам топиш қийин бўлар эди. Бир нарсанинг нархи бошқасига нисбатан қанчалик тезроқ ва тўсатдан ошса, биринчисига қанча яхши бўлса, иккинчисига эса шунчалик ёмон бўлади. Масалан, хўжалик шартномаси 5 йилга тузилган ва нарх ошиши ҳисобга олинмаган бўлса, у ҳолда нархларнинг тўсатдан ошиб кетиши ишчиларнинг ютқизишига олиб келади. Агар бир тадбиркор ишлаб чиқарган маҳсулотининг нархи бошқа товарлар нархига нисбатан секин ўсса, бу тадбиркор ҳам азият чекади. Бошқа бир тадбиркор эса ўз маҳсулоти нархининг тезроқ ўсишидан фойда кўради.

Инфляциянинг иккинчи оқибати – давлат корхоналари нархларининг бозор нархларидан ортда қолишидир. Давлат (бошқариладиган) секторида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари онда-сонда ва узоқ вақт кўриб чиқилади, хусусий секторда эса бу жараён тезроқ амалга оширилади.

Баланслашмаган, ҳаттоки қутилган инфляциянинг учинчи оқибати солиқ тизими орқали таъсир қилади. Бу ҳолатда прогрессив солиққа тортиш бизнеснинг турли гуруҳлари вакиллари даромади реал ёки номинал ошган бўлишидан қатъи назар қамраб ола бошлайди. Бу ҳукуматга янги қонунлар қабул қилмасдан ёки ставкалар киритмасдан туриб тобора ўсиб борувчи солиқ тушумларини йиғиш имкониятини беради. Бизнес ва аҳолининг ҳукуматга муносабати эса табиийки ёмонлашади. Пул маблағларини бундай яширин мусодара қилишнинг хавфлилиги тўғрисида XX асрнинг 30-йилларида Ж.Кейнс айтиб ўтган эди.

Баланслашмаган инфляциянинг яна битта оқибати – аҳоли ва корхоналар ўзларининг тез қадрсизланиб бораётган пул захираларини моддий бойликларга айирбошлашга ҳаракат қилишади. Фирмалар ўз пул маблағларидан фойдаланишни фаоллаштириш режаларини тузишади. Бу ҳолатнинг салбий томонлари шундаки, кўпинча шошилинч, пухта ўйланмаган ва моддий захиралар тўплашга қаратилган режалар амалга оширилади. Корхоналар омбори ва аҳоли

уйларининг турли товарлар билан тўлиши муносабати билан параллел равишда тақчиллик ҳам орта боради.

Инфляциянинг навбатдаги оқибати – маълумотларнинг етишмаслиги ёки беқарорлиги бизнес режалар тузишга халақит беради. Бозор иқтисодиётида нархлар асосий индикатор вазифасини бажаради. Нархлар тўғрисидаги маълумотлар бизнес учун энг асосий маълумот ҳисобланади. Инфляция жараёнида нархлар тез-тез ўзгариб туради, сотувчилар ва харидорлар кўпинча оптимал нарх танлашда хатога йўл қўядилар. Келгуси даромадларга бўлган ишонч сўниб боради, аҳоли иқтисодий рағбатни йўқотади, бизнеснинг фаллиги сусаяди.

Инфляциянинг кейинги оқибати – реал фоиз ставкаси инфляция ўсиш фоизига камаяди. Инфляциянинг ўсиши кўпинча тўла бўлмаса-да, лекин бандликнинг ўсиши ва миллий даромад ҳажмининг ошиши билан биргаликда рўй беради.

4.4. Ўзбекистон Республикасидаги инфляцион жараёнларнинг хусусиятлари

Ўзбекистон иқтисодиётига нисбатан икки хил қараш мавжуд. Биринчи қарашга биноан, республика иқтисодиёти бошқа чет мамлакатлар иқтисодиётига ўхшаш бўлиб, фақат бошланғич шартлари билан фарқ қилади. Иккинчи қарашга кўра эса, Ўзбекистонда ўзига хос хусусиятлар шунчалик кўпки, унинг муаммоларини ҳал қилиш учун янги иқтисодий назария бўлмаса-да, ҳеч бўлмаганда, мавжуд стандарт қарашларни сезиларли даражада модификация қилиш талаб қилинади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги антиинфляцион сиёсати асосида бюджет камомади ва пул массаси ҳажмини чегаралаб туриш ғоялари ётади. Бу йўналиш нафақат республика иқтисодчиларининг қарашларини, балки ХВФ позициясини ҳам акс эттиради.

Ўзбекистонда ислохотлар бошида сакраб юрувчи инфляцияни келтириб чиқарган ва юқори нарх ўсишига олиб келган сабаблар қандай бўлган? Кўпчилик иқтисодчилар томонидан таъкидланаётган сабаблардан бири – айрим товарлар ва хизматларнинг бозордаги монопол ҳолатидир.

Нархларнинг кенг кўламда эркинлаштиришга ўтиш олдидан саноатнинг монополлашганлик ҳолати тўғрисида куйидаги маълумотларни кўриб чиқамиз. Давлат статистика қўмитасининг ҳисоб-китобларига кўра, собиқ СССР даврининг охириги йилларида саноат

тармоқларида ишлаб чиқариладиган 340 та товар гуруҳининг 1/3 қисми, СССР ФА ЦЭМИ томонидан 1989 йилда қилинган ҳисоб-китобларга кўра, машинасозлик саноатида товарлар ушбу товарлар ишлаб чиқариш бўйича ягона бўлган корхоналарда ишлаб чиқарилган. Бу монополияларнинг айримлари Ўзбекистонда жойлашган эди.

Нархларни эркинлаштириш монополлашган тармоқлар учун нархлар ўсишига олиб келувчи классик шароитларни ярағди. Бу эса ўтиш даври иқтисодиёти тажрибасида яна бир марта исботланди. Кичик бизнесдаги нарх ошишининг олдини олувчи эркин рақобат шароити ҳамма жойда ҳам шаклланмади. Инфляция ўсишининг яна бир муҳим сабаби нефть, газ ва шунга ўхшаш қазилма бойликлар саноати маҳсулотлари нархларини жаҳон бозоридаги нархларга етказиб олиш тўғрисидаги ғояларни амалиётга жорий қилиш бўлди.

Давлат томонидан ёнилғи маҳсулотлари нархининг ошириб юборилиши ўз орқасидан бошқа товар хизматлар нархларининг ошишига олиб келди ва бу эса юқори инфляциянинг асосий сабабларидан бирига айланди.

Инфляцияни жиловлаб туриш учун ҳукумат қандай чора-тадбирларни амалга оширди?

Инфляцияни жиловлаш учун ҳукумат бюджет харажатларини ошириб юбормаслик йўлини танлади. 2002 йилда ҳукумат инфляцияга қарши курашишнинг асосий воситаси сифатида қатъий бюджет сиёсати олиб бориш фикрида эканлигини исботловчи бир қанча қарорлар ишлаб чиқди. Жумладан, Марказий банк томонидан инвестиция лойиҳалари ва давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун бериладиган кредитларни тўхтатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Натижада, 2003-2004 йилларда кейинги йилларда биринчи марта истеъмол нархлари индекси жуда паст бўлишига эришилди (мос равишда 3,8% ва 3,7%).

Монопол бўлмаган тармоқларда нарх ошишининг асосий сабаби маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш харажатларининг ошириб юборилиши (харажатлар инфляцияси) билан изоҳланади.

Ўзбекистонда нарх ошишига сабаб бўлаётган омиллардан яна бири бу – миллий валютамиз сўмни айирбошлаш курсининг АҚШ долларига ва бошқа айрим қаттиқ валюталарга нисбатан узоқ муддатли пасайишидир.

Бизнинг назаримизда, шу сабабларга кўра, айрим ҳолатларда маҳаллий маҳсулотларнинг нархлари турдош импорт маҳсулотлар нархларидан ҳам ошиб кетмоқда. Миллий валютанинг курси рақо-

батбардош маҳсулот ишлаб чиқариб, уни ички бозорда муваффақиятли сотаётган, қолаверса, оёғида мустаҳкам турган ишлаб чиқариш корхоналари томонидан қўллаб-қувватлаб турилсагина барқарор бўлади. Ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўсиш суръатлари истеъмол нархлари ўсиш суръатларидан юқори эканлиги харажатлар инфляцияси билан изоҳланади. Бунга сабаб эса сўмни айирбошлаш курсининг ўсиши, экспорт ҳажмининг ортиб бораётганлиги, шунингдек, оралиқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг жонланаётганлиги бўлди. 2005 йилнинг 8 ойлик яқунларига кўра, ишлаб чиқарувчилар нархлари 13,6%га ва истеъмол нархлари 1,8%га ўсди. Бу жараёнлар охириги йиллар мобайнида ҳам ижобий, ҳам салбий из қолдирди ва Ўзбекистон иқтисодиётига катта таъсир кўрсатди.

Иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар:

– принципиал фундаментал тенденциялардан бири молиявий ресурсларни аҳоли қўлидан корхоналар қўлига қайта тақсимланиши ҳисобланади. Кўп корхоналар ўзларининг молиявий ҳолатларини тубдан яхшилашга эришдилар – айланма маблағлар ҳажми ва фойда миқдори ошди, бартер операциялари камайди, дебитор ва кредитор қарздорликнинг ўсиш суръатлари пасайди;

– республика ташқи савдо баланси тубдан яхшиланди;

– ташқи қарзга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ тўловлар амалга оширилишига қарамасдан олтин-валюта захиралари 6-7 ойлик импортни қоплаш даражасигача ошди;

– нархларнинг ошиши ва сўмнинг девальвацияси суръатлари 7-8% атрофида сақланиб турди;

– давлат бюджети камомади белгиланган меъёрлар даражасидан ортиб кетмаяпти.

Иқтисодиётдаги салбий ўзгаришлар:

– 2003 йилгача бўлган иқтисодий ўсиш барқарор эмас ва импорт ўрнини босиш эффеқтига асослангандир. Бу эффеқт захиралари эса ўта чегараланган;

– бюджетнинг муваффақиятли бажарилиши, асосан, инфляция ва девальвациянинг юқори суръатлари билан изоҳланади. Бюджет лойиҳасида эса бу суръатлар пастроқ бўлиши мўлжалланади;

– Ўзбекистоннинг молия бозорлари ҳалигача паст оборотлар ва паст ликвидлилиги, юқори хатарлар билан характерланади.

Инфляциянинг иқтисодий оқибатлари салбий ҳолатларни келтириб чиқаради, шунингдек, молия, пул ва умуман, бутун иқтисодий тизимга ёмон таъсир кўрсатади. Инфляция нафақат пулнинг

тўлов қобилиятини пасайишини билдиради, балки у хўжаликни бошқариш имкониятларини барбод қилади, тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга уринишларини йўққа чиқаради, бузилган мувозанатларни тиклашга уринишларини ҳам самарасиз қилиб қўяди. Табиатига, интенсивлиги ва пайдо бўлишга кўра, инфляция турли-туман бўлса-да, барча инфляциялар битта термин билан юритилади. Инфляцион жараёнлар фақат маълум бир сиёсатнинг, жумладан, пул эмиссиясининг кенгайиши ёки ишлаб чиқаришнинг тақчиллиги бошқарилишини тўғридан-тўғри натижаси сифатида қаралиши мумкин эмас. Чунки, нархлар ошиши иқтисодиётдаги туб жараёнлар, талаб ва таклиф ўртасидаги, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ўртасидаги, жамғариш ва истеъмол, шунингдек, улар ўртасидаги номутаносибликлар ошиб боришининг муқаррар натижасидир. Оқибатда, инфляция жараёни, турли кўринишда бўлишга қарамасдан, тасодифий эмас, балки барқарор тус олган. Инфляция жараёнининг салбий оқибатларига қуйидагилар киради: аҳоли реал даромадларининг пасайиши; аҳоли жамғармасининг қадрсизланиши; ишлаб чиқарувчиларда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш иштиёқининг йўқолиши; рағбатнинг пасайиши, озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосининг кўтарилишини кутиш натижасида шаҳарларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилишининг камайиши; қатъий даромадга эга бўлган ижтимоий гуруҳ вакиллариининг турмуш даражасини ёмонлашуви (давлат бюджети ҳисобидан таъминланадиган нафақахўрлар, хизматчилар, талабалар). Ушбу бобда нафақат инфляциянинг умумий назарияси, балки инфляция жараёнларининг содир бўлиши, унинг ижобий ва салбий оқибатлари ҳам кўриб чиқилган. Ва хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодий жараёнлар секин-асталик билан бўлса-да ўз маромига тушмоқда, мамлакатда инфляция пасайиб, барқарорлашмоқда. АҚШ, Буюк Британия ва бошқа ривожланган давлатлар даражасига эришишимизга анча бор бўлса ҳам прогресс борлигини тан олиш лозим.

Асосий таянч тушунчалар

Пул, инфляция, сакраб юрувчи инфляция, гиперинфляция, инфляцияни жиловлаш, даромад тақсими, жамғарма.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Инфляция” тушунчасининг мазмуни нима?
2. Инфляция қандай сабабларга кўра юзага келади?
3. Инфляциянинг турларини изоҳлаб беринг.
4. Гиперинфляция нима ва у нима сабабдан юз беради?
5. Инфляциянинг ижтимоий-иқтисодий сабабларини тушунтириб беринг.
6. Давлат инфляцияга қарши қандай чора-тадбирлар қўллайди?
7. Ўзбекистонда инфляцион жараёнлар қандай хусусиятларга эга?
8. Ўзбекистонда инфляция даражасини пасайтириш учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

5-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ СОЛИҚ-БЮДЖЕТ ВОСИТАЛАРИ

5.1. Давлат бюджети ва унинг таркиби

Давлат иқтисодийётни билвосита тартибга солиб туриш учун, асосан, иккита муҳим дастакдан фойдаланади: пул-кредит сиёсати (ёки монетар сиёсат) ва солиқ-бюджет сиёсати (ёки фискал сиёсат). Фискал сиёсатни давлатнинг молиявий сиёсати деб ҳам аташади. Фискал сиёсат орқали давлат ўз даромадларини шакллантиради ва харажатларни амалга оширади.

Давлат бюджети - давлат пул маблағлари (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағлари)нинг марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Давлат бюджети икки асосий қисмдан: даромадлар ва харажатлардан иборат.

Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасида Молия вазирлиги давлат фискал сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул вазирлик ҳисобланади. У давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди, давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи тартибини белгилайди ҳамда улар устидан назоратни амалга оширади; республика бюджети харажатларини амалга оширади; бюджет маблағлари олувчиларнинг давлат бюджети маблағларидан фойдаланишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, умуммажбурий тусдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади.

Давлат бюджети даромадларининг асосий манбалари. Қуйидагилар давлат бюджети даромадларининг манбалари ҳисобланади:

- 1) солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- 2) давлатнинг молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;

3) мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар ва бошқалар.

Одатда, давлат бюджетининг даромадлар қисми асосан солиқ тушумлари орқали шакллантирилади. Солиқлар жамиятнинг синфларга бўлиниши, давлатнинг пайдо бўлиши ва унинг армия, суд, мансабдорлар ва давлатнинг бошқа бошқарув воситаларини сақлаб туриш эҳтиёжларини қондириши учун манба сифатида юзага келган.

Давлат бюджети харажатларининг таржиби. Давлат бюджети харажатлари қуйидаги йўналишларда сарфланади:

1) бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари;

2) жорий бюджет трансфертлари;

3) капитал харажатлар, яъни:

- асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқариш;

- чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олиш;

- давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олиш;

- давлат захираларини вужудга келтириш;

4) капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари;

5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари;

6) давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари;

7) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар ва бошқа харажатлар.

5.2. Солиқларнинг асосий функциялари

Давлатнинг жамият ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг маълум бир қисмини мажбурий тўлов сифатида олиб қўйиши солиқларнинг моҳиятини ташкил этади. Давлат функцияларининг кенгайишига

мувофиқ равишда солиқларнинг мавжуд ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши ҳам ошиб боради. Солиқлар молиявий категория сифатида ЯИМнинг қандай қисми давлат тасарруфига келиб тушиши-ни характерлайди.

Солиқлар қайта тақсимлаш муносабатларининг фаол қатнашчиси сифатида капитал йиғишни кучайтириш ёки камайтириш, аҳолининг тўловга қодирлигини кенгайтириш ёки камайтириш орқали такрор ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини рағбатлантиради ёки камайтиради ва шу каби дастаклар орқали бутун такрор ишлаб чиқариш жараёнига жиддий таъсир кўрсатади.

Солиқларнинг функциялари уларнинг моҳиятини, амалиётда ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Шундай экан, функция доимо яшаб, солиқ моҳиятини кўрсатиб туриши зарур¹. Ҳозирги вақтда солиқларнинг функциялари ва уларнинг аниқ сони борасида мунозаралар мавжуд. Аммо, замонавий солиққа тортиш тизимида солиқларнинг қуйидаги функцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин: фискал, тақсимот, назорат, рағбатлантирувчи, тартибга солиш.

Солиқнинг фискал функцияси орқали солиққа тортишнинг асосий вазифаси, яъни давлат молиявий маблағларининг шаклланиши, шунингдек, давлатнинг умумдавлат ва мақсадли дастурларини амалга ошириш учун маблағларни жамғариш вазифалари амалга оширилади. Солиқ тушумлари давлат бюджети даромадларининг асосини ташкил қилади. Масалан, АҚШда солиқ тушумлари давлат бюджети даромадининг 98%ини, Буюк Британияда – 97%, Францияда – 91% ни ташкил этади. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИХТТ) га аъзо 24 давлатда солиқ тушумларининг бюджет даромадларидаги улуши 78% (Норвегия) дан 97,8% (Италия)¹ гача тебраниб туради. МДХ давлатларида солиқ тушумларининг давлат бюджетидаги улуши кўрсаткичи Россияда – 82,7%, Украинада – 82,2%, Қозоғистонда – 97%, Беларусда – 97,3%² ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида солиқ тушумлари 2003 йилда жамланган бюджетга нисбатан 94% ни ташкил этди.

Давлат ўз тасарруфига ишлаб чиқарилган ЯИМнинг анчагина қисмини солиққа тортиш йўли билан олади ва қайта тақсимлайди. Солиқ тушумларининг улуши (ижтимоий фондлардаги тўловлар билан биргаликда) ЯИМга нисбатан АҚШда – 29%, Канадада – 34%,

¹ Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т., Фан ва технологиялар маркази нашриёти, 2003, 14-6.

² Government Financial Statistics. IMF, 2001-2003

Германияда -41%, Францияда - 43%, Швецияда - 55%, Россияда - 24,3%, Қозоғистонда - 22,4%, Украинада - 23,0% ва Белорусда - 33,9%ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида 2003 йилда солиқ тушумлари бюджетдан ташқари фондлар (Пенсия фонди, Бандликка кўмаклашиш фонди, Йўл фонди) билан биргаликда ЯИМга нисбатан 30,9% ни ташкил этди.³

Солиқларнинг фискал функцияси ва тақсимлаш функциялари уйғунлашади, десак хато қилмаймиз. Солиқлар тўғрисидаги дарсликларда қайд этилишича, корхоналарнинг кўшимча қиймати ёки даромадлари аввал тақсимланади, сўнгра бюджетга берилади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, аввал ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатлари таъминланади ва сўнгра даромадларнинг бир қисми бюджетга ўтказилади⁴. Бундан ташқари, солиқларнинг тақсимловчилик функцияси аҳолининг турли категориялари ўртасида умумий даромадларнинг қайта тақсимланишини таъминлаши нуқтаи-назаридан ижтимоий функцияни ҳам бажаради, деган қарашлар ҳам мавжуд. Солиққа тортиш орқали "алоҳида ижтимоий гуруҳлар ўртасида тенгсизликни камайтириш мақсадида уларнинг даромадлари бўйича ўзаро муносабатларни ўзгартириш йўли билан ижтимоий мувозанатни қўллаб-қувватлашга эришилади"⁵. Бошқача қилиб айтганда, солиқ юкининг имконияти юқори бўлган солиқ тўловчиларга кўпроқ тушиши ҳисобидан фуқароларнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож қисми фойдасига маблағлар олиниши содир бўлади. Швед иқтисодчиси Эклунднинг сўзларига қараганда: "...давлат ишлаб чиқариш ва хизматларининг катта қисми йиғилган солиқлар ҳисобидан молиялаштирилади ва қолган қисми фуқаролар ўртасида тақсимланади. Бунга таълим, тиббий хизматлар, болаларни тарбиялаш ва шу каби йўналишлар тегишлидир. Мақсад - ҳаётий муҳим воситаларни имкон қадар тенг тақсимланишига эришиш"⁶.

Фискал-тақсимот функциясининг амалга оширилишига аниқ бир мисол бу акцизлардир. Улар алоҳида турдаги товарларга, одатда, жуда қиммат турадиган ва аҳолининг бой қатлами ўзига раво кўра оладиган товарларга ўрнатилади. Шунингдек, солиққа тортишнинг прогрессив механизми ҳам бунга яққол мисолдир. Иқтисодиёти иж-

³ Статистический сборник Содружества Независимых Государств. -М., 2003.

⁴ Яхъев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т., Фан ва технологиялар маркази нашриёти, 2003, 15-6.

⁵ Булатов А. Экономика. -М., Бек. 1994, стр.309

⁶ Эклунд К. Эффективная экономика - шведская модель. /Пер. со швед. -М., Экономика, 1991., стр.163

тимой йўналтирилган бир қанча мамлакатларда (Швеция, Норвегия, Швейцария) солиқлар аҳолининг кўп даромадли қисмидан ижтимоий барқарорлик учун пастроқ даромадга эга қисмига тўлов сифатида қабул қилинганлиги деярли расмий тан олинган.

Давлатни иқтисодий ривожланишида солиқларнинг ушбу функцияси муҳим роль ўйнашини таъкидлаш лозим. Бугунги кунда республикамызда ҳудудларнинг иқтисодий потенциали ва ривожланиш даражаси турличадир. Ҳудудларни тенглаштириш мақсадида солиқларнинг тақсимот вазифасидан фойдаланилади: кам ривожланган ҳудудларда солиқ тушумлари ушбу ҳудудлар ҳисобида қолади (масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти), ўз навбатида уларга нисбатан ривожланган ҳудудлар сифатида айрим вилоятларда солиқ тушумларининг фақатгина маълум бир қисмигина шу ҳудудлар эҳтиёжлари учун қолдирилади (Тошкент шаҳри ва вилояти, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона ва Навоий вилоятлари).

Солиқлар орқали давлат аҳоли ва корхоналарнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини, шунингдек, даромад ва харажатларнинг манбалари устидан назорат қилади. Солиқ суммасини пул кўринишида баҳолашнинг мавжудлиги давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини даромадлар кўрсаткичлари билан миқдорий киёслаш мумкинлиги имконини беради. Солиқларнинг назорат функциясини амалга ошириш натижасида солиқ тизимининг самарадорлиги баҳоланади, фаолият турлари ва молиявий оқимлар устидан назорат ўрнатилади. Бундан ташқари, солиққа тортишнинг назорат функцияси орқали солиқ тизими ва бюджет сиёсатида ўзгартиришлар кiritишнинг зарурлиги аниқланади.

Солиқлар ва йиғимлар тизими ижтимоий ишлаб чиқаришга, унинг таркибий тузилишга ва динамикасига, жойлашишга, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришга иқтисодий таъсир кўрсатувчи механизм бўлиб ҳам хизмат қилади. Солиқлар ёрдамида тадбиркорлар фаоллигини рағбатлантириш ёки аксинча, чеклаб қўйиш ва демак, тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу тармоги ривожланишига таъсир кўрсатиш мумкин⁷. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва жаҳон бозорида миллий корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароит яратилишида ҳам солиқларнинг рағбатлантириш функцияси муҳим роль ўйнайди. Солиқлар ёрдамида эркин товар бозори ёки протекционистик иқтисо-

⁷ Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -Т., Академия, 2002. 53-б.

дий сиёсатни амалга ошириш мумкин. Деярли барча мамлакатларда ишлаб чиқаришни тараққий эттириш ва замонавийлаштириш учун маълум бир ҳудудларда инвестицияни рағбатлантириш сиёсати солиқлар орқали амалга оширилади. 80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, кўплаб мамлакатларда янги юқори технологияли ишлаб чиқаришни рағбатлантириш методини қўллаш кенг тарқалди.

А.Смит, Д.Рикардо ва уларнинг издошлари томонидан ишлаб чиқилган солиқларнинг классик назарияси (солиқларнинг нейтралитети назарияси)га мувофиқ, солиқлар ҳукуматни сақлашга керак бўладиган харажатларни қоплаши лозим бўлган давлат даромадларининг бир туридир. Бунда солиқларнинг бошқа вазифаларини бажариши (иқтисодиётни бошқариш, хизматларига ҳақ ва бошқалар) ҳақида кенг фикр юритилмаган. А.Смит бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг (давлат мулкидан келадиган) бевосита даромадлари улуши табиий камаяди, давлат бошқарув харажатларини қоплашнинг асосий манбаи солиқ тушумлари бўлиши шарт, деб ҳисоблаган. Бошқа харажатларни, масалан, йўлларни қуриш ва сақлаш, суд муассасаларини сақлаш ва бошқаларни молиялаштириш бўйича харажатлар манфаатдор фуқаролар томонидан тўланадиган тушумлар ва йиғимлар ҳисобидан қопланиши керак⁸. Француз олими Пол Мари Годменинг фикрича, солиқларнинг ягона мақсади – давлат харажатларини молиялаштириш ва хазиналарни таъминлаш⁹.

Кейинчалик неоклассик назария вакиллари солиқларни бошқарувчилик аҳамиятини кўрсатиб беришди. Уларнинг фикрича, иқтисодий жараёнларнинг бузилишидан қутилиш учун бир ишлаб чиқариш соҳасидаги қулайлик бошқасига ноқулайлик туғдирмаслиги лозимлигини уқтиришди.

Классик иқтисодиётдаги қарашларга инглиз иқтисодчиси Д.Кейнс ва унинг издошлари томонидан ишлаб чиқилган кейнсчилик назарияси қарши чикди. Ушбу назарияга биноан, солиқлар иқтисодиётни бошқаришни бош дастаги ҳисобланади ва унинг муваффақиятли ривожланишининг муҳим компонентларидан бири бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, солиқлар энг муҳим функцияси иқтисодий муносабатларни тартибга солишдир¹⁰. Кейнснинг машҳур “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” китобида иқтисодий ўсиш фа-

⁸ Булатов А. Экономика. -М., Бек, 1994. стр.310

⁹ Годме.П.М. Финансовое право. -М., Прогресс, 1978. стр.385

¹⁰ Кейнс.Д.М. Общая теория занятости, процента и денег. -М., Гелиос АРВ, 2002. стр.94-95.

кат тўлиқ бандлик шароитида пул жамғармаларига боғлиқ, деб кўрсатиб ўтилган. Бироқ, амалиётда тўлиқ бандликка эришиб бўлмайди. Бундай шароитда катта жамғармалар иқтисодий ўсишга халақит беради, чунки улар ишлаб чиқаришга қўйилмайди ва даромадларнинг пассив манбасига айланишади. Бундай салбий оқибатларни бартараф этиш учун ортиқча пул жамғармалари солиқлар ёрдамида олиниши зарурдир.

Бутунги кунда иқтисодиётда солиқларнинг аҳамияти жуда катта эканлиги барча замонавий иқтисодий назария вакиллари томонидан эътироф этилади. 80-йилларда таклиф иқтисодиёти назарияси (Supply side economy)ни илгари сурган америкалик олимлар М.Бернс, Г.Стайн ва А.Лафферлар солиқлар тўғрисидаги кейнсчилик назарияси қарашларини ривожлантириб, солиқларни иқтисодиётни бошқариш ва ривожлантиришнинг муҳим омили эканлиги ҳақидаги фикрларини қўллаб-қувватлади. Ушбу назарияга кўра, юқори солиқ солиш тадбиркорлик ва инвестицион фаолиятга салбий таъсир кўрсатади, охир оқибатда солиқ тўловларининг камайишига олиб келади. Шунинг учун, солиқ ставкасини камайтиришни ва корпорацияларга турли имтиёзлар бериш таклиф қилинади. Солиқ юкининг камайтирилиши мазкур назария муаллифларининг фикрича, иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ўсишига олиб келади¹¹.

МДХ давлатларида 10 йил мобайнидаги иқтисодий ўзгаришлар ва бозор муносабатларига ўтиш жараёнида иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришда бозор инструментларидан фойдаланиш бўйича маълум тажриба орттирилди. Бозор муносабатларига ўтиш ҳамдўстлик давлатларидан ўз мустақил солиқ тизимига эга бўлишни талаб этди. Солиқ тизимини яратиш зарурияти ҳамда буёнда давлатларнинг тажрибасизлиги натижасида бу тизимлар амалда эксперимент ва камчиликлар орқали яратилди. Кўп ҳолларда миллий иқтисодиётга чет эл солиқ тизимининг элементларини механик равишда киритиш ҳам кузатилди. Бозор муносабатларига ўтиш ҳали яқунланмаган ва тузилмавий ўзгаришлар жараёнлари давом этаётган бу мамлакатларда солиқ тизимларини шаклланиб бўлган де-йишга ҳали вақт бор.

Дискрецион ва подискрецион фискал сиёсат. Давлат томонидан амалга ошириладиган фискал сиёсат одатда икки йўналишда бўлади: дискрецион фискал сиёсат ва подискрецион фискал сиёсат. Дискрецион фискал сиёсатда ҳукуматнинг махсус қарорлари натижаси-

¹¹ Булатов А. Экономика. — М., Бек, 1994. стр.310

да давлат харажатлари, солиқлар ва давлат бюджети қолдиғи миқдорининг мақсадли ўзгариши амалга оширилади. Бу қарорлар иқтисодиётдаги бандлик даражаси, ишлаб чиқариш ҳажми ва инфляция суръатларини ўзгартиришга қаратилган бўлади.

Нодискрецион фискал сиёсатда давлат харажатлари, солиқлар ва давлат бюджети қолдиғининг автоматик равишда ўзгариши рўй беради. Бу ўзгаришлар “автоматик стабилизаторлар” ҳаракати таъсирида жами даромаднинг даврий тебранишлари натижасида пайдо бўлади.

“Автоматик стабилизатор” – бу механизм давлат томонидан махсус чораларни қўлламадан автоматик равишда иқтисодиётдаги даврий тебранишларни силлиқлашга имконият беради. Масалан, солиқ солишнинг прогрессив шкаласи, трансфертлар тизими, ишсизлик бўйича нафақалар ва бошқалар.

5.3. Ўзбекистонда иқтисодиётни солиқлар ёрдамида тартибга солиш хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганининг биринчи йилларида солиқ сиёсатининг вазифалари собиқ совет давридан мерос бўлиб қолган ҳудудлар хўжалик механизмларининг баланслаштирилмаган шароитлари, юқори инфляция ва мамлакатнинг қийин молиявий ва иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб аниқланди. Давлат бюджети тақчиллигини камайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган харажатларини молиялаштириш учун манбалар қидириб топиш ва иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш базаларини янгилаш ва замонавийлаштиришнинг устувор вазифаларини бажариш солиқ сиёсати инструментларидан самарали фойдаланиш зарур эканлиги қайд қилинди. Шу мақсадда, 1992-1997 йиллар давомида солиқ солиш тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича ишлар давлат бюджетининг самарали ва барқарор даромад базасини яратишга йўналтирилган эди.

Ўзбекистон солиқ тизими умумдавлат солиқларидан (уларнинг асосийлари – фойда солиғи, даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ва акцизлар), маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳамда бюджетдан ташқари фондларга ажратмалардан ташкил топган. Умумдавлат солиқлари давлат бюджетининг даромадлар қисмининг асосий қисмини ташкил қилади ва бундан ташқари, улар ёрдамида маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлиги ҳам таъминланади.

Асосий солиқлардан бири ҚҚС 1992 йилда 30 фоизли ставка

бўйича киритилиши натижасида сотиш ва оборот солиғи бекор қилинди. Кейинчалик ҚҚС ставкаси бир неча марта кўриб чиқилди, у 1994 йилда 20 фоизга, 1995 йилдан бошлаб 18 фоизгача ва 1997 йилга келиб эса, 17 фоизгача камайтирилди. 1998 йилдан ҚҚС 20 фоизли ставка бўйича тўланмоқда.

Юридик шахсларга даромад (фойда) солиғи ҚҚС билан бир вақтда киритилди ва ставкалари 12 фоиздан 30 фоизгача ораллиғида белгиланди. Бунда солиқ ставкаси иқтисодий тармоқлар бўйича дифференция қилиниб, солиқ фойдадан эмас, балки ялпи даромаддан олинган. Солиқ солинадиган базага ҚҚС, республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган маҳсулотларга тўланадиган хом ашё ресурслари солиғи, акцизлар, суғурта бадаллари ва бошқа тўловлар киритилмаган. 1995 йилнинг бошидан даромад (фойда) солиғи 38 фоиз асосий ставкада бир қатор камайтирилган коэффициентлар қўлланилган ҳолда амалга киритилди. Шу билан бирга, банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар, аукционлар ва бошқа категориядаги солиқ тўловчилар учун даромад солиғи сақлаб қолинди.

Асосий солиқлардан бири бўлган акциз солиғи ҳам 1992 йил киритилган ва бошланғич ҳолларда акциз солиғининг суммаси акциз ости товарларининг натурал ёки сотилган қиймат кўрсаткичидан келиб чиқиб аниқланган. 1993 йил ноябридан бошлаб солиқ суммаси корхонанинг ишлаб чиқариш қиймати, яъни ўз ичига ишлаб чиқариш харажатлари, фойда ва ўрнатилган ставка бўйича олинадиган акциз солиғи суммасини ўз ичига олган қийматидан аниқланади.

1998 йилнинг 1 январидан кучга кирган Солиқ Кодекси солиқ сиёсатининг асосий масалалари: солиқ турлари ва ставкалари, умумдават ва маҳаллий солиқлар классификацияси, солиққа тортиш методологияси асослари ва бошқа умуқиқтисодий масалалар аниқ равшан кўрсатиб берилишига қаратилган муҳим қадам бўлди. Натижада республика халқаро экспертзадан ўтган замонавий солиқ сиёсатининг барқарор ҳуқуқий пойдеворига эга бўлди. Солиқ Кодекси маҳаллий ва чет эл товар ишлаб чиқарувчилари ҳамда инвесторлари учун кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг тизимларини яхлит тизим сифатида бирлаштирди.

Маълумки, харажатлар ва солиқларнинг йўналишлари ва миқёси кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг, жумладан, ҳар бир солиқ тўловчининг бундан кейинги ривожланиши ва молиявий барқарорлигини белгилаб беради. Давлат бюджетининг ўзига хос бир томони мавжуд, у ҳам бўлса солиқ-бюджет сиёсати нафақат давлат даромад базасини оқилона шакллантириш ва олинган маблағни тўғри

тақсимлаш, балки жамиятда макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш кууролидир. Бошқача сўз билан айтганда, мамлакатнинг марказий иқтисодий органлари учун, шу жумладан, Молия вазирлиги учун уларнинг иқтисодий тадбирлари макроиқтисодий барқарорликни, инфляциянинг паст даражасини сақлашни, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини ва аҳолининг оптимал бандлигини таъминлаши шарт, деган тан олинган қоида бор.

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейинги биринчи даражали вазифалардан бири сифатида мустақил давлатнинг миллий солиқ тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди. Кучли иқтисодиётни барпо этиш ва мамлакатнинг устувор йўналишларидаги ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда давлат бюджетини барқарор манбалар билан тўлдиришни талаб этиши аксиома деилади.

Солиқ сиёсатининг муҳим вазифалари ҳақида Президент И.А.Каримов шундай деган эди: “Солиқ сиёсатининг вазифаси – бир томондан, бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан – корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат”¹².

Солиқ юки. Солиқ юки солиқ тўловларининг абсолют қиймати ва нисбий қийматларини характерлайдиган иқтисодий тушунчадир. Солиқ юкини хусусий солиқ юки, яъни алоҳида олинган солиқ юки сифатида ёки умумий, яъни барча солиқ тўловлари юки сифатида қараш мумкин. Абсолют солиқ юки қийсий таҳлилларда кам ишлатилганлиги сабабли нисбий солиқ юкини солиқ юки кўрсаткичи сифатида қарашни таклиф этамиз.

Одатда, миллий иқтисодиётдаги солиқ юки сифатида жамланган бюджет даромадининг ЯИМдаги улушини қарашади. Ҳақиқатан ҳам, бу кўрсаткич солиқ юкини акс эттиради, чунки кўпчилик давлатларда жамланган бюджет даромадларининг асосини солиқ тушумлари ташкил этади. Бизнинг фикримизча, солиқ юкини жамланган бюджетта тўланаётган барча солиқлар ҳажмининг ЯИМдаги улуши каби аниқлаш янада тўғрироқ бўлади. Бунда жамланган бюджетнинг солиқсиз тушумлари чегириб ташланиши лозим.

Республикамизда солиқ тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган дастлабки ислохотлардаёқ иқтисодиётдаги солиқ юкини камайтириш муҳим эканлиги таъкидланиб келинган. Муҳим аҳамият касб этувчи солиқлар бўйича солиқ юкининг камайтирилишини мунтазам

¹² Каримов, И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т., Ўзбекистон, 1998. 52-6

равишда амалга оширилиши солиқларнинг рағбатлантирувчи механизмини кучайтиришга қаратилган. Корхоналар учун даромад (фойда) солиғи ставкаси 1996 йилда 37 фоиздан бўлган бўлса, 2005 йилга келиб 15 фоизга, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг юқори чегараси эса 1999 йилда 45 фоиздан 30 фоизга камайтирилди. Кичик корхоналар учун солиқ солишнинг энгиллашган тартиби, қишлоқ хўжалиғи корхоналари учун эса ягона ер солиғи киритилган.

Солиқ тизимини энгиллаштириш ва оптималлаштириш бўйича тадбирлар натижасида солиқ юқини (жамланган бюджет даромадларининг ЯИМ дағи улуғи) 1996 йилдағи 45 фоиздан 2004 йилда 30,4 фоизгача камайтиришга эришилди. Давлат бюджетининг солиқ даромадлари тузилишида бевосита солиқлар улуғи камайган бир вақтнинг ўзида билвосита солиқлар ва ресурс солиқларининг улуғи оширилди. Умуман олганда, солиқ тизимидағи ислохотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш вазифаси ҳамда бюджетни маблағ билан таъминлаш вазифаларини уйғунлаштирган. Шу билан бирга, иқтисодий ўсишда юқори даражага эришиш вазифаси, ўз навбатида, истеъмол талаби ошишини, бу эса барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қоладиган пул даромадларининг мос равишда ўсишини талаб қилади. Шунинг учун молиявий рағбатлантириш тизимини ривожлантириш ва юридик ҳамда жисмоний шахслар даромадларини жадал суръатлар билан ўсишини таъминлаш учун шароит яратиш солиқ сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолаверади.

Айтиб ўтиш керакки, рағбатлантирувчи солиқ сиёсати ишлаб чиқариш сектори ривожланишида зарур бўлган молиявий хизматлар ва банк бозорини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. 1994-1997 йилларда республиканинғ тижорат банклари даромад солиғидан озод этилиши ҳисобидан ўзининг моддий-техника базасини сезиларли даражада мустаҳкамлаб олди ва ўзининг инфратузилмасини ривожлантирди. Солиқ Кодексига мувофиқ янгидан тузилган хусусий тижорат банкларининг инфратузилмани ривожлантиришга ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириладиган даромад (фойда)лари ҳам солиқдан озод этилади.

Хулоса қилиб айтганда, солиқлар иқтисодиётда муҳим функция ва вазифаларни бажаради. Солиқ тушумлари муҳим макроиқтисодий ва микроиқтисодий жараёнлар кўлами ва улардағи ривожланиш суръатларига жиддий таъсир кўрсатадиган, молиявий оқимларни бошқаришда давлатнинг муҳим инструменти ҳисобланадиган давлат бюджетини маблағ билан таъминлайди. Мавжуд макроиқти-

содий ва микроиқтисодий шароитлар эса солиқ сиёсатининг, шу билан бир қаторда, бюджет сиёсатининг имкониятлари ва чегараларини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам иқтисодиётнинг ўтиш даврини бошидан кечираётган бизнинг республикамизда эса солиқ-бюджет сиёсатини ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда баланслашган ёндашув жуда муҳимдир. Солиқ сиёсати мақсадлари ва имкониятлари ўртасидаги оқилона баланснинг мавжуд бўлиши бюджетнинг барқарор фаолият кўрсатишининг, пировардида эса узок муддатли ва барқарор иқтисодий ўсишининг асосий шартидир.

Бюджет тақчиллиги ва уни молиялаштириш манбалари. Бюджет тақчиллиги - муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортик бўлган суммаси.

Бюджет тақчиллиги манбалари асосан икки гуруҳга бўлинади: инфляцион ва ноинфляцион манбалар.

Инфляцион манбаларга Марказий банк томонидан пул эмиссиясини амалга ошириш, Марказий банк ва тижорат банклари томонидан бериладиган қарзлар қиради.

Ноинфляцион манбаларга ички ва ташқи заёмлар, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари, олтин-валюта захираларининг бир қисмини сотиш, давлат мулкани хусусийлаштиришдан олинган маблағлар қиради.

Асосий таянч тушунчалар

Давлат бюджети, бюджет даромадлари, бюджет харажатлари, солиқлар, солиқ функцияси, фискал сиёсат, дискрецион ва нодискрецион фискал сиёсат, солиқ юки, бюджет тақчиллиги, давлат қарзи.

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат бюджети деганда нимани тушунасиш?
2. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг таркибини изоҳлаб беринг.
3. Солиқлар нима?
4. Солиқлар қандай функцияларни бажаради?
5. Дискрецион ва нодискрецион фискал сиёсат деганда нимани тушунасиш?
6. Ўзбекистонда иқтисодиётни солиқлар ёрдамида тартибга солишнинг хусусиятлари нималардан иборат?
7. Бюджет тақчиллиги ва уни молиялаштириш манбалари қандай ташкил топади?

6-БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ ВОСИТАЛАРИ ВА МОНЕТАР СИЁСАТ

6.1. Монетар сиёсатнинг моҳияти, мақсад ва вазифалари

Пул-кредит сиёсати – давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми сифатида иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Аммо пул-кредит сиёсатини амалга оширишда йўл қўйилган хатолар иқтисодиётда салбий оқибатларга, хусусан, инфляция жараёнларининг кучайишига, ишлаб чиқаришнинг пасайишига, қолаверса, мамлакат иқтисодиётининг инқирозга юз тутишига ҳам олиб келиши мумкин. Шу боис иқтисодий инқирозларнинг олдини олишда ва макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашда пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Пул-кредит сиёсати умумдавлат иқтисодий сиёсатининг таркибий ва ажралмас қисми сифатида мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва уни мустаҳкамлашда энг муҳим ўринни эгаллаб келганлиги аллақачон жаҳон тажрибасида исботланган ва у ҳозирги пайтда ҳам иқтисодиётда ўз самарасини бермоқда.

Айнан пул-кредит сиёсати мамлакатда миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш асосида юқорида қайд этилган ўта муҳим мақсадларга эришишда қулай шарт-шароитлар яратади ва у бозор иқтисодиёти шароитида давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг энг муҳим ва самарали воситаси ҳисобланади.

Монетар сиёсатнинг иқтисодий моҳияти, шунингдек, унинг макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни, иқтисодий ўсишни таъминлаш, қолаверса, мамлакат иқтисодиётини тартибга солиш ҳамда ривожлантиришдаги ўрни беқиёс эканлиги азалдан иқтисодчи-олимлар ўртасида ва халқаро банк амалиётида маълум, албатта.

Жумладан, Э.Долан, К.Кемпбелл ва Р.Кемпбеллар монетар сиёсатга шундай таъриф берганлар: “Пул-кредит сиёсати – (уни монетар ёки пул сиёсати деб аташади) муомаладаги пул миқдорига таъсир қилувчи ҳукумат сиёсатидир”¹. Улардан фарқли ўлароқ, К.Мак-

¹ Долан Э.Дж. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. /Пер. с англ. В.Лукашевича и др. Под общ. ред. В.Лукашевича. - Л., 1991. -448, стр. 19.

коннелл, С.Брюлар куйидагича таъриф беришган: “Кредит-пул сиёсати ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини, бандлилик ва нархлар даражасини барқарорлаштириш мақсадида пул таклифини ўзгартиришдир”². Бизнинг назаримизда, ушбу таърифларнинг умумий ўхшашлик томони шундаки, бунда олимлар монетар сиёсатни пировард натижада муомаладаги пул массаси, умуман пул таклифини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбир ёки сиёсат сифатида кўрсатишди. Шунингдек, К.Макконнелл ва С.Брюлар томонидан берилган таъриф монетар сиёсатнинг қатор мақсадларига эришишга, хусусан, ишлаб чиқариш ҳажми, бандлилик ва нархлар даражасини барқарорлаштиришга йўналтирилганлиги билан алоҳида ажралиб турибди.

Демак, монетар сиёсат - Марказий банк томонидан миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлашга, пул массаси, банк тизимининг ликвидлиги ҳамда тўлов балансини тартибга солишга, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни, иқтисодий ўсишни мустаҳкамлашга йўналтирилган воситалар, усуллар ҳамда чора-тадбирлар йиғиндисиدير.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, пул-кредит сиёсатининг келгуси йилга мўлжалланган асосий йўналишлари ишлаб чиқиляётганда Марказий банк эътиборни ҳукумат томонидан қўйилган қатор мақсадларга: иқтисодий ўсиш, инфляция, валюта курси, фоиз ставкалари, тўлов баланси, молия, хусусан пул ва валюта бозорларининг барқарорлигини таъминлашга қаратади. Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда Марказий банк пул-кредит сиёсатининг оралиқ, операцион ва пировард мақсадларини белгилаб олади. Бунинг учун Марказий банк бир ёки бир неча кўрсаткични танлаб олиши мумкин.

Марказий банк пул агрегатларини назорат қилиш ва самарали тартибга солиш учун пул-кредит сиёсатининг оралиқ мақсадидан фойдаланади ва одатда резерв пулларни танлаб олади. Операцион мақсад сифатида пул массаси ёки кредит ҳажмини танлайди. Пировард мақсад сифатида эса нархларнинг барқарорлигини, ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсишини таъминлаш каби муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларни танлаб олади. Ҳозирги пайтда инфляция даражаси ва миллий валюта курсини барқарор ушлаб туриш пул-кредит сиёсатининг пировард мақсадлари ҳисобланади.

Пул-кредит сиёсатини амалга оширишда Марказий банк, энг

² Макконнелл К., Брю С., Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2 т.: Пер. с англ. Т. I.-М., 1992. стр. 298.

аввало, пул таклифи миқдорини иқтисодиётнинг пулга бўлган реал талабини мувофиқлаштиради, муомалада ортиқча пул массаси пайдо бўлишининг ва инфляциянинг келиб чиқишини олдини олишга қаратилган чораларни кўради. Шунинг учун барча мамлакатлар марказий банкларининг бош мақсади – нархларнинг оқилона ва барқарор даражада бўлишини таъминлаб туришдан иборат. Ушбу мақсадга эришишнинг асосий воситаси бўлиб, пулга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлаган ҳолда пул массаси миқдорини тартибга солиш ҳисобланади.

Бироқ, марказий банкларнинг бош мақсади, фақат нархлар даражасининг барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлиб қолмасдан, балки, улар ўз ваколати ва функцияларига кўра, макроиқтисодий барқарорликни, реал иқтисодий ўсишни ва паст даражадаги ишсизликни таъминлаш учун ҳам масъулдирлар. Шу сабабли Марказий банклар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришлари учун пул-кредит сиёсатининг замонавий воситаларидан самарали фойдаланган ҳолда пул бозори, банк тизими ликвидлилиги ҳолатига ва умуман иқтисодиётга сезиларли даражада таъсир кўратади. Шу боис, Жаҳон банки амалиётида монетар сиёсатга иқтисодчи олимлар, мутахассислар ва ҳукумат томонидан алоҳида эътибор берилади.

Классик иқтисодий мактаб вакилларида - А.Смит, У.Петти, Д.Рикардо, Д.Фуллертон, А.Маршалл, И.Фишер, А.Пигу кабиларнинг пул назарияси, жумладан, пул муомаласи ва монетар сиёсат муаммоларига оид кўплаб илмий тадқиқотлари барча мутахассисларга маълум. Уларнинг илмий ишларида кейнсчилик ва монетаризмга қадар пулга бўлган талаб, хусусан, пулнинг миқдорийлик назарияси, пулнинг айланиш тезлиги ва алмашув тенгламаси каби масалалар ўзига хос тарзда тадқиқ қилинган.

Ўтган XIX аср охири ва XX аср бошларида классик мактаб иқтисодчилари томонидан ишлаб чиқилган ҳозирги замон миқдорийлик назарияси, энг аввало, ялпи даромаднинг номинал қиймати-ни аниқлашга бағишланган. Шу билан бирга, ушбу миқдорийлик назарияси доирасида ялпи ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даражасида аҳоли қўлида қанча миқдорда пул бўлиши кераклиги тўғрисидаги масалалар ҳам ўрганилади. Бу ҳақда хорижлик таниқли олимлардан профессор Ф.Мишкин шундай таъкидлайди: “Бироқ аҳолининг қўлида қанча миқдорда пул бўлиши кераклигини пулга бўлган талаб тўғрисидаги назария орқали ҳам ҳисоблаш мумкин. Ушбу наза-

риянинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, бунда пулга бўлган талаб фоиз сиёсатиға боғлиқ эмас”³.

Классик миқдорий назариячиларнинг ёндашувларини батафсил тавсифлаб берувчи маълумотлар америкалик иқтисодчи Ирвинг Фишернинг 1911 йилда нашр қилинган “Пулларнинг харид қуввати” - (I.Fisher “The purchasing Power of Money”) номли китобида келтирилган. Фишер ушбу асарида умумий пул миқдори M (пул массаси, пул таклифи) ҳамда ишлаб чиқарилган пировард товарлар ва хизматларни сотиб олишдаги ялпи харажатлар (PxY) ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилган. Бунда: P – баҳолар даражаси; Y – ялпи ишлаб чиқариш. Бу ерда (M) ва (PxY)ларни боғловчи ўзгарувчини пулнинг айланиш тезлиги (V) деб айтилади. Пулнинг айланиш тезлиги (V) ялпи харажатларнинг (PxY) пул массасига нисбати сифатида аниқланади:

$$V = \frac{PxY}{M} \quad (1)$$

Масалан, агар йил давомида номинал ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 5 трлн. долларга, пул таклифи 1 трлн. долларга тенг бўлса, пулнинг айланиш тезлиги 5 мартага тенг бўлади. Бу эса ўртача статистик доллар пировард товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун 5 марта фойдаланганлигини англатади. Алмашув тенгламаси номинал даромад, пул миқдори ва уларнинг айланиш тезлигини ифодалайди:

$$MxV = PxY \quad (2)$$

Алмашув тенгламасидан кўринадики, йил давомида пул айланиш тезлигининг пул миқдоридаги кўпайтмаси номинал даромадга (яъни, йил давомида сотиб олинган товар ва хизматларнинг номинал қийматиға) тенг бўлиши керак⁴. Ушбу тенгламадан пул миқдорининг (M) ўзгариши ЯИМнинг у ёки бу томонга ўзгаришиға олиб

³ Мишкин Ф. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Учебное пособие для студентов вузов. Аспект пресс. - М., 1999 г. стр. 548.

⁴ Амада аввал Ирвинг Фишер алмашув тенгламасини битимлар (трансакция)нинг номинал қиймати PT тушунчасидан фойдаланган ҳолда шакллантирди. $MVr = PT$ бунда: P - битим (трансакция)нинг ўртача баҳоси; T - йил давомидаги битимлар сони; $Vr = PT/M$ -пулнинг битимлар бўйича айланиш тезлиги. Бироқ, битимнинг номинал қийматини T аниқлаш қийин, шунинг учун миқдорий назария доирасидаги формулага ялпи ишлаб чиқариш Y киритилган. Бунинг учун T нинг Y га пропорционал эканлигини тасаввур қилиш кифоядир. Y яъни, $T = vY$ кўринишида бўлиб, бунда, v - пропорционаллик коэффициенти, Фишернинг алмашув тенгламасидаги T ни Y га алмаштириш орқали $MVr = vPY$ ни ҳосил қиламиз, уни (2) тенгламага ўхшаш шаклда ёзиш мумкин, яъни $V = Vr/v$.

келадими? деган савол туғилиши мумкин. (М)нинг ўсиши пул айланиш тезлигининг камайиши ҳисобига компенсация бўлиши мумкин. Шунда тенглик (MxV) ва (PxY) ўзгармасдан қолади.

И. Фишернинг фикрича, иқтисодиётда пул айланиш тезлигини кредит институтлари аниқлайди. Агар одамлар қилаётган харидлари учун ҳисоб чеклари ва кредит карточкалари орқали тўловларни амалга оширсалар, нақд пуллар тўловда камроқ инфлятиб, пул айланиш тезлиги (PxY)/ M ошади ва аксинча. И. Фишер институционал ва технологик омиллар пулнинг айланиш тезлигига жуда секин таъсир қилади, шунинг учун қисқа муддатли даврда пулнинг айланиш тезлигини доимий деб ҳисоблаш мумкин, дейди.

Шунингдек, Фишернинг қисқа муддатли даврда пулнинг айланиш тезлиги доимий деган тахмини алмашув тенгламасини пулнинг миқдорийлик назариясига айлантирди. Чунки бунга кўра, номинал ЯИМ мутлақ равишда пул массасининг тебранишлари орқали аниқланади. Классиклар, шунингдек, И.Фишер ҳам иш ҳақи ва баҳоларни мутлақо эпилувчан деб ҳисоблашган. Шунинг учун улар ялпи ишлаб чиқариш (Y) тўлиқ бандлилик даражасида иқтисодиётнинг соғлом ривожланиши шароитида ўзгармасдан қолади, деб ҳисоблашган. Улар алмашув тенгламасида (Y) ни ҳам қисқа муддатли даврда доимий деб ҳисоблашган⁵.

Пулнинг миқдорийлик назариясига кўра, агар (M) икки ҳисса ошса, (P) ҳам икки ҳисса ошиши керак. Классик иқтисодий мактаб иқтисодчиларининг нуқтаи назаридан қараганда, пулнинг миқдорийлик назарияси баҳолар даражасининг тебранишини тушунтиришга имкон беради: баҳолар даражаси ўзгариши фақат пул массаси ҳажмининг тебраниши туфайли юзага келади.

Миқдорийлик назарияси бўйича ялпи даромаднинг маълум даражасида аҳолининг қўлида қанча пул бор? – деган савол қўйилади. Шунинг учун у амалда пулга бўлган талаб назарияси ҳисобланади. Фишернинг пулга бўлган талабнинг миқдорийлик назариясига мувофиқ, пулга бўлган талаб мутлоқ даромаднинг функцияси ҳисобланади ва фоиз ставкаси пулга бўлган талабга таъсир этмайди ва ўз навбатида, Фишер “пулга бўлган талаб, биринчидан, маълум миқдордаги ЯИМ (RY) доирасидаги битимлар ҳажми билан ва иккинчидан, одамларнинг битимларни амалга оширишлари билан боғлиқ бўлган иқтисодиётдаги кредит институтлари томонидан аниқланади, бу эса пулнинг айланиш тезлигини аниқлайди”, деган хулосага келди.

⁵ Норқобилов С., Шомуродов Р. Пул муомаласини тартибга солишнинг назарий асослари / Бозор, пул ва кредит, 2001 йил, 11-сон, 27-бет.

Фишер ўзининг пулга бўлган талабнинг миқдорийлик назариясини ишлаб чиққан вақтда, Кембриждаги иқтисодчилар гуруҳи, жумладан, Альфред Маршалл (Alfred Marshall) ва Артур Сесил Пигу (Arthur Cecil Pigou) гуруҳ аъзоси сифатида ушбу соҳага доир тадқиқотлар билан шуғулланишарди. Улар тадқиқотларининг натижаси Фишернинг ($M^d = kxRY$) тенгламасига ўхшаш тенгламага олиб келган бўлса-да, муаммога ёндашув мутлақо бошқача эди. Кембрижнинг олимлари пулга бўлган талабнинг битимлар ҳажмига ва институционал омилларга боғлиқлигини ўрганишнинг ўрнига, маълум ҳолатларда одамлар қўлларида қанча миқдорда пул ушлаб туришни хоҳлайдилар? - деган саволни қўйдилар. Кембриж мактаби иқтисодчилари одамларнинг қўлларида пул ушлаб туришларига асос бўлувчи пулнинг иккита хусусиятини: алмашув воситаси ва бойликни сақлаш воситасини ажратиб кўрсатишди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ирвинг Фишер ва Кембриж гуруҳи пулга бўлган талаб номинал даромадга пропорционал, деган пулга бўлган талабнинг классик ёндашувини ишлаб чиқдилар. Бироқ, уларнинг ёндашувлари муайян даражада бир-биридан ажралиб туради: агар, Фишер технологик омилларга асосий эътиборни қаратиб ва қисқа муддатли даврларда фоиз ставкаси таъсирида пулга бўлган талабнинг ҳар қандай имкониятларини инкор қилган бўлса, Кембриж ёндашувидан эса асосий эътибор яқка тартибдаги истеъмол танловига қаратилган ва фоиз ставкасининг таъсири ҳам эътибордан четда қолмаган.

Кейнсчилик концепцияси, асосан, ўтган XX асрнинг 30-40-йилларида яхлит гоъвий оқим сифатида тўлиқ шаклланди ва у макроиқтисодий назарияда ҳамда давлат иқтисодий сиёсатининг дастурларида асосий ўринни эгаллаб олган эди. Унинг асосчиси - XX асрнинг энг машҳур иқтисодчиларидан бири Буюк британиялик иқтисодчи Жон Мейнард Кейнс эди⁶.

Умуман, Кейнс ва унинг тарафдорларининг қарашлари XX асрнинг 70-йилларигача энг кенг тарқалган ва машҳур назария бўлиб қолди. Айниқса, XX асрнинг 60-йилларида АҚШда юз берган иқтисодий юксалиш етти йилдан ортиқ давом этди. Бундай узоқ давом этган инқирозсиз ривожланиш, Кейнс назарияси узоқ муддатли ривожланишни кафолатлайдиган, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг юқори даражада самарадорлигини таъминлайди-

⁶ Харрис Л. Денежная теория. Пер. с английского /Общ. ред. и вст. ст. Усоскина В.М.-М., Прогресс, 1990.-750, стр. 136.

ган назария, деган фикрнинг кенг миқёсда тарқалишига сабаб бўлди.

Жон Мейнард Кейнс “Бандлилик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” (1936 йил) номли ўзининг машҳур китобида пулнинг айлана-тезлигининг доимийлиги тўғрисидаги классик ёндашувдан воз кечди ва асосий эътиборни фоиз ставкасининг таъсирига қаратган ҳолда пулга бўлган талаб назариясини ишлаб чиқди. Кейнс ишлаб чиққан пулга бўлган талаб назарияси ликвидликка ихлос қўйиш назарияси номини олди. Ушбу назария ҳам нима учун одамлар қўлларида пулни сақлайдилар, деган масалани ўрганади.

Кембриж мактаби вакилларининг пулга бўлган талаб-истаги бойликнинг захираси билан аниқланади ва у даромадда пропорционал деган фикрдан фарқли ўлароқ, Кейнс, пулга бўлган талаб фоиз ставкасига ҳам боғлиқ, деб ҳисоблайди. Кейнс пулга бўлган талаб-истакни нафақат даромадга, балки фоиз ставкасига ҳам боғлиқ, деган хулосага келган. Бу эса унинг функцияси Фишер томонидан илгари сурилган пулга бўлган талабга фоиз ставкаси ҳеч қандай таъсир қилмайди тенгламасидан кескин фарқ қилади.

Кейнс пулга жамиятдаги бойликларнинг бир тури сифатида қаради. Унинг фикрига кўра, хўжалик субъектларини ўз активларининг маълум қисмини пул шаклида сақлашлари, уларнинг ликвидлик хусусиятларини қай даражада баҳолашларига боғлиқ. Одамлар, одатда, энг ликвидли портфелни танлайдилар ва бинобарин, бу улар томонидан пулга бўлган талабни англатади. Шу сабабли, Кейнс ўзининг пулга бўлган талаб назариясини “ликвидликка ихлос қўйиш” назарияси деб атади. Шунингдек, Кейнс пулга бўлган талаб назариясининг марказига фоиз ставкасини қўйди. Бу пулга бўлган талабнинг чайқов омилида ўзининг яққол ифодасини топди.

Таъкидлаш жоизки, пулга бўлган талаб И.Фишернинг алмашув тенгламасига мувофиқ қуйидагича аниқланади:

$$MxV = PxQ$$

Бунда: M – муомаладаги пул миқдори, V – пул айланиш тезлиги, P – товар ва хизматларнинг ўртача баҳоси, Q – миллий иқтисодиёт доирасида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг миқдори. Биз ушбунни қўлаган ҳолда пулга бўлган талаб ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва пул массаси ўртасидаги миқдорий боғланишдан фойдаланиш орқали ҳам аниқланиши мумкинлигини таъкидлаймиз. Масалан, фараз қилайлик, бошқа шартлар тенг бўлган шароитда ЯИМ дефлятори 18,5 фоиз ва ЯИМ реал ўсиши 6,4 фоиз миқдорида белгиланган бўлсин. Ушбу шартли мисолимизда муомаладаги пул

массаси $(1,185 \times 1,064) \times 100 - 100 = 26,1$ фоизга ўсади. Демак, Марказий банк монетар сиёсатнинг мақсадли кўрсаткичлари мувозанатини таъминлаш мақсадида иқтисодиёт учун йил давомида пул таклифини 26,1 фоизга ошириши мумкин.

Маълумки, монетар сиёсат назариясида марказий ўринни фоиз ставкаси пулга бўлган талабга таъсир этадими, агар таъсир этса, қай даражада, деган масала эгаллайди. Бу хусусда жуда кўп олимлар ўз фикрларини айтганлар.

Жумладан, И.Фишер фоиз ставкаси пулга бўлган талабга таъсир этмайди, у даромадга боғлиқ, деган хулосага келган. Унинг хулосасидан фарқли ўларок, Кембриж мактабининг олимлари фоиз ставкаси таъсирида пулга бўлган талабнинг ўзгаришини истисно этмаган ҳолда у номинал ЯИМга пропорционал, деб ҳисоблашган. Аммо, Ж.Кейнс кембрижча ёндашувни ривожлантириб, фоиз ставкаси пулга бўлган талабга сезиларли даражада таъсир қилади, деган хулосага келган.

Умуман, Кейнс тадқиқотларида фоиз ставкасининг ўсиши билан пулга бўлган талаб пасаяди, деган хулоса илгари сурилади. Кейнс фикрича, пул массасининг ўзгариши бевосита фоиз ставкасига таъсир қилади.

Кейинчалик Ж.Тобин 1922-1941 йилларда фойдаланил-майди-ган пул қолдиқларининг фоиз ставкаси билан ўзаро боғлиқлигини текшириб кўрди. Бунинг учун у ҳар бир йил учун фойдаланилмай-диган пулларнинг ўртача қолдиғини ва тижорат қимматли қоғозла-ри бўйича ўртача фоиз ставкасини ифода этувчи жадвал тузди. Натижада Ж.Тобин ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги аниқ акс таъ-сирнинг гувоҳи бўлди ва пулга бўлган талаб фоиз ставкасининг ўзга-ришига боғлиқ, деган хулосага келди⁷.

Ўша даврда Д. Лейдер, К.Брюннер, А.Мельцер каби олимлар то-монидан пулга бўлган талаб тўғрисидаги кўшимча эмперик тадқиқот-лар ҳам Ж.Тобиннинг ушбу кашфиётини тасдиқлайди⁸.

Фикримизча, Ж.Тобиннинг ушбу усули фақат битта муаммо билан боғлиқ. Аслида фойдаланилмайдиган пул қолдиқлари реал ҳаётда трансакцион пул қолдиқлари билан ажралмасдир.

Умуман, Ж.Тобин, Д.Лейдер, К.Брюннер, А.Мельцер каби хо-

⁷ Мишкин Ф. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Учебное пособие для студентов вузов, Аспект пресс. - М., 1999 г. стр. 570.

⁸ Meltzer A.H. The Demand for Money: The Evidence from the Times Series// Journal of Political Economy (1963) №71 P.219-246; Brunner, Meltzer A.H. Predistinct Velocity: Implication for Theory and Policy// Journal of Finance (1963) №18. P. 319-354.

рижлик олимлар ҳам ўз тадқиқотлари натижасида пулга бўлган та-
лаб фоиз ставкасининг ўзгаришига боғлиқ, деган хулосага келишган.

Ҳозирги замон кейнсчилари ва монетарчилар ҳам икки йирик на-
зарий оқим сифатида пул таклифининг ўзгариши номинал ЯИМга таъсир
қилишини тан оладилар, ammo улар бу таъсирга турлича баҳо бера-
дилар ва ушбу таъсирнинг аҳамияти ҳамда механизмнинг ўзи: кейнс-
чилар нуқтаи назаридан қараганда, пул-кредит сиёсати асосида маъ-
лум даражада фоиз ставкаси бўлиши керак, монетарчилар нуқтаи
назаридан қараганда эса ушбу асос пул таклифининг ўзидир.

Давлат сиёсатининг энг асосий мақсади, кейнсчиларнинг қараш-
ларига кўра, меҳнат ресурсларининг юксак даражада бандлигини
ва ишлаб чиқаришнинг максимал даражада ўсиш суръатини таъ-
минлаш бўлса, монетарчилар учун асосий вазифа баҳоларнинг ва
миллий пул бирлигининг барқарорлигини таъминлашдан иборат-
дир. Шу сабабли, монетарчиларнинг моделларида ишчи кучи бозо-
ридаги ҳолат ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми таркибий
омиллар таъсирида шаклланади ва шу сабабли, иқтисодий сиёсат
чора-тадбирлари ёрдамида ўзгариши мумкин эмас. Ана шунга асос-
ланган ҳолда, улар конъюнктуранинг циклик тебранишларига ҳар
қандай воситалар билан барҳам беришга ҳаракат қиладилар.

Замонавий монетаризмнинг асосий қоидалари қуйидагилардан
иборат:

1. Монетаризм бозор иқтисодиётини ички барқарор тизим, деб
ҳисоблайди. Бозор иқтисодиётдаги барча салбий ҳолатлар давлат-
нинг иқтисодиётга ваколатсиз аралашувининг натижасидир, демак
ушбу аралашувни минимум даражасигача пасайтириш керак.

2. Пул омили (муомаладаги пул массаси) ва номинал ЯММ ўрта-
сидаги корреляция, инвестиция ва ЯММ ўртасидаги корреляцияга
нисбатан анча узвий боғлиқ эканлиги кузатилди. ЯММ динамикаси
пул массаси изидан боради. Монетарчилар шунга таъкидлайдилар-
ки, муомаладаги пул миқдори ва миллий иқтисодиёт доирасида
сотилган товарлар ва хизматлар ҳажми ўртасида маълум бир боғ-
ланиш мавжуд.

3. Миқдорий назария тарафдорлари пул айланиш тезлигининг
доимийлиги тўғрисидаги қарашга маълум бир маънода ён босиш
керак, деб ҳисоблайдилар.

Пулни миқдорий назариясига кўра, баҳолар даражаси муома-
ладаги пул миқдорига пропорционалдир. Бундай шароитда баҳолар
даражасининг ўзгариши пул таклифининг ўзгаришига маълум боғ-
лиқликда бўлади. Пул таклифида ЯММнинг номинал ҳажми ўрта-

сидаги сабаб ва оқибат боғланиши фоиз ставкаси орқали амалга оширилади. Пул таклифининг ЯММга таъсир этиш механизми аслида яширинган бўлиб, М.Фридмен ушбу механизмни “активлар портфели” деган оралиқ категориясини киритган ҳолда тушунтиради.

Пул таклифининг монетарча таҳлилидан келиб чиқадиган муҳим хулосалардан яна бири шундаки, иқтисодиётни барқарор тарзда ривожлантириб бориш пул массасининг бир текис, доимий суръатда ўсиб боришини таъминлашни талаб қилади. Бу хулосадан монетаризмнинг асосий назарий қондаси келиб чиқади: пул массасининг ўсиш суръати доимий бўлиши шарт; у иқтисодий конъюнктуранинг тебранишларига мутлақо боғлиқ бўлмаслиги керак. Ушбу назарий қондаси, даставвал, М.Фридменнинг “Истеъмол функциясининг назарияси” номли илмий ишида батафсил баён қилинган “Пулга бўлган талабнинг барқарор функцияси” концепциясига асосланади. Концепцияга кўра, пулга бўлган талаб касса қолдиқлари ва номинал даромаднинг ўсишига мос равишда камаймайди, аксинча у ўзгармасдан қолади. Сабаби шундаки, пул таклифидаги ҳар бир ўзгариш нафақат инвестициялар даражасига, балки шахсий истеъмолнинг ҳажмига ҳам таъсир қилади. Шахсий истеъмолнинг ҳажми эса, ўз навбатида, номинал даромадларнинг динамикасига мутаносиб равишда ўзгариб боради. Оқибатда пулга бўлган талаб ҳар бир алоҳида олинган давр мобайнида нисбатан қатъий миқдорни ташкил этади. Айни вақтда пулнинг таклифи доимий тебранишда бўлади.

Монетарчилар юқорида баён этилган ғояларга асосланган ҳолда, Марказий банк пул таклифини тартибга солиш имкониятларига эга, деган хулосага келдилар.

М. Фридмен ва бошқа монетарчилардан фарқли ўлароқ, Кейнс пул таклифи хусусидаги масалага атрофлича ва чуқур тўхталиб ўтирмади. Бунинг асосий сабаби шундаки, Кейнс марказий банклар томонидан пул массасини тўла назорат қилиш имкониятининг мавжудлигига ишонди. Ҳақиқатан ҳам Кейнс, марказий банклар банк захираларини назорат қилиш ва шу йўл билан банк депозитларини юзага келиш жараёнини ҳам назорат қила олиши мумкин, деган фикрга келган эди.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, монетар сиёсатнинг замонавий назарий модели кейнсчилик ва монетаризмнинг синтезидан иборат бўлиб, бунда ушбу назарияларнинг ижобий жиҳатлари мужассамлашган. Ҳозирги пайтда узоқ муддатли босқичда монетар сиёсатда монетарча ёндашув етакчи ўрин тутаяди.

6.2. Монетар сиёсат воситаларининг моҳияти, турлари ва хусусиятлари

Ҳозирги даврда жаҳон банк амалиётида пулга бўлган талаб ва таклифни, хусусан, пул массасини, молия бозорларини ҳамда банк тизими ликвидлилигини самарали тартибга солишда очиқ бозордаги операциялар, ҳисоб ставкаси сиёсати, мажбурий захиралар сиёсати, валюта сиёсати каби бозор иқтисодиётининг бир қатор замонавий восита ва механизмлари кенг қўлланилмоқда.

Замонавий хорижлик иқтисодчи олимлардан К.Макконнелл ва С.Брюлар монетар сиёсатнинг учта воситасини ажратиб кўрсатадилар. Пул-кредитни тартибга солишнинг уч асосий воситаси мавжуд: 1. Очиқ бозордаги операциялар. 2. Резерв нормаларини ўзгартириш. 3. Ҳисоб ставкасини ўзгартириш⁹.

Халқаро валюта фондининг У.Александр, Х.Балиньо ва Ч.Энох каби мутахассислари эса монетар воситаларни бевосита ва билвосита турларга ажратиб кўрсатадилар: “Пул-кредитни тартибга солишнинг бевосита ва билвосита турлари фарқини икки томондан кўриш мумкин. 1. Бевосита воситалар нархларни (фоиз ставкаларини) ёки миқдорни (кредитни) белгилаш ёхуд чеклашни назарда тутади, билвосита воситалар эса бозор орқали пулга бўлган талаб ва таклифга таъсир қилади. 2. Бевосита воситалар кредит лимитлари сифатида асосан тижорат банкларининг балансига таъсир қилиш учун фойдаланилса, билвосита воситаларнинг асосий қисми марказий банк баланси ҳолатини яхшилаш учун фойдаланилади”¹⁰. Улар монетар сиёсатнинг бевосита воситаларига: фоиз ставкаларини чегаралаш, ҳар бир банк учун кредит лимитлари, ликвидлилиكنинг норматив коэффициенти, мақсадли кредитлар ва ҳар бир банк учун қайта ҳисобга олиш нормаларини белгилашни киритишган. Билвосита воситаларга эса: векселларни қайта ҳисобга олиш ва ломбард механизмлари, кредит аукционлари, бирламчи ва иккиламчи бозорларда марказий банкнинг қимматли қоғозларини сотиш (очиқ бозорлардаги операциялар), валюта своплари ҳамда РЕПО операцияларини киритадилар.

“Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида”ги қонунда монетар сиёсатнинг: очиқ бозордаги операциялар; Марка-

⁹ Макконнелл К.Р., Брю С.А. Экономикс: принципы, проблемы, политика. В 2-х томах. М., Республика. 1992.

¹⁰ Александр У., Балиньо Т., Энох Ч. Непериодическая серия, выпуск 126. Принятие косвенных инструментов денежно-кредитной политики, МВФ, Вашингтон, США, июнь 1995. –119, стр. 2.

зий банкнинг ҳисоб операциялари; Марказий банкнинг операциялари бўйича фоиз ставкалари; мажбурий резерв талаблари ва Марказий банкнинг қайта молиявий таъминлаш каби воситалари қайд этилган.

Пул-кредит сиёсатининг воситалари - Марказий банк томонидан пулга бўлган талаб ва таклифни тартибга солиш ҳамда пул-кредит сиёсатини амалга ошириш механизmidир. Булар қуйидаги бевосита ва билвосита турларга бўлинади. Бевосита воситалар - Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан фоиз ставкаларини ёки кредит миқдорини белгилаш ва чеклашдан иборат бўлган маъмурий усуллар. Билвосита воситалар эса Марказий банк ва тижорат банклари ўртасидаги ихтиёрий равишда фойдаланиладиган, яъни бозор орқали пулга бўлган талаб ва таклифни ўзгартириш, муомаладаги пул массаси миқдорини ва банкларнинг тўловга қобилиятлигини тартибга солиш усулидир.

Бевосита воситалар - фоиз ставкаларини чегаралаш, мақсадли кредитлар, ҳар бир банк учун кредитнинг юқори чегарасини белгилаш каби маъмурий усул ва чораларни ўз ичига олади. Улар бир қатор камчиликларга эга бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитларига мос келмайди. Хусусан, улар ҳар бир банкка нисбатан қўлланиладиган яқка тартибдаги назорат қилиш чораси бўлиб, молия бозорида рақобатни бўғиб қўяди, молия соҳасининг ривожланишини сусайтиради ва банкларнинг молиявий воситачилик ролини пасайтиради. Шунингдек, бир қатор банклар устидан назоратнинг ўрнатилиши натижасида алоҳида тармоқ ва ҳудудларда кредитлаштириш самарасини пасайтиради, катта миқдордаги молиявий маблағларнинг назорат қилиб бўлмайдиган соҳага, яъни хуфиёна иқтисодиётга ёки хорижга чиқиб кетишига олиб келади.

Билвосита воситаларга - очик бозордаги операциялар (давлатнинг ва Марказий банкнинг қимматли қоғозларини бирламчи бозорларда сотиш), иккиламчи бозордаги операциялар (бевосита олди-сотди ёки РЕПО операциялари), қайта молиялаш сиёсати, мажбурий захира талаблари, валюта сиёсати, кредит аукционлари, валюта своплари, векселларни қайта ҳисобга олиш механизми, ломбард ёки овердрафт механизмлари ва бошқалар киради. Улар бозор иқтисодиёти талабларига мос келади ва бевосита воситаларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Жумладан, Марказий банкка пул-кредит сиёсати самарадорлигини ошириш, пул массаси, молия бозорини самарали тартибга солиш, давлатнинг кредитни тақсимлаш ва пул-кредит орқали бошқариш жараёнларига аралашувини

камайтириш, молия бозорининг ривожланишига ва кенгайтишига, банкларнинг воситачилик ролини ошириш, капитал қўйилма ва молиявий жамғармалар ҳажмининг кўпайишига қўшимча қулайликлар яратади.

Халқаро банк амалиётида иқтисодчилар пул-кредит сиёсатининг билвосита воситаларини бозор механизмлари ҳам деб атайдилар. Чунки, улар, одатда, банкларнинг захираларини ўзгартириш учун Марказий банк томонидан банклар ва нобанк молиявий муассасалар ўртасида бозор баҳолари асосида ихтиёрий равишда ўтказилади. Марказий банк ўзининг ва давлатнинг қимматли қоғозларини, хорижий валюталарини эркин сотиш ва сотиб олиш, маблағларни депозитларга жалб қилиш ва қайтариш, мажбурий захира талаблари меъёрини ва қайта молиялаш ставкасини ўзгартириш орқали банкларнинг молиявий ҳолатига таъсир қилади (6.1.1-жадвал).

6.1.1.-жадвал

Монетар сиёсат воситаларининг турлари

| Бевосита воситалар | Билвосита воситалар |
|---|---|
| Фоиз ставкаларини чегаралаш | Очиқ бозордаги операциялар |
| Мақсадли кредитлар | Мажбурий захиралар |
| Ҳар бир банк учун кредитлаш миқдорларини белгилаш | Векселларни қайта ҳисобга олиш механизми |
| Ҳар бир банк учун ҳисобга олиш меъёрларини белгилаш ва бошқалар | Қисса муддатли депозитлар механизми |
| | Кредит аукционлари |
| | Ломбард ва овердрафт механизмлари |
| | Валюта своплари ва бевосита олди-сотди операциялари |

Жадвал Халқаро валюта фонди маълумотлари асосида тузилган.

Марказий банк юқорида қайд этилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали муомаладаги ортиқча пул массаси ҳажмини иқтисодиёт учун зарур бўлган миқдоргача камайтиради. Пул массасининг камайиши ҳисобига инфляция даражаси пасаяди ва миллий валюта курсининг барқарорлиги ошади. Бу эса хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг тобора ошишига, мамлакатда жамғармалар ва иқтисодий фаолликнинг ўсишига, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ва макроиқтисодий барқарорликнинг мустақамланишига қулай шарт-шароит яратади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, пул-кредит сиёсатини амалга оширишда билвосита воситалар ихтиёрий равишда қўлланилиши ва сонининг кўплиги жиҳатидан бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб бериши билан бевосита воситаларга нисбатан афзаллиги яққол кўринмоқда. Шу боис ҳозирги пайтда жаҳоннинг энг тараққий этган давлатларида ҳам пул-кредит сиёсатининг билвосита воситаларини такомиллаштириш жараёнлари давом этмоқда.

Айни пайтда, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган хорижий давлатлар банк тизимида пул массаси ва молия бозорларини самарали тартибга солишда пул-кредит сиёсатининг юқорида қайд этиб ўтилган барча билвосита воситаларидан кенг фойдаланади. Айниқса, очиқ бозордаги операциялар энг таъсирчан ва самарали воситалардан бири сифатида кенг қўлланилади. Ушбу мамлакатларда молия бозорлари ва банк тизимининг юксак даражада ривожланганлиги, ўз навбатида, пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини оширишда марказий банкларга қулай шарт-шароитлар яратмоқда.

Монетар сиёсат воситаларининг моҳиятини кенгроқ очиш мақсадида халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган билвосита воситаларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтишни маъқул топдик.

Очиқ бозордаги операциялар. Ҳозирги пайтда ушбу операциялар монетар сиёсатнинг асосий воситаларидан бири бўлиб, улар, энг аввало, пул бозоридаги талаб ва таклифни тартибга солиб туришга хизмат қилади. Фараз қилайлик, агар муомаладаги пул массаси ошса, Марказий банк пул массасининг ошган қисмини камайтириш чорасини кўради. Бунда у муомаладаги пул массасини ва тижорат банклари ликвидлилигини тартибга солиш мақсадида тижорат банкларига ва бошқа инвесторларга ҳукумат қимматли қоғозларини ва ўзининг депозит сертификатларини сотади¹¹.

¹¹ Шомуродов Р.Т. Ўзбекистонда монетар сиёсатнинг билвосита инструментларидан фойдаланиш. // Бозор, пул ва кредит. 2001, 8-сон, 61-6.

Шўнингдек, Марказий банк очиқ бозорда РЕПО (қайтариб олиш шарти билан тузиладиган олди-сотди битими), СВОП (Марказий банк томонидан валюта бозорида хорижий валюталарни сотиш ва сотиб олиш бўйича амалга ошириладиган операциялар) ва ломбард операцияларини амалга ошириши мумкин. Натижада ушбу операциялар орқали Марказий банк банкларнинг захираларига бевосита таъсир қилади. Бу эса пул мультипликатори орқали пул таклифининг ўзгаришига олиб келади. Аксинча, бошқа шароитлар тенг бўлган ҳолда пул бозорида пулга бўлган талаб ошиб борса, Марказий банк иқтисодиёт учун зарур бўлган миқдорда пул таклифини ошириш сиёсатини олиб боради. Бунда у инвесторлардан ҳукумат қимматли қоғозларини, ўзининг депозит сертификатларини сотиб ола бошлайди ва банкларнинг захиралари маълум даражада ошади. Бу эса пул мультипликатори орқали иқтисодиётда пул таклифининг ва ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келади.

РЕПО операциялари Марказий банк томонидан тижорат банклари ва пул бозори ликвидилигини тартибга солиш, муомаладаги ортиқча ликвидликни камайтириш ҳамда пул массаси миқдорига таъсир ўтказиш мақсадида амалга оширилади. Ушбу операцияларнинг устувор жиҳати шундаки, улар қайта РЕПО операциялари кўринишида ўтказилади ва пул бозоридаги мавсумий тебранишларни тартибга солиб туради.

Ўз навбатида, СВОП операциялари Марказий банк томонидан муомаладаги пул массаси миқдорини тартибга солиш ҳамда миллий валюта курсининг кескин тебранишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади. Агар валюта бозори пул бозорига нисбатан ривожланган бўлса, унда ушбу операцияларни ўтказиш ўз самарасини беради.

Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси (дисконт сиёсати). Бунда Марказий банк ушбу воситадан фойдаланган ҳолда фақат молиявий ҳолати яхши бўлган банкларга кредит беради. Ҳисоб ставкасини Марказий банк белгилайди. Ушбу фоизнинг камайиши тижорат банкларининг Марказий банкдан кўпроқ кредит олишига, уларда ортиқча захираларнинг пайдо бўлишига ва муомаладаги пул массасининг ўсишига олиб келади. Аксинча, ҳисоб фоизининг оширилиши натижасида тижорат банклари Марказий банкдан олган захираларини тезроқ қайтаришлари учун уларни сота бошлайди ва пиروардида муомаладаги пул массаси камаяди.

Мажбурий захиралар меъёрини ўзгартириш. Марказий банк мо-

нетар сиёсатнинг ушбу воситаси орқали банк тизими ликвидлилигига ва пул таклифига сезиларли даражада таъсир қилади. Фараз қилайлик, келгуси йил учун ҳукумат Марказий банк олдига инфляция даражасини янада пасайтириш орқали валюта курсининг барқарорлигини мустаҳкамлаш вазифасини қўйган бўлсин. Бунда Марказий банк пул массаси ва ялпи ички маҳсулот ўртасидаги миқдорий боғлиқликдан фойдаланган ҳолда иқтисодиёт учун пул таклифининг юқори чегарасини ҳисоблаб чиқади. Масалан, фараз қилайлик, бошқа шартлар тенг бўлган шароитда ЯИМ дефлятори 18,5 фоиз ва ЯИМ реал ўсиши 6,4 фоиз миқдорида белгиланган бўлсин. Пул массасининг ўсиши $(1,185 \times 1,064) \times 100 - 100 = 26,1$ фоизни ташкил этади. Демак, Марказий банк монетар сиёсатнинг мақсадли кўрсаткичлари мувозанатини таъминлаш мақсадида иқтисодиёт учун йил давомида пул таклифини 26,1 фоизга ошириши мумкин.

Ушбу аниқ ҳисоб-китоблар асосида Марказий банк йил давомида ортиқча ликвидлиликни бошқариш орқали пул массасини самарали тартибга солиб туришга ҳаракат қилади. Валюта курсининг барқарорлигини янада мустаҳкамлаш учун Марказий банк соғлом бозор иқтисодиёти шароитида фоиз ставкасини оширади. Натижада пулга, жумладан, кредит маблағларига бўлган талабнинг камайиши ва пул мультипликаторининг таъсирида муомаладаги пул массаси маълум миқдорга камаяди. Бу эса инфляция даражасининг пасайишига, миллий валюта курсининг мустаҳкамланишига ва мамлакатда иқтисодий фаолликнинг ошишига, реал секторда эса ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига замин яратади.

Шуни айтиш мумкинки, монетар сиёсат ва воситаларининг иқтисодиётни, жумладан, муомаладаги пул массасини, молия бозорлари ҳамда банк тизими ликвидлигини тартибга солишдаги ўрни жуда катта. Марказий банк ушбу воситалардан фойдаланиш орқали пул таклифига, валюта курсига, тўлов балансига, иқтисодий ўсишига, инвестицияларга ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсир кўрсатади. Бундай шароитларда инфляция бошқарилиб турилади ва катта тебранишлар кузатилмайди. Агар пул массаси асоссиз равишда ўса бошласа, унда инфляция жараёнлари кучая бошлайди. Ушбу вазиятдан чиқиш учун Марказий банк монетар сиёсатнинг билвосита воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чораларини кўради. Жумладан, қайта молиялаш ставкаси ва мажбурий захиралар меъёрини оширади, хорижий валюталарни сотади, юқори фоизлар тўлаш асосида пул бозорида ўзининг ва давлатнинг қиммат-

ли қоғозларини сотади. Шу билан бирга, билвосита воситаларнинг янги турларини жорий қилади ва фойдаланиш усулларини такомиллаштиради.

Бу эса монетар воситаларнинг назарий асосларини чуқур тадқиқ қилиш, хорижий давлатларнинг монетар воситалардан фойдаланиш борасидаги илғор тажрибаларини атрофлича ўрганиш ҳамда тегишли назарий ва амалий хулосалар чиқаришни тақозо этади.—

Монетар сиёсат воситалари орқали муомаладаги пул массаси тартибга солинади ва мамлакат иқтисодиёти учун зарур бўлган пул массаси бошқариб турилади. Шу ўринда пул агрегатлари ва уларнинг турлари хусусида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон банк амалиётида М0, М1, М2, М3, М4, L каби турли пул кўрсаткичлари, яъни агрегатларидан фойдаланилади. Улар жумласига муомаладаги нақд пуллар, квази пуллар, резерв пуллар, миллий ва хорижий валютадаги ялпи пул массасини киритиш мумкин. Аммо кўпчилик давлатларнинг банк статистикасида, асосан, М2 ва М3 пул агрегатларидан фойдаланилади. Камдан-кам давлатлар М4 пул агрегатини ишлатади ва ушбу кўрсаткич ҳозирги пайтда деярли фойдаланилмайди. Масалан, АҚШда L пул агрегати 1997 йилгача фойдаланилган ва ҳозирги пайтда М3 пул агрегати билан чекланади, холос. Буюк Британияда эса М4 пул агрегатидан ҳам фойдаланилади.

Ўз навбатида, М0 пул агрегати муомаладаги нақд пуллар, яъни банклардан ташқаридаги нақд пуллардан иборат. Ушбу кўрсаткич муомалага чиқарилган нақд пуллар миқдоридан Марказий банк кассасидаги ва тижорат банклари кассаларидаги нақд пуллар миқдорини чегириш орқали ҳисобланади. Хусусан, квази пуллар, яъни пуллар осон нақд пулга айланадиган банк ҳисоб рақамларида турган маблағлардир. Унинг таркибига муддатли ва жамғарма депозитлари, хорижий валютадаги депозитлар ва бошқа депозитлар киради.

Жумладан, М1 пул агрегати, яъни юқори ликвидли пуллар М0 пул агрегати ва талаб қилиб олингунча депозитлардан иборат. М2 пул агрегати, яъни миллий валютадаги ялпи пул массаси М1 пул агрегати, муддатли ва жамғарма депозитлардан ташкил топади. М3 пул агрегати М2 пул агрегати ва хорижий валютадаги депозитлардан иборат. М4 пул агрегати эса М3 пул агрегатига узоқ муддатли қимматли қоғозларни қўшиши орқали ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда иқтисодиёт, банк тизими ва молия бозорларининг, жумладан, пул, қимматли қоғозлар ва валюта бозорларининг ривожланиш даражасига

қараб банк статистикасида М0, М1, М2 ва М3 пул агрегатларидан фойдаланилади. Ўзбекистон банк статистикасида айни пайтда М0, М1 ва М2 пул агрегатлари ва резерв пуллар қўлланилади. Хусусан, М0 пул агрегати муомаладаги нақд пуллардан иборат бўлиб, улар энг юқори ликвидли пуллар ҳисобланади. М1 пул агрегати - М0 пул агрегати ва талаб қилиб олингунча депозитлар йиғиндисидан иборат бўлиб юқори ликвидли пуллар ҳисобланади. М2 пул агрегати, яъни ялпи пул массаси - М1 пул агрегати, муддатли депозитлар, жамғарма депозитлар ва хорижий валютадаги депозитлардан ташкил топган.

Резерв пуллар – Марказий банкнинг мажбурияти бўлиб, ўз ичига қуйидаги массивларни олади: Марказий банкдан ташқаридаги нақд пуллар, мажбурий захирадаги маблағлар, тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисоб варағидаги маблағлар ва Марказий банк миқозларининг депозитлари.

Пул массаси – банк тизимининг мажбурияти бўлиб, ўз ичига қуйидаги массивларни олади: муомаладаги нақд пуллар, талаб қилиб олингунча депозитлар, муддатли депозитлар, жамғарма депозитлари, хорижий валютадаги депозитлар.

Ҳар бир давлатнинг Марказий банклари томонидан миллий валюта ва нархлар барқарорлигини ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаб туриш мақсадида муомаладаги пул массаси миқдори тартибга солиб турилади. Бунинг учун асосан М2 пул агрегатидан ва резерв пуллардан фойдаланилади ҳамда улар бўйича пулга бўлган талаб ва тақлифдан келиб чиққан ҳолда, мақсадли кўрсаткичлар, яъни йил давомида ўсиш суръатларининг аниқ чегаралари белгилаб олинади.

Шу сабабли, Марказий банклар монетар сиёсат воситаларидан самарали фойдаланган ҳолда, муомаладаги пул массаси ҳажмини, пул бозори ҳолати ва банк тизими ликвидлилигини ўзгартириш орқали бутун иқтисодиётга таъсир қилади ва тартибга солади.

Таъкидлаш жоизки, пулга бўлган талаб яши ички маҳсулот (ЯИМ) ва пул массаси ўртасидаги миқдорий боғланишдан фойдаланиш орқали ҳам аниқланиши мумкин. Масалан, фараз қилайлик, бошқа шартлар тенг бўлган шароитда ЯИМ дефлятори 15,1 фоиз ва ЯИМ реал ўсиши 7,7 фоиз миқдоридан белгиланган бўлсин. Ушбу шартли мисолимизда муомаладаги пул массаси $(1,151 \times 1,077) \times 100 - 100 = 24,0$ фоизга ўсади. Демак, келтирилган шартли мисолимизга кўра, Марказий банк монетар сиёсатнинг мақсадли кўрсаткичлари мувозанатини таъминлаш мақсадида иқтисодиёт учун йил давомида

пул таклифини 24,0 фоизга ошириши мумкин. Фараз қилайлик, Марказий банк иқтисодий ўсиш суръатларини янада ошириш мақсадида пул массасини яна 100 млрд. сўмга кўпайтиришга қарор қилди. Бунинг учун у монетар сиёсатнинг бозор воситаларидан кенг фойдаланади. Айнан бу воситаларни қўллаш орқали муомаладаги пул массаси ҳажмини ўзгартиради. Бунда Марказий банк фақат битта восита орқали, яъни 100 млн. АҚШ долларини сотиш йўли билан муомаладаги пул массаси ҳажмини 100 млрд. сўмга ошириши мумкин.

Ундан ташқари, ҳукуматнинг ва ўзининг қимматли қоғозларини сотиб олиш орқали ёки ҳар бир воситани алоҳида қўллаш орқали муомаладаги пул массаси ҳажмини белгиланган миқдоргача камайтириши мумкин. Очиқ бозордаги операциялар, валюта сиёсати, мажбурий захира талаблари сиёсати каби воситалар энг таъсирчан воситалар ҳисобланади.

6.3. Ўзбекистонда монетар сиёсат воситаларидан фойдаланиш хусусиятлари

Жаҳон банк тизими амалиётидан маълумки, бозор иқтисодиётининг ривожланган барча давлатларида икки поғонали банк тизими фаолият кўрсатади. Бунда биринчи поғонада Марказий банк бўлиб, у мамлакатнинг пул муомаласини ва барча кредит муассасаларининг фаолиятини тартибга солиб туради. Иккинчи поғонада эса тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари туради. Банк тизимининг бундай бўлиниши, авваламбор, Марказий банк ва тижорат банкларининг мақсадлари, вазифалари ва мавқеини белгилайди. Тижорат банклари ўз фаолиятида жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатишни тижорат асосида амалга оширадидлар. Марказий банк эса бундан фарқли ўлароқ, миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш асосида мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларининг ҳамда молия соҳасининг мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга оширади.

Маълумки, режали иқтисодиётда банк тизими ҳам ниҳоятда марказлашган эди. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов шундай дейди: “Бутун банк тизими ягона Марказдан бошқарилиб, кредитлаш лимитлари ҳам, нақд пул чиқариш лимитлари ҳам фақат марказнинг руҳсати билан амалга оширилиб, барча масалалар юқорида ҳал қилинар эди. Банклар ўртасида рақобат муносабатлари мутлақо инкор этилар эди. Аҳоли ўз қўлидаги бўш пулларини фақатгина давлат меҳнат жамғарма кас-

саларида қатъий белгиланган фоиз олиш шарти билан сақлаши мумкин эди¹².

Мустақиллик йилларида республикамызда молия тизимининг асосий бўғини бўлган банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши жараёни ўзига хос тарихий йўлни босиб ўтди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиши ва ривожланишининг дастлабки беш босқичида Марказий банк пул-кредит сиёсатини амалга оширишда монетар сиёсат воситаларидан ўзига хос тарзда фойдаланилди.

Мамлакатимизда банк тизимини шакллантиришнинг биринчи босқичи мустақилликнинг илк кунларидан бошланиб, у нисбатан узоқ муддатли, яъни 1991-1994 йилларни ўз ичига олди. Ушбу даврда миллий валютамызни муомалага киритишга асос яратилган ва икки поғонали банк тизими пойдевори қурилган эди.

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида мустақил банк тизимини яратиш бўйича олиб борилган чоратadbирлар 1991 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни асосида амалга оширилди. Мазкур қонун бозор муносабатларига ўтиш даври вазифаларига мос келувчи банк муассасалари шаклланишининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Ушбу қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тузилди. Марказий банкка мамлакатда пул муомаласини тартибга солиш, тижорат банклари тизимини вужудга келтириш ва тўлов тизимини ташкил этиш вазифалари юклатилди.

Қатъий монетар сиёсат инфляцияни жиловлаш ва унинг ўсиш суръатларини кескин тушириш, ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга шарт-шароитлар яратишга йўналтирилди. Бунда Марказий банк монетар сиёсатнинг бевосита ва билвосита воситаларидан самарали фойдаланди. Хусусан, мажбурий захиралар меъёри 1994 йилнинг май ойидан 15 фоиздан 30 фоизгача, қайта молиялаш ставкаси 1994 йилнинг октябридан 150 фоиздан 225 фоизгача кўтарилди¹³. Ушбу даврда инфляция даражаси қайта молиялаш ставкасига нисбатан нафақат Ўзбекистонда, балки МДХнинг барча давлатларида ҳам юқори бўлиб, амалда қайта молиялаш ставкаси салбий бўлиб қолган эди (6.3.1-жадвал).

¹² Ўзбекистон Республикаси банк тизими. /Муллажонов Ф.М. таҳрири остида/ - Т., “Ўзбекистон”, 2001., 296 бет. 28-бет.

¹³ Муллажонов Ф.М. Банковская система в годы независимости. — Т., 1996 г. стр. 80-81.

**Баъзи МДХ мамлакатларида инфляция, номинал ва реал қайта
молиялаш ставкаси даражаси динамикаси,
(фоизда)**

| Давлатлар | 1993 | 1994 |
|---------------------------------|---------|---------|
| Россия | | |
| Инфляция даражаси | 874,6 | 307,5 |
| Номинал қайта молиялаш ставкаси | 210,0 | 215,0 |
| Реал қайта молиялаш ставкаси | -664,6 | -92,6 |
| Украина | | |
| Инфляция даражаси | 10155,0 | 891,2 |
| Номинал қайта молиялаш ставкаси | 240,0 | 252,0 |
| Реал қайта молиялаш ставкаси | -9915,0 | -632,9 |
| Қозоғистон | | |
| Инфляция даражаси | 1760,0 | 1876,5 |
| Номинал қайта молиялаш ставкаси | 170,0 | 230,0 |
| Реал қайта молиялаш ставкаси | -1390,0 | -1646,5 |
| Қирғизистон | | |
| Инфляция даражаси | 1208,7 | 280,0 |
| Номинал қайта молиялаш ставкаси | 260,5 | 230,0 |
| Реал қайта молиялаш ставкаси | -948,2 | -50,0 |

Transition report 2000, European Bank for Reconstruction and Development маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Маълумотлардан кўринмоқдаки, давлат мустақиллигининг дастлабки йилларида асосан қайта молиялаш ставкасининг салбий даражасининг юзага келишига йўл қўйилган. Бу эса айнан ўша пайтларда монетар сиёсат воситаларидан фойдаланиш амалиётининг шаклланмаганлиги ва ривожланмаганлигини яққол кўрсатмоқда.

Маълумки, миллий валюта муомалага киритилгунга қадар Марказий банк мустақил монетар сиёсатни амалга ошириш ва унинг

воситаларидан самарали фойдаланиш имконига эга эмас эди. Бу эса монетар сиёсат самарадорлигини ошириш имкони бермас эди. Шунингдек, дастлабки йилларда монетар сиёсатни юритишда унинг бевосита ёки билвосита воситаларини танлаш масаласи кўндаланг бўлиб турарди.

Умуман, банк тизимининг шаклланиши ва ривожланишининг дастлабки босқичида, яъни 1991-1994 йилларда икки босқичли банк тизими юзага келди ҳамда мамлакатимизда банк тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Айниқса, миллий валютанинг муомаллага киритилиши, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги ҳамда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши иккинчи босқичнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

Ҳукумат ва Марказий банк томонидан макроиқтисодий барқарорлаштириш дастурининг ишлаб чиқиши, миллий валютанинг муомаллага киритилиши, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” қонунларнинг қабул қилиниши асосида мустақкам икки поғонали банк тизими ҳамда нобанк молиявий институтларнинг яратилиши Марказий банкка мустақил ва самарали монетар сиёсат юритиш имконини берди.

Миллий валютаимизнинг муомаллага киритилиши мамлакатимизнинг мустақил банк тизими шаклланишида сифат жиҳатидан янги босқичнинг бошланиши бўлди. Ушбу даврда монетар сиёсат макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляция даражасини пасайтириш, иқтисодиётнинг таянч тармоқларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва шу асосда, иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилди.

Ушбу даврда банк тизимидаги бозор ислохотлари иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан бирмунча жадалроқ суръатлар билан рўй берди. Бу ҳақда мамлакат Президенти И.А.Каримов шундай дейди: “Ўзбекистоннинг банк тизими вужудга келиши ҳақида гапирсак, бу - иқтисодиётнинг энг тез ривожланаётган соҳаси, ислохотлар яққол сезилаётган соҳа эканлигини айтиш керак”¹⁴.

Пул таклифини камайтириш асосида инфляцияни кескин пасайтириш мақсадида Марказий банк қайта молиялаш ставкасини 1995

¹⁴ И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. - Т., “Ўзбекистон”, 1996, 44-б.

Йилнинг февралдан 250 фоизгача, мартдан 300 фоизгача кўтарди. Шунингдек, 1995 йилдан Марказий банк депозит сертификатларининг муомалага чиқарилиши, 1996 йилнинг мартдан Давлатнинг қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО) бўйича операцияларнинг ўтказилиши, валюта интервенциясининг кенг қўлланилиши каби қатор чора-тадбирлар натижасида муомаладаги пул массаси кескин камайди ва инфляция даражаси 1996 йилда 64,3 фоизгача пасайди.

Умуман, ушбу даврда банк тизимини ҳуқуқий базаси мустаҳкамланиб, Марказий банк ва тижорат банкларининг мақоми, вазифалари ва ваколатлари аниқ белгиланди. Шу билан бирга, мамлакатимиз 1996 йилдаёқ МДХ давлатлари ичида биринчилар қатори иқтисодий ўсишга эришди ва ЯИМнинг реал ўсиши 1,6 фоизга тенг бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб касса режаларини шакллантириш ва бевосита назорат қилиш усули Марказий банк монетар сиёсатининг самарадорлигига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатган эди. Асосий эътибор эса касса режасининг бажарилишига қаратилган эди.

Учинчи босқич 1997-2000 йилларни ўз ичига олади. Ушбу даврда акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш, хусусий тижорат банклари очишни ривожлантириш, банкларда корпоратив бошқаришни такомиллаштириш каби муҳим масалаларга жиддий эътибор қаратилди. Шунингдек, ушбу босқичда Марказий банкнинг монетар сиёсати рестрикцион характерга эга бўлди ва айнан мана шу сиёсат мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришишга, инфляция суръатларини кескин пасайтиришга имкон берди.

Айнан ушбу йилларда Марказий банк мажбурий захира талаблари, қайта молиялаш сиёсати, валюта сиёсати каби бевосита назорат қилиш усули, марказлашган кредитлар, кредит аукционларидан кенг фойдаланди. Шунингдек, Марказий банкнинг депозит сертификатлари ва давлат қисқа муддатли облигацияларидан кенг фойдаланилди.

Мазкур босқичда амалга оширилган қатъий монетар сиёсат пул массасининг асоссиз ўсишига йўл қўймасликка, инфляцияни пасайтиришга, банк тизимида ислохотларни чуқурлаштиришга ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилди. Натижада 1997 йилдаёқ инфляция даражаси 27,6 фоизгача, қайта молиялаш ставкаси 38,0 фоизгача, мажбурий захиралар меъёри 20,0 фоизгача, бюджет тақчиллиги 2,4 фоизгача пасайди. Умуман, 1997-2000 йилларда

мамлакатимизда ўртача 4,4 фоиздан юқори бўлган барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланди.

Мамлакатимиз Президентининг банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари банк тизими ривожланишининг тўртинчи босқичига мустаҳкам замин яратди. Банк тизимини ривожлантиришнинг тўртинчи босқичи 2001-2002 йилларни камраб олади.

Ушбу босқичда тижорат банкларини хусусийлаштиришни чуқурлаштириш, уларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлаштиришни кучайтириш, миллий валюта бозорини эркинлаштириш масалаларига асосий эътибор қаратилди. Мазкур даврда асосий эътибор миллий кредит тизимини ривожлантиришга, банкларни хусусийлаштиришга, уларнинг активликлари, молиявий барқарорлиги ва воситачилик даражасини оширишга ҳамда иқтисодиётнинг кредит ресурсларига бўлган талабни тўлиқ қондиришга қаратилди. Ушбу даврда, Марказий банк пул таклифининг белгиланган мақсадли кўрсаткичлар доирасида бўлиши ва иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида мажбурий захиралар меъёрини 20 фоиз даражасида сақлаб қолди ҳамда фоиз ставкаларининг амалда ижобий бўлишини таъминлади. Ушбу даврда муомаладаги пул массасини самарали тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг юридик ва жисмоний шахсларга мўлжалланган облигациялари муомалага чиқарилди ҳамда ушбу воситалар тўғрисидаги Низом 2002 йилнинг 22 апрелида Марказий банк бошқарувининг 10/4-сонли қарори билан тасдиқланди.

Марказий банк 2001-2002 йилларда пул таклифининг белгиланган мақсадли кўрсаткичлари доирасида бўлиши ва иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида мажбурий захиралар меъёрини 20 фоиз даражасида сақлаб қолди. Қайта молиялаш ставкасини эса 2001 йилда йиллик ҳисобида 24 фоиздан 2002 йилда эса 30 фоизга кўтарди. Бу эса амалда қайта молиялаш ставкасининг инфляция даражасидан юқори бўлишини таъминлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз банк тизими ривожланишининг дастлабки тўрт босқичида монетар сиёсатни амалга оширишда унинг бевосита ва билвосита воситалари қўлланилди.

Мамлакатимизда банк тизимини ривожлантиришнинг навбатдаги бешинчи босқичи 2003 йилдан бошланди. Вазирлар Маҳкамасининг “Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини тако-

миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 4 февралдаги 63-сонли қарорига асосан, 2003 йил 1 февралдан касса режаларини назорат қилиш сингари эскирган усуллар бекор қилиниб, унинг ўрнига бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган, замонавий, тез мосланувчан услублари жорий этилди. Бу эса Марказий банкка монетар сиёсатнинг бевосита усулларида фойдаланиш амалиётига чек қўйишга имкон берди.

Ҳозирги пайтда ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Марказий банк томонидан пул бозоридаги ҳолат, хусусан, банклараро пул бозоридаги депозит ва кредит фоиз ставкаларининг ҳамда пул агрегатларининг ўзгариши, уларга таъсир этувчи омиллар бўйича доимий равишда таҳлиллар ва мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, монетар сиёсатнинг бозор механизмларидан фойдаланган ҳолда тижорат банкларининг бўш пул маблағларини махсус депозитларга ва Марказий банкнинг қимматли қоғозларига жалб қилиш бўйича операциялар ҳам мунтазам равишда амалга ошириб борилмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимизда монетар сиёсат соҳасида ҳам бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, инвестиция лойиҳалари ва давлат бюджети тақчиллигини Марказий банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш амалиётига чек қўйилди. Бу эса Марказий банк мустақиллигини оширди. Тижорат банкларининг бўш пул маблағларини Марказий банкнинг депозит сертификатларига ва махсус депозитларига жалб қилиш бўйича операциялар мунтазам равишда ўтказиб борилмоқда.

Марказий банкнинг облигациялари муомалага чиқарилди, муомаладаги ортиқча ликвидликни камайтиришнинг бозор механизмлари яратилди, инфляция ва фоиз ставкалари сезиларли даражада пасайтирилди. Амалдаги мавжуд алмашув курслари бир хиллаштирилиб, миллий валютанинг барқарорлиги таъминланди. Аҳолининг банклардаги омонатлари миқдори сезиларли даражада ўсди. 2003 йилда халқаро жорий операциялар бўйича миллий валютанинг конвертация қилиниши таъминланиб, ХВФнинг VIII моддаси талабларига зид келувчи барча чекловлар олиб ташланди.

Умуман, 2003 йилда амалга оширилган қатъий монетар сиёсат миллий валюта барқарорлигини таъминлашга, инфляция даражаси ва фоиз ставкаларини янада пасайтиришга, пул бозорини ривожлантиришга, валюта бозорини эркинлаштиришга ҳамда пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартиришга йўналтирилди, бу ўз навбатида, 2003 йилда депозит операциялари пул

таклифи ва банк тизими ликвидлилигини тартибга солишда энг кўп қўлланилган восита бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда 2003 йилга қадар инфляция даражаси ва расмий алмашув курси энг асосий макроиқтисодий муаммолардан бўлган эди. Бироқ, Марказий банк томонидан амалга оширилган қатъий монетар сиёсат натижасида 2003 йилда инфляция даражаси 2002 йилдаги 21,6 фоиздан 3,8 фоизгача пасайган бўлса, 2004 йилда 3,7 фоизни ташкил этди. Бу эса сўнгги йиллардаги энг паст кўрсаткичдир. Инфляция даражасининг ва банклараро бозордаги фоиз ставкаларининг пасайиши ҳамда реал секторни кредит ресурсларига бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда, Марказий банк 2005 йил 21 декабрдан 16 фоизгача қайта молиялаш ставкасини йиллик ҳисобида 2006 йил 15 июлдан 14 фоизгача туширди. Бу кўрсаткич яна туширилади. Бу эса кредитнинг арзонлашувига, кредитга ва пулга бўлган реал талабнинг ошишига ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг тобора ўсишига замин яратади.

Ҳозирги пайтда қайта молиялаш ставкаси Россияда 13,0 фоизни, Украинада 7,5 фоизни, Қозоғистон, Арманистон ва Озарбайжонда 7,0 фоизни, Қирғизистонда 4,0 фоизни, Латвияда 3,5 фоизни, Эстонияда 2,6 фоизни Литвада 0,8 фоизни ташкил этади¹⁵.

Айни пайтда, Марказий банк томонидан мажбурий захира меъёрлари, қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш, фоиз сиёсати, ички валюта бозорида операциялар ўтказиш каби билвосита восита ва усуллар қўлланилган ҳолда қатъий монетар сиёсатни амалга ошириш давом эттирилмоқда. Депозит операциялари эса 1 кунлик, 1 ҳафталик, 2 ҳафталик депозит аукционлари кўринишида ўтказилмоқда.

Шунингдек, пул-кредит сиёсатини амалга оширишда банк тизимининг умумий ликвидлилигини тартибга солиш ва пул массасини зарур миқдорларда бўлиши, таъминлашнинг асосий воситаларидан бири бўлган мажбурий захира талабларининг самарадорлигини ошириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, янги таҳрирдаги “Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депонентлаш тартиби тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йилнинг 18 январидан 1444-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди ва 1-февралдан кучга киритилди.

Ушбу Низомга асосан, миллий валютадаги депозитлар учун маж-

¹⁵ International Monetary Fund, International Financial Statistics. August. 2004

бурий захира талаблари меъёри 20 фоиздан 15 фоизгача туширилди ва хорижий валютадаги депозитлар учун эса 5 фоиз миқдорида мажбурий захира талаблари қўлланила бошланди. Шунингдек, 2005 йилнинг 1 августидан бошлаб, миллий валютадаги депозитлар учун белгиланган 15 фоизли меъёр сақлаб қолинган ҳолда, хорижий валютадаги депозитлар учун мажбурий захира талаблари миқдори 3,0 фоизли бандга оширилиб, 8 фоиз миқдорида белгиланди. Марказий банк келгусида халқаро банкчилик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, банк тизими ликвидлилигини ошириб бориш мақсадида миллий ва хорижий валютадаги депозитлар учун бир хил меъёрни қўллаш ва унинг миқдорини пасайтириб бориш чораларини кўради.

Маъқур Низомга киритилган ўзгаришлар банк тизими ликвидлилигини халқаро андозаларга мос равишда янада самарали тартибга солиш имконини бермоқда. Маъбурий захира талаблари меъёрининг миллий валютадаги депозит маъбуриятларига нисбатан пасайтирилиши, тижорат банкларида қўшимча ресурсларнинг кўпайишига олиб келди.

Марказий банк томонидан қатъий пул-кредит сиёсатининг олиб борилиши натижасида пул массасининг инфляцияга таъсири батамом бартараф этилиб, пул массаси миқдорининг белгиланган параметрлар даражасида бўлиши ва ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишига мувофиқлиги таъминланди. Бундан ташқари, пул массаси ўсишининг белгиланган даражада бўлиши нархлар ўсишини жиловлашда қўл келди. Натижада, жорий йилнинг ярмида инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлишига эришилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ҳар бир ривожланиш босқичида ўзига хос ютуқ ва камчиликлари мавжуд бўлиб, улар эволюцион характерга эгадир. Мавжуд камчиликларни ҳал қилиш пировард натижада банк тизимини ривожлантиришни таъминлайди.

Бизнинг назаримизда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўловга қобил бўлган эмитентларнинг қимматли қоғозларини РЕПО шарти бўйича жойлаштиришни амалга ошириши лозим. Бунинг натижасида тижорат банкларининг ликвидлилигига ва кредит эмиссиясига сезиларли даражада таъсир кўрсатиш имконияти юзага келади. Акс ҳолда Марказий банкнинг очик бозордаги операциялари самарадорлиги пастлигича қолаверади. Чунки давлатнинг қисқа ва ўрта муддатли облигацияларига қилинган қўйилмалар миқдори ҳозирги пайтда жуда кичикдир. Шунингдек, маъбурий захира талабларидан фойдаланишдаги асосий камчилик шундан иборатки, маъбурий

захира ставкалари депозитларнинг муддати ва суммасига боғлиқ равишда табақалаштирилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда монетар сиёсатнинг бевоқиф воситалари асосида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга сезиларли даражада ҳисса қўшилди.

Айни вақтда, Марказий банкнинг ломбард, РЕПО ва депозит операцияларини ривожлантириш ҳисобидан молия бозоридаги мувозанатга таъсир этиш имкониятларидан тўлақонли тарзда фойдаланилмаяпти.

Фикримизча, Ўзбекистонда молия бозорини, хусусан, пул бозорини янада ривожлантириш ва пул массасини самарали тартибга солиш, монетар сиёсатнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида, Марказий банкнинг депозит сертификатлари ва облигациялари ҳамда давлат ўрта муддатли облигацияларининг эмиссия ҳажмларини ошириш зарур. Шу билан бирга, давлат узоқ муддатли облигацияларини муомалага чиқариши, РЕПО, СВОП ва ломбард операциялари каби билвосита воситаларнинг янги турларини қўпайтириши, шунингдек, банклараро кредит бозорини тартибга солиши ва ундаги операциялар бўйича доимий мониторингни амалга ошириш ишларини ривожлантириши ва бошқаларини жорий қилиши зарур.

Ҳозирги пайтда МДХ давлатларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ўтиш даври давом этмоқда. Ушбу давлатлар ўтиш жараёнини тугаллаш мақсадида иқтисодий ва тузилмавий ислохотларни давом эттирмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банки монетар сиёсатнинг билвосита воситаларини қўллашга ўтиш, улардан пул массаси ва банк тизими ликвидлилигини самарали тартибга солиш, пул ҳамда молия бозорларини яратиш ва ривожлантириш мақсадида мустақиллик йилларида қатор иқтисодий ҳамда тузилмавий ислохотларни амалга ошириб, қатор ижобий натижаларга эришганлигини алоҳида таъкидламоқ лозим.

Маълумки, муомаладаги пул массасининг ҳажмини, банкларнинг ликвидлилигини мувофиқлаштириш, инфляция суръатларини тушириш, инвестор ва омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Марказий банк тижорат банклари учун мажбурий захиралар меъёрини ўрнатади. Мажбурий захиралар тижорат банклари маблағларининг Марказий банкда мажбурий тарзда сақланиши зарур бўлган қисмидир. Унинг миқдори тижорат банкларининг жалб қилинган маблағларига нисбатан фоизда белгиланади. Ушбу восита орқали банкларнинг минимал ликвидлилиги таъминланади.

Мажбурий захира меъёрлари жамғармаларнинг турига ва риск-лиллигига боғлиқ бўлган ҳолда турли мамлакатларда турлича бўлиши мумкин. Халқаро валюта фондининг расмий маълумотларига кўра, МДХ мамлакатларида ушбу меъёр 5-12 фоиз даражасида, Осиё мамлакатларида эса 3-8 фоиз атрофидадир. Хусусан, Россия-

6.3.2-жадвал

Жаҳоннинг баъзи мамлакатларида мажбурий захиралар бўйича меъёрлар

| | Мамлакатлар | Мажбурий захиралар меъёри, фоизда |
|----|---------------|--|
| 1 | Гонг Конг | 0 |
| 2 | Англия | 0,35 |
| 3 | Франция | 0,5 (муддатли депозитлар учун) 1 (талаб қилиб олинган депозитлар учун) |
| 5 | Жанубий Корей | 3 |
| 6 | Малайзия | 4 |
| 8 | Хитой | 8 |
| 7 | Россия | 10 (хорижий валютадаги маблағлар учун) 7 (миллий валютадаги маблағлар учун) |
| 9 | Қозоғистон | 10 |
| 10 | Украина | 11-15 |
| 11 | Белоруссия | 12 |
| 12 | Ўзбекистон | 15 (миллий валютадаги маблағлар учун) 8 (хорижий валютадаги маблағлар учун) |
| 13 | Туркия | 6 (хорижий валютадаги маблағлар учун) 11 (миллий валютадаги маблағлар учун) |

ХВФнинг жорий ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

да ушбу кўрсаткич миллий валютадаги маблағлар учун 7 фоизни, хорижий валютадаги маблағлар учун 10 фоизни, Қозоғистонда 5 фоизни, Белорусда 12 фоизни ва Украинада 11-15 фоизни ташкил этади. Мажбурий захира талаблари миқдорининг қиёсий таҳлили Ўзбекистонда ушбу кўрсаткичнинг бошқа мамлакатлардаги миқдоридан юқори эканлигини кўрсатмоқда. (6.3.2- жадвал).

Мазкур жадвал маълумотлари мажбурий захиралар меъёри Ўзбекистонда ва қўшни Қирғизистонда юқори эканлигини кўрсатмоқда. Бироқ, Қирғизистонда Марказий банк тижорат банкларининг ушбу захиралари бўйича фоизлар тўлайди.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, айрим ривожланган давлатларда марказий банкларнинг мажбурий захира сиёсатидан асосий монетар восита сифатида фойдаланилмайди. Халқаро валюта фондининг расмий ҳисобот маълумотларига кўра, масалан, Буюк Британияда мажбурий захира ставкаси атиги 0,45 фоизни, Японияда 0,1-0,125 фоизни, Францияда 0,5-1,0 фоизни ташкил қилади. Бунинг асосий сабаби, мазкур мамлакатларда монетар сиёсатнинг бошқа воситалари яхши ривожланганлигидан далолат беради.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда амалдаги мажбурий захиралар меъёри баъзи бир ўзгартиришлар киритишни талаб қилмоқда. Шунингдек, хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, валюта бозорида валюта курсининг кескин ўзгаришлари олдини олиш, банк тизимида ҳисоб-китоблар самарадорлигини бир меъёрда амалга оширишни таъминлаш, валютадаги депозитларнинг рисклигини камайтириш мақсадида хорижий валютадаги депозитлар учун минимал меъёрларни ўрнатишни тақозо қилади. Шу билан бирга, мажбурий захираларнинг амалдаги меъёрини камида икки баравар камайтириш лозим.

Шунга ўхшаш қатор чора-тадбирларнинг оширилиши натижа-сида кўпгина тижорат банкларида ликвидлилик даражаси анча яхшиланади. Бироқ таклиф этилаётган мажбурий захиралар меъёри-ни бажаришда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида муаммо вужудга келиши мумкин. Чунки ҳозирги пайтда Марказий банкда мажбурий захиралардаги маблағларнинг асосий қисми ушбу банк томонидан ўтказилаган маблағлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бизнинг назаримизда, шунга ўхшаш муаммоларни ҳал этиш мақсадида тижорат банклари вакиллик ҳисоб рақамидаги ва мажбурий захирадаги маблағларни вакиллик ҳисоб рақамида бирлаштириб, тижорат банклари резерв активларини мажбурий захирадаги маблағлар

ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда таъминлаб турилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Таъкидланган муаммолардан бири - мамлакатимизда капитал бозорининг тўлиқ шаклланмаганлиги ва узоқ муддатли воситаларнинг тақчиллиги бўлиб, ушбу муаммо Марказий банкнинг очиқ бозордаги операцияларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Шунингдек, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини янада пасайтириш, пулга бўлган талабни ошириш, нақд пулларнинг банклардан ташқаридаги айланмасини камайтириш, пластик карточкалар воситасидаги тўловлар ҳажмини кенгайтириш муаммоси мавжуд. Бизнинг назаримизда, муомаладаги нақд пулларнинг кўпайишига сўнги йилларда ҳукуратимиз томонидан муомаладаги нақд пул муомаласини тартибга солишга доир қарорларнинг қабул қилиниши тадбиркорларга ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга банклардан биринчи талаб бўйича нақд пулларни олиш ҳамда бошқа қўшимча қулайликлар, шарт-шароитларнинг яратилиши ҳам асосий омил сифатида хизмат қилди. Ундан ташқари, иккиламчи бозорни шакллантириш ва ривожлантириш, билвосита воситаларнинг янги турларини, жумладан, ломбард ва овердрафт механизмлари, валюта СВОПларини жорий қилиш, овернайт кредитлари ҳажмини, РЕПО ҳамда қайта РЕПО операцияларини кенгайтириш муаммоси ҳал этилмағи лозим. Ўйлаймизки, ушбу муаммо ва камчиликлар мамлакатимиз иқтисодиёти учун вақтинчалик ҳолат бўлиб, улар яқин йиллар ичида ислоҳотларнинг амалга оширилиши давомида ўз ечимини топади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қайд этилган муаммолар монетар воситалардан фойдаланиш амалиётининг ҳозирги давридаги асосий муаммолари ҳисобланади. Уларни ҳал этишнинг илмий-амалий ечимлари ва чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, мамлакатимиз банк тизимида монетар воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Асосий таянч тушунчалар

Пул-кредит сиёсати, пул массаси, резерв пуллар, пулга бўлган талаб, пул таклифи, пул мультипликатори, пулнинг айланиш тезлиги, монетизация даражаси, макроиқтисодий кўрсаткичлар ва монетар кўрсаткичлар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Пул-кредит сиёсатининг моҳияти нимадан иборат?
2. Пул-кредит сиёсатининг бевосита ва билвосита воситалари фарқини кўрсатинг.
3. Резерв пуллар ва пул массасининг таркиби ва фарқини тушунтириб беринг.
4. Монетаризм ва кейнсчилик назарияларининг асосий фарқини тушунтириб беринг.
5. Пулга бўлган талаб ва пул таклифи қандай аниқланади?
6. Пул-кредит сиёсатининг бош мақсади, оралик, операция ва пировард мақсадларининг мазмунини тушунтириб беринг.
7. Пул мультипликатори, пулнинг айланиш тезлиги ва монетизация даражаси қандай аниқланади?
8. Монетизация даражасининг ошиши иқтисодиёт учун ижобийми ёки салбий ҳолатми?
9. Хорижий мамлакатлар нима сабабдан монетар сиёсатнинг билвосита воситаларига ўтган эди?
10. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда монетар сиёсатнинг қандай воситаларидан фойдаланилмоқда?

7-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА УНИНГ МОДЕЛЛАРИ

7.1. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни ва турлари

Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва барча бошқа муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли – миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ривожланишидир. Аҳоли фаровонлигини ошириб бориш ҳам, пировард натижада, иқтисодий ривожланиш даражаси ва суръатларига боғлиқ.

Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши кўп омилли ва шу билан бирга зиддиятли жараён ҳисобланади. Иқтисодий ривожланиш ҳеч қачон бир текис, юқорилаб борувчи чизиқ бўйича рўй бермайди. Иқтисодий ривожланиш ўз ичига юксалиш ва инқироз даврларини, иқтисодиётдаги миқдор ва сифат ўзгаришларини, ижобий ва салбий натижаларини олиб, нотекис боради. Иқтисодий ривожланиш қийин аниқландиган жараён бўлганлиги сабабли унинг мезонларидан бири бўлган иқтисодий ўсиш кўпроқ таҳлил қилинади. Иқтисодий ўсиш иқтисодий ривожланишнинг таркибий қисми бўлиб, реал ЯММ (ЯИМ) ҳажми ва унинг аҳоли жон бошита кўпайишида ўз ифодасини топади. Иқтисодий ўсишга тарихий жиҳатдан ёндашилганда, у бир хил суръат ва меъёрларда бўлмайди. Тарихда иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашиш, жиддий пасайиш ва ҳатто чекланиш даврлари маълум. Агар жаҳон хўжалиги ва миллий иқтисодиётда катта тарихий босқичлар олиб қараладиган бўлса, барқарор иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама тараққиёт манзараси ҳосил бўлади. Шу билан бирга, иқтисодий ўсиш нафақат миқдор, балки муайян сифат ўзгаришлари шаклида ҳам намоён бўлади. Иқтисодий ўсиш бу ялпи миллий маҳсулот мутлақ ҳажмининг аҳоли жон боши ва иқтисодий ресурс бирлиги ҳисобига nisбий миқдорининг кўпайиши ҳамда сифат ўлчамларининг боришидир. Ишлаб чиқариш натижаларининг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги nisбат иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интенсив турларини белгилаб беради.

Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг мавжуд техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда иқтисодий ресурслар миқдорини кўпайтириб бориш орқали эришилади. Айтайлик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш учун мавжуд корхоналар билан бир қаторда, ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати, ишчи кучининг сони ва малака таркиби бўйича худди

ўшанча корхоналар қурилади. Экстенсив ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, янада прогрессивроқ ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг яхшиланишида ўз ифодасини топади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса оширишга ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроолантириш, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкин. Реал ҳаётда экстенсив ва интензив омиллар ҳеч қачон соф ҳолатда мавжуд бўлмайди, балки муайян уйғунликда, бир-бири билан қўшилган тарзда рўй беради. Шу сабабли устувор экстенсив ва устувор интензив иқтисодий ўсиш турлари таҳлил қилинади.

7.2 Иқтисодий ўсишнинг кўрсаткичлари ва омиллари

Иқтисодий ўсиш мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлганлиги сабабли уни баҳолаш учун қандайдир битта кўрсаткич кифоя қилмайди, балки муайян кўрсаткичлар тизими талаб қилинади. Бу кўрсаткичлар тизимида ўлчамдаги ва қиймат ифодасидаги кўрсаткичлар фарқланади. Иқтисодий ўсишнинг жисмоний ўлчамдаги кўрсаткичлари анча аниқ натижа беради, (чунки улар инфляция таъсирига берилмайди), лекин универсал эмас, яъни ҳар хил ўлчамдаги маҳсулот ва хизматларни ишлаб умумий кўрсаткичга келтириш қийин. Қиймат кўрсаткичлар кенг қўлланилади, аммо ҳар доим ҳам уни инфляциядан тўлиқ “тозалаш” мумкин бўлавермайди. Шу сабабли кўпинча иқтисодий ўсиш суръатлари қиёсий ёки доимий нархларда ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш қуйидаги қиймат кўрсаткичларида ҳисобланади:

1. ЯММ (ЯИМ), СММ ёки миллий даромаднинг мутлақ ҳажми ва уларнинг ўсиш суръатлари.
2. ЯММ (ЯИМ), СММ ёки миллий даромаднинг аҳоли жон боши ҳисобига тўғри келадиган миқдори ва унинг ўсиш суръатлари.

3. ЯММ (ЯИМ), СММ ёки миллий даромаднинг иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига тўғри келадиган миқдори ва унинг ўсиш суръатлари.

Иқтисодий ўсишни баҳолашда ҳар учала кўрсаткичдан ҳам фойдаланиш мумкин, аммо уларнинг аҳамияти турлича ҳолатда бўлади.

Агар диққат марказида мамлакат иқтисодий салоҳияти муаммоси турадиган бўлса, биринчи кўрсаткичдан фойдаланиш кўпроқ мос келади. Алоҳида мамлакат ва регионлардаги аҳолининг турмуш даражасини таққослашда эса, кўпроқ иккинчи кўрсаткичдан фойдаланиш мумкин. Иқтисодий самарадорликни баҳолашда учинчи кўрсаткичга устуворлик берилади.

Одатда иқтисодий ўсиш суръати % (фоиз)да жорий йилдаги реал ЯММ (СММ, МД) ни базис давридаги ҳажмига бўлиш йўли билан аниқланади.

7.2.1-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМ ва асосий тармоқлар маҳсулотларининг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан % ҳисобида)

| Йиллар | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 |
|----------------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Кўрсаткичлар | | | | | | |
| · Ялпи ички маҳсулот | 103,8 | 104,2 | 104,2 | 104,4 | 107,7 | 107,0 |
| · Саноат маҳсулоти | 106,4 | 108,1 | 108,5 | 106,2 | 109,4 | 107,3 |
| Истеъмол товарлари | 107,7 | 110,9 | 111,8 | 108,4 | 113,4 | 117,7 |
| · Қишлоқ хўжалик маҳсулоти | 103,1 | 104,2 | 106,0 | 105,9 | 110,1 | 106,2 |
| · Қурилиш ишлари | 102,9 | 103,3 | 103,1 | 103,5 | 103,6 | 107,8 |
| · Чакава савдо | 107,6 | 109,6 | 102,1 | 105,1 | 104,7 | 108,2 |
| · Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш | 115,7 | 114,7 | 108,6 | 107,9 | 113,8 | 115,0 |

Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатини характерлайдиган қий-
мат кўрсаткичлар бир қатор камчиликларга ҳам эга.

Биринчидан, улар маҳсулот сифатининг ўзгаришини тўлиқ акс
эттирмайди ва шу сабабли фаровонликнинг ҳақиқий даражасини
тўлиқ характерлаб беролмайди.

Иккинчидан, реал ЯММ ва унинг аҳоли жон бошига ўсиши бўш
вақтнинг сезиларли кўпайишини акс эттирмайди ва фаровонлик реал
даражасининг пасайтириб кўрсатилишига олиб келади.

Учинчидан, иқтисодий ўсишни қиймат кўрсаткичларда миқдо-
рий ҳисоблаш бошқа томонлама унинг атроф - муҳитга ва инсоннинг
жаёт шароитига салбий таъсирини ҳисобга олмайди.

Иқтисодий ўсишнинг алоҳида томонларини характерловчи жис-
моний кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат бўлиб, ишлаб чиқа-
рувчи кучлар ривожланиш даражаси, меҳнат унумдорлиги ва иш
вақтини тежаш, шахсий даромад ва фойда миқдори, миллий иқти-
содиётнинг тармоқ тузилиши ва шу кабилар ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси қуйидаги кўрсаткичлар би-
лан характерланади:

а) ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиш даражаси, яъни
унинг унумдорлиги;

б) ходимнинг малакаси ва тайёргарлик даражаси;

в) ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омили ўртасидаги нис-
бат;

г) меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, их-
тисослаштирилиши ва кооперацияси.

Иқтисодий ўсишнинг жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган
бошқа жисмоний кўрсаткичи иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши ҳисоб-
ланади. У тармоқлар бўйича ҳисоблаб чиқилган маҳсулот кўрсатки-
чи асосида таҳлил қилинади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиёти тармоқлари бўйича ЯИМ улушининг ўзгариши (жорий баҳоларда ЯИМ га % ҳисобида)

| | Тармоқлар | Йиллар | | | | |
|---|--------------------|--------|------|------|------|-------|
| | | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 |
| 1 | ЯИМ | 100 | 100 | 100 | 100 | 100,0 |
| 2 | Қишлоқ хўжалиги | 30,0 | 30,1 | 28,6 | 26,4 | 25,0 |
| 3 | Саноат | 14,1 | 14,5 | 15,8 | 17,5 | 20,7 |
| 4 | Қурилиш | 5,8 | 4,9 | 4,5 | 4,5 | 38,4 |
| 5 | Хизматлар кўрсатиш | 38,2 | 38,4 | 37,4 | 37,2 | 4,9 |
| 6 | Соф солиқлар | 11,9 | 12,6 | 13,7 | 14,1 | 11,0 |

Бундан ташқари, иқтисодий ўсиш таҳлилида иқтисодиётнинг асосий ичидаги нисбат ҳам ўрганилади.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омилларни шартли равишда учта гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ омиллар иқтисодиётнинг жисмоний ўсиш лаёқатини белгилаб беради, улар таклиф омиллар деб ҳам аталади. Бу омиллар қуйидагилар:

1. Табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати.
2. Меҳнат ресурслари миқдори ва сифати.
3. Асосий капитал (асосий фондлар)нинг ҳажми.
4. Технология ва фан-техника тараққиёти.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга оширилаётган “таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда”.

Иккинчи гуруҳ - талаб омилларидир. Булар:

1. Инвестицион ресурсларнинг талаб даражаси.
2. Аҳолининг умумий фаровонлик даражаси.

Иқтисодий ўсишга тақсимлаш омиллари ҳам таъсир қилади. Ишлаб чиқариш салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун нафақат ресурслар иқтисодий жараёнга тўлиқ жалб қилинган бўлиши, балки жиддий даражада самарали ишлатилиши ҳам зарур. Шунингдек, ресурсларнинг ўсиб боровчи ҳажмидан тўлиқ фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг мутлоқ миқдорини олади-ган қилиб тақсимлаш ҳам керак бўлади.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи, таклиф ва тақсимлаш омиллари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини инкор этмайди. Масалан, ресурслар миқдорининг ўсиши ва сифатининг яхшиланиши, технологияни такомиллаштиришни иқтисодий ўсиши учун имконият яратади. Тўлиқ бандлик ва ресурсларни самарали тақсимлаш бундай ўсишни рўёбга чиқаради.

Иқтисодий ўсишда ресурсларни тақсимлаш омиллари ҳам ўз ўрнига эга бўлса-да, бу муаммони таҳлил қилишда асосий эътибор таклиф омилларига қаратилиши зарур.

Бу, аввало, меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келувчи омиллардир.

Фан-техника тараққиёти меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ўсиш-ни таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Техник тараққиёт ўз ичига нафақат ишлаб чиқаришнинг бутунлай янги усулларини, балки бошқариш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги шаклларини ҳам олади. Умуман айтганда, фан-техника тараққиёти дейилганда, пировард маҳсулот чиқаришни кўпайтириш мақсадида мавжуд ресурсларни янгича уйғунлаштиришни тақозо қилувчи усулларнинг топиллиши ҳам тушунилади. Амалиётда техника тараққиёти ва капитал қўйилма (инвестиция)лар мустаҳкам ҳолатда ўзаро боғлиқ, техника тараққиёти кўпинча янги машина ва ускуналарга инвестициялар қўйишга олиб келади. Масалан, атом энергиясидан фойдаланиш бўйича технологияни қўллаш учун атом электростанцияларини қуриш зарур бўлади. Биринчи қарашда техника тараққиёти тарихий ва шиддатли рўй бериш характериға эга бўлади.

Реал маҳсулотлар ҳажми қуйидагилар асосида кўпайтирилиши мумкин:

1. Ресурсларнинг кўпроқ ҳажмини жалб этиш.
2. Ресурслардан анча унумли фойдаланиш.

Республикамизда ҳозирги кунда техника тараққиёти соҳасидаги асосий вазифа, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни қўллаш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳамда бошқаришнинг янги усул ва шаклларини жорий қилиш ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлигининг ўсишини аниқлаб берувчи асосий омил ҳар бир ишловчига тўғри келувчи асосий капитал ҳажми ҳисобланади. Маълум вақт ичида капиталнинг ҳажми мутлақ кўлайиши мумкин, ammo ишчи кучи сони тезроқ ўсса, меҳнат унумдорлиги пасаяди, чунки ҳар бир ишчининг асосий капитал билан қуролланганлик даражаси камаяди.

Таълим ва малакали тайёргарлик меҳнат унумдорлигини оширади, натижада анча юқори иш ҳақига эга бўлиш имкониятини беради. Инсон капиталига инвестициялар қўйиш меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ўз-ўзидан равшанки, ишчи кучи сифатининг энг оддий кўрсаткичи таълим даражаси ҳисобланади.

Амалий ҳаётда иқтисодий ўсишни тўхтатиб турувчи омиллар ҳам мавжуд бўлади. Улар қуйидагилар:

- меҳнат муҳофазаси;
- атроф-муҳитнинг ифлосланиши;
- экологик муаммолар;
- ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилаш;
- соғлиқни муҳофаза қилиш;
- табиий офатлар;
- фавқулодда рўй берадиган иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар.

Кейинги йилларда республикада давлат томонидан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ходимлар меҳнат шароитини яхшилаш ва соғлиғини муҳофаза қилишни тартибга солишда муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бу ўз навбатида, иқтисодий ўсиш суръатига салбий таъсир кўрсатади. Чунки бундай тадбирларни амалга ошириш тегишли харажатларни тақозо қилади. Шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган маблағлар бошқа томонга жалб қилинади.

7.3 Иқтисодий ўсиш моделлари

Иқтисодий ўсиш моделлари таҳлилидан мақсад бу мувоzanатли ва барқарор ўсиш учун шарт-шароитларни аниқлаш ҳисобланади. Шу сабабли иқтисодий ўсишнинг барча моделларида “ишлаб чиқариш функцияси” каби маҳсулот чиқариш ҳажми ва сарф қилинган иқтисодий ресурслар миқдори ўртасидаги боғлиқлик аке этади. Ишлаб чиқариш функцияси маҳсулот чиқариш ҳажми (Y), асосий капитал (K), меҳнат (L) ва “ер” (табиий ва моддий ресурслар) N миқдорига боғлиқлигини кўрсатади.

$$Y=F(K,L,N)$$

Иқтисодий ўсишнинг барча ҳозирги замон моделлари Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат назарияси ва неоклассик ишлаб чиқариш назарияси асосида қурилади. Бундан ташқари иқтисодий ўсиш моделлари иқтисодиётнинг реал секторидаги учта асосий боғлиқликни акс эттиради. Булар:


- ишлаб чиқариш функцияси;
- меҳнат таклифи функцияси;
- капитал таклифи функцияси.

Макроиқтисодий мувозанатликнинг Кейнсча моделида функционал боғлиқликнинг учта тури ажратилиб кўрсатилади:


1. Фоиз ставкаси (r)нинг даромад (y)га боғлиқлиги: $r=F(Y)$. Аҳоли даромадлари қанчалик юқори бўлса, банклар томонидан пулга талаб ва фоиз ставкаси ҳам шунчалик юқори бўлади.

7.3.1-чизма

Фоиз ставкасининг даромад ва инвестицияларга боғлиқлиги



7.3.1а - чизма. Фоиз ставкасининг даромадга боғлиқлиги



7.3.1б-чизма. Инвестицияларнинг фоиз ставкасига боғлиқлиги

2. Инвестициялар ҳажми (I) нинг фоиз ставкаси (r)га боғлиқлиги: $I=F(r)$ фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса, инвестициялар ҳажми шунчалик кам бўлади.

3. Даромадлар миқдорининг (Y) инвестициялар (I) ҳажмига боғлиқлиги: $Y= F(I)$. Миллий даромад ҳажмининг инвестициялар умумий миқдорига боғлиқлиги мултипликатор (лот. кўпайтирувчи) самараси кўрсаткичида ифодаланади.

Иқтисодий ўсишнинг нисбатан содда Харрод-Домар модели инг-

лиз иқтисодчиси Р.Ф. Харрод ва америкалик иқтисодчи Е. Домар томонидан яратилган.

Е. Домар меҳнат бозорида ортиқча таклифнинг мавжудлиги ва нарх даражасининг нисбатан доимий бўлиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми фақат ягона омил – капитал миқдорига боғлиқ бўлишини кўрсатади. Шунга кўра, инвестицияларнинг ўсиш суръати иқтисодиётда талаб ва таклиф кўпайишининг асосий омилли бўлиб хизмат қилади.

Р.Ф. Харрод “табiiий ўсиш суръати” тушунчасини киритади. Бу фаол аҳоли сони кўпайиши ва техника тараққиёти натижасида келиб чиқадиган ўсиш суръати бўлиб, у меҳнат ва капитал омилларининг тўлиқ бандлигини таъминлайди.

Уларнинг қарашлари бир-бирига жуда яқин бўлганлиги (бир омилли) сабабли бу модел Харрод-Домер модели дейилади.

Мазкур моделни ишлаб чиқишда абстракция усулидан фойдаланилади:

- миллий даромаднинг ўсиши фақат капитал жамғаришнинг оқибати деб ҳисобланади, бошқа омилларнинг ўрни эътиборга олинмайди;
- маҳсулотнинг капитал сифими ресурсларнинг нархига боғлиқ эмас, у фақат ишлаб чиқаришнинг техник шароити билан белгиланади, деб қаралади.

Иқтисодий ўсишнинг барча неоклассик моделлари кўп омилли моделлар ҳисобланади. Уларнинг қарашларича, биринчидан, маҳсулот барча ишлаб чиқариш омиллари билан яратилади, иккинчидан, маҳсулот қийматини яратишда барча омиллар иштирок этиб, шу ҳиссасига мос даромадни вужудга келтиради. Учинчидан, ишлаб чиқарилган маҳсулот билан ресурслар ўртасида миқдорий боғлиқлик мавжуд бўлади. Тўртинчидан, ишлаб чиқариш омиллари мустақил бўлсада, бир-бирининг ўрнини боса олади.

Неоклассик моделлардан Кобб-Дуглас модели (америкалик иқтисодчи П. Дуглас ва математик Ч. Кобб номи билан) ишлаб чиқариш ва миллий даромад ўсишида турли омиллар ҳиссасини баҳолаш имконини беради. Унинг энг оддий кўриниши қуйидагича:

$$Y=f(L,k)$$

бу ерда:

Y – ишлаб чиқарилган маҳсулот (миллий даромад) ҳажми

L, k – меҳнат ва капитал сарфлари

Бу формулага мувофиқ, меҳнат ва капиталнинг тегишли фоизга ўсиши маҳсулот ҳажмининг ҳам худди шундай ўсишига олиб келади.

Формулага меҳнат ва капитал харажатларининг ишлаб чиқариш ҳажми эгилувчанлигига таъсирини характерловчи коэффициентлар (меҳнат унумдорлиги, малака ошириш, мутаносиблик коэффициенти ва ҳ.к)ни киритиб қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$Y = A \cdot K^a \cdot L^b,$$

бу ерда:

A – технологик унумдорлик даражасини ифодаловчи коэффициент бўлиб қисқа даврда ўзгармайди.

a ва b – меҳнат ва капитал сарфлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми эгилувчанлиги коэффициенти.

Кобб–Дуглас модели бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1) капитал ва меҳнатдан фойдаланиш қанча миқдорга кўпайса, ялпи ишлаб чиқариш ёки даромад ҳажми ҳам шунчага кўпайишни кўрсатади, яъни, $F(nK, nL) = nA K^a L^b$;

2) мавжуд технологияда меъёри унумдорликнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда, меҳнат ва капитал ўртасидаги нисбат бузилиш ишлаб чиқариш оптимал ҳажмини камайтиради, яъни ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайтиради;

3) меҳнат (a) ва капитал даромади (b) нисбатининг барқарорлиги миллий маҳсулотда капитал ва меҳнат улуши нисбатининг барқарорлигини билдиради.

Голланд иқтисодчиси Ян Тинберген техника тараққиётининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда Кобб – Дуглас формуласига қуйидаги ўзгартиришни киритади:

$$Y = A \cdot K^a \cdot L^b r(n)$$

Иқтисодий ўсиш моделида техника тараққиёти (r) таъсирини акс эттириш маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши фақатгина K ва L га қилинган харажатларнинг ортиши ҳисобигагина эмас, балки бошқа омиллар ҳисобига ҳам рўй беришни кўрсатади.

“Харажатлар- ишлаб чиқариш” (В. Леонтьев) моделида турли тармоқлар ўртасидаги миқдорий алоқаларнинг иқтисодий ўсишга таъсири ўрганилади.

В. Леонтьевнинг жадвал шаклидаги тармоқлараро баланс модели 4 та квадрантдан иборат:

(I) Квадрант – маҳсулот ишлаб чиқариш учун материал харажатларни кўрсатади.

(II) Квадрантда шахсий истеъмол учун пировард маҳсулот, жамғариш, давлат хариди ва экспорт кўрсаткичлари ифодаланади.

(III) Квадрант - қўшилган қиймат (иш ҳақи, фойда, солиқлар) ва импорт кўрсаткичларини акс эттиради.


(IV) Квадрантда соф миллий маҳсулотни қайта тақсимлаш жа- раёнлари қайд қилинади.

Леонтъев модели тармоқлараро вертикал ва горизонтал алоқа- ларни акс эттириб, пировард талаб ёки ишлаб чиқариш шароити- нинг барча ўзаро боғлиқ тармоқларида маълум бир ўзгаришларга олиб келишини кўрсатади. Истеъмолдаги ёки ишлаб чиқариш техно- логиясидаги ҳар қандай ўзгариш мувозанатли нархларни ўзгартира- ди ва бу, ўз навбатида, технологик коэффициентлар (a_{11} , a_{12} , a_{13} , ва ҳ.к.)нинг ўзгаришига олиб келади. Тармоқлараро баланс модели турли тармоқлар ўртасида нархлар, ишлаб чиқариш ҳажми, капи- тал қўйилмалар ва даромадларнинг боғлиқлигини ўрганишга ёрдам берибгина қолмай, балки мамлакатлар иқтисодиётининг ривожлани- ши хусусиятлари ва истиқболини башоратлаш имконини ҳам беради.

Р.Солоу модели иқтисодий ўсиш техника тараққиёти ўз ўрнига эга бўлмаганда (яъни, ишлаб чиқариш экстенсив кенгайганда) иш- лаб чиқариш омиллари миқёси ортишига доимий боғлиқ бўлишини кўрсатади.

7.3.2-чизма

Иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг ўзгариш суръати



Агар K , L ва N миқдори Q марта ортса, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам шунча марта кўпаяди.

Р. Солоу модели ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро ўрнини босиш мумкинлигини ҳисобга олади. Бу моделда иқтисодий таҳлил- нинг асосий шарт-шароитлари қуйидагича: капиталнинг кейинги унумдорлигининг пасайиб бориши, ишлаб чиқариш миқёсидан оли-

надиган самара ва капитал хизмат қилиш даврининг доимийлиги ҳисобланади. Солоу модели анча катта ҳажмдаги инвестициялар, миллий даромадда жамғаришнинг юқори нормаси шароитида аҳоли жон бошига энг кўп даромад тўғри келишини кўрсатади. Р. Солоу “жамғаришнинг олтин қоидаси” моделида истеъмолнинг энг юқори даражасига қандай эришиш мумкинлигини ҳам кўрсатиб беради.

1. Капитал билан қуролланишнинг барқарор юқори даражаси шароитида ишлаб чиқариш ҳажми билан $f(K^*)$, эскириш ҳажми νK^* ўртасида фарқ катта бўлиб, бу истеъмолнинг юқори даражада бўлишини билдиради.

2. Капиталнинг барқарор истеъмолини таъминлайдиган ана шу ҳолати капитал жамғариш (K^{**}) нинг олтин даражаси дейилади.

3. Аҳолининг ўсиши капитал билан қуролланиш даражасига, шунингдек, амортизация нормасига ҳам таъсир қилади, яъни капитал захираси камаяди. Ҳақиқатда L нинг ўсиши капитал билан қуролланиш даражаси $K=K/L$ ва ҳар бир ишловчига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмига $y=f(k)=Y/L$ таъсир қилади. Шунингдек, бунда истеъмолнинг барқарор юқори даражаси ҳам пасаяди. Солоу модели қисқа муддатда жамғарманинг ўсиши капитал захирасининг ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига олиб келишини кўрсатади. Узоқ муддатли даврда ишлаб чиқаришнинг ўсиши техника тараққиёти суръатига боғлиқ бўлади ва бу омил ишлаб чиқариш билан бирга истеъмолнинг ҳам узлуксиз ўсишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий ўсишнинг назарий моделларини кузатишдан мақсад, ўсиб боровчи иқтисодиётда ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанатлиликни таъминлаш ҳамда барқарор мувозанатлиқнинг тўлиқ бандлик билан мос келишлигидаги шарт-шароитларини аниқлаш ҳисобланади.

Асосий таянч тушунчалар

Иқтисодий ўсиш, экстенсив ўсиш, интенсив ўсиш, иқтисодий ўсишнинг қиймат кўрсаткичлари, иқтисодий ўсиш омиллари, иқтисодий ўсиш моделлари, харажатлар, ишлаб чиқариш модели, қисқа муддатли даврда иқтисодий ўсиш, узоқ муддатли даврда иқтисодий ўсиш.

Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий ўсиш нима?
2. Экстенсив ва интенсив иқтисодий ўсиш қандай амалга оширилади?
3. Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари нималардан иборат?
4. ~~Иқтисодий ўсишга қандай омиллар таъсир кўрсатади?~~
5. Иқтисодий ўсиш моделларини изоҳлаб беринг.
6. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг хусусиятлари ва омилларини тушунтириб беринг.

8-БОБ. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ

8.1. Макроиқтисодиётнинг ижтимоий индикаторлари ва макроиқтисодий ижтимоий- иқтисодий муаммолар

Хар бир жамият учун ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришиш муҳим масала саналиб, бу борада мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда мақсадлар белгилаб олинади. Мақсадларни белгилашда иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси, ички ва ташқи омиллар асосий роль ўйнайди. Масалан, Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатларда бюджет камомади ва инфляция, ишсизлик даражасини бир меъёردа ушлаш муҳим бўлса, республикамиз шароитида эса бюджет ижтимоий харажатлар миқдорини ошириш, реал иш ҳақи ошишига эришиш, инфляция кескинлашишига йўл қўймаслик, ишсизликни қисқартириш, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш, даромадларнинг адолатли қайта тақсимланишига эришиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тўлов қобилиятига эга бўлган талабни шакллантириш, инвестициялар (шу жумладан, хорижий) миқдорини ошириш, тўлов баланси ижобий сальдосига эришиш долзарб аҳамият касб этади.

XXI асрда ҳам аксарият мамлакатлар учун ўз аҳамиятини йўқотмаган ижтимоий муаммоларга ишсизлик, камбағаллик ва даромадлар тенгсизлигини киритиш мумкин. Глобаллашув жараёни эса мавжуд ижтимоий муаммолар нафақат маълум бир давлат, балки халқаро аҳамият касб этишига тўртки бўлмоқда.

Глобаллашув ҳодисаси технологияларни, биринчи навбатда, аҳборот ва телекоммуникация технологияларини ривожлантиришга, шунингдек, миллий иқтисоднинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви учун янги имкониятлар очиб бераётган воқелик ҳисобланади.

Жамиятда глобаллашув ҳодисасига муносабат турлича. Баъзилар уни жадал миллий ривожланишга тўртки деб, бошқалар эса миллий иқтисодиётга таҳдид деб ҳисоблайдилар. Ҳар икки нуқтаи назарнинг ҳам ўзига яраша асослари бор.

Тез глобаллашув ва технология жараёни ҳамма мамлакатлар учун муштарак бўлган янги муаммоларни яратмоқда. Кучайиб бораётган рақобатчилик ҳамда глобал иқтисодий интеграция ва технология жараёни бирлашган кучларнинг натижаси бўлган иқтисодий

Ўзгаришлар миллий ишчи кучининг катта сегментларида иш билан бандликни сақлаб қолишда беқарорлик ва қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, улар иқтисодий ўсиш ва иш билан бандликни кенгайтириш учун янги имкониятларни таъминлаб бermoқда.

Кейинги йилларда малакали ишчи кучига бўлган талаб анча ошди. Бу ҳол глобаллашув, технологик ўзгаришлар ҳамда меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар натижаси бўлди. Бу учала омил бири-бири билан чамбарчас боғланиб кетади. Бу эса ишчи кучининг малакасини оширишга ва касбга тайёрлашга инвестиция киритишнинг аҳамияти катта эканлигидан далолат беради.

Глобаллашув шароитида таълимни ривожлантиришга ва кадрлар малакасини оширишга инвестициялар киритишнинг тобора кучайиб бораётганлигининг аҳамияти, Халқаро меҳнат ташкилотининг жаҳонда иш билан бандлик тўғрисидаги охириги маърузасида айтилганидек, беш асосий омил билан белгиланади:

1) сиёсий эркинлик ва аҳамияти ошиб бораётган демократия жараёни таълимнинг родини кучайтирди. У фуқароларга ўз ҳуқуқларини ва мажбуриятларини англайдиган тўлақонли жамият аъзолари сифатида фаолият кўрсатиш имконини бermoқда;

2) жадал кечаётган технологик ўзгаришлар таълим ва касбга тайёрлашнинг мазмунан янада бойроқ бўлишига, одам бутун меҳнат жараёни мобайнида узлуксиз таълим олишга муҳтожлигини кучайтирмоқда;

3) глобал иқтисодиётнинг кучайиб бораётган интеграцияси, таълим ва касбга тайёрлаш тизимларининг ўзаро яқинлашуви миллий иқтисодиётнинг байналмилал, рақобатбардош ва самарали иқтисодиётга айланишининг муҳим таркибий қисмидир;

4) аҳолининг ижтимоий гуруҳланишига сабаб бўлаётган омилларнинг аҳамиятини англаш, таълим ва малакани оширишнинг ижтимоий-иқтисодий ночорликни енгиллаштиришдаги ролининг кучайишига олиб келмоқда;

5) иқтисодий потенциални унумли фойдаланиш ва меҳнат бозори самарадорлигининг оширишига туртки бўлмоқда.

Ҳозирги кунда қайси бир корхона, ташкилотга иш излаб борманг, барчасида биринчи бериладиган савол табиийки, “компьютер-да ишлашни биласизми?” қабилда бўлади.

Навбатдаги муаммолар меҳнатни ташкил этишнинг фаол, юқори малакали ходимларига қаратилган бўлиб, у янги шаклланиш босқи-

чига ўтишдан иборат бўлиб, бунда глобаллашув даврида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бош омили ҳисобланган бозор иқтисодиётининг ҳозирги стандартларини қам, ўзбек халқининг тарихий анъаналари ва меҳнат соҳасидаги маънавий-ахлоқий қадриятларини ҳам ҳисобга олишдан иборатдир.

Ишчи кучи — бу меҳнат жараёнида инсоннинг фойдаланиладиган жисмоний ва маънавий қобилиятлар мажмуасидир. Замоनावий хорижий иқтисодий адабиётларда “ишчи кучи” атамаси кўпинча “иқтисодий фаол аҳоли” тушунчасининг синоними сифатида қўлланилади. Масалан, ишчи кучига Р.Ж. Эренбергер ва Р.С. Смит қуйидагича таъриф берганлар: “Ишчи кучи деганда 16 ёшдан ошган ходимлар ва эндигина иш бошлаган ёки фаол равишда иш қидириш билан банд бўлган, ёхуд ишдан бўшатилганларидан кейин бошқа хизматга яна таклиф қилишларини кутаётганлар тушунилади”.

Илмий адабиётларда “ишчи кучи” билан бирга “меҳнат ресурслари” ва “инсон ресурслари” тушунчаларидан кенг фойдаланилади.

Меҳнат ресурслари — бу меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган аҳолини ифодалайди. “Меҳнат ресурслари” атамаси билан бирга “меҳнат потенциали” атамаси ҳам кенг ишлатилиб, **меҳнат потенциали** — меҳнатга лаёқатли ёшгача ва ундан катта ёшда бўлган жисмонан ҳамда ақлан соғлом аҳоли тоифасини ифодалаш учун ишлатилади.

Меҳнат ресурслари ва меҳнат потенциали биргаликда **инсон ресурсларини** ифодалайди. **Инсон ресурслари** деганда, мамлакат аҳолисининг фойдали меҳнат фаолияти ишини юритиш учун зарур бўлган жисмоний ва ақлан соғлом ва касбий билимга эга қисми тушунилади. Шундай қилиб, “меҳнат ресурслари” тушунчасига иқтисодиётда иш билан банд бўлган ходимлар; банд бўлмаса-да, меҳнат қобилиятига эга бўлганлар, яъни ҳақиқий ҳамда потенциал ходимлар киритилади. Бошқача қилиб айтганда, меҳнат ресурслари меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли фуқаролар ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик фуқаро (ишлайдиган ўсмир)лар ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдаги фуқаролар (ишлайдиган нафақажўрлар)дан иборат бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси МДХ давлатлари ўртасида аҳолисининг жадал ўсиб бораётганлиги билан ажралиб туради. Республикамиз аҳолиси сони ҳар йили ўртача 300 минг кишига, меҳнатга яроқли аҳоли сони эса 200-400 минг кишига кўпаймоқда. Бундай вазият, ўз навбатида, аҳолининг иш билан бандлигини оши-

риш, бунинг учун эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш борасида узлуксиз иш олиб боришни тақозо этади. Акс ҳолда, аҳолининг турмуш даражасининг пасайиб, мамлакатда ишсизлар сонининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар кескинлашишига сабаб бўлиши мумкин.

Иқтисодий нуқтаи назардан *ишсизлик деганда* — ишчи кучининг иш жойи билан таъминланмаганлиги ва натижада, унинг бирон бир қонуний даромад манбаига эга бўлмаслигининг муайян (аниқ) ҳолати тушунилади. Одатда, жаҳон мамлакатлари “ишсизлик” тушунчасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш жамияти таълабларига кўра ишлаб чиқилади.

Халқаро ташкилотларнинг берган таърифига биноан “**ишсиз шахслар**” деганда, ишга эга бўлмаган, ишлашга тайёр ва иш излаётган фуқаролар тушунилади. Мана шу асосий шартларга риоя қилган ҳолда, турли мамлакатларда фуқарони ишсиз шахс деб эътироф этиш учун қўшимча шартлар талаб қилинади. Масалан,

- АҚШда, сўнги бир ҳафта мобайнида иш билан банд бўлмаган, сўнги тўрт ҳафта давомида эса ишга жойлашишга (бевосита иш берувчига ёки иш билан таъминлаш давлат хизматида мурожаат этиш орқали) ҳаракат қилган, меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган;

- Японияда эса, сўнги бир ҳафта давомида бир соат ҳам ишламаган;

- Буюк Британияда, сўнги бир ҳафта мобайнида ишламаган, шу давр мобайнида иш қидирган ёки касаллиги туфайли иш қидириш имкониятига эга бўлмаган;

- айрим мамлакатларнинг қонун ҳужжатларига биноан эса, ишдан бўшатиш ва меҳнат стажига эга бўлган фуқаролар ишсиз деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунига биноан ишсиз шахс деб, меҳнатта қобилиятли (ўн олти ёшдан бошлаб то нафақа билан таъминланиш ҳуқуқини олгунга қадар), ишга ва иш ҳақи (меҳнат даромади)га эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр бўлган меҳнатга қобилиятли шахслар эътироф этилади.

Республикадаги мавжуд қонунчиликка асосан “**ишсиз шахс**” деб

эътироф этиш учун куйидаги тўрт шарт мавжуд бўлиши талаб этилади:

1. Фуқаро меҳнатга қобилиятли бўлиши ва амалдаги қонун ҳужжатларига биноан пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак (меҳнат қилиш қобилиятининг қуйи даражаси Меҳнат кодексининг 77-моддасига мувофиқ 16 ёш деб белгиланган).

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Меҳнат кодексининг ушбу моддасига мувофиқ тегишли шартларга риоя этилган ҳолда 14 ёки 15 ёшга тўлган ёшларни ҳам ишга қабул қилишга рухсат берилса-да, улар ишга лаёқатли шахс деб эътироф этилмайди.

2. Фуқаро ишга ва иш ҳақи (меҳнат даромади)га эга бўлмаслиги лозим. Агар фуқаро асосий ишини йўқотган (масалан, иш ўринлари қисқариши муносабати билан бўшатишган), аммо ўриндошлик асосида бошқа корхонада ишлаётган бўлса, унда у ишсиз деб ҳисобланмайди.

Нафақалар, алиментлар, қимматли қоғозлар бўйича олинган **дивидендлар, банкларга қўйилган маблағларга ҳисобланган фоизлар**, нафақа ва стипендиялар иш ҳақи (меҳнат даромади)га кирмайди, аммо нафақа ва стипендиялар олувчи фуқаролар ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганликлари сабабли ишсиз деб эътироф этилмайди.

3. Фуқаро ишлашга тайёр бўлиши лозим. Фуқаронинг ишлашга тайёр эканлигини, унинг маҳаллий меҳнат органига иш қидириб расмий мурожаат қилиши, белгиланган муддатларда меҳнат органида қайтадан рўйхатдан ўтиб туриши ва меҳнат органлари томонидан таклиф қилинган мазкур ишни қабул қилиш ҳолатлари тасдиқлайди.

4. Фуқаро барча тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда маҳаллий меҳнат органида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтиши лозим.

Иқтисодий адабиётларда бозор иқтисодиётининг ривожланиши даврий характерга эга бўлганлиги учун ҳам ишсизлик ҳаётий муҳим ҳолат деб ҳисобланади. Аммо у ишсизликнинг белгиланган меъёрий даражасидан ошмаслиги лозим.

Ишсизлик даражаси — бу меҳнат бозорининг ҳозирги пайтдаги аҳволи ҳақида ва унда муайян вақт мобайнида рўй берган ўзгаришлар тўғрисида тасаввур берадиган асосий кўрсаткичдир. У даврнинг боши (ёки охири)га кўра тегишли санада ишсизлик мақомига эга бўлган кишилар сони (I_t) нинг иқтисодий фаол аҳоли сони (F_t)га нисбати сифатида аниқланади.

$$Ид_t = И_t : \Phi_a_t \times 100 \%$$

бунда:

Ид — ишсизлик даражаси.

Юқорида таъкидланганидек, маълум меъёрдаги ишсизлик даражаси кўпчилик мамлакатларда иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий омилларидан бири сифатида қаралади. Чунки бу янги ташкил этилиши мумкин бўлган корхоналар учун захира вазифасини бажаради. Ҳозирда бу борада **“табiiй ишсизлик”** тушунчасидан фойдаланилиб, унинг даражаси гарб мамлакатларида меҳнатта яроқли аҳоли сонига нисбатан 4 - 6 фоиз ҳисобланади.


Турли мамлакатларда ишсизликнинг табиий даражаси иқтисодий цикл фазасига, шунингдек, давлат ўтказадиган иш билан бандлик сиёсатига қараб ҳар бир муайян давр учун бир-биридан жиддий фарқ қилиши мумкин.

Умуман олганда, ишсизлик мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб, ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасидаги миқдор ҳамда сифат жиҳатдан номуносибликни ифодалайди.

Ишсизликни вужудга келиши сабабларига кўра фрикцион, таркибий, мавсумий, даврий ва ҳоказо турларга бўлинади (8.1.1- чизма).

8.1.1- чизма.

Ишсизликнинг туркумланиши



Фрикцион ишсизлик - ишчининг ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида ишдан бўшаши оқибатида келиб чиқади. Фрикцион ишсизлик - бу киши ўз иш жойидан кетиб, бошқасини излаётган даврда юз берадиган ишсизликдир. Янги ишни излашга яхшироқ меҳнат шароитлари, юқорироқ иш ҳақи, янги турар жойга кўчиш, жамоадаги низоли ҳолатлар ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин.


Миллий хусусиятларга қарамай, фрикцион ишсизлик ҳўжалик юритишнинг бозор тизимидаги барча мамлакатларда мавжуд бўлиб, у кейинги йигирма йилдан кўпроқ давр ичида АҚШда ишсизларнинг ўртача 10 фоизини ташкил қилиб келаётгани таъкидланади.

Таркибий ишсизликни касби ўзгарганлар ўртасидаги ишсизлик дейиш мумкин. Таркибий ишсизлик иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар: эски ишлаб чиқариш корхоналари ва тармоқлари ўрнига янгиларининг пайдо бўлиши туфайли юзага келади. Шу сабабли иқтисодчилар таркибий ишсизликнинг мавжуд бўлишини нормал ҳолат деб ҳисоблашади.

Умуман, Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ишсизлик билан

8.1.2-чизма.

Ишсизликнинг турли мезонлари бўйича таснифи



даврий ишсизлик ўртасида аниқ чегара ўтказиш қийин. Агар ривожланган мамлакатларда ишсизлик асосини унинг фрикцион ва таркибий турлари ташкил қилса, Ўзбекистон учун асосий муаммо - ўтиш даври иқтисодиётига ортиқча ишчи кучи қисмининг зарур эмаслиги, қишлоқ хўжалиги ва унда банд аҳоли улушининг юқорилилиги кўринишидаги таркибий элементига эга бўлган даврий ишсизлик ҳосилдир.

Демак, ривожланган мамлакатларда ҳам, Ўзбекистонда ҳам фақат мавсумий ишсизлик табиий ва нормал ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги, туризм бизнеси, айрим хўнарамандчиликка хос бўлган мавсумий соҳаларда ишсизлик табиий омиллар туфайли содир бўлиб, уни башорат қилиш осон. Айтиб ўтилган иқтисодий фаолият турлари устувор бўлган минтақаларда мавсумий ишсизлик жиддий муаммолигича сақланиб қолмоқда.

Айтилганларга яқун ясаб, ишсизлик турли сабабларга кўра: иқтисодиётдаги турғунлик (даврий), табиий омиллар (мавсумий), таркибий ўзгаришлар (таркибий), меҳнат бозорида ахборотнинг такомиллашмаганлиги (фрикцион) туфайли содир бўлади, дейиш мумкин.

Ишсизликнинг юқорида айтиб ўтилган омилларининг бирикмаси мамлакатдаги умумий даражани кўрсатади. Шу билан бирга, умумий рақамлар ортида ўз ижтимоий мақомига эга бўлган реал инсон ресурси, реал минтақалар ва тармоқлар туради. Ниҳоят, ишсизликнинг умумий даражаси — бу меҳнат бозоридаги ҳақиқий аҳволдан фарқ қилиши мумкин бўлган статистик кўрсаткичдир, холос. Шунга кўра, “ишсизлик” тушунчасини турли мезонлардан фойдаланиб, аниқлаштириш мумкин (8.1.2-чизма).

Бундай аниқлаштириш ишсизлик муносабатида юзага келадиган муаммоларни тадқиқ қилишда, шунингдек, ижтимоий ҳимоя тизимини ҳамда ишсизликни мумкин қадар камайтириш йўлларини ишлаб чиқиш зарурий ҳолат ҳисобланади.

Аҳолининг меҳнат билан бандлик сиёсатини ишлаб чиқишда ишсизлар сонини аниқлашнинг ишонарлилиги алоҳида муаммодир. *Кимни ишсиз деб ҳисоблаш керак*, деган савол ҳозиргача назарий-чилар ва амалиётчилар ўртасида муҳокама қилинмоқда. Ҳозирги кунда барча мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ишсизлар сонини аниқлашда, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) стандарт моделидан фойдаланилади. Бу услуб “ишсизлик ҳолатининг” уч мезонига асосланади:

- ишнинг ёки ўз-ўзини иш билан банд қилиб, даромад олиш имконияти йўқлиги,

- ишчининг талаб қилинган даврда таклиф қилинган ишга тайёрлиги ва ишга лаёқати;

- иш излаш бўйича амалий ҳаракатлар қилинганлиги.

Ўзбекистон Республикасида иш билан бандлик хизматининг етарлича тезкор ишламаслиги, бунинг устига аҳолининг кўпчилик қисмининг бу хизматларга етарли даражада ишонмаслиги, ишсизликни аниқлашда талай қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Масалан, ишсиз мақомини олиш учун киши иш билан бандлик хизматида

8.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли таркибининг ўзгариш динамикаси ва бандлик (йил бошида) минг киши ҳисобида¹

| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| 1. Республика аҳолиси жами | 24650,4 | 24650,4 | 25271,3 | 25271,3 | 25864,4 | 26312,7 |
| жумладан, қишлоқ аҳолиси | 15455,0 | 15717,7 | 15959,0 | 16208,6 | 16452,8 | 16817,6 |
| Фоиз ҳисобида | 62,6 | 62,8 | 63,0 | 63,2 | 63,6 | 63,9 |
| 2. Меҳнат ресурслари (16-54/59) | 12740,1 | 12980,5 | 13181,0 | 13597,0 | 14021,0 | 14434,4 |
| 3. Иқтисодиётда банд аҳоли | 8983,0 | 9136,0 | 9333,0 | 9589,0 | 9910,6 | 10196,3 |
| жумладан, қишлоқ хўжалигида | 3093,0 | 3088,0 | 3030,0 | 3041,4 | 3067,6 | 2969,5 |
| 4. Ишсизлар | | | | | | |
| 4.1. Иш излаётганлар сони | 421,4 | 462,8 | 448,2 | 430,5 | 425,0 | 410,3 |
| 4.2. Иш билан таъминланганлар | 280,6 | 318,1 | 322,2 | 317,4 | 323,7 | 325,1 |
| 4.3. Рўйхатга олинганлар таркибида иш билан таъминланганлар улуши (%) | 66,6 | 68,7 | 71,9 | 73,7 | 76,2 | 79,2 |
| 4.4. Ишсизлик рўйхатига олинганлар | 42,0 | 43,6 | 43,6 | 36,9 | 39,2 | 27,7 |

¹ Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ. 2005. -Т., 2006. 87-92-бет маълумотлари асосида тузилди.

рўйхатга олиниши керак. Барча ҳақиқий ишсизлар иш билан бандлик хизматига боради, дейиш қийин. Чунки, аҳолининг кўпчилиги қисми, айниқса, қишлоқ жойларида, бундай хизмат борлигини, бор бўлганда ҳам бу хизмат кўрсатиш идораси уларга ёрдам беришини хаёлига ҳам келтирмайдилар. Шу билан бирга, бу муаммолар масаланинг ҳаммаси эмас. Иш билан бандлик хизматига мурожаат қилиб ва рўйхатдан ўтишдан бошлаб, то ишсиз мақомини олгунга қадар, ишсиз киши яна бир қатор талабларга ва қўйиладиган шартларга мувофиқ келиши борасида анча текширувлардан ўтиши керак: ишсиз киши иш билан бандлик хизматига мурожаат қилишдан олдин тўрт ҳафта мобайнида иш излаш билан банд бўлиши, ўтган йилнинг, яъни ўн икки ойнинг камида уч ойи иш билан банд бўлган бўлиши, ўз ихтиёрига кўра бўшамаган бўлиши ва бошқа даромад манбалари бўлмаслиги керак. Бу анчагина қаттиқ шартлар бўлиб, яна қуйидагилар билан тўлдирилади, ишсиз деб тан олинган фуқаролар (8.1.1-жадвал) иш билан бандлик хизматининг ишга жойлаштириш тақлифини рад этмасликлари керак, акс ҳолда ишсизлик бўйича арзимас нафақа ишсизлик “стажига” кўра камайтириб борилади.

Жадвални кўздан кечирадиган бўлсак, ишсизлик мақомига эга бўлганлар аҳолининг меҳнатга яроқли қисмига нисбатан ўртача 0,3 фоизини ташкил этиши, меҳнат ресурсларининг 30 фоизи норасмий банд эканлигидан далолат беради.

Норасмий банд аҳолининг меҳнат билан расмий банд аҳолидан асосий фарқи бошқалар билан бир хилда, баъзан кўпроқ давлат хизматларидан фойдаланиши ҳамда хизматлар учун солиқ тўламаслиги назарда тутилади.

Бу каби хизматлар билан боғлиқ харажатларнинг ошиб бориши, ўз навбатида, уларни молиялаштириш учун даромадларни оширишни талаб қилади. Давлатнинг асосий даромад манбаи солиқлар бўлганлиги боис, уларнинг миқдорини кўпайтиришга эҳтиёж туғилади. Ўзбекистон солиқ тизимида молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни қондириш кўпроқ “тор қамров - юқори солиқ ставкаси”га тўғри келади, яъни аҳолининг қайд қилинмаган ёки яширин иқтисодиётда банд қатлами ўз даромадидан солиқ тўламаслиги аҳолининг фаол қисмига нисбатан солиқ оғирлиги кўпайишига олиб келади.

Қайд қилинмаган бандлик ижтимоий-иқтисодий жараёнлар кўламини баҳолашга, ўтказилаётган ислохотларни чуқурлаштириш режаларини тузишга, бандлик даражаси кўрсаткичларига салбий таъсир қилади. Салбий таъсири билан бирга ўзига хос ижобий таъсирга ҳам эга бўлиб, яхши даромад келтирадиган, ҳар томонлама ишчи-

8.1.3-чизма. Меҳнат бозори ва уни тартибга солишнинг асосий йўналишлари



ходим талабларига жавоб берадиган иш ўринлари топилгунга қадар ишсизлик муаммосини юмшатиб туриши билан баҳоланади.

Шундай қилиб, республика шароитида ишсизлик мақомини аниқлашда рўйхатга олиш усули яхши натижалар бермайди. Ишсизликни баҳолашнинг бошқа услубларини, масалан, танлаб текшириш ёки эксперт хулосалари асосида баҳолаш услубини ишлаб чиқиш ва улардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, аҳолига уларнинг меҳнат бозоридаги ҳуқуқлари тўғрисида тўла ахборот бериш, иш билан бандлик хизмати фаолиятини том маънода тарғиб қилиш керак бўлади.

Ишсизлик даражасини баҳолашнинг айтиб ўтилган камчиликларига қарамай, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунига биноан, расмий кўрсаткичлардан фойдаланиш мавжуд бўлган ягона, асосийси ишда қўллаш мумкин бўлган кўрсаткичлардир. Аммо, бу услубият Халқаро Меҳнат Ташкилоти услубиятига тўлиқ жавоб бермаса-да, мавжуд кўрсаткичлар маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб, ишсизлик муаммосининг долзарблик даражаси ҳамда унинг динамикаси тўғрисида маълумот беради

Ижтимоий адолат ва ҳамма учун иш ўринларига тенг имкониятларни кафолатлаш, меҳнат бозорининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш вазифаси давлат зиммасига юклатилади (8.1.3-чизма).

Давлатнинг меҳнат бозорини тартибга солишдан кўзланган мақсад - ишчи кучига бўлган эҳтиёжни кенгайтириш ва иш кучини самарали таклиф этишни қўллаб-қувватлашга қўмаклашишдан иборат бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

-иқтисодий ўсиш имкониятларини яхшилаш учун меҳнат ресурслари салоҳиятини шакллантириш ва уларни таркибий ўзгаришларга мувофиқлаштириш;

-биринчи навбатда, ноқулай шароитларда яшаётган аҳоли гуруҳларининг иш билан бандлик имкониятларини яхшилаш, ишсизликни қисқартириш орқали ижтимоий тенгликни юмшатиш;

-иқтисодий таназзул даврида иш билан бандликни барқарорлаштириш ва иқтисодий юксалиш босқичида иш кучининг етарли таклиф қилинмаслигига барҳам бериш учун шарт-шароитлар яратиш.

Ижтимоий-меҳнат муносабатлари, иш билан бандлик, меҳнат бозори бозор иқтисодиётининг шундай соҳаларики, уларни давлат томонидан тартибга солиб турилмаслиги иқтисодиётдаги балансликнинг бузилишига олиб келади. Яъни, стихияли бозор иш ўринлари учун олиб бориладиган рақобат курашида аҳолининг ҳимоя қилинмаган гуруҳларини (касб таълимига ва меҳнат стажига эга бўлмаган

ёшларни, меҳнат қобилияти чекланган ногиронларни, бирмунча кўпроқ вақтини ва кучини оилага бағишлашга мажбур бўлган аёлларни, кексайган кишиларни) сиқиб чиқаради. Давлат ўз-ўзини сақлаш мақсадида махсус ташкилотлар - ижтимоий-меҳнат муносабатларини бевосита тартибга солиб турадиган институтлар ташкил этади.

Бундай институтларга иқтисодийнинг турли даражаларида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, миграцион хизмат, иш билан бандлик хизмати, минтақавий ва маҳаллий органлар, корхона (ташкилот)лардаги ходимларни бошқариш хизматлари, шуниингдек, ёлланма ходимлар ва иш берувчиларнинг жамоат ташкилотлари киради.

Меҳнат бозорини тартибга солиш муаммосига ёндашиш жамият тараққиётининг ижтимоий, иқтисодий, молиявий ва сиёсий жиҳатларининг объектив ҳолати ҳамда субординацияси билан белгиланади. Уларни комплекс тарзда қараб чиқиш меҳнат бозорини тартибга солиш концепциясини шакллантириш ва шу асосда бандлик стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради.

Давлатнинг меҳнат бозорини тартибга солиши соҳасидаги чораларини қуйидаги тарзда табақалаштириш мақсадга мувофиқдир:

- таъсир кўрсатиш объектлари бўйича тартибга солиш объектининг хусусиятларига қараб умумий таъсир кўрсатиш чоралари ёки махсус чораларга ажратиш мумкин. Айни вақтда меҳнат бозорини тартибга солиш объектлари сифатида меҳнатни ташкил этиш элементлари, хусусан, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатнинг давомийлиги, меҳнат шароитлари ва ҳоказолар намоён бўлади;

- таъсир кўрсатиш йўналишлари бўйича қуйидагилар инобатга олинади: меҳнат бозорида меҳнат таклифини кўпайтирувчи (камайтирувчи); меҳнат бозорида талабни оширувчи (камайтирувчи); меҳнатни таклиф қилиш тузилишига ва меҳнатга бўлган эҳтиёж тузилишига таъсир қилувчи; эҳтиёж ва таклифнинг мос келиши даражасини кўпайтиришга қаратилган меҳнат бозорини тартибга солиш чоралари;

- меҳнат бозорини тартибга солиш чораларини таъсир кўрсатиш шакли бўйича бевосита ва билвосита чораларга бўлиш мумкин;

- меҳнат бозорига таъсир кўрсатиш характерида қараб рағбатлантирувчи, чекловчи, тақиқловчи, ҳимоя қилувчи чораларга бўлиш мумкин;

- меҳнат бозорини тартибга солишда чоралар мазмуни бўйича иқтисодий ёки маъмурий характердаги чораларни афзал деб билиш ёхуд уларни муайян тарзда бирга қўшиб олиб боришни маъқул кўриш мумкин. Масалан, меҳнат бозорини тартибга солишнинг

иқтисодий чораларига қуйидагиларни киритиш мумкин: иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ иш ўринларини қўллаб-қувватлаш, жамоат ишларини ташкил этиш, янги иш ўринларини ташкил этиш учун имтиёзли инвестициялаш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ҳоказо. Меҳнат бозорини тартибга солиш маъмурий чоралари орасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: нафақа ёшени камай-тириш, иш кунининг давом этишини камайтириш, бир кишига мўлжалланган иш ўрнини ўриндошлик билан ишлаш имкониятларини чеклаш ва ҳоказо;

- *таъсир кўрсатиш даражаси бўйича* меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш чораларини умумдавлат, минтақавий, тармоқ, фирма ичидаги чораларга бўлиш мумкин;

- *маблаг билан таъминлаш манбалари бўйича* давлат бюджети, нобюджет маблағлар, иш билан бандлик жамғармаси маблағлари, тижорат ташкилотлари маблағлари ва ҳоказо.

Юқорида санаб ўтилган барча йўналишлардан у ёки бу чорани танлаш, асосий мақсад эса меҳнат бозоридаги вазиятни таҳлил ва башорат қилиш, таҳлил ва башорат натижалари асосида чораларнинг ҳар биридан энг мақбул даражасини аниқлаш, кўриладиган чораларнинг натижалари ва оқибатларига баҳо бериш.

8.2. Даромадларнинг тақсимланиши, ижтимоий ҳимоялаш ва қашшоқлик муаммолари

Яратилган миллий даромад давлат томонидан тақсимланади ва қайта тақсимланади. Тақсимоғ жараёни ишлаб чиқариш, қайта тақсимлаш жараёнида эса ноишлаб чиқариш соҳаси вакиллари ва бошқа аҳоли қатламларидан даромад олинади.

Ҳар бир инсон моддий ва маънавий турмуш имкониятлари унинг даромадлари даражасига боғлиқ бўлади. Инсон даромадининг даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг ўз зарурий эҳтиёжларини қондириш, саломатлигини сақлаш, дам олишни ташкил этиш, маълумот олиш, бўш вақтини маданий тарзда ўтказиш имкониятлари шунчалик кўп бўлади.

Бу ерда гап ўз ихтиёрида қоладиган (располагаемый) даромадлар ҳақида бориб, у аҳоли олган барча даромадлар ва тўланган солиқлар ўртасидаги мусбат фарқдан иборат эканлигини таъкидлаш лозим.

Микроиқтисодиёт аҳоли даромадлари, уларнинг моддий ва маъ-


навий эҳтиёжларини бевосита қондириш манбаи сифатида катта роль ўйнайди. Макро даражада эса жисмоний ва юридик шахслардан ундириладиган солиқлар ҳисобига шакллантирилган бюджет даромади аҳолининг ижтимоий эҳтиёжлари учун сарфланади. Асосий урғу эса аҳолининг кам таъминланган қатламига қаратилади.

Аҳоли даромадлари ҳамиша турли ижтимоий гуруҳлар бўйича табақалашган ҳолатда бўлиб, асосий масала эса ушбу даромадларнинг қандай даражада табақалашганлигидан иборатдир. Ҳар бир жамиятда даромадлар ўртасидаги тенгсизлик меъёрида бўлиши талаб этилади. Меъёр бузиладиган, яъни айримлар бойиб бошқалар эса қашшоқлашиб кетадиган бўлса ижтимоий-сиёсий хавф юзага келиши мумкин. Бинобарин, даромадлардаги мавжуд нотенгликни ўлчаш услубиятини ўзлаштириш, тенгсизликни вужудга келтирадиган сабабларни аниқлаш ва аҳоли даромадларининг жамият учун мақбул йўсинда табақалаштирилишини таъминлаш зарур.

Иқтисодиётда аҳоли даромадлари табақалашини ўлчашнинг турли усулларидан фойдаланилмоқда. Шулардан асосийси Лоренц эгри чизигидир. Унга кўра, барча оилаларнинг даромадлари бир хил бўлган, яъни ялпи даромад тенг тақсимланган, жами аҳоли сони ва уларнинг ялпи даромади ҳар бир қисми график шаклида ифодаланади. Лекин бундай биссектриса фақат потенциал имкониятни кўрсатади, амалда даромадлар ҳақ қачон бир текисда тақсимланмайди.

Башарти, ялпи даромадлар нотекис тақсимланса, даромаднинг тегишли кумулятив квинтилларга тўғри келадиган кумулятив улуш-

ларининг эгри чизиги бўртиқ бўлиб, графикда пастга қараб эгилган чизиқ кўринишига эга бўлади. Бу чизиқ америкалик статист ва иқтисодчи номи билан Лоренц эгри чизиги деб аталади. Лоренц эгри чизигида кўрсатилганидек, жами даромаддан дастлаб аҳолининг 20 фоизи, кейин 40 фоизи, шундан кейин 60 фоизи, сўнг 80 фоизи ва 100 фоизи қанча улуш олишини кўрсатади (8.2.1-чизма).



8.2.1-чизма. Лоренц эгри чизиги.

Графикдан кўриниб турибдики, аҳолининг дастлабки икки гуруҳи даромадлари жами миқдорининг нисбатан кам қисмини ташкил этади ёки аҳолининг 40 фоизига даромаднинг 20 фоизи тўғри келади. Эгри чизикнинг биссектрисадан четга чиқишлари ўлчами даромадлар тақсимланишидаги нотенглик даражасини ифодалайди.

Ушбу график аҳолининг гуруҳларга бўлиниши ва ушбу гуруҳлар ўртасида даромад тақсимланиши каби икки ҳодисанинг ҳаракатини акс эттириб, ОЕ биссектрисадан қанчалик ОҒЕ томон эгилса, даромадларни тақсимлашда шунчалик тенгсизлик мавжуд эканлиги ва давлат ижтимоий сиёсатини ривожлантириш талаб этилишидан дарак беради.

Аҳоли даромадларини солиққа тортиш ва уларга трансферт маблағлари ажратиш орқали Лоренц эгри чизиги ўзгаришига таъсир кўрсатиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлатларнинг солиқ тизими ва ижтимоий сиёсати турличалиги, Лоренц эгри чизигининг ҳам ҳар бир давлат учун алоҳида кўринишга эга бўлишини таъминлайди.

Даромадлар тақсимланишидаги тенгсизликни ифодаловчи яна бир кўрсаткич – бу Жини коэффициенти (G) бўлиб, у Лоренц эгри чизиги ва биссектриса билан чекланган майдон (S)нинг идеал тенглик тўғри чизиги остидаги умумий майдонга нисбати сифатида ҳисоблаб чиқилади.

Даромадлар жамланиш коэффициенти (Жини индекси) даромадлар барча миқдорининг аҳоли айрим гуруҳлари ўртасида тақсимланишининг нотенглик даражасини тавсифлайди. Унинг ўлчами 0 дан 1 гача бўлган оралиқда тебраниши мумкин. Кўрсаткич қиймати қанчалик юқори бўлса, жамиятда даромадлар шунчалик нотенглик тақсимланган бўлади. Лекин амалиётда Жини коэффициентида кўрсатиб ўтилган энг паст ва энг юқори қийматларга етмайди. (8.2.1-жадвал).

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, Жини коэффицентининг қиймати мамлакатлар бўйича анчагина фарқланади. Масалан, МДХ мамлакатларида бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида иқтисодий жараёнларнинг стихияли ривожланиши молиявий беқарорлик, яъни ички маҳсулот ҳажми кескин камайганлиги ва инфляция даражаси юқорилиги аҳоли даромадлари табақаланишининг кучайишига сабаб бўлди, дейиш мумкин.

Иқтисодчиларнинг фикрича, аҳоли даромадлари табақаланишининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

1) одамлар дунёга келгандан бошлаб ўз ақлий ва жисмоний қобилиятлари билан бир-бирларидан ажралиб турадилар. Ақлий ва

жисмоний етукликка эга бўлган шахслар таниқли ҳамда юқори ҳақ тўланадиган соҳаларда банд бўлишади;

2) мулкка эгалик ва мерос. Авлодлардан қолган мерос даромадлар борасида устунликни таъминлайди;

3) янгидан яратилган қиймат (ялпи даромад)нинг меҳнат ва капитал ўртасида адолатсиз тақсимланиши;

4) меҳнат бозорларидаги камситишлар, бу камситиш ходимларга тенг меҳнат учун турлича иш ҳақи тўланишида ифодаланиши;

5) инфляциянинг юқорилилиги, фуқаролар жамғармаларини қадрсизлантириб қўйиши ва белгилаб қўйилган иш ҳақи оладиган ходимларнинг даромадларини пасайтириши;

6) иқтисодиётда яширин фаолиятнинг кўлами ва даромадларнинг солиққа тортилишида адолат тамойилларининг таъминланганлик даражаси;

7) омад, катта миқдордаги кутилмаган пул, буюм ютуқларига эга бўлишлик.

Ялпи даромадни тақсимлашдаги нотенгликка юқорида санаб ўтилган сабаблардан бошқа сабаблар ҳам таъсир этади. Масалан, жамиятда нафақахўрлар ва ишсизлар сонининг кўпайиши, оилалар таркибидаги фарқлар (боқимандалар сони) ҳам даромадлардаги табақалашининг кучайишига сабаб бўлади.

Режали иқтисодиёт даврида аҳолининг асосий қисми давлат секторида бандлиги туфайли улар даромадларини марказлашган тартибда тартибга солиш имконияти мавжуд бўлган бўлса, бозор иқтисодиёти шароитида эса улар даромадларини тартибга солувчи асосий восита – бу солиқлардир. Бугунги кунда аҳоли олган даромадларининг бир қисми даромад солиғи шаклида давлат бюджетига келиб тушса, қолган қисми эса шахсий истеъмолга ҳамда жамғармаларга йўналтирилиши мумкин.

Давлат солиқ сиёсати орқали аҳоли тўлов қобилиятини ошириши ёки пасайтириши, истеъмолни кенгайтириши ёки қисқартириши, жамғариш ва инвестицион фаолиятни рағбатлантириши ёки унга тўсқинлик қилиши мумкин.

Аҳоли даромадларини қайта тақсимлаш орқали давлат мураккаб муаммони ҳал этади, яъни кимни, жамиятнинг қайси қатламларини ишсизлар, ногиронлар, кексаларни асраш учун маблағ ажратишга мажбур қилиш кераклигини аниқлаб олади. Бу мураккаб вазифалар давлат томонидан иқтисодий имкониятларни ижтимоий истеъмол билан мувофиқлаштириб ва салбий оқибатларни микро ва макро даражада тугатиш имконини юзага келтиради.

Аҳоли даромадларини қайта тақсимлаш жараёнини иқтисодчилар самарадорлик адолатлик дилеммаси билан боғлаб таҳлил қилишни таклиф этишади. Бунинг моҳияти, аҳоли даромадларини қайта тақсимлаш орқали улар, турли тоифалар ўртасида тенгликни таъминлашга қилинган ҳаракатнинг иқтисодий самарадорликка салбий таъсири билан ифодаланади. Чунки давлат кам таъминланган аҳоли учун ижтимоий сарф-харажатларни ошириши, бюджетга қўшимча ресурслар жалб қилишни тақозо этади. Солиқлар бюджет даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаи ҳисобланганлиги учун иқтисодий фаол аҳолидан кўпроқ солиқ суммасини ундириш лозим бўлади. Яъни, тиним билмай ишлаб кўп даромад олаётган шахс учун давлат хизматлари ошади. Бу ишчига нима учун бошқалардан кўра кўпроқ солиқ тўлашим керак, деган хулоса пайдо бўлиши билан унинг иш унумдорлиги пасайиб, солиқдан қочишнинг турли йўллари излашга сабаб бўлади. Давлатнинг ижтимоий ёрдамидан фойдаланиб келаётган шахсда, шунча маблағ олиб турибман, ортиқча ташвишга на ҳожат деган тушунча пайдо бўлиши билан баъзиларда ялқовлик кузатила бошлайди.

8.2.1-жадвал

Баъзи собиқ социалистик мамлакатлардаги даромадларнинг тақсимланиш динамикаси

| Мамлакатлар | Жами коэффиценти, % | |
|-------------|---------------------|--------------|
| | 1987-1990 йй. | 2000-2001йй. |
| Болгария | 23 | 41 |
| Руминия | 23 | 40 |
| Венгрия | 21 | 39 |
| Литва | 23 | 38 |
| Эстония | 24 | 38 |
| Латвия | 24 | 33 |
| Словения | 22 | 31 |
| Польша | 28 | 31 |
| Чехия | 19 | 27 |
| Ўртача | 23 | 35 |

| | | |
|--------------|----|----|
| Қозоғистон | 30 | 31 |
| Белорус | 23 | 34 |
| Молдовия | 27 | 39 |
| Туркменистон | 28 | 45 |
| Украина | 24 | 46 |
| Тожикистон | 28 | 47 |
| Арманистон | 26 | 49 |
| Қирғизистон | 21 | 49 |
| Грузия | 29 | 50 |
| Озарбайжон | 28 | 50 |
| Россия | 26 | 52 |
| Ўртача | 26 | 45 |

Бундан ташқари, республика шароитида бюджет маблағларининг ишлатилишидаги самарадорлик даражасининг пастлиги, яширин фаолият кўлами юқорилилиги сақланиб қолаётган, солиқлардан қочиш, уриниш ҳоллари давом этаётган бир шароитда солиқ юқини пасайтириш орқали аҳоли меҳнатини рағбатлантиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

8.3. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш муаммолари

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида, умуман, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим шарт сифатида иш билан бандлик ва ишсизликни қисқартириш муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, ҳукумат ишсизларнинг ижтимоий ҳимоясини, ишсизликнинг барқарорлигини таъминлаб, сўнгра бандликнинг ўсишини рағбатлантиришга киришиши мумкин. Бандликнинг ўсишини рағбатлантириш уч йўналишда амалга оширилиши мумкин:

– тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, масалан, янги иш жойлари яратилганда солиқ, имтиёзларни бериш, ишсизларнинг иш излашларини фаоллаштириш;

- ишчи кучи таклифини рағбатлантириш;
- ўз-ўзини банд қилишни рағбатлантириш.

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг кескин ўсиб бориши давлат томонидан бандликни таъминлашнинг оптимал дастурини ишлаб чиқиш ва молиялаштиришни талаб қилади. Республикада ҳар бир ҳудуд ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда уларнинг ҳар бири учун алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Давлат томонидан яратилган ишчи ўринлар самарадорлик даражаси паст бўлишини амалиёт исботлаб турибди. Шунини эътиборга олиб, бу борада давлат фақатгина стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга оширишда кичик ва хусусий бизнес корхоналарини молиявий ресурслар билан таъминлаш етарли деб эътироф этилади.

Бу борада республикада “Бандлик” давлат дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унинг доирасида 2004 йилда 480,7 минг янги ишчи ўринлари ташкил этилди. Ишчи ўринларининг 42 фоизи корхона ва ташкилотлар, шундан 30,9 фоизи кичик бизнес корхоналари, 36,4 фоизи эса хусусий тадбиркорлик (шу жумладан, деҳқон хўжалиги) ҳиссасига тўғри келди.

Республикада ишсизлик масаласининг долзарблигини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- саноат корхоналарини рақобат муҳитига мослашишининг қийин кечиши, молиявий аҳволининг ёмонлашиши, уларнинг банкрот бўлиши ёки ишчилар сонини кескин қисқартиришга сабаб бўлганлиги;
- зарар билан ишлаётган жамоа хўжаликларининг фермер хўжаликларига айлантирилиши натижасида ортиқча ишчи ўринларининг қисқартирилиши;
- республика 63-64 фоиз аҳолисининг қишлоқларда истиқомат қилиши. Улар узоқ йиллар қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, саноат корхоналарининг ривожланмагани;
- ишчи кучи таклифи билан талаб ўртасидаги мутаносибликнинг йўқлиги.

Иш билан бандликни тартибга солишда амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги тадбирларни киритиш мумкин:

- мамлакатдаги иқтисодий вазиятни соғломлаштириш, инвестицион фаолликни рағбатлантириш, барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- иқтисодиётнинг нодавлат секторларини ривожлантириш ва уни кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, кичик бизнес ва ўз-ўзини иш билан банд қилишни қўллаб-қувватлаш;

- иш билан бандликнинг соғлом тузилмасини яратиш мақсадида касбий ўқитиш, қайта тайёрлаш ва маслаҳат беришни таъминлаш.

Кўриниб турибдики, бу вазифаларни амалга ошириш бугун ҳам, келажакда ҳам муҳим омил бўлиб, ишсизлик даражасининг камайишига имкон беради.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар марказида ижтимоий сиёсат масаласининг асосий ўринда туриши бизга маълум. Зеро, сиёсатнинг зарурияти мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида аҳоли бошига тушиши мумкин бўлган мушкулликларни енгиллаштириш билан боғлиқдир. Бундан ташқари, ҳар қандай жамиятда шундай шахслар тоифаси мавжудки, улар объектив сабабларга кўра (ёши, соғлигининг ёмонлиги, мамлакатдаги ишсизлик даражаси ва бошқалар) ишлаб чиқаришда иштирок эта оlishмайди. Шунинг учун уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни давлат ўз зиммасига олиши зарур, яъни яратилган миллий даромаднинг бир қисми улар фойдасига қайта тақсимланиши лозим.

Бугунги кунда ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатишнинг табақалашган, адресли (манзилли) тизими амал қилаётган бўлиб, бу ҳақиқатан ҳам муҳтож кишилар учун бюджет маблағларини сарф-харажат қилиш имкониятини бермоқда. Ижтимоий ёрдам, энг аввало, мамлакат келажаги – болалар, шунингдек, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга қаратилмоқда.

“Адолатга интилиш, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов, – халқимизнинг энг муҳим фазилатидир. Адолатни кучли ҳис қилиш, кўп жиҳатдан Шарқ фалсафаси таъсири остида юзага келганки, унинг ривожланишига ўзбек халқи, ўтмиш мутафаккирлари, олимлари бебаҳо ҳисса қўшган”.

Расмий маълумотномаларга қараб оилаларга нафақа берилиши адолат мезонларининг бузилишига сабаб бўлар эди. Бунинг боиси шундаки, республиканинг кўпчилик аҳолиси (63 – 64 фоизи) қишлоқ жойларида яшаб, томорқа хўжалигидан даромад олади ва буни ҳисоблаш эса қийин, албатта. Ундан ташқари, даромадни ҳисоблаш кишиларни қўшимча даромадни яширишга ундар, боқимандаликни рағбатлантирар эди. Барча даромад манбаларини тўлиқ ва аниқ ҳисобга олиш имконини берувчи уй хўжаликларини текшириш воситаси эса ҳозирча ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистонда муҳтожларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг энг содда, самарали ва ошқора воситаси қилиб маҳалла орқали ёрдам берилиши мақбул, деб топилди. Аҳоли демократик асосда сайлаб

қўядиган оқсоқол (раис)лар, уларнинг маслаҳатчилари ва маҳалла фаоллари, фуқаролар йиғинлари (уларга қонун йўли билан маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи мақоми берилган) ҳар бир оиланинг моддий аҳволини, даромад манбаларини яхши билади. Мамлакатда жорий этилган ижтимоий ўзаро ёрдам тизимига биноан, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш масаласи маҳалла фуқаролари йиғилишида ҳал қилинади. Муҳтожларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш, уларга адресли ёрдам бериш, айна кунда ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва улар манфаатларини кўзлаб кўп болали оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш, ўсиб келаётган авлодни камол топтириш ва тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга ойлик нафақалари қўйидаги миқдорларда белгиланди: бир болали оилаларга энг кам иш ҳақининг - 40 фоизи, икки болали оилаларга - 80 фоизи, уч болали оилаларга - 120 фоизи, тўрт ва ундан кўпроқ болали оилаларга - 150 фоизи. Шунингдек, мазкур санадан эътиборан иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг кам миқдори ҳамда бола икки ёшга тўлгунича уни парвариш қилиш учун ойлик нафақалар (энг кам иш ҳақининг 150 фоизи миқдоридан) оширилди.

Эндиликда кам таъминланган оилаларга ойлик моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш шаҳар, қишлоқ ва овулларда маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ўрганиб чиқилади ва қарор қабул қилинади.

Турли жамоат, ноҳукумат ташкилотлари ва фондларининг ташкил этилиши, мамлакатимиз демократик тараққиёт йўлидан бораётганлигининг ёрқин далилидир, уларнинг ҳар бири аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларида ўз ҳиссасини қўшмоқда. Масалан, “Соғлом авлод учун” фонди оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, миллат генофондини яхшилаш, жисмоний, ақлий ва руҳий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш масалалари билан шуғулланиб, ўз дастурларини амалга ошириш орқали муносиб улуш қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- фуқароларнинг иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, касб ва меҳнат соҳасини эркин танлаш бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳар бирини меҳнат фаолияти шаклини эркин

танлаш ҳуқуқи, ўзини ва ўз оиласини моддий жиҳатдан зарур даражада таъминлаши, оиласининг фаровонлиги, соғлом авлодни камол топтириш йўлидаги вазифаси учун жавобгар шахс бўлиши керак;

- ижтимоий муҳофазалаш аниқ ва мақсадли йўналтирилган бўлиши керак. Аҳолининг турли қатламларига алоҳида-алоҳида ёндашиш ижтимоий муҳофаза янги тизимининг ўзига хос хусусияти бўлиб қолмоғи лозим;

- аҳолини ижтимоий муҳофазалаш чора-тадбирлари тизимида реал меҳнат бозорини шакллантириш, меҳнатта лаёқатли ҳар бир кишига ўз меҳнати билан оиласининг турмуш даражасини яхшилаш имконини берадиган шароитни яратиш асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш, кўрилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги ва таъсирини таъминлаш натижасида:

- кишилар турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишини олдини олишга, республикада осойишталик ва барқарорликни сақлашга муваффақ бўлинмоқда;

- аҳолини манзилли ижтимоий муҳофазалашнинг қатъий тизими яратилди;

- аҳолида бозор иқтисодиёти шароитларига кўникма ҳосил қилинди;

- иқтисодий фаоллик ошди, тадбиркорлик ривожланмоқда, аҳолини иш билан бандлик тизими бозор тизимиغا яқинлашмоқда;

- инсон манфаатларини янада кенгроқ рўёбга чиқаришни таъминлаш учун янги шароитлар ва имкониятлар яратилди;

- мутлоқ янгича ёндашувлар асосида замонавий талабларга жавоб берадиган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда ижтимоий муҳофазалаш масалалари билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги шуғулланади. Мазкур ташкилот ва жойлардаги бўлинмаларига аҳолининг айрим гуруҳлари учун имтиёзлар, кафолатлар белгилаш ва моддий ёрдам кўрсатиш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган.

Ўзбекистонда нафақахўрларни ижтимоий муҳофазалашни кучайтиришга йўналтирилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган бўлиб, қонун пенсиялар миқдорининг ижтимоий суғуртага берилган бадалларга боғлиқлигини кучайтирди ва шу орқали пенсия қонунчилигини ривожланган мамлакатлар стандартларига яқинлаштирди.

Ногиронлар аҳолининг энг заиф тоифаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда ногиронларга ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси “Ногиронларни ижтимоий муҳофазалаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва “Ногиронларни реабилитация қилиш давлат дастури”да белгилаб берилган. Дастурда ногиронлар учун тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор берилган. Мамлакатда Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўрлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти ва бошқа ижтимоий жамиятлар муваффақиятли ишлаб турибди. Бу жамиятлар ўз корхоналарида ногиронлар меҳнатини ташкил этади ва уларга фақат қўшимча даромад олиш эмас, балки меҳнат фаолиятига қўшилиш, ўзининг жамиятта зарурлигини ҳис этиш имкониятини яратади.

Асосий таянч тушунчалар

Бозор иқтисодиёти, макроиқтисодиёт, ижтимоий индикаторлар, ишсизлик, иш кучи, ишсизлик даражаси, ишсизликнинг табиий даражаси, ишсизлик шакллари, меҳнат ресурслари, меҳнат потенциали, бандлик, меҳнат бозори, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий кафолат, Лоренц эгри чизиғи, Жини коэффиценти, самарадорлик ва адолатлилик дилеммаси.

Такроplash учун саволлар

1. Глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий жиҳатлари нималардан иборат?
2. Техника тараққиётининг ишчи кучига таъсирини изоҳлаб беринг.
3. “Ишчи кучи”, “меҳнат ресурси” ва “меҳнат потенциали” тушунчаларига таъриф беринг ҳамда уларнинг бир-биридан фарқланувчи жиҳатларини очиб беринг.
4. Ўзбекистон қонунчилигига асосан қандай шартларга кўра ишсиз мақоми берилади?
5. Ишсизлик туркумланишини изоҳлаб беринг.
6. Ишсизликнинг турли мезонларга кўра таснифланиши қайси омилларни ўз ичига олади?
7. Банд ва норасмий банд аҳолини фарқловчи жиҳатлар кималардан иборат?
8. Меҳнат бозорининг давлат томонидан тартибга солиниш заруратини қандай изоҳлайсиз?

9. Аҳоли даромадлари табақаланишининг асосий сабаблари моҳиятини изоҳланг.
10. Самарадорлик ва адолатлилик дилеммаси деганда нимани тушунасан?
11. Аҳоли бандлиги билан боғлиқ муаммолар республика шароитида қайси омилларни ўз ичига олади?
12. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

9-БОБ. ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТДА МУВОЗАНАТЛИЛИК ВА ДАВЛАТНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

9.1. Тўлов баланси, унинг тузилиши ва тақчиллиги

Ҳозирги даврда ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти товарлар, хизматлар, ишлаб чиқариш омиллари ва молиявий бозорлар орқали жаҳон хўжалигига кириб боради.

Миллий иқтисодиёт ташқи дунёнинг таъсири мазкур мамлакатнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни ва салмоғига боғлиқ. Очиқ иқтисодиётда мувозанатликка таъсир қилувчи бошқа омилларнинг таъсирини аниқлашда макроиқтисодий моделдан фойдаланилади.

Макроиқтисодий моделда тўлов баланси, ташқи савдо айланмаси, миллий пул бирлигининг айирбошлаш курси, чет эллардаги нархлар даражаси ва фоиз ставкаси ҳисобга олинади.

Тўлов баланси – мамлакат резидентлари (уй хўжаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет элликлар ўртасида маълум вақт оралиғида (одатда бир йилда) амалга оширилган барча иқтисодий битимлар натижасининг тартибга солинган) ёзуви.

Резидентлар – фуқаролиги ва паспорт режимидан қатъи назар мазкур мамлакатда бир йилдан ортиқ яшаётган ҳар қандай шахслар.

Иқтисодий битимлар – қийматнинг ҳар қандай айир бошланиши, яъни товарлар, қўрсатилган хизматлар ёки активларга мулкчилик ҳуқуқининг мазкур давлат резидентларидан бошқа давлат резидентларига ўтиш битими.

Ҳар қандай битим икки жиҳатга эга бўлади ва шу сабабли тўлов балансида **икки томонлама ёзув** тартибига риоя қилинади. Битта битим тўлов балансининг **дебет** ва **кредит** қисмларида ўз ифодасини топади.

Кредит – қийматнинг мамлакатдан оқиб чиқиши бўлиб, унинг ҳисобига мазкур мамлакат резидентлари чет эл валюталарида қопловчи тўловлар эквивалентини олади.

Дебет – қийматнинг мазкур мамлакатга оқиб кириши бўлиб, унинг ҳисобига резидентлар чет эл валюталарини сарфлайди.

Тўлов балансида **кредитлар** умумий суммаси **дебетларнинг** умумий суммасига **тенг бўлиши** зарур.

Тўлов балансидаги барча битимлар жорий ва капитал опера-

цияларни ўз ичига олади (9.1.1-жадвал). Шунга мос равишда тўлов баланси **учта таркибий қисмдан** иборат бўлади:

1. Жорий операциялар ҳисобига;
2. Капитал ҳаракати ҳисобига;
3. Расмий эҳтиёжларнинг ўзгариши ҳисобига.

9.1.1-жадвал

Тўлов балансининг тузилиши

| | |
|---|---|
| I. Ж о р и й о п е р а ц и я л а р ҳ и с о б и | |
| 1. Товар экспорти | 2. Товар импорти |
| Т а ш қ и с а в д о б а л а н с и қ о л д иғ и | |
| 3. Хизматлар экспорти (чет эл туризмидан даромадлар ва ҳ.к. - кредитли хизматлар) | 4. Хизматлар (туризм учун чет элга тўловлар ва ҳ.к. |
| 5. И н в е с т и ц и я л а р д а н с о ф д а р о м а д л а р (к р е д и т л и х и з м а т л а р д а н с о ф д а р о м а д л а р) | |
| 6. С о ф т р а н с ф е р т л а р | |
| II. К а п и т а л ҳ а р а к а т и ҳ и с о б и | |
| 7. Капитал кириши | 8. Капитал оқиб чиқиши |
| К а п и т а л ҳ а р а к а т и б а л а н с и қ о л д иғ и | |
| Ж о р и й о п е р а ц и я л а р в а к а п и т а л ҳ а р а к а т и б а л а н с и қ о л д иғ и | |
| III. Р а с м и й э ҳ т и ё ж л а р н и н г ў з г а р и ш и | |

Мамлакатнинг ташқи савдо баланси (тўлов баланси) мазкур давлатнинг чет эллик шериклари билан халқаро иктисодий муносабатларнинг ҳолатини ифодалаб, унинг кредит-пул, валюта, бюджет-солиқ, ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш ва давлат қарзларини тартибга солиши учун индикатор бўлиб хизмат қилади.

I. Жорий операциялар ҳисоби ўз ичига товар ва хизматлар экспорти (“+” белгиси билан), импорт (“-” белгиси билан), инвестициялардан соф даромад ва соф трансфертларни олади. Товарлар экспорти ва импорти ўртасидаги фарқ **савдо балансини** ташкил қилади.

Товарлар **экспорти** кредит сифатида чиқиб, миллий банкда чет эл валюталари захираларини вужудга келтиради.

Импорт эса (“дебет” графасида “-” белгиси билан) мамлакатдаги чет эл валюталари захирасини қисқартиради.

Инвестициялардан соф даромадлар (чет элдан соф омилли даромадлар) кредитли хизматлардан олинadиган соф даромад ҳисобланиб, у чет элларга қўйилган миллий пул капитали ҳисобига вужудга келади. Агар чет элга қўйилган миллий капитал мазкур мамлакатта қўйилган чет эл капиталига қараганда фоиз ва дивидендларнинг кўпроқ ҳажмини келтирса, бунда инвестициялардан олинadиган соф даромад ижобий, акс ҳолда эса салбий бўлади.

Соф трансфертлар хусусий ва давлат маблағларининг бошқа мамлакатларга ўтказилган суммасини билдиради, яъни нафақа, совға, чет элга пул ўтказишлар ёки чет мамлакатларга инсонпарварлик ёрдамлари. Бундай тўловлар мамлакатда мавжуд чет эл валюталари захирасини камайтиради.

Макроиктисодий моделда жорий операциялар ҳисоби қолдиғи қуйидагича ифодаланади:

$$\frac{X - M}{\text{экспорт импорт}} = \frac{X_n}{\text{соф экспорт}} = \frac{Y - (C + G)}{\text{ЯИМ абсорбция}}$$

Абсорбция – ялпи ички маҳсулотнинг мазкур мамлакатдаги уй ҳўжаликлари, корхоналар ва давлатта реализация қилинадиган қисми.

Импортга тўловлар экспортдан олинadиган даромаддан ортиқча бўлса, бу мамлакатнинг **жорий операциялар бўйича баланси тақчиллигини** билдиради. Бу тақчиллик ёхуд чет эл қарзлари ёрдамида ёхуд активларнинг бир қисмини чет элликларга сотиш йўли билан молиялаштирилади ва бу капитал ҳаракати ҳисобида акс этади.

Соф чет эл активлари – бу миллий резидентлар эга бўлган чет эл активлари миқдори ва чет элликлар ихтиёридаги миллий активлар миқдори ўртасидаги фарқ.

Экспортдан олинadиган даромад, импортга қилинган сарфлардан ортиқ бўлса, **жорий операциялар ҳисоби ижобий қолдиққа** эга бўлади.

II. Капитал ҳаракати ҳисобига активлар билан амалга ошириладиган барча халқаро битимлар ўз ифодасини топади. Булар чет элликларга акциялар, облигациялар, кўчмас мулк ва ҳ.к. сотишдан олинadиган даромадлар ҳамда чет элдан активлар сотиб олиш натижасида вужудга келадиган сарф-харажатлардир.

| | | | | |
|---|----------|---|----------|---|
| Капитал ҳаракати баланси | = | Активлар сотишдан тушумлар | - | Четдан активлар сотиб олишга сарфлар |
|---|----------|---|----------|---|

Чет эл активларини сотиш чет эл валюталари захираларини кўпайтиради, сотиб олиш эса уларни камайтиради.

Капитал ҳаракати ҳисоби ҳам тақчилликка ва ижобий қолдиққа эга бўлади

Тўлов баланснинг тақчиллиги Марказий банк (МБ) расмий эҳтиётларини қисқартириш ҳисобига молиялаштирилиши мумкин. Расмий валюта эҳтиётлари:

- чет эл валюталари;
- олтин;
- мамлакатнинг ХВФдаги кредит улуши;
- қарз олишнинг махсус ҳуқуқи (SDR) ва ҳ.к.

Баланс тақчиллиги расмий эҳтиётлар ҳисобига молиялаштирилганда, ички бозорда чет эл валюталар таклифи эса нисбатан камайди ва унинг айирбошлаш курси нисбатан ўсиб, миллий иқтисодиётга ушлаб турувчи таъсир кўрсатади.

Аксинча, **тўлов баланснинг актив қолдиги** МБ расмий валюта эҳтиётларининг ўсиши билан бирга боради. Бу ички бозорда чет эл валюталари таклифини камайтиради, миллий валюта таклифи эса нисбатан ортади ва унинг айирбошлаш курси нисбатан пасайиб, иқтисодиётга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

МБ томонидан чет эл валюталарининг бундай сотилиши ва сотиб олиниши **расмий эҳтиётлар билан операциялар** дейилади (бу МБнинг очиқ бозордаги операциялари билан бир хил эмас). Расмий эҳтиётлар билан операциялар натижасида жорий ҳисобдаги қолдиқ суммаси, капитал ҳаракати ҳисоби ва резервлар миқдорининг ўзгариши “ноль”ни ташкил қилиши зарур.

Мамлакат узоқ вақт давомида жорий операциялар бўйича тақчилликни бартараф қилишни кечиктириши ва ўзининг расмий валюта эҳтиётларини тўлиқ сарфлаши натижасида **тўлов баланси кризиси** келиб чиқади. Мамлакат ташқи қарзларни тўлаш ҳолатида бўлмаганлиги сабабли, чет элдан кредитлаш имконияти мавжуд бўлмайди.

Иқтисодиёт субъектларининг давлат ва МБ сиёсатига **ишончсизлиги** тўлов баланси кризисини чуқурлаштирувчи омил ҳисобланади. Миллий валюта қадрсизланишининг кутилиши чет эл валюталарига чайқовчиликка қаратилган талабни рағбатлантиради. Бу

МБнинг миллий валюта қадрсизланишининг олдини олишга қаратилган ҳаракатини анча қийинлаштиради, чунки унинг расмий валюта эҳтиётлари бир вақтда тўлов балансининг тақчиллигини молиялаштириш ва чет эл валюталарига ўсиб боровчи чайқовчилик талабини қондириш учун етарли бўлмай қолади. Бундай ҳолатда валюталарнинг “хуфёна бозори” вужудга келиб, ривожлана бошлайди.

9.2. Макроиктисодий моделда ташқи савдо

1. **Савдо сиёсати** – давлат иқтисодий (бюджет солиқ) сиёсатининг нисбатан мустақил йўналиши бўлиб, у **давлатнинг ташқи савдо ҳажмини** солиқлар, субсидиялар ва тўғридан-тўғри чеклашлар орқали тартибга солиши билан боғлиқ.

Кўпчилик иқтисодчилар ташқи савдони эркинлаштириш (либераллаштириш) тарафдорлари бўлиб чиқадилар, чунки фақатгина **эркин савдо** иқтисодий ресурсларни рационал жойлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш имконини беради. Бироқ эркин **савдо йўлида** тарифлар, квота, экспортни ихтиёрий чеклаш каби кўп тўсиқлар мавжуд бўлади.

Ташқи савдони чеклашнинг анча кенг тарқалган тури **тариф – импортта бож тўловлари** ҳисобланади. Тарифлар киритилганда импорт товарларнинг анъанавий баҳоси жаҳон баҳоларидан ҳам юқорига кўтарилади.

$$\begin{array}{l} \text{Импорт} \\ \text{товарнинг} \\ \text{ички баҳоси} \end{array} = \begin{array}{l} \text{Жаҳон} \\ \text{баҳоси} \end{array} + \begin{array}{l} \text{Тариф миқдори} \\ \text{Жаҳон} \times \text{Тариф} \\ \text{баҳоси} \text{ ставкаси} \end{array}$$

Импортта тарифлар **паст самарали бўлган** миллий ишлаб чиқарувчиларни **чет эл рақобатидан** ҳимоя қилади. Бунда миллий истеъмолчилар ҳам анъанавий, ҳам импорт товарларга баҳоларнинг ўсишидан ўзларининг харидларини қисқартиради ва умуман уларнинг турмуш даражаси пасаяди.

Импортта тарифлар шу билан бирга (бож тўловларни), бир қатор ижобий томонларга ҳам эга бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Саноатнинг мудофаа тармоқларини ҳимоя қилиш имконини беради, бу фавқулудда (уруш) ҳолатларда ўз-ўзини ҳарбий маҳсулотлар билан таъминлаш учун жуда муҳим.

2. Ресурсларнинг ички бандлигини оширишни таъминлайди ва ялпи талабни рағбатлантиради.

3. Ривожланиш бир томонлама йўналишга эга бўлган иқтисодий ётқи бозоридаги конъюктураси тебранишлардан ҳимоя қилади.

4. Миллий иқтисодиётдаги янги “ёш” тармоқларни ҳимоя қилиш учун зарур восита ҳисобланади.

5. Миллий ишлаб чиқарувчиларни демпингдан – импорт маҳсулотларни тайёрловчи мамлакатдаги бозор баҳоларидан ҳам паст баҳоларда сотишдан ҳимоя қилади.

Мамлакатда ишлаб чиқарилган бутун маҳсулотта ички бозорда талабнинг камайиши сабабли сотиш мумкин бўлмаган иқтисодий инқироз даврларида, одатда, демпингдан фойдаланилади.

Инқироз даврида ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши ва ички баҳолар пасайишини бартараф қилиш учун “ортиқча” маҳсулотнинг бир қисми четга анча паст баҳолар билан чиқарилади. Бу билан савдодаги шериклари ишлаб чиқаришига ҳам путур етказди.

Демпинг, одатда, вақтинчалик сиёсат ҳисобланади, чунки хусусий ишлаб чиқарувчилар ўзларининг товарларини таннархдан ҳам паст баҳоларда доимий равишда четга сота олмайдилар. Фақат айрим вақтлардагина давлат миллий ишлаб чиқарувчиларга экспорт субсидиялари бериш йўли билан демпинг даврини чўзиши мумкин.

Чет эл экспорт субсидиялари ва демпинг миллий иқтисодиётда кичик тебранишларни кучайтиришнинг қўшимча омили ҳисобланади. Бу омилнинг таъсирини бартараф қилиш учун антидемпинг (компенсацион пошлина) тўловларидан фойдаланилади ва у чет эл экспорт субсидияларини нейтраллаштиради. Шу мақсадда махсус демпингга қарши қонунчилик ҳам амал қилади.

Индустриал жиҳатдан ривожланган мамлакатларда иккинчи жаҳон урушидан кейин тарифлар сезиларли даражада қисқарди ва 80-йиллар бошларида Ғарбий Европа давлатларидаги иқтисодий интеграция ҳам ташқи савдони эркинлаштиришга имкон туғдирди. Бироқ ҳозирги даврда квота, ихтиёрий экспортни чеклаш ва бошқа тарифсиз тўсиқлар шаклида протекционистик савдо сиёсатининг кенгайиши кузатилмоқда. Тарифсиз тўсиқларнинг асосий турлари қуйидагилар:

- маҳсулот сифатига ҳар хил стандартлар;
- стандартли чеклашлар;
- машина ва ускуналарнинг экологик тавсифига талаблар;
- импортга лицензиялар чеклаш;
- маҳсулотнинг айрим турларини алоҳида мамлакатларга сотишни маъмурий чеклаш ва ҳ.к.

Тарифсиз тўсиқларни барча турларидан экспорт ва импортга квоталар анча кенг тарқалган.

Импортта тарифлар – импорт қилинадиган товарлар миқдори-ни чекламайди (бож пошлиналари тўлангандан кейин). Импорт квоталари эса импорт ҳажмини (дона, тонна, метр ва ҳ.к.) айрим ҳолларда импорт қийматини ҳам йиллик, рухсат берилган миқдорда чеклайди. Квоталар мавжуд бўлганда импорт ҳажми ортиб кетмаслиги учун ички ва жаҳон баҳолари ўртасидаги фарқ ўсади, импортдан олинadиган фойда кўпаяди. Бундан ташқари, импортни миқдорий чекловчи квоталар, ички бозорга янги чет эл товарлари кириб келишга ҳам тўсиқ бўлади.

Тарифсиз чеклашларнинг ўзига хос тури импортли лицензиялар ҳисобланади. Импортли лицензияларни жойлаштириш усуллари:

а) очиқ аукционлар: давлат лицензиялари унга энг юқори баҳони таклиф қилган компанияларга тақдим қилади;

б) ошқора афзал кўриш тизими: бунда олдиндан берилмаган буюртмалар ва музокаралар олиб борилмаган бўлса-да, давлат импортли лицензияларни юқори нуфуз ва обрў-эътиборга эга бўлган фирмаларга беради;

в) “ҳаражатли усул”: Кўп миқдорда ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа ресурсларга эга бўлган фирмаларга лицензиялар берилади.

Давлатнинг тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш субсидиялари ишлаб чиқарувчиларни анча самарали рағбатлантирса-да, савдо сиёсатида кўпроқ тариф ва квоталардан фойдаланилади. Буни ижтима ҳолатда кўришимиз мумкин.

Биринчидан, ишлаб чиқариш субсидияларига қараганда, тариф ва квоталарни киришиши осон. Иккинчидан, ишлаб чиқариш субсидиялари солиқ тўловчилардан товар ишлаб чиқарувчиларга давлат бюджети орқали бериладиган трансферт тўлови ҳисобланади.

Халқаро савдода протекционистик тамойиллар бож иттифоқлари фаолияти туфайли ҳам нисбатан мустаҳкамланади, улар доирасида эркин савдо тартиби ўрнатилади ва учинчи давлатдан импорт қилиш чекланади.

Савдо йўлидаги чеклашларнинг барча турлари бир иқтисодий субъектга нисбатан бошқаси ҳисобига устунлик яратади, аммо умумий иқтисодий ўсиш учун эса шарт-шароитни таъминлайди.

9.3. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари

Давлат қарзлари – давлатнинг қимматли қоғозлар бўйича унинг эгаларидан қарзлари умумий суммаси бўлиб, у олдинги давр бюджет тақчиллиги суммасига тенг (бюджет ортиқчаллиги айириб ташланганда).

Давлатнинг ички қарзлари – давлат томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни ушлаб турувчилари ҳисобланган мамлакат фуқаролари, корхона ва муассасалардан давлатнинг қарзлар суммаси.

Ташқи қарз – давлатнинг чет эл фуқаролари, корхона ва муассасаларидан қарзлар суммаси.

Хусусий қарз – нодавлат секторининг хусусий қимматли қоғоз эгаларидан қарзларининг умумий миқдори.

Бюджет тақчиллиги давлат харажатлари ва даромадлари суммаси ўртасидаги фарқдан иборат. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзларини миқдорий баҳолаш қуйидаги омиллар туфайли мураккаблашади:

а) давлат сарфлари миқдорини баҳолашда, одатда, иқтисодиётнинг давлат секторидаги амортизация суммаси ҳисобга олинмайди, бу бюджет тақчиллиги ва қарзлар миқдорининг объектив ортиқ кўрсатилишига олиб келади;

б) давлат сарфларининг муҳим тури қарзлар бўйича фоиз тўловлари номинал ставкаларда ҳисобланади. Ҳақиқатда, давлат сарфлари ўз ичига қарзлар бўйича реал фоизлардаги тўловлар суммасини олиши керак.

Шу сабабли бюджет тақчиллигини аниқлашда инфляция таъсирини ҳисобга олиш зарур.

$$\begin{array}{l} \text{Бюджет} \\ \text{реал} \\ \text{тақчиллиги} \end{array} = \begin{array}{l} \text{Бюджет} \\ \text{номинал} \\ \text{тақчиллиги} \end{array} + \begin{array}{l} \text{йил бошида} \\ \text{давлат} \\ \text{қарзлари} \\ \text{миқдори} \end{array} \times \begin{array}{l} \text{Инфляция} \\ \text{суръати} \end{array}$$

в) бюджет тақчиллигини баҳолашда маҳаллий бюджетларнинг ҳолати (тақчил ёки ортиқчаллиги) ҳисобга олинмайди;

г) давлат бюджети тақчиллигининг расмий даражасини баҳолашда яширинча тақчиллик миқёси ҳисобга олинмайди. Яширинча тақчиллик МБ ҳамда давлат корхоналари ва тижорат банкларнинг квазификация фаолияти орқали келиб чиқади.

Квазификация операциялари жумласига қуйидагилар киради:

- ортиқча бандликка эга бўлган давлат корхоналарини молия-

лаштириш ва банк ссудалари ёки ўзаро қарзларини жамғариш ҳисобига иш ҳақини бозор ставкаларидан юқори тўлаш;

- тижорат банкларда ҳаракатсиз ссудалар катта суммасининг тўпланиши (давлат корхоналарининг кечиктирилган қарз мажбуриятлари, уй хўжаликлари, корхоналарга имтиёзли кредитлардан (дон ва бошқа озик-овқат маҳсулотлари сотиб олишга) кўрилган зарарларни молиялаштириши.

Бюджет яширинча тақчиллиги давлат қарзлари ва бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари мутлоқ миқдори ишончли макроектисодий кўрсаткич бўла олмайди. Бундан ташқари, ЯММ ўсиб бориши билан қарзлар миқдори ҳам ортиб боради. Шу сабабли қарздорликнинг нисбий кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

1) Қарз миқдори

ЯММ

2) Қарз миқдори

Товар ва хизматлар экспорти

} Миллий иқтисодиётнинг олдинги даврда чет эл капиталига оқиб келган боғлиқлик даражаси кўрсаткичлари

3) Тўланган фоиз суммалари

ЯММ

4) Тўланган фоиз суммалари

Товар ва хизматлар экспорти

} Ташқи қарзлар улуши қанчалик катта бўлса, бу кўрсаткичлар ҳам шунчалик юқори бўлади

5) ЯММ

Аҳоли сони

5) ЯММ

Аҳоли сони

} Бу икки кўрсаткични қиёсий таққослаш аҳоли жон бошига ЯММ таркибидаги қарзлар улушини кўрсатади

Барқарор бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари ўсишининг асосий сабаблари:

1. Ҳарбий ҳолатлар вақтида ёки бошқа ижтимоий тангликлар даврида давлат сарфларининг кўпайиши.

2. Иқтисодиётдаги циклик тебранишлар ва инқирозлар:

- сиёсий вазиятлар, жумладан, навбатдаги сайловлар даврида давлат сарфларининг кўпайиши ва солиқ ставкаларининг пасайиши кузатилади.

3. Иқтисодиётни рағбатлантириш мақсадида солиқларнинг қисқартирилиши. Узоқ муддатли истиқболда давлат бюджетига солиқ тушумлари ҳам пасайиши таъминлига эга бўлади. Унинг сабаблари:

- солиқ солишнинг барча тизими турли хил имтиёزلарни ўз ичига олади;

- солиқ йиғимлари, солиқ солишнинг қониқарсиз ташкил қилиниши сабабли камаяди;

- ўтиш даври иқтисодиётида солиқ ажратмалари ишлаб чиқаришнинг анъанавий тармоқларидаги турғунлик ва таназзул туфайли ҳам камаяди.

4. Ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлашга давлат сарфларининг ўсиши.

5. Таълимга ва янги иш жойларини вужудга келтиришга давлат сарфларининг ортиши.

Давлат бюджетининг бирламчи тақчиллиги умумий тақчиллик миқдори ва қарзлар бўйича фоиз тўловлари суммаси ўртасидаги фарқдан иборат. Бирламчи тақчилликни қарзли молиялаштиришда қарзнинг асосий суммаси ва фоиз тўловлари коэффициентлари ортади.

$$BD_{\text{умумий}} = (G_{\text{Давлат хариди}} + N_{\text{Фоиз тўлов}} + F_{\text{Трансферт тўловлари}} - T_{\text{Солиқ тушумлари}})$$

$$BD_{\text{бирламчи}} = (G + F) - T, \quad N = D * R_R,$$

Бунда: D – қарз миқдори;

R_R – фоизнинг реал ставкаси.

Агар фоизнинг реал ставкаси реал ЯММ ўсиш суръатидан ортиб кетса, давлат қарзларининг кўпайиши бошқариб бўлмайдиган даржада бўлади ва бунда реал ЯММ ўсган қисми тўлалигича фоиз тўловларига кетади.

Давлат қарзларининг ЯММдаги нисбатини пасайтириш ижкита шарт-шароитни тақозо қилади:

1) фоизнинг реал ставкаси реал ЯММ ўсиш суръатидан паст бўлиши зарур;

2) бирламчи бюджет ортиқчалигининг ЯММдаги улушнинг ортиши доимий бўлиши зарур;

3) ички бозорда фоиз ставкасининг ўсиши мазкур мамлакат қимматли қоғозларига чет элликлар талабини оширади, бу капитал оқиб киришига ва ташқи қарзлар суммаси ортишига сабаб бўлади.

Ташқи қарзлар бўйича фоиз тўловлари ишлаб чиқарилган реал маҳсулотнинг бир қисмини бошқа мамлакатлар ихтиёрига беришни тақозо қилади ва бу истиқболда миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришини келтириб чиқариши мумкин.

Мамлакат қимматли қоғозларига ўсиб боровчи чет эл талаби уларни сотиб олиш учун зарур бўлган миллий валютага жаҳон талабининг ўсиши билан бирга боради. Натижада миллий валютанинг айирбошлаш курси ўсади, бу экспортнинг камайишини тақозо қилади. Соф экспортнинг қисқариши иқтисодиётга ушлаб турувчи таъсир кўрсатади: экспортга ишловчи ва импорт билан рақобатлашувчи тармоқларда бандлик ва маҳсулот чиқариш ҳажми қисқаради, ишсизлик даражаси ўсади. Соф экспортнинг салбий самараси ҳисобига мамлакат тўлов баланси ҳолати жорий операциялар ҳисоби бўйича ёмонлашади. Шу билан бирга, капитал оқиб кириши ички ресурсларни кўпайтиради ва ички бозорда фоиз ставкаларининг нисбатан пасайишига сабаб бўлади.

Ноқулай савдо баланси билан боғлиқ жорий операциялар ҳисобининг тақчиллиги капиталнинг соф оқими ҳисобига молиялаштирилади.

У қуйидаги кўринишларни ўз ичига олади:

а) халқаро қарзлар. Чет эл давлатлари ХВФ, Жаҳон банки ёки чет эл тижорат банкларининг қарзлари ташқи қарзлар миқдорини кўпайтиради;

б) активларни чет эллик инвесторларга сотиши. Узоқ муддатли активларни сотишдан олинган тушумлар, тўлов балансининг жорий операциялар бўйича тақчиллигини молиялаштириши учун фойдаланилади;

в) мамлакатга ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналарни ташкил қилиш мақсадида чет эл валюталарининг киришини тақозо қилувчи тўғридан-тўғри инвестициялар;

г) захиралардан фойдаланиш. Мамлакат тўлов балансини тар-

тибга солиши учун ўзининг чет эл валюталаридаги захираларининг бир қисмини сарфлаши мумкин.

Давлат ташқи қарзлари чет эл қарзлари ҳисобига кўпайиб, унинг миқдори жорий операциялар ҳисоби тақчиллигидан сезиларли ортиб кетса, тўлов баланси кризиси ва ташқи қарзлар кризисини уйғунлаштириш хавфи вужудга келади. Агар қарз олинган маблағлар миллий иқтисодиётда инвестицион мақсадларда фойдаланмасдан, бошқа мамлакатлардан активлар (ер участкаси ва бошқа кўчмас мулк) сотиб олишга сарфланса, бунда капиталнинг “қочиши” рўй беради.

4. 80-йилларда дунёнинг кўпчилик мамлакатларида ташқи қарзлар кризиси рўй берди. Бунинг асосий сабабдари:

1. Жаҳон ҳўжалигида конъюктураларнинг ёмонлашиши. Бу фоиз реал ставканинг ўсиши, иқтисодий ўсиш суръатининг секинлашиши ва товарларга баҳонинг пасайиши билан боғлиқ.

2. Қарздор мамлакатлар иқтисодиётини қониқарсиз бошқариш. Бюджет тақчиллиги ва миллий валютанинг оширилган курслари бунинг асосий сабабидир.

3. Нотўғри макроиқтисодий сиёсат тижорат банкларнинг ортиқча кредитлари билан молиялаштирилиши.

Ташқи қарзларни қисқартириш механизмлари:

1. Қарзларни сотиб олиш – қарздор мамлакатта ўзларининг қарз мажбуриятларини қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорида сотиб олиш имкониятини бериш.

2. Қарзларни акционер капиталига айирбошлаш – чет эл банкларига мажбуриятларини қарз мажбуриятларини саноат корпорациялари акцияларга айирбошлаш имкониятини бериш.

3. Мажбурият қарз мажбуриятларини янги мажбуриятларга алмаштириш (миллий ёки чет эл валютасида). Бунда янги қимматли қоғозлар бўйича фоиз ставкаси, облигацияларнинг номинал ставкаси сақланиб қолганда эскиларникидан паст бўлиши мумкин.

Камбағал қарздор мамлакатларга расмий кредиторлар (“Париж клуби” аъзолари) томонидан ёрдамнинг турли вариантларидан бирини танлаш таклиф қилинади:

1) қарзни қисман бекор қилиш;

2) қарз мажбуриятларининг фойдаланиш муддатини янада узайтириш;

3) қарзлар бўйича фоиз ставкасини пасайтириш.

Давлат қарзларини самарали бошқариш бюджет-давлат сарфларини бошқариш умумий тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

9.4. Валюта курслари ва унинг ўзгариши


Валюта бозорларида турли хил миллий валюталар маълум нисбатларда бир-бири билан айирбош қилинади.

Валютанинг номинал (айирбошлаш) курси – икки давлат валютасининг нисбий баҳоси, яъни бир валютанинг бошқа бирлигидаги баҳоси. “Валюталарнинг айирбошлаш курси” тушунчаси, одатда, номинал валюта курсини билдиради.

Товар ва хизматлар импортининг кўпайиши чет эл валюта-талабига талабни вужудга келтиради ва чет элликлар учун миллий валюталар таклифини шакллантиради. Чет эл валюталарига ички талабнинг ўсиши мамлакат миллий банкидаги уларнинг захирасини камайтиради.

Сузиб юривчи (ўзгарувчан) валюта курслари тизимида айирбошлаш курси валюталарга талаб ва таклифнинг эркин тебраниши натижасида ўрнатилади. Бу валюта бозорида валютанинг мувозанатли баҳоси бўлиб чиқади.

9.4.1. Валюталарга айирбошлаш курсининг ўрнатилиши



Агар фунт стерлинг таклифи 250 дан 300 млрд. гача кўпайса, айирбошлаш курси 1 ф.ст.га 1,18 доллардан 1,0 долларгача пасаяди. Фунт стерлинг курси пасайиб бориши билан америкаликлар учун Англия товарлари нисбатан арзонлашади ва уни сотиб олиш кўпаяди. Англия экспортининг кўпайиши ф.ст.га талабни оширади – валюта бозорида мувозанатлик А ва В нуктага ўзгаради.

Қайд қилинган валюта курслари тизимида миллий валюталар курси МБ томонидан ўрнатилади. Бунда МБ чет эл валюталарининг ҳар қандай миқдорини ўрнатилган курслар бўйича сотиш ва сотиб олиш мажбуриятини олади.

Одатда МБ макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида миллий валюта курсларининг эркин тебраниш чегарасини ўрнади. Миллий валютанинг баҳоси бу чегаранинг қуйи ёки юқори нуктасига яқинлашганда, МБ валюта интерференциясини ўтказди: қуйи чегарасига яқинлашганда чет эл валюталари ёки олтинга (олтин стандарт амал қилганда) айирбошлаш орқали миллий валюталарни сотиб олади ва аксинча.

Сузиб юрувчи валюта курсларида мувозанатли баҳонинг пасайиши валюталарнинг қадрсизланиши, кўтарилиши эса валюталарнинг қимматлашишига олиб келади. Қайд қилинган валюта курслари амал қилганда, бу жараёнлар мос равишда девольвация ва револьвация сифатида аниқланади. Ҳозирги замон халқаро валюта тизимида сузиб юрувчи ва қайд қилинган курсларни бирлаштирувчи элементлар ҳамда валюталар тебраниш чегараси ҳисоб-китоб валюталари – СДР (SDR) ва ЭКЮ (ECU)га нисбатан ўрнатилади.

Реал валюта курси – икки мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларнинг нисбий баҳоси. Бу курс кўпинча ташқи савдонинг шарт-шароити сифатида аниқланади.

Номинал ва реал айирбошлаш курси боғлиқликнинг қуйидаги кўринишини олади:

$$E_R = E_N \frac{P_d}{P_f}$$

Бунда:

E_R - реал валюта курси;

E_N - номинал валюта курси;

P_d - миллий валюталарда ифодаланган ички баҳолар даражаси (индекси);

P_t - чет эл валюталарида ифодаланган чет элдаги баҳолар даражаси (индекси).

Реал валюта курсларининг ортиши мазкур мамлакат товарларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигининг пасайганлигини билдиради ва аксинча. Буни оддий мисол орқали қуйидагича тунтирамиз.

Фараз қилайлик, 1990 йил товар хизматларнинг маълум бир тўпламини ўз ичига олган истеъмолчилик саватининг баҳоси АҚШда 1000 долл, Германияда 3000 маркани ташкил қилган. Шу даврда баҳо индекси 1, реал валюта 3 га тенг бўлади:

$$E_R \frac{\text{марка}}{\text{доллар}} = 3 (E_N) \frac{\frac{1000 \text{ долл} = 1,0}{1000 \text{ долл}}}{\frac{3000 \text{ долл}}{1000 \text{ долл}}} = 3 \frac{\text{марка}}{\text{доллар}}$$

Бошқача қилиб айтганда, валютанинг номинал ва реал курслари тенг келади. Бунинг маъноси шуки, германияликлар учун ҳам, америкаликлар учун ҳам шу истеъмолчилик саватига кирган товарларни қаердан сотиб олиши фарқсиз бўлади (Германия ёки АҚШдан).

1998 йилга келиб, баҳо даражаси АҚШда 50%га ўсади, Германияда эса ўзгармасдан қолади. Энди худди ўша истеъмол савати АҚШда 1500 долл, Германияда олдингидек 3000 маркани ташкил этади.

$$E_R \frac{\text{марка}}{\text{доллар}} = 3 (E_N) \frac{\frac{1500 \text{ долл} = 1,5}{1000 \text{ долл}}}{\frac{3000 \text{ долл}}{1000 \text{ долл}}} = 4,5 \frac{\text{марка}}{\text{доллар}}$$

Бундай шароитда, германияликлар учун товарларни АҚШда сотиб олиш реал жиҳатдан самарасиз, яъни баҳолардаги фарқ ҳисобга олинганда, улар энди 1 долл. учун 4,5 марка тўлаши зарур (валюта-ни айирбошлашнинг номинал курси олдингидек 1 долл. учун 3 марка бўлган тақдирда ҳам).

Бундай ноқулай шароитда АҚШдан товарларни сотиб олиш қисқаради, Германиядан АҚШга импорт кўпаяди. Натижада АҚШнинг рақобатта бардошлиги пасайиб, унинг товарларга ялпи талаби қисқаради ва бу иқтисодиётга беқарорлаштирувчи таъсир кўрсатади.

Классик концепцияга кўра, узоқ муддатли даврда баҳо даражаси ўзгаришини (P) аниқловчи асосий омиллар қуйидагилар:

M – пул таклифи;

Y – ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми;

K – айланиш (подведенческий) коэффиценти.

Бу омиллар валюталар айирбошланишининг номинал курси ўзгаришини ҳам белгилаб беради.

$$r = \left(\frac{M}{M_f} \right) * \left(\frac{Y_f}{Y} \right) * \left(\frac{K_f}{K} \right)$$

Бунда:

r – чет эл валютасининг миллий валюта бирлигидаги баҳоси.

Тенгликдан кўришиб турибдики, чет эл валютасининг миллий валюта бирлигидаги баҳоси қуйидаги ҳолларда ўсади:

- пул массасининг ўсиш суръати мамлакат ичида чет элдагидан юқори бўлса;

- реал ЯИМ ўсиш суръати мамлакат ичидагидан чет элда юқори бўлса;

- айланиш коэффиценти мамлакат ичидагига қараганда чет элда юқори бўлса.

Айланиш коэффиценти (k) ўзгаришини, ўз навбатида, қуйидаги омиллар белгилаб беради:

- мамлакат ичидаги ва чет элдаги фоизнинг бозор ставкаси ҳамда кўшилаётган инфляция даражаси;

- мамлакатдаги савдо баланси ва жорий операциялар ҳисоби қолдигининг ўзгариши.

Демак, бу омиллар ҳам айланиш коэффициентлари орқали чет эл валютасининг миллий валюта бирлигидаги баҳосига таъсир кўрсатади.

Сузиб юривчи ва қайд қилинган валюта курслари самарадорлигини, уларни қиёсий баҳолаш орқали аниқлаш мумкин.

I. Қайд қилинган валюта курси:

- а) МБ анча катта валюта эҳтиётларига эга бўлганда самарали;
- б) баҳоларнинг шок ҳолати кутилмаганда самарали;
- в) тўлов баланси кризисга учраганда самарасиз;
- г) бу тизимда фискал сиёсий самарадорлиги монетар сиёсатга қараганда нисбатан юқори.

II. Сузиб юривчи валюта курси:

- а) кўп томонлама ташқи савдо муносабатларига, аниқ фискал ва монетар сиёсатига эга бўлган барқарор иқтисодиётда самарали;
- б) гиперинфляция шароитида самарали;
- в) тўлов баланси монетар сиёсатнинг самарадорлиги фискал сиёсатга қараганда нисбатан юқори;
- г) бу тизимда монетар сиёсатнинг самарадорлиги фискал сиёсатга қараганда нисбатан юқори.

Ҳар бир валюта тизимида уларнинг самарадорлиги қисман валютали назорат орқали таъминланади.

Валютали назорат – бу давлат томонидан мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан амалга оширадиган барча битимларини назорат қилишдир. Хусусан, давлат резидентларининг ташқарига сарфлаш учун миллий валютани чет эл валюталарига алмаштириш имкониятини чеклаш мумкин (валюта алмаштиришнинг расмий курсини ўзгартирмасдан).

Асосий таянч тушунчалар

Очиқ иқтисодиёт, тўлов баланси, ташқи савдо, экспорт, импорт, резидентлар, иқтисодий битимлар, инвестициялардан олинadиган соф даромадлар, соф трансферлар, тўлов баланси тақчиллиги ва кризиси, валюта курси.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тўлов баланси нима ва у қандай тузилишга эга?
2. Ташқи савдо нима? “Экспорт” ва “импорт” тушунчалари қандай мазмунга эга?
3. Микроиқтисодий моделда жорий операцияларнинг мазмунини тушунтириб беринг.
4. Соф чет эл активлари нима?
5. Тўлов баланснинг тақчиллиги қандай сабабларга кўра вужудга келади?
6. Макроиқтисодий моделда ташқи савдо моделини изоҳлаб беринг.
7. Валюта курси нима ва унга қандай омиллар таъсир кўрсатади?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т., “Ўзбекистон”, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 1 май.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни, 2002 йил 4 апрель.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 2002 йил 5 апрель.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири), 2003 йил 24 апрель.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни, 2003 йил 25 апрель.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида”ги Қонуни, 2003 йил 11 декабрь.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири), 2003 йил 11 декабрь.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни, (янги таҳрири), 2003 йил 29 август.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш тўғрисида”ги Фармони, 1994 йил 23 август.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлари тўғрисида”ги Фармони, 1996 йил 30 ноябрь.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришни ва уларнинг сармоя билан боғлиқ фаолиятини рағбатлантиришнинг қўшимча чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармони, 1996 йил 13 декабрь.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик ва ўрта тад-

- биркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 1997 йил 31 январь.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 1997 йил 24 апрель.
 18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 1997 йил 18 март.
 19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 1998 йил 2 октябрь.
 20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш Дастури тўғрисида”ги Фармони, 1998 йил 18 март.
 21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоялашда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида”ги Фармони, 1999 йил 13 январь.
 22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2000 йил 21 март.
 23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги Фармони, 2002 йил 25 январь.
 24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пул массасини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2002 йил 30 март.
 25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида”ги Фармони, 2002 йил 20 август.
 26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, 2003 йил 9 декабрь.
 27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини эркинлаштириш ва янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли қарори.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банклардаги депозит ҳисобварақларидан наҳд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида” 2005 йил 5 августдаги ПКҚ-147-сонли қарори.
29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кўп болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 1994 йил 20 июнь.
30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 1999 йил 15 январь.
31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Қарори, 2000 йил 24 март.
32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2000 йил 19 май.
33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қарияларни қадрлаш йили давлат дастури тўғрисида”ги Қарори, 2002 йил 24 январь.
34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2002 йил 25 январь.
35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2002 йил 25 январь.
36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Қарори, 2002 йил 14 февраль.
37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида”ги Қарори, 2002 йил 4 июнь.
38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2002 йил 5 август.

39. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2002 йил 20 август.
40. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келишни тартибга солиш тўғрисида”ги Қарори, 2002 йил 6 май.
41. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2003 йил 13 февраль.
42. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий якунлари тўғрисида”ги Қарори, 2003 йил 17 февраль.
43. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қўмнатли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2003 йил 29 апрель.
44. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2003 йил 2 май.
45. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2003 йил 23 май.
46. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2003 йил 5 август.
47. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига шошилиш тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2003 йил 2 декабрь.
48. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети тўғрисида”ги Қарори, 2003 йил 11 декабрь.
49. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2004-2005

- йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2004 йил 14 январь.
50. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-3434-сонли фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарори, 2004 йил 29 июнь.
51. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2004 йил 9 июль.
52. Вазирлар Маҳкамасининг “Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 4 февралдаги 63-сонли қарори.
53. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т., “Ўзбекистон”, 1995.
54. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. -Т., «Ўзбекистон», 1999.
55. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. -Т., “Ўзбекистон”, 2000.
56. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. //Халқ сўзи, 2002 йил 15 февраль.
57. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. // Халқ сўзи, 2003 йил 18 февраль.
58. Каримов И.А. Мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш. / Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи.// Халқ сўзи, 2004 йил 31 январь.
59. Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш - асосий вазифамиз. // Халқ сўзи, 2004 йил 10 февраль.
60. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т., “Ўзбекистон”, 2005.

61. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
62. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Т.: Ўзбекистон. 2005.
63. И.А.Каримов. Эришилган ютуқларни мустакамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 11 феврал.
64. Абулқосимов Ҳ.П., Худойберганов Н.Г. Иқтисодий дин давлат томонидан тартибга солиш муаммолари. -Т., “Университет”, 1997.
65. Бурда М., Виплош Ч. Макроэкономика. Учебник-2-е изд. Пер. с англ. Под ред. В.В.Лукашевича, К.А.Холодилина.- СПб.: Судостроение, 1998.
66. Ибрагимов М., Казимова Г. Макроэкономика: курс лекций.-Т., АО “Учкун”, 1999.
67. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -Т., “Академия”, 2002. 202 б
68. Максютов А.А. Основы банковского дела. М., Бератор-Пресс, 2003.
69. Макроэкономика. Учеб. пособие для вузов/ под ред. проф. И.П.Николаевой - М., ЮНИТИ-Дана, 2000.
70. Эркаев Б.А., Каримова Г.И., Абулқосимов Ҳ.П. Бозор иқтисодий дин давлат томонидан тартибга солиш воситалари. -Т., “Шарқ”, 1996.
71. Экономическая теория. Учебник /Под общ. Ред. Акад. Видяпина В.И., Добрынина А.И., Журавлёвой Г.П., Тарасевича Л.С. -М., Инфра-М, 2001.
72. Экономическая теория. Учебник для вузов. 9-е издание / Под ред. В.Д.Камаева. - М., “Владос”, 2003.
73. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики: АН РУз, Институт экономики. -Т., “Узбекистан”, 2001.
74. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Пер. с англ. Со 2-го изд. - М., Дело, 2001.
75. Государственное регулирование рыночной экономики. - М. Издательский дом “Путь России”, ЗАО Изд. дом. “Экономическая литература”, 2002.
76. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т., “Фан ва технологиялар Маркази”, 2003. 247 б.
77. “Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депонентлаш тартиби тўғрисида”ги 2005 йил 18 январдаги 1444-сонли Низом.

78. N.Greory Mankiw. Macroeconomics. Fifth edition. Harvard University, Worth Publisers, 2003, 548 p. New York.
79. Dornbush, Rudiger, 1996, "Debt and Monetary Policy issues, "Massachussets institute of Technology, Department of Economics
80. Andrew B.Abel, Ben S.Bernanke. "Macroeconomics" Third Edition, Animhrint of Addison Wesley Longman,Inc.
81. Долан Э.Дж. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. В. Лукашевича и др. Под общ. ред. В. Лукашевича. – М.: 1996.
82. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процентов и денег. Пер. с англ. общ. ред. А.Г.Милейковского и И.М. Осадчей. – М.: "Прогресс", 1978.
83. Харрис Л. Денежная теория: Пер. с англ. /общ. Ред. и вступ. ст. В. М. Усоскина. – М.: Прогресс, 1990.-750с.
84. Мишкин Ф. "Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков". Учебное пособие для студентов вузов, Аспект пресс. Москва, 1999.
85. Гленн Хоггарт. Введение в денежно-кредитную политику. Центр по изучению Банка Англии. Справочники о деятельности ЦБ. №1, май 1996 г.
86. Александр У., Томас Х.Т. Балиньо и др. Непериодическая серия, выпуск 126. Принятие косвенных инструментов денежно-кредитной политики, МВФ, Вашингтон, США июнь 1995г.
87. Шенаев, Наумченко «Центральный банк в процессе денежно-кредитного регулирования» М.: «Ф и С» 1997.
88. Лаврушин О.И. Деньги, кредит и банки: учебник. М.: "Финансы и статистика", 2005.
89. Камаев В.Д. Экономическая теория для вузов. Учебник: 4-е изд. Перерат и доп. – М.: гуманитар. изд. центр. ВЛАДОС, 1999.-640с.
90. Transition report 2005, European Bank for Reconstruction and Develpoment.
91. Ф.М.Муллажанов. Банковская система в годы независимости. Т.: "Узбекистан" 1996 г.
92. Муллажанов Ф.М. Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане. "ЦЭИиС", ЦБРУз. Издательский дом "Мир экономики и права"1998г.
93. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Т.: "Ўзбекистон" 2001.

94. Маликов Т., Эгамов Э. Молия механизми: муаммо ва ечимлар. - Т.: Ўзбекистон, 1991.
95. Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари. - Т: Шарк Нашриёт-Матбаа Концернининг Бош таҳририяти, 1996 й.
96. Тожиев Р.Р., Жумаев Н.Х. Марказий банкнинг монетар сиёсати. Т., 2002.
97. Муллажонов Ф.М. «Республика банк тизими: яқунлар ва истиқболлар». «Бозор, пул ва кредит» №1, 2000.
98. Муллажонов Ф.М. «Республика банк тизими: янги асрга қадам», «Бозор, пул ва кредит» №1, 2001.
99. Муллажонов Ф.М. «Ўзбекистон банк тизими: ривожланиш ва тарққиёт йўлида». «Бозор, пул ва кредит» №8, 2002.
100. Ф.М.Муллажонов «Ўзбекистон банк тизими: эркинлаштириш ва ривожланиш истиқболлари». «Бозор, пул ва кредит» №8, 2003.
101. Муллажонов Ф.М. «Банк тизими - иқтисодий ислохотлар етакчиси. ~~«Бозор, пул ва кредит» №7-8, 2004.~~ — — — — —
102. Муллажонов Ф.М. «Банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш - устувор вазирамиз. «Бозор, пул ва кредит» №10, 2005.
103. Муллажонов Ф.М. «Ўзбекистон: Банк тизими ва ислохот янги сифат босқичида. «Бозор, пул ва кредит» №8, 2005.
104. Муллажонов Ф.М. «Банк тизими мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожини йўлида. «Бозор, пул ва кредит» №8, 2006.
105. Муллажонов Ф.М. «Бош мақсад-барқарор иқтисодиёт ва кучли ижтимоий ҳимоя». «Ўзбекистон овози», 2006 йил 1 август.
106. Муллажонов Ф.М. «Республика Марказий банки: Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига улкан зафарлар билан. «Банк ахборотномаси», 2006 йил, №34-35.
107. Муллажонов Ф.М. «Банк тизими ва ислохот янги сифат босқичида», «Ўзбекистон овози» 2005 йил 28 июл
108. «Монетар сиёсатнинг 2005 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари», «Бозор, пул ва кредит» №3, 2005.
109. «Монетар сиёсатнинг 2006 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари», «Бозор, пул ва кредит» №3, 2006.
110. «Монетар сиёсатнинг 2007 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари», «Бозор, пул ва кредит» №3, 2007.
111. Шомуродов Р.Т. Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатининг билвосита инструментларидан фойдаланиш. Бозор, пул ва кредит, №8, 2001.

112. Шомуродов Р.Т. Инфляцияни пасайтиришда пул-кредит сиёсатининг роли. Жамият ва бошқарув, №3, 2001.
113. Шомуродов Р.Т. Иқтисодий ислохотлар шароитида банк тизими. Жамият ва бошқарув, №4, 2001.
114. Шомуродов Р.Т. Пул-кредит сиёсати инструментларининг моҳияти. Иқтисодиёт ва таълим, №, 3, 2001.
115. Шомуродов Р.Т. Ўзбекистонда амалга оширилаётган пул-кредит сиёсатининг хусусиятлари. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, № 7-8, 2001.
116. Норқобилов С., Шомуродов Р. Пул муомаласини тартибга солишнинг назарий асослари. Бозор, пул ва кредит, №11, 2001.
117. Норқобилов С., Шомуродов Р. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пул муомаласини тартибга солиш механизми. Бозор, пул ва кредит, № 2, 2002.
118. Шомуродов Р.Т. Косвенные инструменты монетарной политики в Узбекистане. Современные аспекты экономики, Ежемесячный журнал, №4 (17) 2002, Санкт-Петербург.
119. Шомуродов Р.Т. Пул-кредит сиёсатининг билвосита инструментларига ўтишда хориж тажрибаси. Бозор, пул ва кредит, №3, 2003.
120. Шомуродов Р.Т. Макроэкономическая стабильность и монетарная политика. Бозор, пул ва кредит, №3, 2003.
121. Шомуродов Р.Т. Талабалар билан мулоқот юқори савияда ўтди. «Банк ахборотномаси» газетаси, №2, 11 январ, 2006 йил.
122. Шомуродов Р.Т. Монетар сиёсатининг моҳияти ва воситалари. «Банк ахборотномаси» газетаси, №19, 28 июль, 2006 йил.
123. Шомуродов Р.Т. Монетар сиёсат самарадорлигини ошириш имкониятлари. Бозор, пул ва кредит, №10, 2006 йил.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| КИРИШ | 3 |
| 1-БОВ. ИҚТИСОДИЁТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН | 4 |
| ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ | 4 |
| 1.1. Бозор ва давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш механизмлари | 7 |
| 1.2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари | 13 |
| 1.3. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишнинг дастаклари | 22 |
| 1.4. Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодий вазибалари | 22 |
| 2-БОВ. МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВАЗИБАЛАРИ | |
| 2.1. Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мазмуни | 26 |
| 2.2. Миллий ҳисобот тизими | 31 |
| 2.3. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш | 33 |
| 3-БОВ. МАКРОИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ | |
| 3.1. Макроиқтисодий барқарорлик ва мувозанатни таъминлашда давлат сиёсатининг ахамияти | 37 |
| 3.2. Макроиқтисодий мувозанатни мустаҳкамлашда хорижий мамлакатлар таъриби | 40 |
| 3.3. Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда давлат сиёсатининг ўрни | 50 |
| 4-БОВ. ИНФЛЯЦИЯ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ ОҚИБАТЛАРИ | |
| 4.1. Инфляциянинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва турлари | 60 |
| 4.2. Давлатнинг инфляцияга қарши чора-тадбирлари | 68 |
| 4.3. Инфляция оқибатлари | 71 |
| 4.4. Ўзбекистон Республикасидаги инфляцион жараёнларнинг хусусиятлари | 77 |
| 5-БОВ. ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ СОЛИҚ-БЮДЖЕТ ВОСИТАЛАРИ | |
| 5.1. Давлат бюджети ва унинг таркиби | 82 |
| 5.2. Солиқларнинг асосий функциялари | 83 |
| 5.3. Ўзбекистонда иқтисодиётни солиқлар ёрдамида тартибга солиш хусусиятлари | 89 |
| 6-БОВ. МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ ВОСИТАЛАРИ ВА МОНЕТАР СИЁСАТ | |
| 6.1. Монетар сиёсатнинг моҳияти, мақсад ва вазибалари | 94 |
| 6.2. Монетар сиёсат воситаларининг моҳияти, турлари ва хусусиятлари | 104 |
| 6.3. Ўзбекистонда монетар сиёсат воситаларидан фойдаланиш хусусиятлари | 112 |
| 7-БОВ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА УНИНГ МОДЕЛЛАРИ | |
| 7.1. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни ва турлари | 126 |
| 7.2. Иқтисодий ўсишнинг кўрсаткичлари ва омиллари | 127 |
| 7.3. Иқтисодий ўсиш моделлари | 132 |
| 8-БОВ. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ | |
| 8.1. Макроиқтисодиётнинг ижтимоий индикаторлари ва макроиқтисодий ижтимоий-иқтисодий муаммолар | 139 |
| 8.2. Даромадларнинг тақсимланиши, ижтимоий ҳимоялаш ва қашшоқлик муаммолари | 152 |
| 8.3. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш муаммолари | 157 |
| 9-БОВ. ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТДА МУВОЗАНАТЛИЛИК ВА ДАВЛАТНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ | |
| 9.1. Тўлов баланси, унинг тузилиши ва тақчиллиги | 164 |
| 9.2. Макроиқтисодий моделда ташқи савдо | 168 |
| 9.3. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари | 171 |
| 9.4. Валюта курслари ва унинг ўзгариши | 177 |
| Адабиётлар | 182 |

ДАВЛАТНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ

(ўқув кўлланмаси)

/Х.П.Абулқосимовнинг илмий тахрири остида/

Akademiya
Тошкент 2006

Мухаррир Т.Соатова
Мусахҳиҳ М.Абдуллаева
Рассом Р.Султонов
Техник муҳаррир Н.Қурбонова
Нашр учун масъуллар Б.умаров, Д.Қобулова

Теришга берилди 02.05.06. Босишга рухсат этилди 22.06.06.
Бичими 84x1081/32. Офсет босма. Шартли босма табағи 12,0.
Нашриёт ҳисоб табағи 15,0.
Адади 500. Баҳоси шартнома асосида.

«Akadem-xizmat» босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 45.